

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
академияси

Ҳасан Абулқосимов

**Иқтисодиётда инсон омили:
шаклланиши, амал қилиши ва
фаоллашуви**



**“Akademiyа” нашриёти
Тошкент – 2006**

65.011.3 - Бўзор илмисофи

Тақризчилар:

Э.Ғ.Набиев, иқтисод фанлари доктори, профессор.

П.З.Хошимов, иқтисод фанлари номзоди, доцент.


Илмий муҳаррир:

М.Л.Турсунхўжаев, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви – Т., Akademiya, 2006.

Ушбу монографияда шаклланаётган бозор иқтисодиёти шариоҳида инсон омилнинг шаклланиши, амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари, муаммолари тадқиқ этилиб, уни фаоллаштиришнинг устувор йўналишлари ўрганилган.

Монография илмий ходимларга, олий ўқув юрғларининг магистратура бўлимларида таҳсил олаётган талабаларга, иқтисодиёт муаммоларига кизикувчиларга мўлжалланган.



10 41500
2

**Абулқосим ва Нуриддинхўжа боболарим,
Ойимгул ва Феруза оналаримнинг
хотираларига бағишланади.**

КИРИШ

Ҳар қандай жаҳиятда инсоният ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларининг тўхтовсиз ўсиб бориши ва уларни қондириш учун зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган механизмлардан қониқмаслик ҳамда турли даражада иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги муаммосига дуч келади. Чекланган иқтисодий ресурслардан тежаб-тергаб, унумли фойдаланиш эса, иқтисодий ўсиш ва самарадорликка эришиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим шартин ҳисобланади.

Албатта, иқтисодий ресурслар таркибида яратиладиган меҳнат самараси бевосита кишиларнинг тадбиркорлик қобилияти ва инсон фаолияти билан боғлиқ. Улар биргаликда умумижтимоий-иқтисодий категория сифатида шаклланиб, инсон омилининг ишлаб чиқаришдаги қобилияти ва хусусиятларини ташкил этади. Ушбу омилларни фаоллаштириш эса, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, шу жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, ишчи кучидан фойдаланиш ни яхшилашга ва жонли меҳнат унумдорлигини оширишга бевосита таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан эса, тадбиркорлик қобилияти ишга солиниб, меҳнат ҳамда капитал ва ер каби иқтисодий ресурсларни комбинациялаш, мувофиқлаштириш, улардан фойдаланишни яхшилаш орқали бевосита таъсир этилади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг инсон омили миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ватанимиз иқтисодий фанида инсон ва шахснинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга XX асрнинг 80-йилларидан эътибор кучайди. Аммо, собиқ тоталитар тузум шароитида кишиларнинг мулкдан ва унинг натижаларидан бегоналаштирилганлиги, меҳнат фаолияти мотивациясининг чекланганлиги, хусусий тадбиркорликка йўл берилмаганлиги инсон омилини фаоллаштиришга имкон бермади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар инсон ва шахснинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ўрнини чуқур мушоҳада, тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Зеро, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик, эркин жамиятни қуришга қаратилган туб демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар инсонни ҳар томонлама камолотга етказишга ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналтирилгандир. «Чунки, - деган эди Президент И.А.Каримов, - ҳаёт бор экан, инсон бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшashi мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади»¹.

Инсонлар ва аҳоли турли ижтимоий тоифаларининг ҳаётини яхшилаш, уларнинг мақсаду манфаатларини ва интилишларини рўёбга чиқариш учун жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш, унинг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини

¹ Каримов И.А. Ёшнинг бош мақсадими - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005. - 12-13-б.

мустаҳкамлаш лозим бўлади. Бу борада Юртбошимиз: «Шу маънода, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим»¹, - дея таъкидлаган эдилар.

Шу билан бирга, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш, кўи жиҳатдан инсонларга, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий фаоллигига узвий боғлиқдир. Шу сабабли, инсон омилининг мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашдаги ролини ошириш ҳамда фаоллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш илмий-амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ута орда 26-б

1 БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИНСОН ОМИЛИ АМАЛ ҚИЛИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Умумижтимоий категория сифатида инсон омилнинг иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари

Тоталитар, қўмондонлик иқтисодиётидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш пароиtida иқтисодий назария фани оддида инсон, шахс омилнинг моҳияти ва ўрни, аҳамиятини янгича талқинда очиб бериш зарурати туғилмоқда. Ҳозирги жаҳон иқтисодий адабиётида ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти иқтисодий ресурс ёки ишлаб чиқариш омиллари сифатида ўрганилади¹. Шунингдек, унда ер тушунчасига ишлаб чиқаришда қўлланиладиган барча турдаги табиий ресурслар киритилади. Ишлаб чиқариш воситалари, яъни хом-ашё, меҳнат қуроллари, бино-иншоотлар ва ҳ.к., капитал ҳисобланади. Меҳнат тушунчаси кенг маънода ишлатилиб, у инсон билан боғлиқ тушунчаларни, шу жумладан, унинг барча жисмоний ва ақлий қобилиятлари йиғиндисини ҳам ўз ичига олади. Тадбиркорлик қобилияти эса инсоннинг хўжалик фаолиятини, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда бошқа иқтисодий ресурс ва омилларни қўллашни уйғулаштириш билан боғлиқ бўлган алоҳида қобилияти, таланти ва кўникмаларини ифодалайди.

Таъкидлаш жоизки, айрим адабиётларда меҳнат ресурси инсон ёки кишилар ресурси деб ҳам юритилмоқда. Меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти тушунчалари эса бир-бирига жуда яқин мазмунга эга деб асосланмоқда. С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар капитал ва ер ресурсларини моддий бойликлар қаторига

¹ Қаранг: Макконнелл К.Р., Брю С.А. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: пер. с англ. 11 изд. Т.1.-М.: Республика, 1992. -С.37; Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: пер. с англ. со 2-го изд.-М.: "Дело ЛТД", 1995. -С.22; Улдасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назарияси: Нонқтисодий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. -Т., Меҳнат, 1995 - 86 б.

кўшиб, уларни ишлаб чиқаришнинг ашёвий омиллари деб аташади¹. К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюлар эса иқтисодий ресурсларни моддий ва киши ресурслари гуруҳларига бўлишади. Моддий ресурсларга ер ва капитал, киши ресурсларига эса меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти киритилади². Фикримизча ишлаб чиқариш омилларини ҳам мазмун-моҳиятига кўра моддий ашёвий ва инсон омили гуруҳларига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ (қаранг: 1.1.1-чизма).

1.1.1-чизма.

Ишлаб чиқариш омиллари³



Меҳнат тушунчасининг ҳам ресурс, ҳам омил сифагида қўлланилиши ва моҳиятининг турлича тавсифланиши аниқлик киритилишини тақозо этади. Фикримизча унга, иқтисодий фанда маълум бўлган тушунча ва категориялар моҳияти асосида ушбу ноаниқликларга тузатиш киритиш

¹ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: пер. с англ. со 2-го изд.-М., "Дело ЛТД", 1995 - С.323.

² Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: пер. с англ. 11 изд., Т.1.-М., Республика, 1992 - С.37.

³ Муаллиф томонидан тузилган.

мумкин. Анна шулардан келиб чикиб айтиш мумкинки, демак меҳнат ўз-ўзича ресурс ёки ишлаб чиқариш омили бўла олмас экан.

Меҳнат инсон ва табиат ўртасида содир бўладиган жараён бўлиб, бу жараёнда инсон табиатга меҳнат воситалари орқали онгли ва мақсадли таъсир кўрсатиб, ундаги нарсаларни ўз истеъмолига мослаштиришга интилади. Меҳнат ёки инсон ресурси деган термин эса миллий иқтисодий адабиётларда иқтисодий категория ва статистик ҳисоб кўрсаткичи сифатида қўлланилади.

Иқтисодий категория сифатида меҳнат ресурслари ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан белгиланган шароитларига мувофиқ жисмоний ва интеллектуал меҳнат қобилиятларига эга бўлган аҳоли юзасидан бўладиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Статистик - ҳисоб кўрсаткичи сифатида ушбу тушунча ёшидан қатъий назар ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолини ва шунингдек, унда банд бўлмаган меҳнат қобилиятига эга ишчи ёшидаги аҳолини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат ресурси деганда меҳнат қобилиятига эга аҳоли ва иқтисодиётда банд бўлган ишчи ёшидан ўтган ва ундан кичик ёшдагилар тушунилади. Шу ўринда, айтиш жоизки, чет эл иқтисодий адабиётида меҳнат ресурси тушунчасининг синоними сифатида "киши ресурслари" ва "ишчи кучи" тушунчалари қўлланилади.

Бизнингча, ресурс тушунчаси ишлаб чиқариш имкониятини ташкил этиб, бевосита унга жалб қилингандагина омилга айланади. Шу боисдан, меҳнат ресурслари инсон, шахс имкониятига боқиб бўлиб, у ишлаб чиқаришга жалб қилингандагина омилга айланади.

Иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқаришнинг инсон, шахс билан боғлиқ омилларининг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари тўғрисида ҳам мунозаралар мавжуд. Айрим ишларда ушбу омиллар инсон (меҳнат) омили деб талқин

қилинади. Унинг мазмунини ёлланма ходимлар ва уларнинг ишчи кучи билан тавсифлайдилар¹. Бу ерда инсон омили ёлланма ходим тушунчаси билан айтиб беришда талқин қилиниб, унинг мазмунини торайтиради. Бошқа бир ишларда эса бу омил шахсий-инсоний омил сифатида талқин қилинади².

Бизнингча, инсон омили ва шахсий-инсоний омил категориялари бир-бири билан боғлиқ ва айнан бир мазмунга эга бўлган тушунчалардир. Таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришда инсон омилининг моҳияти ва ролини унинг умумижтимоий категория сифатидаги мазмунини тушунгандагина англаш мумкин. Шу боисдан инсон омили тушунчасини ижтимоий-иқтисодий тараққиётга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Демак, фикримизча, "инсон омилининг" моҳиятини англаш учун инсон тушунчасининг мазмунини аниқлаш лозим. Собиқ Иттифоқдаги ва ҳозирги МДХдаги олимларнинг инсон ва инсон омили масалаларига бағишланган илмий ишларида инсон ижтимоий муносабатлар мажмуасининг йиғиндиси ва умумий кўриниши сифатида таърифланади, яъни унга фақат ижтимоий-иқтисодий воқелик сифатида қаралади. Шу сабабли, бу ерда табиатни инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги ролига эътибор берилмайди. Ваҳоланки, жамият табиат билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тақозо этади. Демак жамият мавжуд бўлган тақдирдагина барча даврларда табиатнинг инсон билан биргалиқдаги диалектик бирлиги амал қилади. Зерот табиат - жамиятнинг асосидир. Инсон эса табиатнинг объекти ва субъекти ҳисобланади. Объект сифатида инсон табиатнинг ўзига таъсирини ҳис этади, субъект сифатида атроф-

¹ Матвеев В.Г. Основы экономических знаний. Учебное пособие. -Т., Шарқ, 1996. -С.10

² Қаранг: Улмасов А., Шарифхўжаев М., Иқтисодий назарияси: Нонқтисодий ўқув юрлари талабалари учун дарслик. -Т., Меҳнат, 1995. 36-б.; Улмасов А. Иқтисодий асослари. Ўқув қўлланма. -Т., Меҳнат, 1997. 10-б.

муҳитта таъсир кўрсатиб уни ижобий ёки салбий томонга ўзгартиришга олиб келади. Бироқ баъзи кўпгина ҳолларда инсоннинг табиатга таъсири учун инсониятни ҳалокатга олиб келиш мумкин. Инсон ҳаёт фаолияти қулай кечиши учун табиатга таъсир ўтказиш эмас, балки унинг шарт-шароитларига мослашиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон жамиятнинг шу жумладан, ижтимоий муносабатларининг ҳам субъекти ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларнинг етуклик даражаси инсон иқтисодий фаолиятининг у ёки бу турига кириш турлари ва усулларини белгилаб беради. Юқоридагиларда ҳулоса чиқариб, инсонга шундай таъриф бериш мумкин: инсон табиат қонунлари ва ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти табиий-биологик мавжудот ва ижтимоий воқелик бўлиб у ўз ҳаёт фаолиятини табиат ва жамият билан диалектик боғлиқликда олиб боради. Бу эса инсон омилининг таърифи инсон моҳияти асосида берилиши лозимлигини аёнлатади.

Шунинг учун инсон омилини умумижтимоий тараққиёт, шу жумладан, ижтимоий ишлаб чиқариш омили деб ҳисоблаш мумкин. Лекин баъзи бир иқтисодчилар инсон омилини ижтимоий тараққиётнинг эмас, балки фақат ишлаб чиқаришнинг омили деб ҳисоблайдилар. Масалан, И.И. Мысляева инсон омили ишлаб чиқариш муносабатлари субъекти бўлган ва барча инсоний қобилиятлар, эҳтиёжлар, манфаатларни ўзида мужассамлаштирган аниқ (конкрет) кишилар фаолиятини ифодалайди деб таърифлайди¹.

Бизнингча, агарда инсонни фақатгина ишлаб чиқариш муносабатларини ифодаловчи деб қарасак, унда гап унинг иқтисодий муносабатлар юзага келтирган хусусиятлари, қобилияти, талаб ва манфаатлари ҳақида боради, булар эса ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарурий ҳисобланади. Бу ҳолда инсон омили ишлаб чиқариш омили

¹ Мысляева И.И. Человеческий фактор: полигэкономический аспект. — М., Экономика, 1989. — С. 19.

бўлиб ҳисобланади. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон омили - ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг ҳам омилидир.

В.М.Шепелев фикрига кўра инсон омили индивиднинг ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида фаолият кўрсатишини ифодаловчи махсус тушунчадир¹.

Инсонни ишлаб чиқариш муносабатларининг объекти ва субъекти сифатида ишлаб чиқариш омилигина деб ҳисоблаш унинг кенг қамровли моҳиятини тор маънода тушунишга олиб келади. Аслида инсон ҳаёт фаолияти соҳалари кўп қиррали бўлиб, ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолияти унинг фақат бир қисми ҳисобланади холос. Инсоннинг ўзи ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асоси ва мақсади бўлиб, табиат ва жамиятдаги шу жумладан, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча ўзгаришлар унга таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида инсон қобилияти, хусусиятида ўзгаришлар юз беради. Инсон қобилияти ва хусусиятидаги ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, маърифий омилар сифатида табиат ҳамда жамиятга қайта таъсир кўрсатади.

Демак, бизнингча, юқоридагилардан келиб чиқиб, инсон омили деганда инсондаги миқдор ва сифат ўзгаришларини ўзида ифодалаган ҳолда, табиат билан жамият ўртасидаги диалектик боғлиқлик асосида ўз ҳаёт фаолиятини ташкил этадиган, ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказадиган инсоний хусусият, қобилият ва муносабатлар йиғиндиси деб тушуниш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон омили умумий ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан, жамият аъзоларининг барчасига, иқтисодиёт соҳасида эса фақат ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этувчиларгагина тааллуқлидир. Ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон фаолияти моддий

¹ Обновления производственных отношений и активизация человеческого фактора. Под ред. чл. коор. АН РУз. А.Х.Хикматов - Т., Фан 1992. - С.24.

омилнинг ривожланиш даражасига, инсоннинг жамиятдаги ўрнини аниқлаб берувчи мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимининг ҳолатига боғлиқ¹. Инсоннинг ривожланиши ва шахс сифатида намоён бўлиши натижасида, ишлаб чиқаришнинг ушбу омили такомиллашиб, сифат жиҳатдан янгилашиб боради.

Иқтисодий адабиётларда инсон омили ва ишчи кучи айнан бир хил тушунча сифатида талқин этилади². Бизнинг назаримизда улар айнан бир хил мазмунни ифодаламайди. Иқтисодий адабиётларда ишчи кучи инсоннинг меҳнат қилиш, жисмоний ва ақлий қобилиятлари йиғиндиси сифатида таърифланади. Чет эл адабиётларида эса Ушбу атама фақат меҳнат қилиш қобилиятини ўз ичига оладиган тушунча сифатида таърифланади³. Уларда ишчи кучи меҳнат ресурси, меҳнатга лаёқатли аҳоли тушунчаларининг синоними сифатида қўлланилиб, бир хил мазмунни ифодалайди.

Ишчи кучини инсон омили билан айнан бир хил маънода тушуниш тўғри эмас. Бунда инсондаги ишчи кучини ташкил этувчи жисмоний ва ақлий қобилиятлар унинг бошқа интеллектуал, тадбиркорлик қобилияти, маънавий сифати, талаби, эҳтиёжи, кайфияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кўриб чиқилади.

Фикримизча, инсон омили ишчи кучига нисбатан кенгроқ мазмунни ўзида акс эттиради. Чунки инсон ишчи кучидан ташқари, тадбиркорлик қобилияти, маънавий, руҳий кучга ҳам эга бўлиб, уларни реализация қилади ҳамда такрор ишлаб чиқаради. Инсон руҳияти, маънавияти, эҳтиёжларини қондириш зарурияти уни меҳнатга, ишчи

¹ Қўранг: Абулкасимов Х.П. Личный фактор в перестройке экономики. -Т., Ўзбекистон, 1990. -С.20.; Абулкасимов Х.П. Проблемы формирования, функционирования и активизации личного фактора общественного производства в условиях перехода к экономике. -Т., Ушверситети, 1999. -С.9-10.

² Қўранг: Ҳамасов А. Иқтисодий асослари. Уқув қўлланма. -Т., Меҳнат, 1997. 14-б.; Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодий назарияси. Маърузалар матни. -Т., 2000. 26-б.

³ Қўранг: Дорйбуш Р., Фишер С. Макроэкономика. // шер с авта. -М., изд-во МГУ: ИНФРА-М., 1997. -С.534.

кучи билан бирга тадбиркорлик қобилиятини ишга солишга ундайди.

Демак, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий ишлаб чиқариш омили унда банд бўлган ишчи кучига ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган шахс ҳисобланади. Улар ёлланма ишчи, муҳандис-техник хизматчи, деҳқон, ва фермер, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар ва тадбиркорлардан иборатдир. Улар иқтисодиётда иш билан банд бўлган ишловчи ходим сифатида инсон омилини ташкил этади. Фикримизча категория сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг инсон омили тушунчаси кишиларнинг ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятларидан ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш ҳамда уларнинг такрор ишлаб чиқариш юзасидан бўладиган муносабатларини ифодалайди.

Умуман олганда, иқтисодиётнинг инсон омили иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи инсондир. Бу маънода ишловчи одам ишлаб чиқаришнинг инсон омили сифатида иқтисодий одамни ифодалайди. "Иқтисодий одам" концепцияси биринчи бўлиб, инглиз сиёсий иқтисод асосчиларидан бири - Адам Смит томонидан яратилган. Унинг фикрига кўра, "иқтисодий одам" шахсий манфаати ва эгоистик мақсади йўлида ҳаракат қилиб, ўз турмуш тарзини яхшилашга мутғасил интилади. Шу боисдан, инсон бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотининг қиймати юқори бўлган ва кўп фойда келтирадиган фаолият турини, соҳасини танлашга ҳаракат қилади. Фақатгина "кўзга кўринмас қўл", яъни эркин рақобат, бозор қонунларигина турли мақсадларда фаолият юритувчи эгоистларни тарғибга солинган тизимга бирлаштиради. Шу боисдан "иқтисодий одам" ўз

манфаатини кўзлагани ҳолда аслида жамият манфаати учун ҳаракат қилади¹.

Ж.Бентамнинг инсон табиати концепциясига кўра инсон хатти-ҳаракатининг мақсади фаровонликка эришиш бўлиб, у маълум вақт ичида олган роҳат-фароватини унга эришиш йўлидаги азоб-уқубатлари ва харажатлари билан таққослайди. Ушбу концепцияда инсон ҳаракатининг универсаллиги, геонизмга мойиллиги, яъни барча меҳнат мотивларининг фаровонликка эришишга йўналтирилганлиги, кишининг ҳисобли рационализмга, яъни барча хатти-ҳаракатини ҳисоб-китоб қилиш, режалаштириш қобилиятига эга эканлигига асосланган².

Маржиналистлар Бентамнинг "рационал гедонист" моделини ривожлантириб, "оптимизатор инсон" концепциясини яратдилар. Оптимизатор инсоннинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) кўпроқ наф ёки фойда олишга ва камроқ харажат қилиш, қийинчиликларни камайтиришга интилиш;

2) шахсий афзалликлар тизимини маълум вақт мобайнида ўзгартирмаслик ва ташқи шароитларга ҳамда ўзгаларга боғлиқ бўлмаслик;

3) мақсадларни амалга ошириш воситалари билан таққослаш, уларнинг оптимал вариантини танлаш қобилиятига эгалик;

4) оптимал вариантни топишга имкон берувчи ахборотга ва хатосиз олдиндан кўра билиш қобилиятига эгалик;

5) ташқи шароитларнинг ўзгаришига мослашувчанлик³.

Ушбу "иқтисодий одам" моделига кўра шахс маълум чеклашлар доирасида (улар ичида пул даромадларининг чекланганлиги асосий ҳисобланади) бутун хатти-ҳаракатини нафшликни максималлаштиришга қаратади. Бу жараёнда

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М., Соцэкгиз, 1962. - С.330-335.

² Экономическая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений. // Колл. Авт.: К.Абдурахманов и др. / - Т., Шарқ, 1999. - С.163-164.

³ Ушбу ерда, С.164.

инсон рационал ҳаракат қилиб, харажатларни минималлаштиришга, максимал натижага эришишга интилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон кўзлаган иқтисодий натижа, наф - эҳтиёжнинг қондирилиши, фаровонлик, даромад олиш демакдир.

Инсон ўз хатти-ҳаракатида кўзлаган мақсад ва хоҳиш-истакларини аҳамиятига кўра бирламчи, иккиламчи даражаларга ажратади. Шунингдек, уларни амалга ошириш жараёнида чекланган иқтисодий ресурс ва имкониятлардан фойдаланишнинг муқобил усуларини танлашга мажбур бўлади.

Шундай қилиб бозор иқтисодиёти шароитида рақобат курашида рационал ҳаракат қилган кимсагина ютади. Кимки нораціонал фаолият юритса, бу курашда мағлуб бўлади¹. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг рационал фаолият юритилиб пухта қарор қабул қилинадиган соҳаларида иқтисодий назария жараёнлари истиқболини аниқлаш салоҳияти ҳам юқори бўлади².

Иқтисодий адабиётда инсон хатти-ҳаракати рационаллигининг тўлиқ, чекланган ва органик шакллари ажратиб кўрсатилади. Америкалик иқтисодчи олим О.Уильямсон ушбу рационаллик шаклларини кучли, ўртача (ярим кучли) ва кучсиз сифатида тавсифлайди³.

Тўлиқ рационаллик назарий мулоҳадага асосланган бўлиб, инсоннинг барча ахборот ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, харажатларни минималлаштиришга ёа максимум натижага эришишини ифодалайди. Аммо реал ҳаётда тўлиқ рационаллик камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Чекланган (яъни ўртача, кучли бўлмаган) рационаллик инсоннинг тўлиқ ахборотга ва имкониятга эга бўлмагани

¹ Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. - М., "Дело ЛТД", 1997. - С.37.

² Хейне П. Экономический образ мышления. Пер с англ., - М., изд-во "Нолати" при участии "Catalaxy", 1991. - С.444.

³ Курс экономической теории: учебник - 4-е доп. и пер. изд., - Киров: "АСА", 1999 - С.20-22.

ҳолда ўз эҳтиёжларини қондиришнинг ҳамда манфаатларини рўёбга чиқаришнинг қониқарли, бирмунча яхшироқ натижаларга эришишига интилишини ифодалайди.

Органик (яъни кучсиз) рационаллик эса кишиларнинг формал ва ноформал хатти-ҳаракат қоидаларига риоя қилишлари шартлигини ифодалайди. Кишиларнинг рационал танлови, имкониятлари, хатти-ҳаракати ҳуқуқий чеклашлар, ахлоқ-одоб, анъаналар меъёрлари билан тартибга солинади ва чекланади. Шу боисдан инсонларнинг иқтисодий хатти-ҳаракати меҳнат фаолияти мотивациясининг ноиқтисодий компоненталари таъсирида ҳам қийинлашади, яъни чекланади¹. Улар жумласига эса кишиларнинг маънавий бойлиги ёки қашшоқлиги, диний, ғоявий қарашлари киради. Кишилар ушбу чеклашлар доирасида ҳам рационал ҳаракат қилиб, ўз харажатларини минималлаштириб, кўзланган нафлиликни максималлаштиришга интиладилар.

Инсоннинг чекланган ва органик рационалиги тўғрисидаги қарашлар институционализм ҳамда тарихий мактаб иқтисодий оқимларига ҳам хосдир. Ушбу оқим доирасида яратилган инсон моделларига биноан унинг хатти-ҳаракати мураккаб бўлиб, шахсий нафлиликни максималлаштириш, моддий неъмат ва пул даромадлари олишга интилиш билан чекланмайди. Улар билан бир қаторда психологик характердаги элементлар, яъни одат, анъанага риоя қилиш, диний, маънавий хусусиятлар, жамоатчиликда юксак обрўга ва мавқега эга бўлиш каби рағбатлар инсоннинг хатти-ҳаракатига, танловига таъсир кўрсатади².

¹ Қаранг: Саймон Г. Рациональность как процесс и продукт мышления. - М., THESIS, 1993. Т.1. Вып.3. - С.17; Уильямсон О. Экономические институты капитализма. СПб. Лениздат, 1996. - С.96; Хайек Ф. Пагубная самоуверенность. - М., "Дело ЛТА", 1992. - С.53.


² Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. - М., "Дело ЛТА", 1997. - С.37.

Инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнснинг фикрига кўра, бозор ҳолати тўғрисидаги ахборотларнинг номуқаммаллиги ёки уларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида кишиларда талаб ва таклифдаги ўзгаришларни кутиш, тахминлар қилиш кучаяди. Ушбу омилар эса кишилар фаолиятига салбий таъсир кўрсагади. Бундай шароитда хўжалик юритувчи шахслар фақат эркин рақобат механизми орқали ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Шу боисдан мустақил шахслар ўзларининг эгоистик манфаатларини рўёбга чиқариш учун бир гуруҳга бирлашиб ҳаракат қилишга мажбур бўладилар. Бунинг оқибатида уларнинг умумий гуруҳий манфаатлари ҳам юзага келади. Лекин турли гуруҳ мақсадлари ўртасида зиддиятлар ҳам вужудга келиши табиий. Уларни мувозанатга келтириш учун Кейнснинг фикрича, давлат кишиларнинг иқтисодий муносабатларига аралашиб, уларни тартибга солади¹.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланган мамлакатларда инсон омилидан яшлаб чиқаришда кенг фойдаланишга қаратилган «инсоний муносабатлар» назарияси вужудга келди. Бу назария асосчиси Э.Мейо ва унинг тарафдорлари Ф.Тейлорнинг меҳнат интенсивлигини ниҳоятда юқори даражага кўтариш орқали ишлаб чиқаришнинг юқори натижаларига эришишга қаратилган меҳнатни ташкил этиш назариясини инсон омилига етарли эътибор берилмаганлиги учун танқид қилдилар. Шунингдек, бу назарияда кишиларнинг ҳис-туйғулари, орзу-истаклари, кайфияти, эътиқоди, жисмоний ва руҳий ҳолати, манфаати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш воситаси эканлиги асослаб берилган².

¹ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. - М., "Иностранная литература", 1948. - С.363-364.

² Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олин уқун юртлари учун дарслик. -Т., «Меҳнат», 2004. -125-б.



Инсон омилини фаоллаштиришга қаратилган «меҳнатни инсонийлаштириш» назарияси XX асрнинг 70-йилларида ривожланган мамлакатларда кенг тарқалди. Унга кўра ишлаб чиқаришга киритиладиган янгиликлар ишловчилар меҳнат шароитини яхшилашга, меҳнатнинг мазмунини ўзгартиришга, иш жойлари ва қўлланиладиган асбоб-ускуналар инсон учун қулай шароитлар яратишга йўналтирилиши керак.

Ҳозирги даврда «меҳнат ҳаётининг сифати» назарияси ҳам ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Ушбу назарияда инсоннинг ақлий ва жисмоний ривожланиши, меҳнат жараёнларини инсонийлаштириш, ишловчиларнинг ўз фаолиятдан ижтимоий жиҳатдан мамнунлигини таъминлаш орқали юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришиш мумкинлиги асослаб берилган¹.

Ривожланган мамлакатларда ушбу назариялар асосида инсон омилидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Шу боисдан мазкур мамлакатлар аҳолиси даромадлари паст ва ўртача ривожланган мамлакатлар аҳолисиникига нисбатан тез ўсиб бормоқда. XX аср бошида (1913 йилда) дунё аҳолисининг энг бой мамлакатларида истиқомат қиладиган бешдан бир қисмига тегишли давлат билан энг қашшоқ мамлакатларда яшовчи бешдан бир қисмига тегишли бойлик орасидаги нисбат 11:1 ни ташкил этган бўлса, 1960 йилда ушбу фарқ 30:1 нисбатгача 1990 йилга келиб 60:1 нисбатгача, 1997 йилда эса 74:1 нисбатгача ўсди².

Инсон омилидан унумли фойдаланиш айниқса Японияда яқини йўлга қўйилган. У ерда меҳнат муносабатларининг ўзига хос менталитети шаклланган бўлиб, у японларга хос миллий хусусиятлар билан узвий боғланиб кетган Япон меҳнат менталитетига хос хусусиятларга меҳнатсеварлик, гўзалликни ҳис этиш, анъаналарга узвий ва чамбарчас

¹ Уша ерда 125-126-б.

² Инсон тараққиёти тўғрисида маълумот. Ўзбекистон 2000. Т. 2001. 7-8-б.

боғланганлик, амалиётга мойиллик, юқори интизом, раҳбарга содиқлик, бурч туйғуси, гуруҳ бўлиб ишлаш, мулойимлик, хушмуомалалик, пухталиқ, эҳтиёткорлик, тежамкорлик ва орасталиқ каби хусусиятлар киради. Ҳозирги даврда ушбу мамлакатда меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат муносабатлари японларга хос мазкур миллий хусусиятлардан унумли фойдаланишга асосланади.

Шу боисдан инсон омилидан унумли фойдаланишга асосланган меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат муносабатлари иш билан таъминланган ходимнинг маълум корхонага қатъий бириктирилганлиги, унга мослашиши, самарадорликни оширишда корхона раҳбари билан шерикчилик ва ҳамкорликни таъминлашга йўналтирилгандир¹. Шунингдек, ташкилот ва муассаса, корхонада раҳбар томонидан умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган раҳбар ва хизматчи (ишчи)лар ўртасида бирдамлик ва ҳамкорлик муҳити «Оябун-Кобун» тизими асосида яратилган. Бунда «Оя» - ота, «Ко» - бола мазмунини ифодалайди. Ушбу тизимда раҳбар ва ишчи-хизматчилар ўртасида ўзаро ота-бола, қариндошлиқ, оилавий бардамлик муносабатлари шаклланади. Корхона фақат ўз ходимигагина эмас, балки унинг оиласига ҳам қулай яшаш ва ишлаш, ўқиш шароитларини яратишга ҳаракат қилади². Ўз навбатида ходимлар, ишчилар корхона равнақи ва унинг фаолият самарадорлигини ошириш учун бор қобилиятларини, билим, тажриба, куч-ғайратини сарфлашга интилади. Оқибатда инсон омили юқори фаолликка эришиб, ундан самарали ва унумли фойдаланилади.

Бу маълумотлар ривожланган мамлакатларда меҳнатни, ишлаб чиқаришни инсонийлаштириш, иш берувчи билан ёлланма ишчи, ходимлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик,

¹ Умурақов Б., Раҳимов М. Меҳнат муносабатлари ва менталитет / Маъсул муҳаррир Қ. Абдураҳмонов. -Т., Ҷанекистон, 2005. - 29-б.

² Қарапг: Уша ерде. 30-32-б.

яъни бирдамлик муносабатларининг шакланганлиги, инсон омилидан кенг фойдаланилаётганлиги учун аҳоли турмуш даражасининг юқори суръатларда ўсиб бораётганидан далолат беради. Бунинг натижасида ушбу мамлакатларда ўртаҳол аҳоли қатлами кўпайиб, кенгайиб бормоқда. Шунинг учун уларда ижтимоий ларзаларсиз, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт юз бермоқда.

Ўзбекистонда ҳам инсоний тавсифга асосланган меҳнат муносабатларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни инсонийлаштириш ва инсон омилидан фойдаланишга, уни фаоллаштиришга эътиборни кучайтириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш муҳим долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, маъмурий-буйруқбозлик бошқарувига асосланган собиқ тоталитар иқтисодий тизими шароитида, совет "иқтисодий одам" модели ҳам мавжуд бўлган¹. Бу модел инсоннинг маъмурий-буйруқбозлик хўжалик тизимидаги фаолиятини ифодалайди. Ушбу моделда инсон ўзи ва жамият (ҳақиқатда эса давлат) учун икки хил мақсад билан фаолият кўрсатади. Бу тизимда ҳар бир иқтисодий одам ижтимоий мулк эгаси ҳисоблангани ҳолда, аслида мулкдан маҳрум қилинганди. Умумхалқ ва колхоз-кооператив мулки амалда давлат томонидан бошқарилиб, эгасиз мулк бўлиб қолган эди. Иқтисодий ресурслар ва кишиларнинг меҳнат натижалари давлат томонидан тақсимланади.

Бунда тенг тақсимлаш тамойили амал қиларди. Унга кўра турли ижтимоий табақа ва соҳа ходимларининг иш ҳақи даражаларини тенглаштириш сиёсати юритилган. Малакали ва малакасиз, мураккаб ва оддий меҳнат учун тўланадиган иш ҳақлари ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас эди. Шу сабабли, кишиларда камроқ меҳнат қилиб, меҳнат учун эмас, балки иш жойини эгаллаб турганлик

¹ Курс экономической теории: учебник - 4-е доп. и пер. изд. - Киров: АСА, 1999. - С. 24.

учун қатъий белгиланган, кафолатланган иш ҳақи олишни кутиш ҳисси устун эди. Уларга давлат иш жойини ва иш ҳақини, яшаш кафолатларини таъминлаши керак, деган боқимандалик кайфияти сингдирилган эди. Шунинг учун ҳам шахсий фаровонликни таъминлаш мақсадида давлат мулкани талон-тарож, ташмачилик қилиш ҳоллари ҳам юз берар эди. Давлат учун меҳнат қилиш шу боисдан ҳам самарасиз бўлиб, кишиларда меҳнатта қизиқиш суст эди.

Бу даврда кишилар фақат ўз ёрдамчи томорқа хўжаликларидагина унумли меҳнат қилиб, даромад ва наф олар эдилар. Шу боисдан тоталитар тизими шароитида кишиларнинг ўзи ва давлат учун меҳнати ўртасида зиддият мавжуд эди. Инсон ўзи учун меҳнатни, ўз манфаатини давлат манфаатидан, унинг учун меҳнатдан устун қўяди. Бунинг оқибатида унинг ижтимоий хўжаликдаги фаолиятида боқимандалик, иштиёқсизлик, хўжасизлик, масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқиш ва хўжалик фаолиятининг пировард натижаларига бефарқлик каби хусусиятлар устувор эди.

Бу кайфият ва хусусиятлар ўтиш даври иқтисодиёти шароитида ҳам бир мунча вақт сақланиб қолади. Табиийки бу даврда бозор муносабатлари ва кишилардаги янгича иқтисодий фикрлаш, тафаккур тарзи узоқ давр мобайнида босқичма-босқич шаклланиб боради. Ўтиш иқтисодиётида ва жойлардаги давлат бошқаруви органларида сақланиб қолган тўрачилик, расмиятчилик, маъмурий-буйруқбозлик усуллари айрим раҳбарларда профессионал малака, бозор шароитида ишлаш кўникмаларининг йўқлиги ислоҳотлар жараёнига, кишиларда ҳақиқий хўжайинлик, ўзининг ишлаб чиқариш воситаларига, маҳсулотига эгалик туйғусининг шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Бу тўсиқлар, айниқса кишиларнинг энг муҳим иқтисодий фаолият тури бўлган хусусий бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига салбий таъсир

кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "... бугун хусусий тадбиркорларнинг ўзига жуда қийинчилик билан йўл очаётгани, бозордан ўз ўрнини эгаллашда аксарият ҳолларда давлат идораларидаги амалдорлар ва бюрократларнинг лоқайдлигига дуч келаётгани бизни ташвишлантиради"¹, - деб таъкидлаганлар.

Эндиликда иқтисодий эркинлаштириш асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш вазифаси кўндаланг қўйилган. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши оқибатида ўтиш иқтисодий шароитида иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмлари учун кўпроқ эркинлик берилади.

Шунинг учун кишиларнинг ўз иқтисодий ҳақиқатини рационаллаштиришга, оптималлаштиришга интилиши кучиб улардаги боқимандалик, иштиёқсизлик, хўжакўрсинга ишлаш қайфиятлари барҳам топиб боради. Шунингдек, уларда янгича иқтисодий тафаккур, меҳнат фаолиятининг бозорга хос мотивацияси шакллана боради. Оқибатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда инсон омилининг роли ва аҳамияти ортиб боради.

Инсон омили амалда инсоннинг иқтисодий фаолияти учун зарур бўлган турли қобилиятлари, кучлари сифатида, турли ижтимоий-иқтисодий шаклларда намоён бўлади. Шунга кўра у ижтимоий ишлаб чиқаришга хилма-хил шакл ва усулларда таъсир кўрсатади.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - шировад мақсади. -Т., Ўзбекистон, 2000 55-6

1.2. Инсон омилининг амал қилиш шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Инсон омили доимо меҳнатнинг кооперациялашуви ва тақсимотини, ходимлар ва ишчиларнинг бирикиши ҳамда комбинациялашувини талаб этади. Шунинг учун, иқтисодий адабиётларда қуйидаги тушунчалар мавжуд: "индивидуал ишчи" ва "индивидуал ишчи кучи", "индивидуал ходим", "тадбиркор", фирма ва коорпорация ёки уюшма меҳнат жамоалари. Бизнингча, тадбиркор, ишловчи, ёлланган хизматчи, ходим, ишчи ва уларнинг комплекс кўриниши бўлган индивидуал ва ялпи иш кучи, меҳнат жамоаси ишлаб чиқаришдаги инсон омилининг иқтисодий фандаги абстракт ривожланиш даражаси, холос.

Ҳар бир ходим, ишловчи ёки ишчи кучи ишлаб чиқариш омилининг алоҳида кўриниши ҳисобланади. Ишловчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиши биргаликда меҳнат фаолиятларини олиб борадиган меҳнат жамоаларининг вужудга келишида намоён бўлади.

Меҳнат жамоаларига ходимлар, юмушчилар ижтимоий меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси асосида қўшиладилар. Миллий иқтисодиётнинг дастлабки бўғини бўлган фирма ва корхонада меҳнат жамоалари инсон омилининг муҳим шакли сифатида фаолият кўрсатади. Миллий иқтисодиёт миқёсида ижтимоий меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси асосида ялпи ишчи кучи вужудга келади. Ялпи ишчи кучи, ходим инсон омилининг умумий шакли сифатида намоён бўлади.

Демак, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омили турли хил даражаларда намоён бўлади: ялпи ишчи, жамиятдаги ялпи ишчи кучи, фирма, коорпорация, уюшма, меҳнат жамоалари, айрим индивидуал ишчилар, ходимлар, индивидуал ишчи кучи. Улар умумий, алоҳида, ўзига хос

хусусиятга эга бўлган шаклларнинг ўзаро нисбатида намоён бўлади.

Инсон омили маълум компонентлардан: яъни уни ташкил этувчи қобилият, хусусиятлардан: жисмоний куч, чидамлилик, билим ва малака даражаси, касб маҳорати, меҳнатга қобилияти, меҳнат интизоми, маъсулиятни ҳис қилиши, рақобатчилик, ташаббускорлик, ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш, иқтисодий тафаккур ва маданият, тадбиркорлик қобилияти кабилардан ташкил топган бўлиб, улар ёрдамида моддий ишлаб чиқаришга ва унинг самарадорлигига таъсир ўтказилади.

Ҳар бир компонент биргаликда ёки мустақил равишда ишлаб чиқаришга таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун бу компонентлар иқтисодий адабиётларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг социал-иқтисодий ёки социал омиллари деб аталади. Лекин, шу кунгача, социал-иқтисодий омиллارнинг классификацияси ишлаб чиқилган бўлса-да, инсон омили компонентларининг классификацияси ишлаб чиқилмаганлиги ғоятда ачинарлидир.

Америкалик иқтисодчи олимлар К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюлар иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омил сифатида меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифатини алоҳида ажратиб кўрсатишади. Меҳнат ресурсининг миқдори бу олимларнинг назарида иқтисодиётда банд бўлган кишилар сони ва уларнинг меҳнатга лаёқатли аҳоли сонидаги улуши билан ифодаланади. Унинг сифатини исродаловчи ва меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида эса кишилар саломатлигининг яхшиланиши, касб тайёрлаглиги, билими ва манфаатдорлигининг ўсиши кабиларни санаб ўтишади¹.

С.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензилар эса меҳнат, яъни кишилар билан боғлиқ билим ва касб-малака

¹ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: пер. с англ. 11-изд. Т.1.-М., Республика, 1992. -С.382-383.

даражасининг ўсишини муҳим омил сифатида таҳлил қилганлар¹. Лекин улар инсон, шунингдек, инсон омили компонентларини ифодаловчи ушбу социал-иқтисодий омилар классификациясини ишлаб чиқмаганлар.

Бизнингча, инсон омили компонентларининг классификациясини ишлаб чиқишда ходимга, ишловчига табиатнинг неъмат, биологик жонзот ҳамда ишлаб чиқариш, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва бошқа муносабатларнинг субъекти, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларнинг асосий элементи сифатида ёндашиш керак.

Инсон, ходим, ишловчи биологик жонзот сифатида қуйидаги компонентларга эга: ақлий қобилият, жисмоний куч, соғлиқ, жинси, ёши ва ҳоказолар. Бу компонентлар инсоннинг табиий, жисмоний қобилияти сифатида намсён бўлади ва ишлаб чиқаришга ҳамда унинг самарадорлигига таъсир ўтказиши мумкин. Лекин уларнинг ишлаб чиқаришга таъсири ўрганилмаган. Бизнингча, фаннинг ривожланиши даражаси юқоридаги омиларнинг ишлаб чиқаришга таъсир этишини ўлчаш даражасига етган эмас. Уни ўлчаш-ҳисоблашни табиий ва иқтисодий фанлар истиқболда амалга ошириш керак. Социал-иқтисодий омилар ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг таъсири остида ўзгариб туради. Бу ўзгариш меҳнатнинг характери ва мазмунига, кишиларнинг меҳнат мотивациясига таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун меҳнатнинг характерини, мазмунини таҳлил қилиш асосида социал-иқтисодий омиларнинг гузилиши ва классификациясини ишлаб чиқиш мумкин.

Агарда меҳнатнинг характерида ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари, яъни меҳнат жараёнидаги социал-иқтисодий муносабатлари намоён бўлса, унинг мазмунида ҳамда инсоннинг табиатта, меҳнат предмети ва меҳнат

¹ Фишер С., Дорбуш Р., Шмалева Р. Экономика: пер. с англ. со 2-го изд. - М.: "Дело ЛТД", 1995. - С.658.

воситаларига бўлган муносабати намоён бўлади. Буларнинг барчасида ҳодим, ишловчининг меҳнатга бўлган муносабати ўзгаришига олиб келиши шубҳасиздир.

Ишлаб чиқарувчи кучлар инсоний ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши натижасида инсон омилининг меҳнат мазмуни ва характерининг ўзгариши билан боғлиқ компонентлари ривожланиб боради. Улар ўз навбатида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган шу билан бирга, унинг самарадорлигини оширадиган социал-иқтисодий омилларни ташкил этади. Инсон омили компонентларининг яна бошқа гуруҳи иқтисодий муносабатлардан ташқарида бўлган кишилар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришнинг социал омиллари ҳисобланади. Ушбу омиллар сиёсий, социал-руҳий, ижтимоий, жамият ва давлатнинг сиёсий тузилиши билан боғлиқ муносабатлар асосида вужудга келади.

Шундай қилиб, биз тавсия этмоқчи бўлган инсон омили компонентлари, яъни қобилиятлари, хусусиятларининг классификацияси қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинган:

- ишловчи, ходимнинг табиий-жисмоний қобилиятлари ва кучлари;
- меҳнат мазмунининг ўзгариши;
- меҳнат характерининг ўзгариши;
- жамият ва давлат қурилиши билан боғлиқ муносабатлар (қаранг: 1.2.1-чизма).

Инсон омилининг табиий-жисмоний компонентлари, инсоннинг жисмоний кучи, ақлий қобилияти, ёши, жинси, соғлиги кабилардан иборат бўлиб, улар ўз навбатида ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади. Инсоннинг ушбу жиҳатлари унинг бошқа бир қобилият ва кучлари, компонентларининг шаклланиши, ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Қўл кучига, малакасиз ёки кам

малакали, примитив техникага асосланган меҳнат жараёнларида бу омиллар муҳим роль ўйнайди. Меҳнат мазмунига боғлиқ социал-иқтисодий омиллар техника тараққиётига боғлиқ равишда ўзгарувчан бўлади. Яъни бундай жараёнда меҳнат мазмуни техника ва технология ривожланиши натижасида инсон меҳнатидаги механик ва ижтимоий, жисмоний ва ақлий функциялар, хатти-ҳаракатлар нисбатининг ўзгариб бориши билан мураккаблашиб, кишилардан маълум билим, касб, малака маҳоратини талаб қилиши билан изоҳланади. Бунинг оқибатида қўл меҳнати, малакасиз ва кам малакали меҳнат тобора сиқиб чиқарилади. Натижада кишиларда билим олиш ва касб-малака маҳоратини мунтазам ошириш зарурияти пайдо бўлади. Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида кишиларнинг билим, касб, малака даражаси, иш тажрибаси ва маҳорати инсон капитали деб аталади¹. Меҳнат мазмунига боғлиқ бўлган социал-иқтисодий омиллар инсон капитали сифатида иш кучининг, умуман олганда, инсон омилининг сифатини белгилайди.

Ишловчиларнинг касб-малака, билим даражасининг ошиши, меҳнат шароитининг яхшиланиши, меҳнат мазмунининг ўзгариши инсоннинг ҳар томонлама камол топишига, қобилиятининг ошишига, устига-устак социал-иқтисодий омилларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Уларни ўз навбатида икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчисига - ишчиларнинг билим, касб, малака даражасини характерлайдиган омиллар кирса; иккинчисига - ишловчиларнинг иш ва меҳнат қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи омиллар киради. Улар жумласига меҳнат шароитини яхшилайдиган омиллар киради. Меҳнат шароитининг яхшиланиши ишчи меҳнатининг унумли бўлишича олиб келади. Меҳнат


¹ Филдер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: пер. с англ. со 2-го изд. -М., "Дело ЛТА", 1995. -С.658

шароити яхши бўлмаганда эса, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жароҳат олиш, касалликларнинг вужудга келиши каби нохуш ҳолатлар туфайли меҳнат унумдорлигига пугур етади. Бундай ҳолатдан ўз меҳнат қобилиятини вақтинча ёки бутунлай йўқотиши ҳам мумкин.

Меҳнат шароитининг яхшиланиши оғир, қўл меҳнатини машиналар билан алмаштириш, пловқин, чангни камайтириш, гигиена-санитария ҳолатининг нормаллашуви, меҳнат муҳофазасини кучайтириш орқали амалга оширилади. Бунинг оқибатида нохуш ҳолатлар барҳам топади, ишловчиларнинг соғлиқлари мустаҳкамланиб, меҳнат қобилиятларидан тўлароқ фойдаланиш имкониятлари ортади.

Шунингдек, белгиланган иш вақтидан тўлароқ фойдаланилади, меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги ҳам ўсади. Ишловчининг жисмоний меҳнат улуши камайиб, ақлий меҳнати улуши ортганда ҳам меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги ўсади. Инсон омилининг меҳнат характери билан боғлиқ компонентларини ташкил этадиган социал-иқтисодий омилар ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривожига асосланади. Зеро ҳар қандай иқтисодий тизим фақат ўзига хос бўлган меҳнатнинг социал табиатини, характерини ижтимоий-меҳнат муносабатларини вужудга келтиради. Меҳнат характерида жамиятда амал қилаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ифодаланади ва улар кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатида намоён бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида хилма-хил мулк шаклларига асосланган кўп укладли иқтисодиёт вужудга келади.

Инсон омили компонентлари (қобилиятлари, хусусиятлари) классификацияси¹

¹ Муаллиф томонидан тузилган. Қаринг: Абулқосимов Х.П. Проблемы формирования, функционирования и активизация личного фактора общественного производства в условиях перехода к рыночной экономики. -Т., Университет, 1989. -С.17.

Еунинг оқибатида хусусий ва улушли мулк эгалари, мулкдан даромад, фоиз, дивиденд олувчилар ўзларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайинлари деб ҳис қила бошлайдилар. Мулкга эга бўлмаганлар, яъни ёлланиб ишловчилар доим мулк эгалари томонидан меҳнат жараёнида ўзларини назорат остида ҳис қиладилар. Шунинг учун меҳнатга бўлган муносабат ўзгаради, унинг ўзгариши янгича меҳнат интизомида ва меҳнатни моддий-маънавий рағбатлантирилишида намоён бўлади.

Мулк эгалари томонидан меҳнатнинг назорат қилиниши, ёлланма ишчилар билан тузиладиган меҳнат битимлари, иш кучи бозорининг вужудга келиши билан ишчилар ўртасида рақобат курашининг кучайиши кучли меҳнат интизоми бўлишини тақозо этади бу эса жавобгарликни ҳис этишга мажбур этади.

Меҳнат интизоми умумий кўринишда ишлаб чиқаришдаги ҳар бир иштирокчидан ишда тартибли бўлишни талаб этади. Меҳнат интизомини яхшилаш ишчиларни жипслашишига, ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан бажаришига, меҳнат ва маҳсулот сифативи оширишга, ишлаб чиқариш воситаларидан тежамли фойдаланишга ундайди. Шундай қилиб, меҳнат интизоми турли-туман мулкчилик шароитида меҳнатнинг умумийлигидан келиб чиққан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган социал-иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида биринчи марта Адам Смит асослаб берганидек, инсонни хўжалик фаолиятини юритишга мажбур қилган муҳим сабаб фақат ўзининг моддий манфаатинигина қондиришга қаратилган шахсий эҳтиёж ҳисобланади¹. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда тадбиркорлар ёлланма ишчи,

¹ Смита Л. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М., Соцэкгиз, 1962 - С.330-335.

ходимларга иш ҳақи тўлашнинг турли тизимларини ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари билан, ўз манфаатларини ёлланма ишчилар манфаатлари билан, ҳар бир ишчининг манфаатини фирма манфаати билан уйғунлаштиришга ҳаракат қиладилар. Жамоа, фирма манфаатлари тадбиркорнинг шахсий манфаати билан уйғунлашади. Натижада ишчи ёки ходим ўз меҳнатининг мажбурий, бировлар учун ишлайдиган самарасиз иш эмаслигини англаб етади ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнат предмети ва воситаларидан тежамли фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун хусусий, жамоа шаклидаги тадбиркорларга ёлланиб ишлаш кишининг манфаатига зид келмайди. Агарда ишчининг ўзи мулк эгаси бўлса ёки олинadиган дивидендга эгаллик қилса, унинг манфаати фирма ёки тадбиркор манфаатига гўламос тушади. Улар ўртасида ижтимоий шерикчилик муносабатлари ҳарор топади. Иқтисодий манфаат эса рағбатга айланади. Рағбат - бу англаган манфаат, киши онгида объектив иқтисодий манфаатнинг намоён бўлишидир. Моддий рағбат - кишининг меҳнатга оғли равишда интилиши, меҳнатининг натижаси уни қониқтиришидир. Рағбатлантириш ёрдамида реализация қилинган манфаат моддий манфаатдорликка айланади.

Моддий манфаатдорлик кўлга киритилган натижа билан ишловчи ҳаётий эҳтиёжининг қондирилиши даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги хўжалик юритиш тамойили бўлиб, маълум рағбатлантириш тизими ёрдамида амалга оширилади. Рағбатлантириш тизими корхона ишчиларини юқори даражадаги унумли меҳнатга ундайдиган услуб ва шакллар бўлиб, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилади. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимига қуйидагилар киради: меҳнатни нормалаш; иш ҳақи тўлашнинг турлари ва тизимларини такомиллаштириш; мукофотлаш ишчиларга мукофот бериш; маданий-маиший шароитларини яхшилаш. Моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими ва шакллари етарли равишда таҳлил этилган бўлиб, биз ўз изланишларимизда асосий эътиборни унинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир ўтказадиган социал-иқтисодий омил сифатидаги аҳамиятига қаратдик.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир ўтказадиган социал-иқтисодий омилларнинг навбатдаги гуруҳига меҳнат ижодий характерининг ривожланиши натижасида вужудга келган омилларни киритамиз. Меҳнатнинг ижодий характери иқтисодий категориядир у ишлаб чиқариш муносабатларига асосланган бўлиб, меҳнатнинг асосий белгиларидан бири сифатида намоён бўлади. Меҳнатнинг ижодий характери меҳнатни интеллектуаллаштириш, уни биринчи ҳаётий эҳтиёжга айлантириш жараёнидаги жамият аъзолари ўртасидаги янги муносабатни ифодалайди.

Меҳнатнинг биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланиши ҳар томонлама камол топган инсоннинг, ишловчининг интеллектуал қсбиятларининг намоён бўлиши ва амалда қўлланишидир. Меҳнатнинг ижодий характери ишловчиларнинг меҳнатга ижодий ёндашишида, уларнинг жамиятда, ишлаб чиқаришда ўз ўрнини англашида, янгиликларга ва энг юқори меҳнат натижаларига эришишга интилувчанлигида ўз аксини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда максимум фойда олишга ва шахсий манфаатини қондиришга интилиши рақобат кураши асосида амалга ошади. Демак, рақобат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда энг муҳим омил ҳисобланади. Ташаббускорлик ҳам ишлаб чиқариш омили

ҳисобланади. Тадбиркорликнинг ўзи ташаббускорлик бўлиб, таваккалчилик ва мамлакатда амал қилаётган қонун асосида мулкка эгаллик қилувчи субъектларнинг фойда олишга интилишидаги фаолиятидир. Бундай ташаббускорликда янгиликларга интилувчанлик мавжуд бўлади. Ташаббускорлик, ишбилармонлик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида янги йўналишлар, янги тежамли усулларни қўллашни ифодалайди. Ишбилармонлик, ташаббускорлик бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорнинг хусусиятига айланади. Меҳнатга моддий ва маънавий рағбатлантириш асосида, иш ўринларига рақобатни кучайтириш билан ишчилар ўртасида ташаббускорлик, масъулиятчилик ҳисси уйғотилади.

Меҳнатга ижодий ёндошиш, кам харажат қилиб, кўп маҳсулот яратиш мақсадида техник ишдорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир ўтказадиган социал-иқтисодий омиллардан ҳисобланади.

Ишловчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиши бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ўзига хос омилларидан бўлиб, ишловчи асосан акциядорлик корхоналарида, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, ширкат хўжаликларида бундай имкониятга эга бўлади. Зеро улар ўзлари ишлаётган корхона мулкида улуш, акция, пайга эга бўлсаларгина хўжалик фаолиятини бошқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

Хусусий корхоналарда эса иш берувчи билан ёлланма ходим ўртасида ижтимоий ҳамкорликка асосланган меҳнат муносабатлари мавжуд бўлганда ҳамда ишчилар даромад ёки фойданинг тақсимланишида иштирок этганларида улар ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш имкониятига эга бўлишади. Ишловчи ходимлар ўзларини корхонанинг, эгаси

сифатида ҳис этсалар, уларнинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги кучаяди ва ишлаб чиқаришни бошқаришда кенгроқ иштирок қиладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга ижодий ёндашиш натижасида вужудга келган иқтисодий тафаккур, иқтисодий маданият ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига таъсир утказадиган социал-иқтисодий омил ҳисобланади.

Иқтисодий тафаккур, фикрмиёнача кишиларда шакланган ўз иқтисодий фаолиятининг мақсади, вазифаларини бозор қонунлари талаблари асосида амалга ошириш восита ва усуллари ўзи ҳамда ҳамкорларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аниқлашга, танлашга қаратилган фикрлаш тарзини ифодалайди. Иқтисодий маданият эса иқтисодиёт субъектларининг ўзаро рақобатлашиши асосида шахсий наф ва фойда кўришга қаратилган, шунингдек, иқтисодий шерикчилик ва ҳамкорлик учун масъулиятли ўзаро муносабатларга асосланган хатти-ҳаракат маданиятидир.

Меҳнатнинг мазмуни ва характеридаги ўзгаришдан келиб чиқадиган, инсон омили компонентларини ифодаладиган социал-иқтисодий омиллар гуруҳлари бир-бирлари билан узвий боғлиқдир. Меҳнатдан қониқиш икки гуруҳни боғлаб турувчи бўгин бўлиб у кишиларнинг ўз меҳнатига, меҳнатнинг мазмуни ва унинг шароитига, моддий рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа шароитларига бўлган субъектив талабини ифодалайди. У кишиларнинг меҳнатга нисбатан субъектив талаблари даражаси билан ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳолат ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омили компонентларининг яна бир гуруҳига ижтимоий-сиёсий муносабатларга асосланган компонентлар киради. Шахснинг эътиқоди, миллий урф-одатлари, оилавий шароити, сиёсий

етуклик даражаси, ватанпарварлик каби хусусиятлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг омиллари бўлиб қолади.

Инсон омилининг юқоридаги компонентларини ривожлантириш бугунги жараёнда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш мақсадини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор¹, -деб таъкидлаганлар.

Биз таклиф этаётган инсон омили компонентлари классификациясида юқорида келтирилган социал-иқтисодий омиллар гуруҳларининг аксариятини қамраб олишга ҳаракат қилади. Зеро ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигини оширишнинг социал-иқтисодий омиллари сифатида намоён бўладиган инсон омили компонентлари кишининг меҳнатта бўлган муносабатига асосланади.

Инсон омили ҳар бир ўтган XX асрнинг 90-йилларигача иқтисодий адабиётларимизда ушбу омилнинг социал-иқтисодий шакли ҳар бир ишлаб чиқариш усулида ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш муносабатларига ва шахсий-инсоний билан моддий-ашёвий омилларнинг бирикиш усулларига асосланган ҳолда аниқланган. Шунга кўра ишловчи инсоннинг ҳукмрон ишлаб чиқариш

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт: пировард мақсадимиз. Т. Ўзбекистон, 2000. 9-бет

муносабатлари ва ижтимоий меҳнат тизимидаги ўрни ҳамда ижтимоий-иқтисодий статуси, шакли аниқланган¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир ишлаб чиқариш усулида инсон омилини бир хил социал-иқтисодий шаклда таърифлаш билан чегараланиб қолмаслик керак. Бизнингча, ишлаб чиқаришнинг барча усуларида ишлаб чиқаришнинг инсон омили ўзига хос социал-иқтисодий шакларда намоён бўлади. Улар жамиятда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар тизими билан белгиланади. Масалан, қулдорлик тузумидан бошлаб, инсоният жамиятининг ривожланиш босқичларида инсон омили турлича кўринишга эга бўлган. Қуллар билан биргаликда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар, шунингдек, ўз мулкида меҳнат қилаётган ёки мулкни ижарага олиб ишловчилар ҳам мавжуд бўлган. Улар ишлаб чиқарувчи кучларнинг муҳим таркибий қисмлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари ҳисобланган. Ҳозирги кунда ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда мулкнинг турли-туман шакллари мавжуд бўлиб, уларда турли касб-ҳунарга эга бўлган меҳнаткашларнинг хилма-хил социал гуруҳлари фаолият кўрсатмоқдалар. Бу мамлакатда ёлланма ишчилар билан бирга кўплаб хусусий тадбиркорлар, оилавий, кооператив, жамоавий хўжаликлар аъзолари, фермерлар ҳамда мулкда ўз улушларига эга бўлган ва акциялардан дивиденд олувчилар фаолият кўрсатадилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, турли нодавлат мулк шаклларига айлантирилмоқда. Ўзбекистон Республикасида мулк шакллари қуйидаги кўринишларга эга: фуқароларнинг хусусий мулки, меҳнат жамоаси мулки, оилавий, маҳалла, кооператив мулки, акционерлик (ҳиссадорлик) жамияти

¹ Шербява В.Ф., Цвѣтаев В.М. Экономические отношения: история и современность. -Л. Ленинградские университеты. 1987. -С.182.

мулки, концерн (концерциум), ижтимоий ва диний ташкилотлар мулки, шахсий хўжалик жамоалари ва шерикчилик, ассоциация (бирлашмалар) мулки, маъмурий ҳудудий ташкилотлар (коммунал хўжалиги) мулки, мулкнинг аралаш шакли, қўшма корхоналар мулки, чет эл фуқаролари, ташкилотлари, давлатлар мулки, шу жумладан, юридик шахсларнинг мулклари.

Мулкнинг турли-туман шаклда бўлиши ишловчи инсоннинг социал-иқтисодий турига, яъни статуси, мақомига, шу жумладан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омилига ҳам таъсир ўтказди. Чунки бундай шароитда инсоннинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни ўзгаради. Шунга қарамасдан, ҳозирги иқтисодий адабиётларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омилининг турлича социал-иқтисодий мақомида ва шаклида намоён бўлишига эътибор берилмаяпти. Бизнингча, унинг турли кўринишларда бўлишига эътиборни қаратиш нафақат иқтисодий назария учун, балки амалиёт учун ҳам аҳамияти катта. Уни ҳал қилиш натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омилининг вужудга келиши, амал қилиши, унинг фаолигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам турли мулк шаклларига хос бўлган инсон омилининг социал-иқтисодий шаклларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Фуқароларнинг хусусий мулки - ишлаб чиқариш воситаларига даромад олиш мақсадида эгаллик қилиш ва фойдаланиш, ўзлаштиришларидир. У шахсий меҳнатга ёки ёлланма меҳнатга асосланган бўлиши мумкин. Биринчи турдаги мулк эгаси ўзи меҳнат қилади. Мулк эгаси бир вақтнинг ўзида ишчи ҳам ҳисобланади. Бундай шароитда инсон омилининг социал-иқтисодий шакли эркин ишчи ҳамда мулк эгаси ҳисобланади. У ўз фаолиятини

таваккалчилик, риск, ўз мулкига жавобгарлик асосида олиб боради.

Иккинчи турида, мулк эгаси ёлланма меҳнатдан фойдаланади. Ишлаб чиқаришдаги инсон омилининг ёлланма меҳнат сифатида кўриниши, иқтисодий адабиётларда етарли даражада таҳлил қилинган. Ёлланган ишчи ишчи кучи товарининг эгаси, ишчи кучи эса - товар сифатида намоён бўлади. Шунинг учун, ишчининг меҳнати ёлланма меҳнат шаклига эга бўлади.

Мулк эгаси ва ёлланган ишчи ўртасида ишчи кучини олди-сотдиси юзасидан муносабат вужудга келади. Ёлланган ишчи ҳар бир меҳнат жараёнидан сўнг сарф этган ишчи кучини такрор ҳосил қилиши керак (қаранг: 1.2.2-чизма).

Мулк эгаси ўзининг ёки ўзгаларнинг меҳнатидан фойдаланишидан қатъий назар, бевосита истеъмол қийматларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ва уни бошқарувчи сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолда у тадбиркор мақомига эга бўлади. Хусусий тадбиркор бизнинг иқтисодиётимизда янги иқтисодий субъект ҳисобланади.

Иқтисодиёт назариясида бизнес ва тадбиркорлик тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлиб, у Р.Кантильон, А.Тьюрго, А.Смит каби иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этила бошлаган. А.Смит бизнес ва тадбиркорликни шахсий фойда олиш учун таваккалчилик тижорат ғоясини амалга оширувчи мулкдор деб тавсифлайди. Унинг фикрича мулкдор ишлаб чиқаришни ташкил қилади, режалаштиради, натижаларини ўзлаштиради¹.

Р.Кантильон тадбиркорликни хавф-хатар ва ноаниқлик шароитидаги таваккалчилик фаолияти сифатида тавсифлаган. И.Фон Тюнен тасаввурича тадбиркорликнинг

¹ Смит Адам. Исследования о природе и причинах богатства народов -М., Соцэкгиз, 1962. С.332-334; 391-392.

таваккалчилик ва инновация фаолиятига доир вазибаларини бирлаштириш мумкин бўлиб, унинг даромади таваккалчилик фаолиятидан ва янгиликни қўллаш туфайли иқтисодий самарага эришиш натижасида олинадиган даромаддан ташкил топади¹. Ж.Б.Сей эса тадбиркорликни фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш омилларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган фаолият, тадбиркорни капитал эгаси, корхона раҳбари деб таърифлаган. Тадбиркорлик даромадини унинг сановат қобилияти, таланти, тартибга солувчилик ва раҳбарлик фаолияти учун берилган мукофот, деб изоҳлаган².

Австриялик олим Й.Шумпетер тадбиркор учун мулк эгаллиги мақоми шарт эканлигини инкор қилиб, унинг кишиларнинг турли тоифаларига хослигини асослаб берган. Унинг фикрича, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этувчи, унинг янги йўллари билан белгиланган ва янги комбинацияларини ишлаб чиқувчи шахсдир³.

Америкалик олим, Нобель мукофоти совриндори Р.Коузнинг фикрича, тадбиркор ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга қаратилган фаолиятни бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг муқобил йўллари ва воситаларини излайди. Фирма эса иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, ресурсларнинг йўналишлари тадбиркорга боғлиқ бўлган шароитда иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисидан иборатдир⁴.

Ўзбек олимлари бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларини бир-биридан фарқ қиладилар. Масалан, А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар «фикрига, ... бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир.


¹ Қаранг: Автономов В. Практика глазами теоретиков (феномен предпринимательства в экономической теории) // Предпринимательство в России. №4, 1997. С.5-11; Бусыгин А.В. Предпринимательство. Основной курс учебник для вузов. -М. Инфра-М, 1997. С.29-31.

² Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей-экономистов до Маркса. М.: Политиздат, 1971. С.310.

³ Шумпетер Й. Теория экономического развития. -М.: Прогресс, 1982. -С.169-170.

⁴ Коуз Р. Фирма, рынок и право. -М.: Республика, 1993. С.37-38.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омилнинг социал иқтисодий шакл (мақом)лари¹



¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Тадбиркорлик - кишилар (мулкчилик субъектлари)нинг моддий ва пул маблағларини (капиталини) амалда ҳўжалик оборотига тушириб, даромад топиш учун мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик умуман пул топиш эмас, балки яратувчилик фаолияти орқали даромад олишни билдиради¹, - деб таъриф берадилар. Бу ерда муаллифлар бизнесни фақат қонуний иқтисодий фаолият деб эътироф этадилар. Аслида эса бизнес ва тадбиркорлик ҳам қонуний, ҳам яширин, ноқонуний тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бизнеснинг фикримизча, бизнес фойда, даромад, наф олишга қаратилган иқтисодий фаолият, кишилар ўртасида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Тадбиркорлик бизнеснинг муҳим таркибий қисми, товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш орқали фойда, даромад олишга қаратилган фаолиятдир. Демак бизнес кенгроқ маънога эга бўлиб, тадбиркорлик унинг бир шаклидир. Бизнеси тадбиркорликдан ташқари истеъмол бизнеси, касб-корлик бойликдан бойлик ундириш, тижорат воситачилик бизнеси ва бошқа шаклларда ҳам намоён бўлади. Бизнес ва тадбиркорлик бир-бирларига яқин, турдош тушунчалар бўлиб улар умумий хусусиятга ҳам эга. Бизнеснинг назаримизда улар қуйидагилардан иборат:

- хусусий мулкдор бўлишга интилиб, мулкий муносабатлар ишгирокчиси бўлиш;
- фойда, даромад олиши ва уни максималлаштириш мақсадида иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;
- иқтисодий фаолият эркинлигига, фаолият турини ва соҳасини танлаш эркинлигига эга бўлиш;
- мулкий жавобгарликка, масъулиятга эга бўлиш, риск қилишга мойиллик;
- тижорат сирига эга бўлиш ва уни сақлаш;

¹ Улмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодий назарияси. -Т., Меҳнат, 1995. 192-б.

- ҳалоллик билан иш юритиш, обрўга, нуфузга эга бўлишга интилиш;

- иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, юритиш, бошқариш, унда қўлланиладиган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни уйғунлаштириш асосида юқори наф, фойда ва даромад топишнинг муқобил йўллари, воситаларини излаб топишга ҳаракат қилиш;

- бозор конъюнктура ўзгаришларига мослаша билиш, бошқа иқтисодиёт субъектлари билан рақобатлаша олиш ва ҳамкорлик қилиш;

- бунинг учун ўзининг иқтисодий фаолиятини такомиллаштериш, унда янгиликларни жорий этиш. Бизнес ва тадбиркорлик инновация тавсифига эга бўлса, у ҳолда фан-техника тараққиёти янгиликларини жорий этиш билан боғлиқ бўлади. Натижада мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқ турмуш даражасининг ўсиши тезлашади.

Кучли рақобат кураши шароитида ташаббускорлик қобилиятига эга бўлганларгина ютиб чиқади. Шу боисдан, иқтисодий адабиётларда шартли равишда тадбиркорликнинг икки хил модели ҳақида тўхталиб ўтилган: классик ва инновацион.

Биринчи моделда тадбиркор ўз фаолиятини мавжуд ресурсларни сарфлаш билан максимум фойда олишга қаратади. Тадбиркорнинг бундай хатти-ҳаракати ресурсларга йўналтирилган деб ҳам аталади. Бунда мақсад ва вазифалар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хўжаликни юритишнинг мавжуд шакл ва усуллари орқали амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг инновацион модели унинг имкониятига йўналтирилган бўлиб, бунда у бозорнинг ўзгариб борувчи шароитларига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хўжалик юритишнинг янгидан-янги шакл, усулларини қўллашга интилади. Шунингдек, у юқорида айтиб ўтилган қобилиятлар билан биргаликда

тадбиркорлик тафаккурига, яъни янгиликларга интилувчанлик ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

Шундай қилиб, хусусий мулкчилик шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омили икки хил социал-иқтисодий шаклда намоён бўлади: ёлланма ишчи ва хусусий тадбиркор. Қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркор-фермер ҳисобланади. Фермер хўжалиги ўрта ва майда товар ишлаб чиқарувчи бўлиб, унда ёлланма иш кучидан фойдаланилади. Оилавий мулкда оила аъзолари ишчи ва мулк эгаси кўринишида бўлади. Оила мулки ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотдан ташкил топган бўлиб, ундан оила ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган ва биргаликда ўз эҳтиёжларини қондириш учун уй ишлари ва ёрдамчи хўжаликларда қонуний равишда даромад олиш мақсадида фаолият юритишдир. Оилавий мулк жамсавий мулк шаклларида бири ҳисобланади. Лекин, оила хўжалигини юритувчи шахс - тадбиркор ҳисобланади. Оиланинг бошқа аъзолари эркин ишчилар бўлиб, оилавий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Қишлоқ хўжалигида деҳқон хўжалиги соҳибкори майда товар ишлаб чиқарувчи тадбиркор ҳисобланади.

Ўзбекистонда барча шахсий томорқа ер участкаларига эга бўлганлар деҳқон хўжалиги ҳисобланади. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра улар 3,2 млн. кишини ташкил этади. Уларнинг 1,8 миллиони деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтган. 10 мингга яқини эса юридик (ҳуқуқий) шахс мақомини олишган¹. Шунинг учун, оилавий мулкдан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган индивидуал тадбиркор-деҳқон ва эркин ишчи инсон омилининг социал-иқтисодий шакли сифатида намоён бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.

Тадбиркорликнинг жамоавий шакли кор (ширкат) мулкига асосланган, умумий мулк э. бошқача айтганда ихтиёрий равишда бирлашган биргаликда фаолият кўрсатувчилар ҳисобланади. У улушли мулк асосида ташкил топади. Бу ерда ҳар бир кооператив (ширкат) аъзоси бир вақтнинг ўзида ишчи (ходим) ва улушли мулк эгаси ҳисобланади. Демак, ишлаб чиқаришнинг инсон омилининг социал-иқтисодий шакли кооператив аъзоси бўлган ассоциациялашган ишловчидир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи, яъни ширкат хўжалиги бунга мисол бўла олади. Ширкат хўжалигида мулк бўлинмас мулкдан ва ҳар бир аъзонинг пай улушидан ташкил топади. Пай эгаси бўлган ширкат аъзоси, бир томонидан меҳнатига ҳақ олса, иккинчи томондан, пай миқдорига мутаносиб равишда йиллик умумий даромаддан тегишли дивиденд олади. Агар ширкат хўжалигида иш оилавий ёки жамоавий пудрат асосида ташкил этилса, у ҳолда пудратчи ижарага олинган ер участкасида тадбиркор ва ишчи, ходим сифатида фаолият юритади. Оилавий ёки жамоавий пудратнинг бошқа аъзолари эркин ишчи (ходим) сифатида фаолият юритади. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси ҳам тадбиркор ҳисобланади. Пудратчи, яъни оилавий ва жамоавий пудрат бошлиғи ўз фаолиятида тадбиркор сифатида ишлаб чиқаришни ташкил этади, бошқаради, тегишли ҳисоб-китоблар асосида кичик хўжаликни юритади, зарур ҳолларда расмий ёки норасмий равишда қўшимча иш кучини ёллайди.

Жамоавий тадбиркорликнинг яна бир шакли меҳнат жамоаси корхонаси бўлиб улар меҳнат жамоа аъзолари қўшган мулккий улушлардан ва уларнинг биргаликдаги меҳнат фаолияти асосида ўсиб борадиган мулкка асосланиб фаолият юритади. Бу ерда ҳам ишчи (ходим) бир вақтнинг ўзида мулк эгаси ва ишчи (ходим) сифатида намоён бўлади. Шунинг учун инсон омилининг социал-иқтисодий шакли

меҳнат жамоаси ёки ишчи (ходим)ларнинг бирлашмалари ҳисобланади.

Жамоавий мулк шаклининг мураккаброғи акционерлик жамиятининг мулки ҳисобланади. У акцияларни сотиш ҳамда хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдадан вужудга келади. Акция эгалари корхоналар, ташкилотлар, давлат муассасалари, ҳуқуқий шахслар ва жисмоний шахс бўлган алоҳида фуқаролар бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида давлат корхоналарини акционерлик корхоналарига айлантириш жараёнида акцияларнинг бир қисми имтиёзли шартларда меҳнат жамоаларига тақсимланади. Лекин бу акция эгаси бўлган ишчи ва хизматчилар акционерлик жамиятининг мулкига эгаллик қилди деган маънони англатмайди. Улар акциялардан олинadиган дивидендга даъвогар бўлишлари мумкин. Уларнинг асосий даромад манбаи иш ҳақи ҳисобланади. Улар акцияда маълум улушга эгаллик қилсалар-да, мулкка эгаллик қилмайдилар, аслида ёлланма ишчи ҳисобланадилар. Акционерлик жамиятининг мулкига эгаллик қилувчилар акцияларнинг назорат пакетига эга бўлганлар ҳисобланади. Улар коллектив, яъни жамоавий тадбиркорлардан иборатдир. Бу жамиятни ташкилий-иқтисодий бошқариш вазифасининг мулк эгаси номидан уни амалга оширадиган вакил, яъни менежер, бошқарувчига юклатилишини ифодалайди. Менежер, бошқарувчи ёлланма хизматчи ёки маълум миқдорда акцияга эга бўлган улушли мулк эгаси мақомида намоён бўлади. Демак, акционерлик жамиятининг корпоратив мулкига асосланган инсон омилининг социал-иқтисодий шакли (мақоми) жамоавий тадбиркор, менежер, ёлланма ишчи ва улушли мулк (акция) эгаси бўлган эркин ишчи (ходим) мақомида фаолият кўрсатади.

Акционерлик жамиятларининг кўпайиши, улар фаолиятининг кучайиши натижасида капитал мулк фаолият кўрсатувчи капиталдан алоҳидалашади. Бу мулк

эгаси томонидан жамият фаолиятини техник-ташкilotчилик бошқаруви уни амалга оширадиган вакил, яъни менежер зиммасига юклатилишини ифодалайди. Демак, акционерлик жамиятининг корпоратив мулкчилиги шароитида инсон омилининг социал-иқтисодий шакли коллектив тадбиркор, менежер, ёлланма ишчи ҳисобланади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омили хўжалик юритишнинг жамоавий ва шерикчилик шаклларида жамоавий тадбиркор кўринишида бўлади. Чунки, улар иштирокчиларнинг маблағларидан, олган даромадларидан ташкил топади. Давлат мулки шароитида ишлайдиганларнинг барчаси ёлланма ишчи ва хизматчилар ҳисобланади. Корхона бошқарувчилари, маъмурлар, бошқарувчилар, ходимлар давлат хизматчилари ҳисобланади. Улар иш кучининг олди-соттиси асосида маъмурият билан битим тузиш ёрдамида фаолият кўрсатадилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида вужудга келган мулкчиликнинг турли-туман шакллари ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омилининг турли социал-иқтисодий шакллари(мақом)да бўлишини тақозо этади. Бу эса ушбу фаолиятнинг ҳоятда мураккаб ва кенг қамровли бўлишидан далолат беради.

1.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инсон омилининг шаклланиши ва ҳаракат босқичлари

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омили ҳаракати меҳнат ресурслари ва иш кучи, тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлган ишловчи, юмушчининг шаклланишидан тортиб, то унинг ўз иш кучи ва қобилиятларини ишлаб чиқариш жараёнида ишга солиши, реализация қилинишигача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Ушбу ҳаракатнинг бошланғич бўғини аҳоли бўлиб, у

инсон омили шаклланишининг табиий асосини, шарт-шароитини яратади. Шунинг учун аҳоли ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг тапшувчиси ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларнинг муҳим элементи ҳисобланади. Аҳолининг табиий ҳаракати инсон омилини такрор ишлаб чиқаришнинг бошланғич бўғинини ташкил қилади. Бузда турли жинсдаги одамлар ўзаро оилани ташкил қилиб, ўзларининг энг муҳим вазифаси бўлган фарзанд кўриб, уни тарбия қилиб, вояга етказишади. Иқтисодий назария нуқтаи назаридан оила «инсон капитални», ишлаб чиқаришнинг инсон омилини шакллантиради (Қаранг: 1.3.1-чизма).

Оила фарзанд кўриш, уни социаллаштириш, рекреация қилиш вазифаларини бажаради. Фарзанд иқтисодий фан нуқтаи назаридан иқтисодий неъмат бўлиб, у истеъмол ва инсон капиталига инвестиция қилиш объекти бўлади.

Уни социаллаштириш, таълим бериш, соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия, маданият бошқа соҳалардаги хизматлар кўрсатиш, болаларни давлат ёрдамида маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий тизимга киритишни англатади. Бошқача қилиб айтганда инсон маълум даражадаги умумий, махсус билим, касб-кор, малака ва маҳоратга эга бўлган ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишга тайёр ишловчига, инсон омилига айлантирилади. Оиланинг рекреация вазифаси инсоннинг юмушчи, ишловчи сифатида сарфлаган иш кучини, қобилиятларини, яъни унинг меҳнат қобилиятларини қайта тиклашни ифодалайди.

Инсон капитални рўёбга чиқариш, реализация қилиш учун инсон бозор иқтисодиётида яқка тартибда оилавий, жамоавий, корпоратив, хусусий бизнес ва тадбиркорлик, уй хўжалигини ташкил этиш орқали яқка тартибда ёлланма ходим сифатида иштирок этади. Ишловчининг иш сифати аҳолининг табиий ўсиши ва ўртача умр давомийлиги, ҳаёт даражаси ва сифати, энг муҳими, унинг соғлиғига боғлиқ.

Оиланинг инсон капиталини шакллантириш вазифалари¹



Ўз навбатида, аҳолининг табиий ҳаракати, шу жумладан, унинг такрор ишлаб чиқарилиши кўпгина

¹ Экономическая теория: Учебник для студентов вуз. Колл. авт.: Абдурахмонов К.Х. и др. Т. Шарқ, 1999. С. 210 асосида тузилди.

шартлар ва омиллар билан ифодаланади. Уларга мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш ва sanoатлаштириш (индустриализация) даражаси, аҳолининг маданий-маиший анъаналари, табиий-иқлим шароитлари, конкрет тарихий, сиёсий омиллари ва ҳоказолар киради. Юқоридаги омиллар демографик вазиятга турлича таъсир ўтказади. Давлат бу жараённи бевосита демографик сиёсат ёрдамида бошқаради. Бу сиёсат давлат умумий социал сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, демографик жараёнга тўғридан-тўғри таъсир этувчи социал-иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий, соғлиқни сақлаш чора-тадбирларини ўз ичига олади. Муҳим аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар оилани мустаҳкамлаш, она ва болаликни ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, аҳоли соғлиғи ҳақида гамхўрлик қилиш кабилар ҳисобланади.

Аҳолининг табиий ҳаракатини бошқариш натижасида меҳнат ресурсларининг шаклланишига таъсир ўтказилади. Меҳнат ресурслари деганда аҳолининг нафли фаолият учун зарур бўлган жисмоний ва ақлий қобилиятларга, яъни меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган қисми тушунилади. У ўз ичига иқтисодиётда банд бўлганларни ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги банд бўлмаганларни олади. Меҳнат ресурслари таркибига меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ва ишлаётган ушбу ишчи ёшдан кичик ҳамда катта ёшдаги кишилар киради¹. Унинг социал-демографик таркиби қонун асосида белгиланган ишчи ёши чегаралари билан белгиланади. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли (ишчи) ёшнинг қуйи чегараси 16 ёш қилиб белгиланган. Аммо ўқувчи, талаба, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида ўқишдан бўш вақтларида 14 ёшдан бошлаб ишлашга

¹ Қаранг: Горелов Н.А. Экономика трудовых ресурсов: Учеб. пособие для студ. экон. спец. вузов. 2-е. изд. перераб. и доп. М., Выш. лек. 1989. С. 12; Абдурахмонов К.Х., Шарифуллина Т.А. Экономика и социология труда: Учеб. пособие. М.: изд. РЭА им. В.Плеханова, 2002. С. 25.

рухсат этилган¹. Юқори чегараси, яъни пенсия ёши эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун эса 54 ёш белгиланган.

Демак, меҳнат ресурслари реал ва потенциал, яъни актив ва пассив ишловчи ва ишга тайёр кишилардан иборат бўлади. Меҳнат ресурсларининг фаол қисмига ёшидан қатъий назар, халқ хўжалигида банд бўлиб, меҳнат жараёнида ўз иш кучини сарфлаётганлар киради. Унинг пассив қисмига қандайдир сабабларга кўра меҳнатда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилар киради. Демак, меҳнат ресурслари ва аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омилининг ресурс сифатидаги ҳаракатини ифодалайди. Улар инсон омилининг шаклланиш босқичида потенциал ишловчи сифатида меҳнатга тайёргарлигини, халқ хўжалигининг тармоқлари, мамлакатнинг минтақалари ўртасида тақсимланиши ва қайта тақсимланишини ифодалайди. Шунинг учун бизнинг фикримизга кўра, иқтисодий категория сифатида меҳнат ресурслари тушгунчаси ишга лаёқатли аҳолини меҳнатга жалб этиш ва тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқлари, минтақалар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш юзасидан бўладиган ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди.

Таъкидлаш жоизки, 1966 йилда халқаро меҳнат статистикасидаги «меҳнат ресурслари» атамаси БМТ ЭКОСОС ташкилоти қошидаги Статистика комиссияси 14-сессиясининг тавсиясига кўра «иқтисодий фаол аҳоли» атамаси билан алмаштирилди. Иқтисодий фаол аҳоли иқтисодиётда банд бўлганлар ва ишсизлардан ташкил топади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда бу икки атама ўз мазмунларига кўра ўхшашдир. Аммо Ўзбекистонда меҳнат ресурслари ўз таркибига иқтисодий фаол аҳолини, яъни иш билан расман банд бўлганларни ва расман тан олинган ишсизларни, ҳамда бирон-бир сабабга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., Ўзбекистон, 1996. [77 модда] 30-б.

кўра иш билан расман банд бўлмаганларни, ҳамда норасмий иш билан бандларни ва яширин ишсизларни олади. Шу боисдан республикамизда ва бошқа МДХ мамлакатларида бу икки тушунча ва кўрсаткич фанда ҳам, статистика амалиётида ҳам қўлланилади. Демак иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси инсон омилини ресурс сифатида тавсифлайди.

Ҳозирги даврда иқтисодий фаол аҳоли атамасига синоним сифатида иш кучи атамаси ҳам қўлланилмоқда. Р.Ж.Эренбергер ва Р.С.Смитларнинг фикрига кўра, ишчи кучи таркиби ишлаётган ишловчилар, 16 ёшдан ошганлар, иш қидираётганлар ва ўзлари учун қулай ишнинг топилишини кутаётган ишсизлардан иборат¹. Бу маънода ушбу тушунча меҳнат ресурслари ҳамда иқтисодий фаол аҳоли тушунчалари билан ўхшашдир.

Ишлаб чиқаришнинг инсон омили ҳаракатининг кейинги босқичи унинг иқтисодий шакли сифатида намоён бўладиган меҳнат салоҳиятининг вужудга келишида намоён бўлади. Иқтисодий адабиётларда «меҳнат салоҳияти» тушунчаси XX асрнинг 70-йилларида кенг тарқалган бўлиб, унинг таърифи тўғрисида олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Лекин кўпчилик иқтисодчилар «меҳнат салоҳияти» ва «меҳнат ресурслари»ни бир-биридан фарқлайдилар. Бизнингча, «меҳнат ресурслари» кенг маънога эга бўлиб у мамлакатда мавжуд ишга яроқлиларни ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлайдиган ўсмирларни ва меҳнатда банд бўлган нафақа ёшидан юқори ёшдагиларни ифодалайди. «Меҳнат салоҳияти» эса уларнинг ишлаб чиқаришдаги имкониятларини ҳамда сифатини ифодалайди. Шунинг учун А.С.Панкратов меҳнат салоҳиятини уч миқдор йиғиндисининг ҳосиласи деб ҳисоблайди:

¹ Эренбергер Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда: теория и государственная политика. (Пер. с англ.) Под. науч. ред. Р.П. Колосовой, Т.О.Разумовой, С.Ю. Рошняк. М., МГУ, 1996. С.34.

- меҳнатга лаёқатли аҳоли сони;
- меҳнат қонунчилигида белгиланган иш куни, вақти;
- белгиланган иш вақти давомида меҳнат фаолиятининг ижтимоий-зарурий интенсивлиги¹.

Бу ерда гап жамиятнинг ихтиёрида бўлган меҳнатнинг миқдори, массаси ҳақида бормоқда. Берилган таърифда ходим ва ишчининг меҳнат қобилиятининг сифат хараактеристикасини ҳисобга олиш қийин. С.А.Кузьминнинг фикрича, инсон салоҳияти аҳоли иш вақтининг салоҳияти бўлиб, аҳоли ва унинг таркибий қисмларидан фойдаланишнинг у ёки бу минтақанинг ривожланиш даражаси билан белгиланадиган, унинг хўжалик, демографик-этник хусусиятларини ўзида акс эттирадиган имкониятини ифодалайди².

Юқорида берилган таърифда меҳнат салоҳиятини аниқлашда унга этник демографик, тарихий ва бошқа хусусиятларнинг киритилишини ижобий баҳолаш мумкин. Лекин бу ерда ҳам меҳнат салоҳиятининг моҳияти иш вақти фондида ифодаланган меҳнат миқдори билан ифодаланади. Таърифда ишловчи сифат тавсифи тушиб қолган. К.Х.Абдурахмонов ва Ю.Г.Одеговлар меҳнат салоҳиятини алоҳида ишловчи ва уларнинг йиғиндисининг меҳнат қобилиятлари жамисининг интеграл тавсифи сифатида аниқлайдилар. Уларнинг фикрларига кўра ҳар бир аниқ олинган вақт ичида меҳнат салоҳияти маълум меҳнат қобилиятига, касб-малака тайёргарлигига ва ўзига хос жинс, ёш таркибига эга бўлган ҳамда иш кучидан фойдаланишнинг маълум интенсивлиги шароитида аниқ саиал-иқтисодий натижаларга эришадиган аҳоли қисми тушунилади³. Шу маънода ўлчанадиган ҳамда жинс, ёш, билим, саломатлик, меҳнат қилиш ва жамиятга наф

¹ Панкратов А.С. Трудовой потенциал в системе управления производством. М., изд-во МГУ, 1983. С.29-30.

² Кузьмин С.А. Эффективность занятости населения. М., Экономика, 1990. С.23.

³ Абдурахмонов К.Х., Одегов Ю.Г. Управление трудовым потенциалом в условиях регулируемой рыночной экономики. Т., Меҳнат, 1991. С.42.

келтириш каби параметрлар билан тавсифланадиган меҳнат ресурслари меҳнат салоҳиятидир, деб таърифланади¹.

Ушбу таъриф меҳнат салоҳияти инсон шахсининг кўп қирраларини, унинг меҳнат қилиш имкониятларини кенгроқ ўзида мужассамлайди. Бу маънода Д.Н.Рахимованинг ушбу тушунча мазмунининг ресурс, шахсий ҳамда ижтимоий жиҳатларини асослаганлиги эътиборга лойиқдир. Унинг фикрича ресурс нуқтаи назаридан алоҳида ишловчининг меҳнат салоҳияти инсоннинг жинси, ёши, иш вақти ва меҳнат интенсивлиги таъсиридаги меҳнат фаолиятининг миқдорий вақти билан белгиланади. Инсон шахси нуқтаи назаридан ушбу тушунча унинг аниқ турдаги меҳнат фаолиятини юритиш учун зарур бўлган касбий ва иқтисодий тайёргарлиги, малака даражаси, иш стажи, жисмоний кучи ҳамда саломатлиги билан белгиланадиган меҳнат қобилияти тушунилади². Шунингдек, меҳнат салоҳиятининг социал-иқтисодий, ишлаб чиқариш - техник, экологик, социал-демографик, психологик омиллар таъсирида шаклланадиган миқдорий-сифат имкониятлари, меҳнат қобилиятлари йиғиндиси сифатида ҳам тавсифланади.

В.М.Шепелев ҳам ушбу тушунчанинг мазмунини очишда унинг яна бир қиррасини ёритган. Унинг фикрига кўра меҳнат салоҳияти ишловчининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир қилувчи психологик, касбкорлик, малакавий, шахсий салоҳиятлари йиғиндисидан иборат хусусиятлари ва қобилиятларининг йиғиндисини ифодалайди³.

¹ Абдурахманов К.Х., Шарифуллина. Экономика и социология труда. Учебное пособие. М., изд. РЭА им. В.Г. Плеханова, 2002. С.27.

² Раимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. Т., ТГТУ, 2000. С.18-19.

³ Обновление производственных отношений и активизация человеческого фактора. Под ред. А.Х.Хикматова. Т., Фов, 1992. С.34-35.

Фикримизча меҳнат салоҳияти категорияси, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, жамиятнинг етуклиги, шу жумладан, ишлаб чиқариш муносабатлари, ҳамда тарихий, демографик, аҳолининг этник хусусиятлари асосида ижтимоий ишлаб чиқаришда қўллаш имкониятини берадиган, унинг барча босқичларидаги инсон омилининг миқдорий ва сифат ҳислатлари, меҳнат қобилиятларининг йиғиндисидир.

Ишлаб чиқаришнинг инсон омили сифатидаги ишловчининг имкониятларига, меҳнат салоҳиятига меҳнатга лаёқатли аҳолининг демографик кўрсаткичлари, ишловчилар меҳнат қобилиятларининг сифат ва миқдор тавсифи (билим, касб-ҳунар, соғлиқ даражаси, жисмоний кучи, ақлий қобилиятлари ва ҳ.к.) унинг инсоний, шу жумладан, меҳнат қобилиятини реализация қилиш хусусиятлари (интизом, маънавий, руҳий қадриятларни сақлай олиши, манфаатлари ва эҳтиёжлари, социал етуклиги ва ҳ.к.), аҳолининг иш вақти фонди ҳамда жамиятда айнан шу даврда вужудга келган ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги киради. Меҳнат салоҳияти инсон омилининг барча даражадаги шаклларига, яъни индивидуал ишловчига, меҳнат жамоасига, жами ишловчи ва иш кучига нисбатан қўлланилади.

Инсон омили ҳаракатининг кейинги босқичи унинг моддий-ашёвий омилар билан ташкилий-иқтисодий жиҳатдан бирикиши ҳисобланади. Бу ижтимоий ишлаб чиқаришда ишловчиларнинг меҳнатда бандлигида намоён бўлади. У иқтисодий адабиётларда аҳолининг бандлиги деб аталади. Мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг бир қисмигина ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда аҳолининг бандлиги ишлаб чиқарувчининг моддий-ашёвий оми билан бирикканлигини ва ишлаб чиқаришда инсон омили сифатида амал қилишга тўлиқ тайёрлигини ифодалайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омили ҳаракатининг пировард босқичи унинг бевосита ижтимоий ишлаб чиқаришда амал қилиши ҳисобланади. Ушбу босқичда инсон омилининг меҳнат салоҳияти, яъни унинг ишлаб чиқаришдаги имкониятлари ишга тушади ва реализация қилинади. Реализация қилинмаган салоҳият, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг резерви сифатида намоён бўлади. Бу босқичда ишловчи ўз иш кучини ҳаракатга келтиради, яъни реализация қилади. Бунда иш кучи унинг меҳнатга бўлган қобилияти сифатида реализация қилинса, унинг бошқа инсоний хусусиятлари, эҳтиёжи, манфаати иш кучини реализация қилиш механизмини ташкил этади.

Ушбу босқичда ишловчининг ишчи кучи ишлаб чиқариш воситалари билан бирлашади ҳамда истеъмол қилинади, яъни бевосита меҳнат жараёни юз беради. Меҳнат жараёнида унинг ушбу элементлари узвий боғланади. Бунда инсон ўз иш кучини ишга солиб, меҳнат воситалари ёрдамида табиатга, меҳнат предметиға таъсир этиб, янги истеъмол қийматини, моддий ва маънавий неъматни яратади. Инсон меҳнат фаолияти онглилиги, мақсадга йўналтирилганлиги, ижтимоий нафлилиги, ижтимоий-иқтисодий натижага эришишни кўзлаши ҳамда жисмоний-ақлий энергия сарф қилиниши каби хусусиятларга эга.

Иқтисодий адабиётларда шахснинг потенциал имкониятлари ва социал сифатининг бевосита жонли меҳнатга ўтиши, унинг меҳнат жараёниға қўшилишиға меҳнат хатти-ҳаракати, яъни фаолияти деб аталади¹. Унинг асосий белгиларига шахс меҳнат салоҳиятининг ривожланиш ва реализация қилиниши даражаси, қобилиятларини тўлиқ намоён этиш учун шарт-шароитлар

¹ Афонин А.С. Социальная активность в свете теории трудового поведения. // Становление рыночных структур и активность человека / Меж. вузовский сб. науч. трудов. / Калининград. Калинингр. ун-т. -Т., 1991. С.40, 42

яратиш, ўз олдига мақсадлар қўйиши, қарорларни қабул қилиши, фаолият муҳитини ва унинг натижасини баҳолаш, фаолият натижаларининг самаралиги, меҳнат жамоасини ва жамиятни бошқаришда қатнашиш, киши хатти-ҳаракати мотивациясининг хусусияти киради.

Меҳнат хатти-ҳаракатининг функционал таркиби мақсадни белгилаш, ҳаракат воситаси ва усуллари ҳамда уни бажариш интенсивлигини ва сифатини танлаш, унинг натижасини баҳолашни ўз ичига олади. Агар фаолият натижаси унинг мақсадига мос келмаса ёки унинг субъектини қониқтирмаса, у ҳолда субъект мақсадга, уни амалга ошириш воситаларига ўзгартиришлар киритиб, янги ҳаракатни ва фаолиятни бошлайди. Шахснинг меҳнат фаолияти қуйидаги шаклларда намоён бўлади: режалаштирилган ва реал, амалий; социал-детерминлашган (эркин) ва маъмурий-детерминлашган, яъни зарурий, маъмурий жиҳатдан белгиланган; табиий, ҳодисавий (ситуацияли), фавқулодди экстремаль); меъерий, яъни норматив, ўзгарувчи, яратувчи ва меъёрдан четлашган, яъни мослашувчан, ёки бузғунчилик. Шу мақсадда биз ишловчининг меҳнат фаолиятини топшириқни бажаришга асосланган ҳамда меҳнат, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва ижодий фаоллик деб тавсифлаймиз.

Агарда ишловчи меҳнат фаолияти натижалари белгиланган норма ва қоидалар асосида ишлаб чиқариш топшириқлари ва бошқа мажбуриятларига мос тушса, ижрозчилик меҳнат фаолияти амалга ошган деб ҳисобланади. Ишловчиларнинг меҳнат фаоллиги эса ишлаб чиқариш топшириқларини онгли равишда ортиғи билан бажариш, техника ва технологиядан тежамли, унумли фойдаланиш ҳамда уларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, маҳсулот сифатини ошириш кабиларда ифодаланади.

Демак, бизнингча, меҳнат фаоллиги инсонга бовлиқ жонлантирилган, ташаббускорликка асосланган фаолият ҳисобланади. Меҳнат фаоллиги ишловчининг ўз қобилияти ва ишчи кучини ишлаб чиқариш жараёнида энг юқори натижага эришиш мақсадида онгли равишда сарфлашидир.

Ишловчининг меҳнат фаоллигини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: ишлаб чиқариш ва ижодий фаоллик. Ишлаб чиқариш фаоллиги қуйидагиларда намоён бўлади: меҳнат нормасини, белгиланган топшириқни онгли равишда ортиғи билан бажариш; ишлаб чиқариш воситаларида: унумли фойдаланиш; маҳсулот сифатини ошириш ва ҳ.к. Ижодий фаоллик қуйидагиларда намоён бўлади: меҳнат қуроли ва предметларини такомиллаштириш; янгиларини яратиш; ишлаб чиқаришда меҳнатнинг прогрессив усулларини қўллаш ва ҳ.к.

Демак, ишлаб чиқаришда инсон омилининг ҳаракати тўрт босқични босиб ўтади: ресурсли, яъни шаклланиш, потенциал (имконият), ишлаб чиқариш воситалари билан ташкилий-иқтисодий жиҳатдан бирикиш ва амал қилиш жараёнлари. Инсон омилининг ҳаракат босқичлари 1.3.2-чизмада берилган.

Ўз ҳаракат босқичида инсон омили кетма-кет қуйидаги шаклларда намоён бўлади: аҳоли, меҳнат ресурслари, меҳнат салоҳияти (потенциали), иш кучи, меҳнат активлиги ва ҳ.к. Меҳнатдаги фаоллик инсон омили намоён бўлишининг энг муҳим шакли ҳисобланади. Меҳнат фаоллиги ишловчидан ўзининг барча қобилиятларини билим даражаси, малак ва тажрибаси, меҳнат интизоми, ўриндошлик вазифаларини бажариш, техник ижодкорлик ишларида иштирок этиш, рақобат курашида, ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш каби ларни ишга солишни талаб қилади. Ушбу компонентлар ишловчининг меҳнатдаги фаоллигини ташкил этади. Меҳнат фаоллигининг муҳим шакллари дан бири меҳнатдаги

Ишлаб чиқаришнинг инсон омилининг ҳаракат босқичлари¹.

мобилик, яъни ҳаракатчанлик ҳисобланиб у ишловчининг ўз иш жойини ўзгартириши, меҳнатдаги барча ўзгаришлар ҳамда кишиларнинг касбий, малакавий ва мансаб жиҳатдан ўсишида акс этади.

Шу мақсадда у икки маънода ифодаланади. Кенг маънода: ишловчининг меҳнат фаолиятидаги барча динамик ўзгаришлари, тор маънода: конкрет тарихий шароит учун социал аҳамиятга эга бўлган, ишловчининг ва

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

унинг атрофидагиларнинг жамиятдаги аҳволига сезиларли даражада таъсир ўтказган ўзгаришларни англатади¹.

Бизнингча, бу таъриф тўғри берилган, лекин бу меҳнатдаги мобилликнинг сабабини ифодаламайди. Бу таъриф фақатгина меҳнатдаги мобиллик шаклининг намоён бўлишинигина ифодалайди, холос.

Бизнингча, меҳнат мобиллиги - бу ишчи кучининг ўзгаришлар қонунига асосланган, меҳнат кооперацияси ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг минтақаларда тақсимланиши ва қайта тақсимланиши, кишининг ўз-ўзини намоён этишга, ўз меҳнатини даромадли ва обрўли ишда қўллашга интилиши, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариши ҳамда аҳоли миграцияси билан боғлиқ бўлган ҳаракатдир.

Меҳнат фаолияти мобиллигининг намоён бўлиш шакллари:

- дастлабки касб ва ҳунарга ўрганиш, малака ошириш, ўриндошлиқда ишлаш, хизмат кўрсатиш доирасини ва меъёрини кенгайтириш;

- иш жойи ва касбини ўзгартириш ҳамда бошқа касб гуруҳига ўтиш, кадрларни қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш, ишчиларни ишдан бўшатилиши, аҳоли миграцияси;

- техник ижодкорлик, шу жумладан, ишловчиларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик фаолияти, яъни ишлаб чиқаришга янгиликларнинг киритилиши;

- ишловчи томонидан бевосита индивидуал меҳнат толшириғининг бажарилиши функцияси билан якка ва жамоавий тадбиркорлик функциялари ҳамда ходимларнинг корхонани, ишлаб чиқаришни бошқаришда ишгирок этиши,

¹ Мукаметлаев Ф.У. Трудовой мобильность: концептуальное модель, реальные тенденции, проблемы управления. Уфа, Башк. изд.-во. 1996. С. 96-97

улар ўртасидаги меҳнат фаолияти алмашуви кабиларда ифодаланади.

Меҳнат фаоллигининг барча турлари рақобат кураши мусобақа орқали амалга ошади. Рақобат кураши меҳнатдаги фаолликни намоён бўлишининг асосий шакли бўлиб, у фаолликнинг бошқа шакллари хусусиятларини белгилайди ва уларга ҳам таъсир ўтказиши. Шунинг учун, рақобат бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашлар фаоллигини оширадиган умумий шакл ҳисобланади. Ишловчиларнинг ишлаб чиқаришидаги фаоллигини оширадиган муҳим таркибий қисмларга инсон омилининг қуйидаги хусусиятлари киради: билим даражасининг ўсиши, малакаси, иш тажрибаси, касбий ўриндошлик, меҳнат интизомининг яхшиланиши ва ҳ.к. Меҳнаткашларнинг ижодий фаоллиги унинг ташаббускорлик, илғорлик, ижодкорлик, яъни инновацион фаолиятида намоён бўлади. Моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнат интизому, меҳнатдан қониқиш, эътиқод, ватанпарварлик ва бошқалар ҳам ишловчиларнинг фаоллигини оширадиган компонентлардир (қаранг: 1.3.3-чизма).

Иқтисодий адабиётларда, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатдаги фаолликни ўрганиш учта методологик ёндашувга асосланади: қадриятли-эҳтиёжли, таркибий-функционал, кўп қиррали (жиҳатли) - меъёрли¹.


Бизнингча, қадриятли-эҳтиёжли методологик ёндашувда, меҳнат фаоллигига ишловчининг қуввати ва имкониятларини сарфлаш, унинг соҳил аҳамиятли ва мазмунали меҳнатта бўлган эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралади. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши билан, меҳнат фаолиятининг инсон томонидан қадрланиши нуқтаи

¹ Чуйкин А. Трудовая активность в развивающемся обществе. // Экономические науки. 1990. №11. С.37-38.

назаридан унинг фаоллигининг ошиб боришининг икки хил йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1.3.3-чизма

Меҳнат фаоллигининг намоён бўлиш шакллари ва омиллари¹



¹ Муаллиф томонидан тузилган. Қаранг: Абулқасимов Х.П. Проблемы формирования, функционирования и активизации личного фактора общественного производства в условиях переходной экономики. Т. Университет, 1999. С.39.

Биринчидан, хусусий мулкнинг вужудга келиши натижасида аҳолининг бир қисми капитал мулк эгаси бўлади. Ёлланма ходим (ишчи)лар эса корхона фойдасининг тақсимланишида иштирок этади ёки дивидендга эгалик қилади.

Иккинчидан, ишчи кучи бозорининг шаклланиши билан боғлиқ равишда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш тизими иш кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатининг ўзгаришига ҳамда меҳнатнинг пировард натижаларига тобора мослаша бошлайди ва унга мувофиқлашиб боради. Таркибий - функционал амал қилувчи методологик йўналишда меҳнат фаоллиги хўжалик субъектининг таркибий тузилишининг ўзгариши, фаолият турларининг кенгайиб бориши нуқтаи назаридан ўрганилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк турли шаклларининг вужудга келиши билан ишлаб чиқаришда инсон омилининг таркибий тузилиши ўзгаради, унинг иқтисодий шакллари кенгайди. Тадбиркорлик шаклларининг ривожланиши ва корхоналар мустақиллигининг кучайиши уларнинг функция (вазифа)ларини ҳам ўзгартириб, кенгайтириб юборади.

Меҳнат фаоллигига кўп қиррали - норматив ёндашув, ҳар бир хўжалик субъектининг кучли рақобат курашлари шароитида ўзи учун янги хўжалик юритиш муҳитини, фаолият тури бизнес ва маркегинг режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали шакллантириши кераклигини, бунинг учун эса бозор тамойилларига мос равишда ишлаб чиқилган иқтисодий нормативлар асосида фаолият юритиши зарурлигини аниқлатади. Чунки бозор шароитида ривожланаётган янги мулкчилик муносабатлари кишилар меҳнат фаоллигининг қадриятларини, таркибий-функционал йўналишларини, улар фаолиятининг хўжалик муҳитини губдан ўзгартириб

юбормоқда. Натижада хўжалик субъектлари ўз фаолиятларини янги иқтисодий нормативлар негизда тижорат ҳисоби асосида ташкил этишлари ва юритишларига зарурат туғилмоқда.

Демак, ижтимоий ишлаб чиқариш инсон омилининг ҳаракати мураккаб жараён бўлиб, у вужудга келиши ва амал қилиши бир неча босқични босиб ўтади. Бунда энг муҳим босқич инсон омили билан ишлаб чиқариш воситаларининг бирикиш жараёнида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш омилларининг бирикиш жараёни уларнинг амал қилишининг муҳим шарти ҳисобланади. унинг характери, ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бирикишининг социал-иқтисодий ва ташкилий шаклларига боғлиқ. Шунинг учун ишлаб чиқариш омилларининг бирикишини таҳлил қилиш ҳозирги замон миллий иқтисодий назарияси фани учун муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

1.4. Ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши ва уйғунлашувининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар қандай иқтисодий тизимда ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши ва уларни ўзлаштиришлар жараёнлари ҳамда ишлаб чиқаришнинг ишчига, умуман, инсонга таъсири муҳим муаммо ҳисобланади¹. Шунинг учун, иқтисодий адабиётларда мазкур жараёнларнинг характери ва усулларини тадқиқ этишга эътибор берилади. Инсоний ва моддий-ашёғий омиллар қўшилишининг характери таҳлил қилинганда «мулкнинг эгаси ким?» - деган савол ўртага қўйилади. Бевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилувчи билан қандай боғлиқликка эга? Унинг ип

¹ Бузгалин А.В. Переходная экономика: курс лекций по политической экономии. - М.: Таурус. Просперус, 1994. С.149.

кучи товар ҳисобланадими? Юқоридаги саволларни таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқариш омиллари қўшилишининг бевосита ёки билвосита характери аниқлаш мумкин. Ишлаб чиқариш омилларининг қўшилиш усули деганда, ишловчиларни ишга жалб қилишнинг амалий усули ва ҳар бир иқтисодий тизимдаги уларнинг ўзига хос хусусиятлари тушунилади. Адабиётларда ишлаб чиқариш омиллари қўшилишининг куйидаги икки усулига алоҳида эътибор берилади: мажбур қилиш (иқтисодий ёки ноиқтисодий) ва эркин усул¹. Шунингдек, инсонни меҳнатга жалб қилиш ёки мажбурлашнинг яна бошқа: шахсий (куч билан), иқтисодий (ашёвий) ва ижтимоий (онгли) усуллари ҳам асослаб берилган².

Бизнинг иқтисодий адабиётларда кўп йиллар давомида капитализмда ёлланган ишчи ишлаб чиқариш воситалари билан билвосита, яъни иш кучини олди-соттиси асосида иқтисодий мажбурий усул билан бириккан деб таъкидланар эди. Социалистик жамиятда ишчи ишлаб чиқариш воситаларига биргаликда эгаллик қилувчи бўлиб бевосита ва эркин бириккан дейилган. Аслида эса, ишчининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши мажбурий иқтисодий ва ноиқтисодий усуллар ёрдамида амалга оширилган³.

Бизнингча, ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омилларининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши характери ва усулларини таҳлил қилганда, унинг социал-иқтисодий, ташкилий, техник-иқтисодий томонларига, социал-иқтисодий тизимнинг асосий хусусиятларидан бўлган моноструктура, яъни мулкнинг фақат бир шаклигина ҳукмронлик қилган ёки полиструктура - мулкнинг турли-туман шакллари амал қилгани ва уларнинг

¹ Бузгалин А.В. Переходная экономика: курс лекций по политической экономии. - М., Таурус, Прог.перук, 1994. С.149.

² Ильин А.И. Личный фактор общественного производства и проблемы его активизации. - Л.: изд. Ленингр. ун-та, 1991. С.25.

³ Рынок труда и социальная политика в Центральной и Восточной Европе. Переходный период и дальнейшее развитие. Пер. с англ. - М.: ЦКЦ «ДИС», 1997. С.170.

тенглигига асосланганлигига эътибор қаратиш зарур. Шу вақтгача иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқариш омилларининг қўшилиши ҳар хил моноиқтисодий тизимларда таҳлил қилинган. Лекин ҳозирги даврда бундай таҳлил талабга жавоб бермайди. Рипожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган давлатларда XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, моноиқтисодий тизимдан полииқтисодий тизимга ўтиш бошланди, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳам шундай жараёни бошдан кечирмоқда. Полииқтисодий тизим турли мулк шаклларига асосланган аралаш иқтисодиёт бўлиб, у тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларининг узвийлигини ифодалайди. Демак, бизнинг фикримизча ишлаб чиқариш омиллари қўшилишининг усули ва характери аралаш бозор иқтисодиёти асосида таҳлил қилиш зарур. Таъкидлаш жоизки, бундай шароитда мулкнинг турли-туман шакллари ва ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омилининг социал-иқтисодий шакллари ишлаб чиқариш омиллариининг ҳам қўшилишининг турли усуллари ва турлича характерга эга бўлишини тақозо этишини эътиборга олиш керак.

Шахсий меҳнатга асосланган ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик шароитида, оилавий мулкда, биргаликда меҳнат жараёни амалга ошадиган жамоа, кооператив корхоналарда ишчи билан ишлаб чиқариш воситалари бевосита ва эркин равишда бирикадилар. Бу корхоналарда ишчи кучи, меҳнат инсон-ишчидан бегоналашиб кетмайди, меҳнатининг натижаларига ўзи эгаллик қилади. Шунинг учун у меҳнат жараёнини эркин ўзи ҳамда жамият учун амалга оширилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хусусий ва давлат корхоналарида ишчи ишлаб чиқариш воситалари билан

билвосита, яъни ишчи кучини олди-соттиси жараёнида, иқтисодий зарурият асосида қўшилади. Шунини таъкидлаш лозимки, бозор шароитида ишчи кучи бозорининг вужудга келиши билан мажбурий ёлланган ишчилар эркин ёлланган ишчиларга айланади. Бу ерда ишчи кучи ва меҳнатнинг инсондан бегоналашуви юз беради, ишлаб чиқариш натижаларини мулк эгаси ўзлаштиради. Бу корхоналарда ишчиларни иқтисодий усуллар орқали ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши ва меҳнатга ундаши билан биргаликда ноиқтисодий мажбурлаш усуллари ҳам амал қилади.

Акционерлик жамиятларида коллектив тадбиркор ва менежер ташкилий-иқтисодий ва бошқариш масалалари билан шуғулланади. Шунинг учун улар фаолияти ишлаб чиқариш омилларини уйғунлаштиришга қаратилади. Акционерлик жамиятидаги ёлланма ишчининг бирикиш характери оралиқ характерга эга бўлса, қўшилиш усули иқтисодий мажбурлаш ҳисобланади. Худди шундай ҳолат хўжалик жамиятлари ва шерикчиликка асосланган корхоналарда ҳам амал қилади. Бу корхоналарда ёлланма ишчилар акционерлар ҳисобланиб, улар дивидендларга эгаллик қилади. Шунинг учун ишчилар ва бошқарувчилар ўртасида иш кучидан ва капиталдан самарали фойдаланиш, юқори даромадга эга бўлиш мақсадида ижтимоий-шерикчилик муносабатлари ўрнатилади.

Демак, ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситаларининг ўзаро қўшилишининг мураккаб тизими шароитида меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгаради. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида илмий адабиётларга “социал-меҳнат муносабатлари” деган атама кириб келди. Шунини таъкидлаш лозимки, ислохотларгача социал-меҳнат муносабатлари бўлган ва ўрганилган. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг вужудга келиши билан янги категориялар, яъни ишчи кучи бозори,

социал шерикчилик, меҳнат низоси ва бошқалар вужудга келди. Илмий адабиётларга «социал-меҳнат муносабатлар»и атамасининг кириб келиши инсоннинг иқтисодий ривожланишдаги роли тўғрисидаги илмий ва амалий тасаввурининг ўзгаришига боғлиқ бўлиб, муҳим тушунча сифатида ундан иқтисодий фаолиятнинг субъекти, индивидум, шахс, яъни ишлаб чиқаришнинг инсон омилини характерлаш мақсадида фойдаланилади. Социал-меҳнат муносабатлари меҳнат жараёнидаги ўзаро муносабатга кирадиган субъектларнинг ўзаро боғлиқ эканлигини ва бир-бирига таъсир ўтказишини ифодалайди. Унинг асосий субъекти ёлланма ишчи ҳисобланади. Давлат бунда қонун чиқарувчи, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи, бошқарувчи, ишга ёлловчи сифатидаги ролни бажаради. Масалан, Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатлари Меҳнат ҳақидаги қонунчилик, шу жумладан, Меҳнат Кодекси асосида тартибга солинади.

Меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида ёлланган ишчи, шахс, ишловчилар гуруҳи, яъни меҳнат жамоаси, касаба уюшмаларининг вакиллари бўлиши мумкин. Мулкдор шахслар, тадбиркорлар, корхона эгалари ёки бошқарувчилари, шу жумладан, уларнинг мустақил бўлган таркибий бўғинлари, ижтимоий ташкилотларнинг вакиллари эса иш берувчилар, бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Инсоннинг меҳнат жараёнидаги аниқ мақсадлари ва унинг ҳар бир босқичида амалга оширадиган вазифаларининг хусусиятлари социал-меҳнат муносабатларининг предмети сифатида намоён бўлади. Шунинг учун социал-меҳнат муносабатларининг предмети маълум касб юзасидан ишни бажариш, малака, мансаб ва иш узун рабатлантириш, ёллаш ва ишдан бўшатиш шарти, дам олиш ва меҳнат шароити, касбга йўналтириш, касб-малакага ўқитиш, қайтадан тайёрлаш, социал касб-ҳунар

маҳоратининг ривожланиши ҳамда меҳнат фаоллиги даражаси юзасидан бўладиган муносабатлар ҳисобланади.

Социал-меҳнат муносабатларининг асосида бирдамлик (солидарлик) ва ўзаро ёрдам (субсидиарлик) тамойиллари ёки ҳукмронлик ва итоаткорлик-патернализм тамойили асосидаги ҳамда тенглик асосидаги шерикчилик, низо, низовий ҳамкорлик, низовий рақиблик муносабатлари ётади. Юқоридаги муносабатлар бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил муносабатларга ажратилади: патернализм ва социал шерикчилик. Патернализм - давлат ёки фирма маъмурияти томонидан социал-меҳнат муносабатларининг аниқ ва қатъий белгилаб берилишини англатади. Социал-меҳнат муносабатларининг бундай тури маълум тарихий босқичда юқори самарали бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бундай муносабатларнинг амал қилиши натижасида ишчиларнинг меҳнатдаги ҳолати пассив бўлиб, меҳнат сифатини оширишга, шу жумладан, меҳнат фаолиятига бўлган интилишнинг паст даражада бўлишига сабаб бўлади.

Социал бирдамлик иш берувчи ва ёлланган ишчи манфаатларининг бир-бирига мос келишини ифодалайди. Иккала томон ҳам корxonанинг максимум фойда олишидан манфаатдор бўлади. Чунки ёлланган ишчининг иш ҳақи бевосита фирма фаолиятининг пировард натижаларига боғлиқ бўлади. Ишчилар фирманинг капиталида ўз ҳиссаларига эга бўлади ёки фойданинг тақсимланишида иштирок этади. Шунинг учун ишчилар ўзларини фирманинг хўжайини деб билади. Ижтимоий йўналтирилган ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган давлатларда социал-меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ёлланган ишчилар ўртасидаги социал шерикчилик муносабатлари устувор ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида социал-меҳнат муносабатларининг патерналистик тури устувор бўлади. Аммо бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан иш

берувчи ва ёлланма ходимлар ўртасида ижтимоий бирдамликка асосланган социал-меҳнат муносабатлари шаклланиб, ривожланиб боради. Бунинг учун ишчиларга корхона фойдасини тақсимлашда иштирок этиши учун реал шарт-шароит яратилиши, ишчи кучи қийматига мос келадиган ва уни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга имкон берадиган ҳамда фирма фаолиятининг пировард натижаларига боғлиқ бўлган иш ҳақи тўлашни амалга ошириш керак бўлади. Фақат шундагина ишчи кучини олди-соттиси асосида ишчининг ишлаб чиқариш воситалари билан бирикиши амалга ошади. Кишини кипи томонидан эксплуатация қилинишига барҳам берилади. Ишчи кучидан иш берувчи ва ёлланма ишчининг манфаатлари йўлида фойдаланилади. Улар ўртасида фойда олиш ва шахсий даромадга эга бўлиш мақсадида шерикчилик (ҳамкорлик) муносабатлари кужудга келади. Ёлланма ишчи шу билан биргаликда ишлаб чиқаришни бошқариш, рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этиш учун жалб этилади. Бу эса иш кучи билан ишлаб чиқариш воситаларининг бирикишини, меҳнат жараёнини ҳамда ташкилий бошқариш фаолиятини инсонпарварлаш-тиришни талаб этади. Ишлаб чиқариш омиллари қўшилишининг ташкилий, техник-иқтисодий жиҳатлари мулк турларидан қатъий назар меҳнат усулига боғлиқ. Меҳнат усулининг ривожланиш даражаси бевосита ишлаб чиқарувчи ва мулк эгаси ўртасидаги муносабатнинг характерига мос тушади. Меҳнат усули жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари элементларининг ривожланиш даражасини ифодалайди ва уларнинг ўзаро боғлиқлигининг бошланғич ташкилий шакли ҳисобланади.

Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни ифодаладиган, инсон ўз фаолияти натижасида ўзи ва табиат ўртасидаги моддаларнинг алмашувини назорат қиладиган, бошқарадиган, яшаши учун керакли бўлган

неъматларни ишлаб чиқарадиган ва такрор ҳосил қиладиган меҳнат жараёнидан фарқли равишда меҳнат усули ишлаб чиқарувчи кучлар элементларининг техник-ташкилий қўшилиш усулини ифодалайди. Меҳнат усули инсон омилининг ишлаб чиқариш воситалари билан дастлабки қўшилиш шакли сифатида меҳнат қуроолларининг ривожланиш даражаси ва инсоннинг ишчи кучи сифатининг ҳолати билан ифодаланади. У яна ишловчи ва ишлаб чиқариш воситалари ўртасида технологик функцияларнинг тақсимланишини ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқликда амал қилиши жараёнида ишловчининг технологик ўрнини ифодалайди. Демак, меҳнат усулининг маълум тури қўлланилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг хусусиятларига боғлиқ равишда меҳнат функцияларининг тақсимланиши, меҳнат турларига ихтисослашуви билан белгиланади. Инсоннинг табиат билан ўзаро боғлиқлигининг кейинги босқичи моддий неъматлар (хизматлар) ишлаб чиқариш усули бўлиб, бунда ишлаб чиқарувчи кучлар элементлари ишлаб чиқаришнинг инсон ва моддий омиллари мақомини олади.

Иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқариш усули тушунчаси кенг маънода ижтимоий ишлаб чиқаришни ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро боғлиқликдаги, диалектик бирлиги сифатида умумий тавсифлашда қўлланилади¹.

Тор маънода эса бу тушунча ишлаб чиқаришнинг технологик ва ижтимоий шароитларини объектив тавсифловчи, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини мустақил боғлаб турувчи бўгин ҳисобланади. Фикримизча, неъматлар ва хизматларни бевосита ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқарувчи кучлар

¹ Қаранг: Экономическая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений // Колл. авт.: К.Абдурахманов и др. - Т., Шарқ, 1999. С.55-56; Тожибоева Д. Иқтисодийёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. /Акад. М.Шарифхўжаевнинг илмий таҳрири остида. -Т., Ўқитувчи, 2002. 55-б.

таркибий қисмларининг ўзаро боғланиш тизимининг улар ўртасидаги техник-ташкилий алоқалар сифатида намсён бўлишини, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг эса бевосита ишлаб чиқариш муносабатлари сифатида амал қилишини ифодалайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар элементлари ўртасидаги техник-ташкилий алоқалар ишлаб чиқаришнинг технологик усулини ташкил этади. Бевосита ишлаб чиқариш усули доирасида ишловчилар ишлаб чиқариш воситалари билан амалда қўшиладилар. Бундай ҳол ҳар бир меҳнат жараёнида амалга ошади. Моддий неъмат(хизмат)ларни ишлаб чиқариш усуллари турли босқичларида қўл меҳнатига асосланган, деҳқончилик, ҳунармандчилик, индустриал, машинали, автоматик ва бошқа ишлаб чиқариш усуллари кўринишида амал қилади.

Моддий неъматлар ва хизматларни бевосита ишлаб чиқариш усули маълум ташкилий-хўжалик шакллари билан боғлиқликда амал қилади. Меҳнат ва бевосита ишлаб чиқариш усуллари ишловчининг ишлаб чиқариш воситалари билан техник ва технологик жиҳатдан бирикиши усуллари ташкил қилса, ташкилий-хўжалик жиҳатдан ташкилий-хўжалик шаклларида бирикадилар. Ташкилий-иқтисодий (хўжалик) шакллари хўжалик фаолиятининг ҳунармандчилик устахонаси, мануфактура, корхона (фирма), деҳқон ва фермер, кооператив (ширкат) хўжаликлари, концерн, корпорация, тармоқ, соҳа кўринишларида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш усулининг ташкилий-хўжалик (иқтисодий) шаклларида ишловчи (ходим)лар маълум ташкилий менат жамоасига бирлашиб, ишлаб чиқариш воситалари билан корхона(фирма)нинг ва жамиятнинг ялпи ишчи кучи сифатида бирикади (қаранг: 1.4.1-чизма).

Фикримизча, инсон омилининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилишининг ўзигина ижтимоий

Ишловчининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилишининг ташкилий-техник ва ташкилий-иқтисодий шакллари¹.



ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлай олмайди. Бунга инсон омили билан ишлаб чиқариш воситаларининг самарали бирикқанида ва рационал комбинациялашуви

¹ Мувллиф томонидан тўзлаган.

орқалигина эришилади. Ишлаб чиқариш омилларининг комбинациялашуви натижасида инсон омили ва ишлаб чиқариш воситаларининг бир-бирларига мувофиқлиги, мослиги, мутаносиблиги вужудга келади.

Иқтисодий адабиётларда бу мослик ишчи кучининг меҳнат қуролининг ривожланиш даражасига ва характерига мутаносиблиги деб ҳам аталади. Бошқа муаллифлар унга кенгроқ таъриф бериб, ишчи кучининг меҳнат воситаларига мослиги деб изоҳлайди.

Бундай қарашлар инсон омилини фақат ишчи кучи сифатида таърифлашга асосланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларини ҳам меҳнат қуроли ва воситасида: иборат деб тушуниш орқали меҳнат предмети унинг таркибидан тушириб қолдирилган. Шунинг учун ҳам юқоридаги таърифлар мазкур мутаносибликнинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди. Бу мутаносибликнинг моҳиятини очишда бизнингча, ишлаб чиқаришнинг инсон омилини ходим, ишловчи, моддий-ашёвий омилини эса ишлаб чиқариш воситалари эканлигидан келиб чиқиш лозим.

Демак, инсон ва моддий-ашёвий омилларнинг бир-бирига мос келиши, мутаносиблигининг моҳияти улар ўртасидаги зарурий, ўзаро диалектик боғлиқлик ва алоқадорликни ифодалайди. Бу эса ишловчи ходим ва ишлаб чиқариш воситалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатидан мувофиқлик, мувозанатлик бўлишини таъозо этади. Ҳар бир меҳнат жараёнида ишлаб чиқариш воситаларининг миқдори ва сифати шунга мувофиқ равишдаги жонли меҳнат миқдори ва сифатини талаб қилади.

Шунинг учун, биз қайсидир ишлаб чиқариш омилини бошқасига нисбатан бирламчи деб таъкидлашни нотўғри деб ҳисоблаймиз.

Аmmo ишловчиларнинг билим, касб-малака даражалари, иш тажрибаси, маҳорати, уларнинг инсоний капиталини ташкил этиб, ўтмишдаги меҳнатлар натижаси сифатида жамиятнинг тўпланган, жамғарилган бойлиги ҳисобланади. Бу бойлик жонли меҳнатда ифодаланади ва ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни учун дастлабки асос бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш омилларининг қўшилиши ва уйғунлашуви жараёнида инсон омили, яъни ишловчи инсон ташқи муҳитта таъсир этиб уни ўзгартириб, ўз эҳтиёжларига мослаштириб боради. Шунингдек, у ишлаб чиқаришнинг ашёвий элементларини, омилларини ҳам такомиллаштиради, уларнинг янги турларини яратади, уларни қўллашни рационаллаштиради ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсишига мос равишда миқдорини кўпайтиради. Шунга мувофиқ равишда ишловчи инсон ўз қобилияти, маҳоратини такомиллаштириб боради. Чунки ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилнинг ривожланиши, сифат жиҳатдан янги меҳнат воситалари ва предметларининг қўлланиши оқибатида ишловчининг ишлаб чиқариш жараёнидаги функцияси ўзгаради, унинг билим, касб-малака, маҳоратининг ўсишига зарурат туғилади.

Саноат революциялари даврида машинанинг пайдо бўлиши билан кишиларнинг меҳнати оддийлашди ва унинг жонли қўшимчасига айланди. Машина ишловчининг ҳукмронига айланиб, уни ўз функцияларига мослаштиришга мажбур қилди. Натижада ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг алоҳида, малакали ишловчиси бўлган ҳунарманд машина ҳукмига бўйсунган, бутунлай ўзининг индивидуаллигини, алоҳидалигини йўқотган хусусий ишчига айланди. Шунинг учун машинали ишлаб чиқариш малакасиз, аёллар ва болалар меҳнатида кенг фойдаланиш имкониятини вужудга келтирди. Юқори малакали

мутахассислар ва ишчиларнинг эса машинани созлаш, таъмирлаш, янгиларини яратиш ва қўллаш бўйича фаолият доирасини анча кенгайтирди.

Машинали ишлаб чиқариш ривожланишининг кейинги, замонавий босқичида эса хусусий, малакасиз ишчига бўлган талаб камайиб, юқори малакали хизматчи, ишловчиларга эҳтиёж ортиб боради. Унинг ривожланишининг маълум босқичида ишлаб чиқаришнинг техника базасида инқилобий ўзгаришлар содир бўлиб, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, кейинчалик компьютерлаштириш жараёнларига ўтиш бошланди. Фан ва техника тараққиёти ишловчи инсонга улкан миқёсда таъсир этиб, уни технологик жараёндан ташқарига чиқаради. Эндиликда инсон машинанинг тўртинчи, ажралмас қисми вазифасини бажармасдан, созловчилик, тартибга солувчилик функциясини кўпроқ бажарадиган бўлади. Бу эса ишловчининг билим, касб-малака даражасини оширишни, сифат жиҳатдан янги типдаги ишловчини шакллантиришни зарур қилиб қўяди. Демак, ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилларининг ривожланиши инсонларнинг ижодий меҳнатлари натижасидир. Уларнинг ривожланиши эса ишловчи инсонларнинг аксарият қисмининг билим, касб-малака даражасини ўстиришни, уларни ҳар томонлама ривожланишини тақозо этади. Бу ҳол мунтазам равишда такрорланиб туради ҳамда ишлаб чиқариш воситалари билан ишловчи инсонларнинг бир-бирларига мувофиқ ва мос равишда ривожланиб, такомиллашиб боришлари зарурлигини ифодалайди.

Таъкидлаш лозимки, инсон омили ва ишлаб чиқариш воситалари ўртасида номутаносибликлар ҳам вужудга келиб туради. Бу номутаносибликлар ишловчи, юмушчининг меҳнат қилиш қобилияти, касб-малака даражаси ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражасидан орқада қолганда ёки юқори малакали,

билимли ходимлар махсус тайёргарликни талаб қилмайдиган, примитив техникага асосланган иш билан банд бўлганда вужудга келади. Шунингдек, меҳнатнинг мазмуни ишловчи ходимларнинг ўсиб боровчи ижтимоий талаб, эҳтиёжларидан ортда қолганда ҳамда ишлаб чиқаришнинг ташкилий-хўжалик шакли, хўжалик юритиш шакли ва усуллари, рағбатлантириш тизими ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга рағбатлантирмаган ҳолларда ҳам улар ўртасида номутаносиблик вужудга келади. Шунинг учун ҳам жемият ишловчи ходимни, инсонни ва ишлаб чиқарувчи воситаларни, шунингдек, хўжалик юритиш шакллари ва усулларини, хўжалик механизмини такомиллаштириб бориш орқали ижтимоий ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мувофиқликни таъминлашга мунтазам равишда интилади. Фақат инсон ва моддий-ашёвий омиллар ўртасидаги оптимал нисбат уйғунлигини вужудга келтириш орқалигина уларнинг бир-бирларига мувофиқлигини, мутаносиблигини таъминлаш мумкин.

Унинг негизини уларнинг ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўшилиши ташкил этади. Бунинг оқибатида ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқликда ва алоқадорликда самарали амал қилиши учун зарур шароит яратилади.

Юқорида билдирилган фикрларга асосланиб, инсон омилининг амал қилиш муаммоларини тадқиқ этиш аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ўрганишдан бошлаш керак деб ҳисоблаймиз. Чунки у ишловчи, ходимни меҳнат жараёнига жалб қилишни, унинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилишини англатади. Шундан сўнггина ишловчи инсон, ходим ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омили сифатида амал қила бошлайди.

II БОБ. АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИНСОН ОМИЛИ АМАЛ ҚИЛИШИНING ШАКЛИ СИФАТИДА

2.1. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг иш билан бандлигининг мазмуни ва шакллари

Иқтисодий адабиётларда аҳолининг меҳнатда (иш билан) бандлиги муаммоларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратилади. Аҳолининг иш билан бандлиги ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда алоҳида ўрин тутади. Бу бандликнинг жамият иқтисодий салоҳиятини юзага чиқариш билангина эмас, балки ҳар бир алоҳида шахснинг ҳамда бутун аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини белгилаб бериш билан боғлиқдир. Шунинг учун сабабли аҳолининг меҳнатда (иш билан) бандлигига ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ёндашилади.

Иқтисодий фанда бу борада турли қараш ва концепциялар яратилган. Классик сиёсий иқтисод асосчилари бандлик муаммосини алоҳида тарзда ўрганишмаган. Аммо А.Смит ишчи кучи баҳосини меҳнат баҳоси билан айнан бир хил тушунган ва унинг «кўзга кўринмас қўл», яъни бозор муносабатлари, қонунлари воситасида эркин равишда ўзгаришини асослаган. Унинг фикрича, бозор қонунлари иш кучи ҳаракатини, демакки, аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солади.

Неоклассик йўналиш вакили А.Пигунинг фикрича иш билан бандлик иш ҳақи даражасига боғлиқ бўлиб, ўзгариши орқали тартибга солинади. Агар иш ҳақи иш кучининг мувозанатли баҳосига нисбатан юқори бўлса, иш

кучи таклифи ортади, ammo унга талаб камаяди, оқибатда иш билан бандлик қисқаради¹.

Аҳолининг иш билан бандлиги концепциясининг асосчиси Ж.М.Кейнс ҳисобланади. У А.Пигунинг иш ҳақини камайтириш орқали бандликни ошириш ғоясига шубҳа билан қараб, самарали талаб концепциясини яратди. Унга кўра жами талабни рағбатлантириш орқали кишиларнинг инвестиция қилишга интилишини фаоллаштирилиб, маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда иш билан бандликни ўстиришга эришиш мумкинлиги асослаб берилди². Бунинг учун Кейнс истеъмолга ва жамғаришга бўлган мойилликнинг, пул муомаласини тартибга солиш сиёсатининг, капитал активларидан қутилган даромадга ишонч даражасининг ҳамда иш ҳақи даражасига таъсир қилувчи социал омилларнинг самарали талабнинг шаклланишига таъсирини таҳлил қилган. Кейнс моделида иш билан бандлик даражаси капитал самарадорлигининг чекли ўлчовларининг ўзгариши, тебраниши билан белгиланади. Бунга эса ўз навбатида инвестициялар ҳажми ва фоииз миқдорини белгиловчи бозордаги қисқа муддатли даврдаги конъюнктура шароитида эришилади.

Кейнс таълимотининг кўзга кўринган оппонентларидан бири Ф.Хайек узоқ муддатли даврда иқтисодийни бюджет ва пул-кредит сиёсатлари воситасида давлат томонидан тартибга солиш ва ишчи кучига бўлган талабни рағбатлантириш мумкин эмас деб ҳисоблайди. Чунки унинг рационал танлаш имкониятлари ва қарор қабул қилувчи шахсларнинг билим, тажрибаси чеклангандир³. Бунга сабаб иш кучининг иқтисодий тармоқлари бўйича непропорционал тақсимланганлиги учун инвестиция сиёсати, бюджет маблағларини йўналтириш ишлаб

¹ Қаранг: Иохин В.Я. Экономическая теория, введение в рынок и микроэкономический анализ: Учебник. М., Инфра-М., 1997. С.318-319; Абдурахманов К.Х., Шарифуллина Т.А. Экономика и социология труда. Учебное пособие - М., изд. РЭА им. В.Г.Плеханова, 2002. С.39-40.

² Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. - М., 1983. - С.155-156

³ Хайек Ф. Пагубная самонадеянность. - М., "Дело АТД", 1992. - С.102, 128.

чиқаришнинг, шу жумладан, иш билан бандликнинг барқарор ўсишини таъминлай олмайди. Касаба уюшмалари талабига мувофиқ иш ҳақининг ўсиб бориши оқибатида пул массаси ва инфляциянинг ошиб боришидан маълум вақт ўтгач, ишсизликнинг ўсишига ва иш билан бандликнинг қисқаришига олиб келади¹.

Ф.Хайекнинг фикрича, иш билан бандликни тартибга солиш учун биринчидан, пул массасининг ўсиб боришини тартибга солиш, иккинчидан, давлатнинг иқтисодиётта аралашувини қисқартириб, эркин баҳо механизмига асосланиш ҳамда рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш лозим бўлади. Эркин баҳо механизми рақобат муҳити шароитида иқтисодиётни, шу жумладан, аҳолининг иш билан бандлигини тартиблашнинг универсал регулятори ҳисобланади².

Ҳозирги замон неоклассик йўналиш мактабларидан бири бўлган монетаризмнинг йирик вакили М.Фридменнинг фикрига кўра иқтисодиёт, шу жумладан, аҳолининг иш билан бандлиги бозор иқтисодий тизими ва давлат томонидан уйғун ҳолда тартибга солинади. Бозорнинг ўзини ўзи тартиблаш механизми давлат томонидан таъминланиши лозим. М.Фридмен пул муомаласини тартибга солиш лозимлигини асослайди, чунки пул экспанцияси инфляция даражаси ўсишининг асосий омили ҳисобланади. Шунингдек, у иш ҳақи ўсиши умумий тенденциясининг олдини олиш, уни пасайтиришни таклиф этади. Чунки иш ҳақининг ўсиб бориши оқибатида иш кучига бўлган талаб ва пировардида иш билан бандлик камаяди. Унинг фикрича, ҳар қандай шароитда ҳам шундай ишсизлик даражаси мавжуд бўладики, реал иш ҳақи ставкалари таркибидаги мувозанатликка мос бўлади. Бундай ишсизлик даражасида реал иш ҳақи ставкалари

¹ Хайек Ф. Безработица и денежная политика. //Экономические науки, 1991. №1. -С.64.

² Хайек Ф. Безработица и денежная политика. //Экономические науки, 1991. №1. -С.36-57.: Дорога в рабство. -М., 1992. -С.71.

маълум суръатда ўсиш тенденциясига эга бўлади. Ишсизликни бундай даражаси табиий даража деб аталади. М.Фридменнинг бандлик модели унинг акселерация моделига асосланган¹. Бу моделга кўра инфляция ва ишсизлик ўртасида узоқ муддатли алоқадорлик мавжуд бўлмайди. Бу билан Филипс эгри чизигидаги ўзгаришлар бўйича бўлган мунозараларга аниқлик киритди.

Маълумки, Филипс XX асрнинг 50-йилларида инфляция даражасининг ўсиши иш билан бандликнинг ошишига, ишсизликнинг камайишига олиб келишини асослаган эди. Аммо XX асрнинг 70-йилларида юз берган стагфляция туфайли бунга тескари ҳолат содир бўлди, яъни инфляция кучайган шароитда бандлик камайиб, ишсизлик кўпайди. М.Фридмен Филипс қарашларини танқид қилиб, инфляция, иш билан бандлик ва ишсизлик ўртасидаги алоқадорликнинг қисқа муддатда бўлишини, узоқ даврда эса унинг узилишини кўрсатиб берди².

Ойкеннинг фикрига кўра, ишчи кучи бозори ишловчилар ва иш берувчилар ҳамда турли тармоқларда, иқтисодиёт секторларида, ҳудудларда ва давлатлараро банд бўлган ишловчилар тоифалари ўртасидаги муносабатлар тизимидир. Меҳнат бозорларининг институционал таркиби хилма-хилдир. В.Ойкен концепцияси иш кучи бозорида тўлиқ рақобатчиликни шакллантириш ва қарор топтириш шароитларини аниқлашга имкон беради. Бундай шароитларда тўлиқ бандлик сиёсатини амалга ошириш иш ахтараётган кишилар сонига мувофиқ иш жойларини яратишни тақозо этади. Тўлиқ бандликка эришиш учун барча соҳаларда монополиялар ҳукмронлигига чек қўйиш, уларни монополиядан чиқариш, тўлиқ рақобат муҳитини яратиш асосида эркин баҳо механизминини шакллантириш

¹ Фридмен М. Если бы деньги заговорили. - М., 1998. - С.126-127, 145.

² Макконнелл К.Р., Брю С.А. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: пер. с англ. 11 изд. Т.1.-М., Республика, 1992.

лозимлигини асослайди. Ушбу механизмнинг оптимал амал қилиши учун барқарор пул тизими, очиқ бозор, хусусий мулк, эркин шартнома муносабатлари, барча бозор субъектлари ҳуқуқий ва иқтисодий маъсулияти, ўзгармас иқтисодий сиёсат мавжуд бўлиши керак. Тўлиқ рақобат шароитида баҳо механизми тўлиқ бозор мувозанатига, бандликнинг оптимал пропорцияларининг вужудга келишига олиб келади¹. Бандлик муаммоси иқтисодий фанда кенгроқ ўрганилганига қарамасдан унинг моҳияти тўғрисида ҳам турли қарашлар мавжуд.

Аҳолининг меҳнатда бандлиги тушунчасини А.Н.Никифорова иқтисодиёт нуқтаи назаридан меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий маҳсулот ёки миллий даромад яратишга қаратилган фаолияти сифатида аниқлаган².

Мазкур таърифда бу тушунчанинг мазмуни меҳнат, яъни моддий ишлаб чиқариш жараёни тушунчаси билан чеклаб қўйилган. Ваҳоланки, кишилар нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳасида, шу билан биргаликда хизмат кўрсатиш, миллий маҳсулот ёки миллий даромадни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ фаолият соҳаларида ҳам банд бўладилар. Бу таърифда бандликнинг бу жиҳат ва соҳалари назарда тутилмаган.

Бир гуруҳ Ўзбекистон ва Россия олимларининг фикрларига кўра, аҳолининг бандлиги деганда фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунчиликка зид келмайдиган ҳамда уларга меҳнат даромади келтирадиган фаолиятларни тушуниш лозим³. Аммо бу ўта кенг маънони англатадиган таъриф бўлиб, бунда кишиларнинг социал иқтисодий эҳтиёжларини қондириш, меҳнат ва ишлаб

¹ Ойкен В. Основные принципы экономической политики. - М., 1995. - С.237-238, 325, 332

² Никифорова А.Н. Рынок труда: занятость и безработица. - М. Международные отношения, 1991. - С.29

³ Экономическая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений// Колл. автор. К. Абдурахманов и др / Т., Шарк. 1999. - С.366.

чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол билан боғлиқ фаолиятларига тегишли барча категориялар ва тушунчаларнинг мазмунларини ўз ичига қамраб олади.

Иқтисодий адабиётларда бандликка ижтимоий-иқтисодий категория сифатида қараш ҳам мавжуд бўлиб, бу ушбу тушунчанинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларга эга бўлган кишилар ўртасидаги муносабатларни ифодалашини аниқлатади. Қ.Х.Абдурахмонов ва Т.А.Шарифуллина бандликка категория сифатида кишилар ўртасидаги иш жойларининг қаерда жойлашганлигидан қатъий назар ижтимоий-фойдали меҳнатда иштирок этиш юзасидан бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир деб таъриф берадилар. Бунда бандлик муносабатлари, биринчидан, барча меҳнатга лаёқатли кишилар, синфлар, социал гуруҳларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатда иштирок эта олмоқдаларми, иккинчидан уларнинг иштироки қай даражада эканлигини кўрсатади, деб изоҳ берилган¹.

Бизнинг фикримизча, кишилар ўртасидаги ижтимоий-фойдали меҳнатда иштирок этиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар кўп қиррали бўлиб, улар нафақат бандлик, балки шунингдек, меҳнатчи ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат, меҳнат интизоми, иш ҳақи ва бошқа тушунчаларни ҳам ифодалайди.

Бундан кўриниб терибдики, бандлик категорияси кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодаласа-да, маълум даражада аниқликни талаб қилади. Шу жиҳатдан В.С.Буланов томонидан берилган таъриф бир мунча кенгроқ бўлиб, ушбу муносабатларнинг мақсадлилигини, предметини аниқлаштиради. Унинг фикрига кўра бандлик иқтисодий категория сифатида аҳолининг меҳнат фаолиятида иштирок этиши билан боғлиқ

¹ Абдурахмонов Қ.Х., Шарифуллина Т.А. Экономика и социология труда. Учебное пособие. - М., изд. РЭА им. Г.В.Плеханова, 2002. -С.22.

муносабатлар мажмуидан иборат бўлиб, унинг меҳнатга қўшилиши меъёрини, ходимларнинг ижтимоий ва ҳақ тўланадиган иш ўринларига ҳамда даромад олишга бўлган шахсий манфаат ва эҳтиёжларининг қондирилиши даражасини ифодалайди¹. Бу ерда ҳам бандлик категориясини аҳолининг меҳнат фаолиятида иштирок этиши юзасидан бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ифодалайди, деб таъкидлаш билан бир вақтда, унинг мазмунини аниқлаштириш ва изоҳлашга зарурат туғилмоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизга кўра, бандлик меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий-фойдали меҳнатда иштирок этиши юзасидан бўладиган муносабатларнинг айрим жиҳатларини, яъни уларнинг айнан меҳнат қилиш, яъни иш жойи билан таъминланиши билан боғлиқ томонларини ўз ичига олади. Бизнингча, бандлик иқтисодий категория сифатида кишиларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, даромад олишга бўлган шахсий манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида меҳнатга лаёқатли аҳолини меҳнат фаолияти билан шуғулланиш жойлари, яъни иш ўринлари билан таъминланиши юзасидан бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим адабиётларда аҳолининг меҳнатда бандлиги ибораси ўрнига ишчи кучининг бандлиги ишлатилади². Бунга иш кучини меҳнат омилининг эгаси ва уни таклиф этувчи сифатида ҳамда унинг миқдорини эса ишлай оладиган, яъни меҳнатга лаёқатли кишилар, деб тушуниш сабаб бўлган¹.

Ишчи кучини бир томондан, инсоннинг маълум қобилиятлари йиғиндиси, иккинчи томондан эса, шахс, меҳнатга лаёқатли инсонлар, яъни меҳнат ресурслари деб

¹ Экономика труда: (социально-трудовые отношения) / Под ред. Н.А. Волгина, Ю.Г.Одегова. - М.: Экзамен, 2002. - С.151.

² Тожибоев Д. Иқтисодий назарияси: иккинчи китоб: олий ўқув yurtлари талабалари учун ўқув қўлланма. / М.Шарифхўжаев илмий таҳрири остида. -Т., Шарқ 2003. 153-6

¹ Ушга ерда.

ҳисоблаш чалкашликларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, бизнинг фикримизга кўра, ипчи, кучи инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти бўлиб, ундан ажратиш мумкин эмас. Ишчи кучига эга бўлган кишилар меҳнатга лаёқатли аҳолини ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг маълум қисмида ишчи кучидан ташқари тадбиркорлик қобилияти ҳам мавжуд бўлади. Шу боисдан, меҳнатда банд бўлган аҳолининг бир (катта) қисми ишчи кучини сотиш орқали меҳнатга қўшилса, бошқа (озчилик) қисми тадбиркорлик қобилиятини ишга солиб, ўзини ўзи иш билан банд этади.

Аҳолининг иш билан бандлиги муносабатлари ишловчи, ходимнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бирикиши муносабатлари ҳамда бунинг оқибатида иш берувчи билан ишловчи ўртасида юзага келадиган ижтимоий - меҳнат муносабатлари билан узвий боғлиқдир. Иш билан бандлик ишловчининг ишлаб чиқариш воситалари, яъни капитал, ер ва тадбиркорлик қобилияти омил (ресурс)лари билан бирикканлигини ва биргаликда амал қилишининг намоён бўлиш шаклини ифодалайди. Бевосита меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнларида юзага келадиган ижтимоий меҳнат муносабатлари иш билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ва шакларини белгилаб беради.

Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли аҳолининг функционал жиҳатдан, яъни қай даражада ва кўламда фаолият қилишини тавсифлайди. Шунга кўра аҳолининг ушбу қатлами иш билан банд бўлган (таъминланган)ларга, яъни меҳнат жараёнларига тортилганларга ҳамда иш билан банд бўлмаган (таъминланмаган)ларга бўлинади. Шу боисдан ҳам халқаро ва миллий статистикада аҳоли иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол, яъни фаол бўлмаган гуруҳларга бўлинади.

Халқаро стандартлар бўйича иқтисодий фаол аҳоли таркибига маълум вақт оралиғида бозор ҳамда шахсий

истеъмола учун товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ёки унда қатнашишга интилаётган барча кишилар киритилади. Бу тоифага ишловчи, иш ҳақи, маош олувчи ёлланма ишчилар ва хизматчилар; тадбиркорлар ва яққа тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар; мавсумий ва тасодифий ишлар билан шуғулланувчилар; иш билан қисман банд бўлган, ҳақ олувчи ўқувчи, талабалар; расман ишловчи, лекин объектив сабабларга (касаллик, таътил ва ҳ.к.) кўра вақтинча ишламаётган ходимлар; ишсиз, ҳозир ишлашни хоҳлайдиган, лекин ишга эга бўлмаганлар; ишсиз, лекин ишлашни хоҳлайдиган ва иш кидираётган ёлланма ишчилар ва корхона эгалари киради. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаол аҳоли ишчи кучи бўлиб ҳисобланади. У ўз навбатида меҳнатда банд бўлганларга, қисман банд бўлганларга ва ишсизларга бўлинади.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли таркибига эса қуйидагилар киритилади: кундузги таълим ўқувчилари; уй бекалари, ёш бўйича пенсионерлар ва инвалидлар; жамоат ташкилотлари ва хусусий шахслардан моддий ёрдам олувчи шахслар; ҳақ тўланмайдиган жамоат ишларида банд бўлганлар; ихтиёрий равишда текинга хизмат кўрсатувчилар; меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлаши мумкин бўлган, лекин иш изламаётган кишилар¹. Иқтисодий нуқтаи назардан аҳоли таркиби 2.1.1-чизмада ўз аксини топган.

Бизнинг мамлакатимизда иқтисодий фаол аҳоли таркибига халқ хўжалигида банд бўлганлар ва ишсизлар киритилади. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги иқтисодий жиҳатдан нофаол аҳоли таркибига қуйидагилар киради: меҳнатга лаёқатли ёшдаги, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўқувчилар; норасмий иш билан банд

¹ Қаранг: Ниятқорова А.Н. Рынок труда: занятость и безработица. -М., Международные отношения, 1991. С.30-31.; Экономика труда: (социально-трудовые отношения) / Под ред. Н.А. Власина, Ю.Г.Одегова. - М., Экзамен, 2002. -С.36.

бўлганлар; кўп болали уй бекалари; ҳомиладорлик, туғиш ва болалар тарбияси юзасидан таътилдаги аёллар.

2.1.1-чизма.

Аҳолининг иқтисодий нуқтаи назардан таркиби¹



¹ Кўрсатилган адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Иқтисодий адабиётларда жамият иқтисодий мақсадларининг рўёбга чиқарилиши нуқтаи назаридан тўла, рационал ва самарали бандлик тушунчалари бири-бирдан фарқланади. Тўла бандлик тушунчасини ХХ асрнинг 80-йилларида А.Э.Котляр меҳнатга лаёқатли жамият аъзоларининг ижтимоий меҳнат соҳасида ишга бўлган эҳтиёжининг тўлиқ қондирилиши деб таърифлаган. Шу билан бирга у меҳнатга лаёқатли аҳоли бир қисмининг уй ва шахсий ёрдамчи хўжалиқда бандлигини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлигини инobatга олган ҳолда 80-йилларнинг охирида у тўлиқ бандликка иқтисодий фаол аҳолининг халқ хўжалиги миқёсида иш жойларига бўлган талабининг қондирилиши¹, деб таъриф берган. Илгариги ишларида берилган таърифлардан фарқли ўларoқ А.Э.Котляр бу таърифда хорижий муаллифларнинг нуқтаи назарига ағча ўхшаш фикр билдирган. Масалан, К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брю тўла бандликни меҳнатга лаёқатли ва ишлашни хоҳлайдиган барча кишиларни ўзларига лойиқ ишлар билан банд қилиш деб таърифлайдилар². С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар эса ишлашни хоҳлайдиган ҳар бир кишининг ишга эга бўлиб, исталган иш соатларида меҳнат қила олсалар, иқтисодиётда тўла бандлик бўлади деб ҳисоблайдилар. Бунда меҳнат қобилияти ёшига етган ёшларнинг иш қидира бошлаганлари ҳамда бошқа кишиларнинг бир ишдан бўшаб, бошқа ишни ҳали топмаганликлари туфайли вужудга келадиган нормал ишсизлик даражасининг мавжудлиги инobatга олинади, деб таъкидлайдилар³.

Бу таърифлардан кўриниб турибдики, тўла бандлик тушунчасининг мазмун-моҳияти турли олимлар томонидан

¹ Каранг: Занятость населения: изучение и регулирование. Монография. /А.Э. Котляр, И.Н. Кирпа и др. -М., Финансы и статистика, 1983 -С.45; Как не допустить безработицу? /Экспертный стол. // Вопросы экономики, 1989, №2. -С.16.

² Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: пер. с англ. 11 изд. Т.1.-М., Республика, 1992. С.23; Т.2. -С.393.

³ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: пер. с англ. со 2-го изд. -М., Дело ЛТД, 1995. С.425.

турлича тавсифланмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу тушунчага иқтисодий адабиётларда мавжуд таърифлардаги муҳим жиҳатларни эътиборга олган ҳолда тўлароқ таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда бизнинг назаримизда нормал, яъни табиий ишсизлик даражасининг ҳамда бандликнинг тўлиқсиз шаклларда мавжуд бўлиши эътиборга олинishi лозим. Шунинг учун бизнингча, аҳолининг иш билан тўла бандлиги меҳнатга қобилиятли ёшдаги ишлагига қодир бўлган ва уни хоҳлайдиган кишиларнинг нормал ишсизлик даражаси ҳамда турли бандлик шакллари эркин танлаш имкониятларининг мавжудлиги шароитида иқтисодиётнинг расмий соҳаларида ишга ва иш жойларига бўлган эҳтиёжларининг қондирилишини ифодалайди. Чунки тўла иш билан бандликка эришиш ишловчилар бир қисмининг ўз хоҳишларига кўра тўлиқсиз иш кунлари ва соатларида ишлашларини ҳамда расмий иқтисодиёт секторлари ва соҳаларидаги бандликни тақозо этиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиёт миқёсида тўла иш билан бандлик мавжуд бўлган шароитда ҳам мамлакатнинг бир ҳудудида меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир қисми ортиқча бўлиши, бошқа ҳудудида эса етишмовчилиги кузатилиши мумкин. Шунинг учун жамият аҳолининг иш билан рационал бандлигини таъминлашга интилади. Бу тушунча эса меҳнатга лаёқатли аҳолидан уларнинг жинси, ёши, билими ва касб-малака даражаси бўйича таркибини, мамлакат ҳудудлари бўйича жойлашиши ҳамда такрор ишлаб чиқарилиши хусусиятларига мувофиқ иш билан таъминланганликларини ифодалайди. Рационал бандлик самарали бандлик учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда иқтисодий фаол аҳоли умумий миқдорига маҳсулли банд бўлганлар улушини тавсифлайди. Маҳсулли бандлик эса халқаро меҳнат ташкилотининг аниқлашича, меҳнат натижалари жамият

томонидан тан олинадиган ва ҳақ тўланиладиган кишиларнинг иш билан бандлигини ифодалайди.

Самарали иш билан бандлик эса кишиларнинг даромад келтирадиган ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланишини ҳамда иш жойларининг иқтисодий ва социал жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини тақозо этади. Бунда ишловчиларнинг шахсий қобилиятлари ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник, ташкилий ва бошқа шароитлари билан белгиладиган меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигининг ўсиб бориши таъминланади.

Иқтисодий адабиётларда бандликнинг турлари ва шакллари фарқланади. Бандликнинг турлари меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳолининг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича тақсимланишини ифодалайди. Шунга кўра аҳоли иш билан бандлигининг расмий ва норасмий турлари фарқланади. Расмий иш билан бандлик давлат томонидан тартибга солинадиган, расман қайд қилинган иш билан бандликдир. Унга иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат, шу жумладан, хусусий секторларидаги давлат томонидан рўйхатга олинган ва тартибга солинадиган хўжалик субъектларидаги тадбиркорлар, ишловчи ходимлар киради.

Норасмий иш билан бандлик эса давлат томонидан расман қайд этилмаган, тартибга солинмайдиган иқтисодиёт соҳаларидаги бандлик ҳисобланади. Уларнинг таркиби давлат органлари томонидан рўйхатга олинмаган тадбиркорлар, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, уй, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида ишловчилар, ёлланма ишчилар, мардикорлар ҳамда хуфёна иқтисодиётда банд бўлганлардан иборат.

Шуни таъкидлаш жоизки, расмий ёки норасмий иш билан банд бўлган кичик ва ўрта тадбиркорлар, фермер, деҳқон хўжаликлари бошлиқлари, уларга ёрдам берувчи

оила аъзолари мустақил, ўзини ўзи иш билан банд қилувчилар ҳисобланади.

Бандликнинг турлари хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Аҳолининг иш билан бандлиги шакллари деганда миллий иқтисодиётда банд бўлган аҳолидан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий усуллари, шароитлари тушунилади. Аҳолининг иш билан бандлиги шакллари ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган иш кунининг узоқлиги ва режими (яъни тўлиқ ёки тўлиқсиз иш куни, ишнинг қатъий ёки ўзгарувчан, эгилувчан режим), меҳнат фаслиятининг мунтазамлиги (доимий, вақтинчалик, мавсумий, тасодифий иш), ишнинг бажарилиш жойи (корхона, ташкилот, муассаса ёки уйда), фаолиятнинг статуси (асосий, қўшимча, иккиламчи) ва ҳоказоларда ифодаланади. Уларни икки гуруҳга, яъни асосий (стандарт, анъанавий) ва ўзгарувчан, эгилувчан (ностандарт, ноанъанавий) шаклларига бўлиш мумкин (қаранг: 2.1.2-чизма).

Иш билан бандликнинг асосий шакллари қатъий белгиланган тўлиқ иш кундаги бандлик бўлиб, бунда ишловчи учун у доимий ва асосий иш ҳисобланади. Бандликнинг ушбу шакллари Меҳнат Кодекси ва қонунчилиги ҳамда хўжалик субъектларининг ички тартиб-қоидалари орқали тартибга солинади.

Бизнинг фикримизга кўра, асосий иш билан бандлик шакллари иқтисодиётнинг баъзи тармоқларига, масалан, қишлоқ ва сув, ўрмон хўжаликлари, овчилик, балиқчиликка хос бўлган мавсумий иш билан бандликни ҳам киритиш лозим. Чунки бу соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш табиий-иқлим шароитларига боғлиқдир.

Иш билан бандликнинг ўзгарувчан, эгилувчан шакллари ишловчиларнинг шахсий эҳтиёжларини, уларни бандликдан бандсизликка ёки ундан бунисига ўтишда ижтимоий ҳимоя қилишини ҳисобга олган ҳолда уларга қулай меҳнат

Аҳолининг иш билан бандлигининг турлари ва шакллари¹¹ Мисалдан) тоборадан тўзилган.

режимларидаги иш билан бандликда намоён бўлади. Уларга қуйидаги тоифадаги бандлик ва ишловчилар киради:

-тўлиқсиз бандлик, яъни ўз хоҳишига кўра, ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши, корхонанинг реконструкция қилиниши билан боғлиқ равишда тўлиқсиз иш вақтида ишловчилар;

-мустақил, ўзини ўзи иш билан банд қилувчи, эркин ишловчилар;

-вақтинча ишловчилар, уйга иш олувчилар;

-қўшимча ва иккиламчи иш билан бандлик, яъни ўриндошлик асосида ишловчилар.

Аҳолининг иш билан бандлигини ўрганишда унинг кўрсаткичларини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичлар иш билан бандликни миқдор ва сифат жиҳатдан тавсифловчи демографик, ижтимоий-иқтисодий омилларни ифодалаши лозим. Иш билан бандликнинг миқдорий томонини унинг даражаси тавсифлайди. Бизнингча, ўтиш иқтисодиёти шароитида иш билан бандлик даражаси меҳнатга қобилиятли аҳолининг иқтисодий фаолиятнинг хилма-хил турлари ва шаклларида тортрилиши даражасини ифодалаши лозим.

Гарб иқтисодий адабиётида меҳнатга қобилиятли аҳоли ва ишчи кучи тушунчалари бир хил маънода талқин этилади. Америкалик иқтисодчи олим П.Самуэльсон ишчи кучини иш билан бандлар ва ишсизларнинг йиғиндиси ($L = E + N$) сифатида ифодалайди¹. Бу маънода у ишчи кучи сифатида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаммасини эмас, балки иқтисодий фаол қисмини тушулган.

Бизнинг фикримизга кўра, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ҳисоблашда меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолининг иш билан бандлик даражасини ҳисоблаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу кўрсаткич жамият меҳнат салоҳиятидан, инсон омилидан фойдаланиш даражасини,

¹ Мэнъякю Н.Г. Макроэкономика. Пер. с англ. М., изд. МГУ, 1994. -С.736.

тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилган иқтисодий мақсадга қай даражада эришилаётганлигини ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиши билан яратилаётган иш ўринларининг ўсиши ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришини кўрсатади. Уни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$E' = \frac{E}{L} \cdot 100\%$$

бу ерда E' – меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик даражаси, E – иш билан банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли, L – меҳнатга лаёқатли (қобилиятли) аҳолининг умумий сони.

Ушбу кўрсаткич, бизнингча, иш билан бандликнинг умумий даражасини тўлиқ ифодалаб бера олмайди. Чунки иш билан банд аҳоли ишлаётган меҳнатга лаёқатли аҳолидан ташқари ишлаётган ўсмирларни ҳамда пенсионерларни, яъни ишчи ёшидан юқори ёшдагиларни ўз ичига олади. Шунинг учун иш билан бандликнинг умумий даражаси ишлаётганларнинг меҳнат ресурслари умумий сонига нисбати билан ифодаланиши мақсадга мувофиқдир.

$$\frac{\text{Иш билан бандликнинг умумий даражаси}}{\text{Иқтисодиётда бандлар}} = \frac{\text{Меҳнат ресурслари}}{\text{Меҳнат ресурслари}} \cdot 100\%$$

Иш билан банд бўлганларнинг аҳоли сонидagi улуши эса уларнинг демографик юкласини ифодалайди:

$$\frac{\text{Иш билан бандликнинг демографик юкласи}}{\text{Иқтисодиётда бандлар}} = \frac{\text{Аҳолининг умумий сони}}{\text{Аҳолининг умумий сони}} \cdot 100\%$$

Буни барча ишламаётган аҳоли сонининг ишлаётганларга нисбати билан ҳам аниқлаш мумкин.

$$\frac{\text{Бир иш билан банд булган кишига туғри келадиган боқиманда}}{\text{Аҳоли иқтисодиётдаги умумий сони - бандлар сони}} = \frac{\text{Иқтисодиётдаги банд аҳоли сони}}{\text{Иқтисодиётдаги банд аҳоли сони}} \cdot 100\%$$

Бу ҳолда миллий-иқтисодиётда банд бўлган бир одамга нечта боқиманда тўғри келиши маълум бўлади.

Бу кўрсаткичлар миллий иқтисодиётда бандликнинг ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлик даражасини ифодалайди. Иш билан банд кишиларнинг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича тақсимланиши ҳамда ундаги ўзгаришлар бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Уларнинг мулк шакллари бўйича таркибининг ўзгариши, иқтисодиётнинг нодавлат секторида ва кичик тадбиркорлик субъектларидаги улунининг ўсиб бориши мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, ишловчи ходимларнинг фондлар ва энергия билан қуролланиш даражасининг ҳамда асбоб-ускуналарнинг сменадошлик коэффицентининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Бунинг сқибатида ходимларнинг бир қисмининг ишдан бўшаб, бошқа иш фаолияти турлари билан шуғулланишга ўтиши учун имконият яратилади. Меҳнат унумдорлиги аҳоли иш билан бандлигининг қай даражада самарадорлигини ҳамда унинг тармоқ таркибининг рационаллигини ифодалайдиган кўрсаткич ҳисобланади.

Меҳнат жараёнини ташкил этиш эса ходимларни иш жойларига бевосита жойлаштириш ва бириктириш ҳамда улардан фойдаланишни ифодалайди. Бу бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ходимларнинг ўзаро алоқадорликдаги, биргалиқдаги фаолиятларини ташкил этиш ҳамда уларнинг уйғунлигини таъминлашни тавсифлайди. Меҳнатни ташкил этиш кишиларнинг тадбиркорлик ҳамда меҳнат қобилиятларидан самаралироқ фойдаланишга йўналтирилади. Шу билан бозор муносабатларига ўтиш шароитида меҳнатни ташкил этишнинг янги прогрессив

шакллариининг вужудга келиши меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан самарали бандлигини шакллантириш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омилининг амал қилиш самарадорлигини ўстиришга қаратилган бўлади.

Айтиш жоизки, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан самарали бандлиги оқибатида уларнинг бир қисми иш билан таъминланмай қолади ва ишсизлик вужудга келади. Шу боисдан бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг меҳнатда бандлик даражаси пасайиб, унинг самарадорлиги эса ўсиб боради. Ҳар бир ишловчи ходим нормал (мўътадил) иқтисодий вазиятда ўз ихтиёрига биноан иш билан бандликнинг у ёки бу турини, шаклини танлаш имкониятига бўлиши керак. Унга боғлиқ бўлмаган иқтисодий вазият туфайли ходим ишсиз ёки қисман банд бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Умуман, иш билан бандлик даражаси ва унинг самарали ёки самарасиз шакллари мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши даражаси ҳамда шарт-шароитлари орқали белгиланади. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан бандлигининг хусусиятлари иқтисодиётнинг аввалги тоталитар тизимдаги ривожланиши ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиши ва демографик, ижтимоий-иқтисодий, миллий хусусиятлари билан тавсифланади.

2.2. Ўзбекистонда аҳоли иш билан бандлигининг хусусиятлари ва тенденциялари

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан тўлиқ бандлигини таъминлаш кўпгина жамият ва мамлакатларда муҳим ижтимоий-иқтисодий мақсадлардан бири ҳисобланади. Бунга сабаб аҳолининг иш билан бандлигининг таъминланиши унинг даромадлари ва турмуш

даражасининг ўсишига, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор вазиятнинг вужудга келишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бандлик муаммосини тадқиқ қилиш иқтисодий фан ва хўжалик юритиш амалиёти учун долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда илгариги тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодий тизими шароитида ушбу муаммо республикадаги демографик хусусиятлар ҳамда унинг иқтисодиётининг собиқ Иттифоқ ягона халқ хўжалигида тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда кўплаб олимлар томонидан ўрганилган¹. Хусусан, Л.П.Максакованинг ишида аҳолининг турли ижтимоий-демографик гуруҳлари меҳнатларидан фойдаланиш масалалари таҳлил қилиниб, аҳолининг юқори суръатлар билан ўсиши, иш кучи билан таъминланиш даражаси юқори бўлган шароитда унинг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал қилиш йўллари, шунингдек, фаол демографик сиёсатни ўтказиш зарурлиги асосланган². Лекин бу тадқиқот ишлари тоталитар тузум шароитида амалга оширилганлиги сабабли Л.П.Максакова уйда, шахсий ёрдамчи хўжалигида, тўлиқсиз иш вақтларида ҳамда кооператив (ширкат)ларда, яқка тартибдаги иш фаолиятида, ижара корхоналаридаги иш билан бандликни ноанъанавий бандлик шакллари сифатида ўрганган.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида кўли укладли иқтисодиётнинг шаклланиши жараёнлари, чуқур таркибий ўзгаришлар, шунингдек, демографик ҳолатлар аҳолининг иш билан бандлигида янги

¹ Қаранг: Убайдуллаев Р.А. Трудовые ресурсы и эффективность их использования. -Т., Ўзбекистон, 1978; Зиядуллаев С.К. и др. Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы советской власти. Отв.ред. И.Искандарова. -Т., Ўзбекистон, 1984; Максаков Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. -Т., Ўзбекистон, 1989; Хасанова Р., Вороновский Ю., Ходжитдинов Т. Управление движением трудовых ресурсов как фактор повышения эффективности их использования. -Т., Мехнат, 1990 на бошқалар.

² Максаков Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. -Т., Ўзбекистон, 1989. С.35-40.

тенденцияларнинг вужудга келишига таъсир қилади. Аммо ушбу муаммони ўрганишга қаратилган илмий ишларда аҳоли иш билан бандлигининг янги тенденцияларининг айрим жиҳатлари алоҳида тарзда бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тадқиқ қилинмоқда. Масалан, айрим ишларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда янги хўжалик юритиш шакллارининг вужудга келиши билан боғлиқ аҳолининг иш билан бандлигидаги янги тенденцияларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлса¹, бошқаларида бу янги тенденциялар ишлаб чиқаришнинг айрим соҳа, тармоқлари ва ҳудудларга тадбиқан тадқиқ қилинган². Бизнинг фикримизча, аҳолининг иш билан бандлигидаги янги тенденцияларини мамлакатимизда амалга ошириладиган губ ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар, кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши, таркибий қайта қуришлар ҳамда демографик жараёнларнинг бир-бирларга боғлиқлигида, кенг қамровли тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг таҳлилларимиз аҳолининг иш билан бандлиги ҳозирги даврда ҳам худди аввалги даврларга ўхшаб демографик жараёнларга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Аммо бу боғлиқлик бошқачадир, чунки ўтиш иқтисодиёти шароитида аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари пасайиб бормоқда. Масалан, 1991-1995 йилларда бу кўрсаткич 2,1%ни ташкил этган бўлса, 1996-2005 йилларда

¹ Қаранг: Азизқариев Х.А. Реализация занятости в сферах малой экономики / на примере Республики Узбекистан / Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. -М., 1992; Алимев Н.Х. Экономические принципы социальной справедливости и их реализации в сфере труда. Автореферат. Докг. на соис. учен. степени к.э.н. -Т., 1994; Юлдашева С.Ю. Социальная защита населения в условиях перехода к рыночным отношениям / на примере Республики Узбекистан. / Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. -Т., 1995; Абдуганиев А. Толаметова Э. Узбекистоннинг меҳнат салоҳияти. -Т., Меҳнат, 1998 ва бошқалар.

² Абдуганиев А., Худойбердиев З. Қишлоқнинг долзарб социал-иқтисодий муаммоларини ишсизлик тадбиркорлик, ижтимоий муҳофаза. Наманган: Ибрат, 1995; Абдуганиев А. Мирзақариева М. Ўтиш иқтисодиетида меҳнат бозори. -Т., Меҳнат, 1999; Солиев Н.У. Защита населения в аграрной сфере Республики Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. -М., 1993, и др.

эса 1,3%ни ташкил этди. 2005 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолининг сони 6,1%га ўсди (қаранг 2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал.

Ўзбекистонда аҳоли, меҳнат ресурсларининг ўсиш
динамикаси ва иш билан бандлик¹

Кўрсаткичлар	1991	1995	2000	2005	2005 йилда 1991 йилга нисбатан %	2005 йилда 1995 йилга нисбатан %
Доимий аҳолининг уртача йиллик сони (минг киши)	21207,0	22977, 7	24657, 5	26167, 4	123,4	113,8
Меҳнат ресурсларининг Сони (минг киши)	10213,2	11066, 2	12594, 0	14434, 4	141,3	130,4
Аҳолининг умумий сонидаги улуши, %	49,3	48,2	51,1	55,2	-	-
Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони (минг киши)	10019,9	10820, 3	12450, 5	12335, 0	143,1	132,5
Аҳолининг умумий сонидаги улуши, %	47,4	47,1	50,5	54,7	-	-
Меҳнат ресурсларидаги улуши, %	98,3	98,3	98,8	99,3	-	-
Иш билан расмий банд бўлган аҳоли (минг киши)	8254,6	8449,2	9018,4	10196, 3	123,5	120,6
Аҳолининг умумий сонидаги улуши %	38,9	36,8	36,6	38,9	-	-
Меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси, %	80,8	76,3	71,6	70,6	-	-
Иш билан банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони (минг киши)	8095,8	8203,3	8874,9	10096, 9	124,7	123,1
Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик даражаси, %	80,7	75,8	71,3	70,4	-	-

¹ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992. Стат. Ежегодник Т.1 -Т., 1993. С.40-41; Узбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. Тўлама Т., 2001, 59-бет; Стат. ежегодник регионов Узбекистана, 2002. Стат. сборник Т., 2003. С. 10, 12, 16; Узбекистон Республикасининг 2003 йил статистика ахборотномаси. -Т., 2006. 97-6; Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муваффиқ томонидан ҳисобланган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1991-1995- йилларда меҳнат ресурслари ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сони мос равишда 108,3 ва 107,9%га ўсган. Аммо 1996 йилдан бошлаб аҳолининг ўсиш суръатлари анча пасайганлиги туфайли илгари туғилган кўпга ёшлар меҳнатга лаёқатли аҳоли ва меҳнат ресурслари сафини тўлдирди бошладилар.

Шу боисдан 1996-2005 йилларда уларнинг сони мос равишда 130,4% ва 132,5%га ўсди. Натижада иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида меҳнат ресурслари ва меҳнатга лаёқатли кишиларнинг аҳоли умумий сонидagi улушлари камайиб борган бўлса, 1996 йилдан бошлаб ўсиб борди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тадқиқ этилаётган даврда иш билан банд аҳоли сони ҳам ўсиб борди. Аммо 1991-1995 йилларда уларнинг сони бор-йўғи 2,3%га ўсгани ҳолда, 1996 йилдан то 2005 йилгача бўлган даврда 20,6%га кўпайди. Шунингдек, иш билан банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони мос равишда 1,3% ва 23,1%га ўсди. Бунга иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, ҳамда ҳар бир босқичда макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари сабаб бўлди.

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга эришилганлик оқибатида 1996-2005 йилларда 2 млн.дан ортиқ янги иш жойлари яратилди. 2001-2005 йилларда эса 1,8 миллионча, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес, тадбиркорлик субъектларида 1,3 миллионга яқин янги иш жойлари яратилди¹. Бунинг оқибатида иш билан банд аҳоли сони 1,7 млн.дан ортиққа кўпайди. Аммо демографик ўзгаришлар таъсирида икки хил вазият вужудга келди. Биринчидан, меҳнатга лаёқатли

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

аҳолига демографик юклама, яъни ҳар 1000 меҳнатга лаёқатли кишига тўғри келадиган белгиланган лаёқатлилар ёшидан кичик ва катта ёшдагилар сони бизнинг ҳисобларимизга кўра 1991 йилдаги 1184 кишидан 200 йилда 912 кишига тушди. Иш билан банд бўлган ҳар 1000 кишига эса 1991 йилда 1355, 1995 йилда 1439, 2005 йилда эса 1160 та меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги кишилар тўғри келган (қаранг: 2.2.1-диаграмма).

2.2.1-диаграмма.

Меҳнатга лаёқатли ва иш билан банд аҳолига демографик юклама¹.



Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, меҳнатга лаёқатли ва иш билан банд аҳолига демографик юклама йилдан-йилга камайиб бормоқда. Иккинчидан, таҳлилларимиз меҳнат ресурслари ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик даражалари аҳолининг йиллик ўсиш суръатларининг пасайиб, унинг умумий сонидан уларнинг салмоғининг ўсиб бориши оқибатида 1991-2005 йилларда шунга мос равишда 80,8%дан 70,6%гача пасайиб кетди.

¹ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992г. Т.1., -Т., 1993 -С.40-41; Статистические ежегодники регионов Узбекистана 2002. -Т., 2003. -С.6; Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган ва тузилган.

Бу кўрсаткич ЮНИСЕФ маълумотларига кўра Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатлари бўйича юқори даражалардан бири ҳисобланади (қаранг: 2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал.

Айрим Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида бандлик даражаси (иш билан банд кишиларнинг 15-59 ёшдаги аҳоли сонига нисбатан, % ҳисобида)¹.

Мамлакатлар	1990	1991	1995	2000	2001
Чехия Республикаси	85,7	77,4	75,8	70,6	70,7
Венгрия	82,9	79,6	59,0	60,3	60,0
Польша	70,6	67,1	63,8	61,1	59,8
Словакия	77,0	67,5	64,3	56,8	56,7
Словения	71,7	66,1	69,2	69,3	70,7
Эстония	86,9	85,5	73,2	68,7	69,3
Литва	81,2	82,9	72,4	71,9	71,3
Болгария	77,9	68,3	64,2	58,2	58,5
Румьния	76,8	77,0	67,5	61,1	60,1
Белоруся	83,7	81,9	71,5	71,2	70,4
Молдова	80,1	80,0	63,9	66,0	64,5
Россия	83,4	81,8	72,4	69,8	70,0
Украина	81,9	80,5	76,8	67,1	67,1
Арманистон	77,5	78,2	65,5	53,4	51,9
Озарбайжон	87,5	87,2	79,9	76,2	74,6
Грузия	84,4	77,1	59,4	64,5	-
Қозоғистон	81,4	79,9	69,1	67,8	72,8
Қирғизистон	73,1	72,3	64,1	63,3	62,6
Тожикистон	72,3	72,1	65,3	54,0	54,6
Ўзбекистон*		80,7	75,8	71,3	70,5

* Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик даражаси.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида меҳнатга лаёқатли

¹ Социальный мониторинг 2003. Экономический рост и бедность. Внешний государственный докл. Аналитический материал ЮНИСЕФ С.101; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

аҳолининг иш билан бандлик даражалари ХХ асрнинг охирларигача пасайиб борган. Аммо ўтган аср 90-йилларининг охирларидан бошлаб кўлгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш юз бераётганлиги туфайли 2000-2001 йилларда Чехия, Словакия, Эстония, Россия, Украина, Қозоғистонда аҳолининг иш билан бандлик даражаси барқарорлаша бошлади.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб иқтисодий ўсишга юз тутган бўлишига, иш билан банд аҳоли сонининг ўстанлигига қарамасдан юқорида айтилган сабабларга кўра меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик даражаси пасайиб бормоқда. Натижада расмий иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишилар сони 1991 йилда 1924,1 минг кишидан 1995 йилда 2617 минг, 2000 йилда 3575,6 минг, 2002 йилда 3848 минг, 2003 йилда 3975,8 минг кишига ўсди. Уларга қуйидагилар киради:

- уй хўжалигида ва болалар тарбияси билан банд бўлган аёллар, уй бекалари;

- ишлашни ихтиёрий равишда хоҳламайдиганлар ёки ишга киришга вақтинча имконияти йўқ шахслар;

- умумтаълим мактабларини битириб, олий, ўрта махсус ўқув юр்தларига киролмаган, ҳеч қаерда ишламаётган ёшлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра республикада иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар 2,9 млн. кишини ташкил этган. Улардан 781,2 минг киши (26,2%) вақтинчалик, бир маргалик, мавсумий ишларни бажарувчилар, шунингдек донимий ёки мунтазам бўлмаган ишларда ёланиб ишловчилардир. Тадбиркорларга ёрдамлашаётган оила аъзолари ва меҳнат шартномалари асосида ишловчи сифатида расмийлаштирилмаган бошқа ёрдамчилар 975,2 минг кишини (32,7%) ташкил этган.

Ишлаш учун республикадан ташқарига чиқиб кетганлар 187 минг кишидан (6,3%) ортиқдир. Патент олмасдан ишловчи ишбилармон, тадбиркорлар 1040,4 минг кишидан (34,8%) ортиқ бўлиб, улардан 354,2 минг киши (11,8%) бозорларда ва бундан ташқарида савдо, харидор ва сотувчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда четдан товар олиб келиб, сотиш билан («челнок») шуғулланадилар, қолган 686,2 мингдан ортиқ кишилар (23%) тадбиркорликнинг бошқа турлари, шу жумладан, ҳунармандчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан машғул бўлмоқдалар¹. Норасмий иш билан бандлар Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган вилоятларида ва Тошкент шаҳрида бошқа ҳудудларга қараганда кўпроқдир.

Бизнинг фикримизга кўра, иш билан банд бўлмаган меҳнатта лаёқатли кишилар ва норасмий иш билан бандлар сонининг ўсишига демографик ўзгаришлар омилидан ташқари ижтимоий-иқтисодий тавсифдаги қуйидаги сабаблар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Биринчидан, яратилаётган иш жойларининг ўсиш суръати меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда. Шунингдек, янги яратилган иш жойларининг маълум қисми анча арзон бўлиб, ишловчиларга етарли даражада меҳнат ҳақларини олишни таъминламайди. Шу сабабли улар бўш турибди. Иккинчидан, расмий иқтисодиёт секторида иш ҳақининг рағбатлантирувчилик роли пасайиб бормоқда. Учинчидан, меҳнатга лаёқатли аҳолининг маълум қисми ўзини-ўзи иш билан таъминлашга тайёр эмас. Аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий механизми ҳам етарли даражада ривожланмаган. Тўртинчидан, патентсиз тадбиркорлик билан шуғулланувчиларни расмий тадбиркорларга айлантириш механизми шаклланмаган. Бунга яна солиқ юкининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги маълумотлари (Расчетный баланс трудовых ресурсов на 1 января 2004 года по Республике Узбекистан).

оғирлиги туфайли уни тўлашдан қочиш ҳам сабаб бўлмоқда. Бешинчидан, тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзолари ҳамда бошқа кўмакчилар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий афзалликларини тушунмаслик ҳам бунга таъсир кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий мулк миқёслари ҳам кенгайиб бормоқда. Шунинг учун иқтисодиётнинг хусусий секторида, яъни кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларида иш билан банд кишилар сони ҳам йилдан - йилга ўсиб, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра уларда иш билан банд аҳолининг 60,9%и фаолият кўрсатишмоқда. Уларга кичик тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда ишловчилари, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, шу жумладан янгидан тикланаётган халқ ҳунармандлари ва косиблар киради. Шунини айтиш мумкинки, ўтиш даври қийинчиликлари туфайли фаолиятини тўхтатган ёки ихтисослигини ўзгартирганлиги, штатларни қисқартириш туфайли йирик саноат корхоналарининг ишчи, ходимлари кичик тадбиркорлик хўжаликларига ўтмоқда. Бунинг оқибатида саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳамда иш билан банд аҳоли сонидagi улуши камайиб бормоқда. Бошқа соҳаларга, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтиб кетган илгариги саноат ишчи, ходими ўз касбкорлигини, малакасини йўқотмоқда. Бу тенденция барча МДҲ мамлакатларида, шу жумладан Россияда ҳам юз бермоқда. Шу боисдан И. Заславский ҳақли равишда ишлаб чиқариш соҳасида илгариги саноат илчиси меҳнати ўрнини ҳунарманд, косиб томонидан тобора кўпроқ эгалланмоқда, деб таъкидлайди¹. Иқтисодиётда кичик, хусусий тадбиркорлик

¹ Заславский И. К характеристике труда в современной России / очерк социально-трудовой политики // Вопросы экономики, 1997. №2. -С.77.

субъектларининг салмоғи ортиб, иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Бу эса иқтисодиёт таркибий тузилишининг ўзгараётганлигидан, шунингдек, иш билан банд аҳолининг тармоқлар бўйича таркибининг ҳам ўзгараётганлигидан далолат беради (қаранг: 2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

Ўзбекистонда иш билан банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибининг ўзгариши (яқунига nisбатан % ҳисобида)¹.

Иқтисодиётда бандлар, жами	1991	1995	2000	2003	2004
	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан					
Саноатда	14,3	12,4	12,7	12,8	12,9
Қишлоқ ва ўрмон хўжалигида	42,0	43,8	34,4	31,7	30,9
Қурилишда	8,2	6,0	7,5	7,9	8,1
Транспорт ва алоқада	4,8	4,1	4,3	4,5	4,6
Савдо, умумовқатланиш, моддий техника таъминоти, сотиш ва тайёрлов ишларида	5,6	7,1	8,4	8,4	8,6
Уй-жой, коммунал хўжалиги, аҳолига ноишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатишда	2,3	2,3	2,8	3,0	3,0
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминотда	5,9	5,9	6,5	6,8	6,9
Халқ таълими, маданият ва санъат, фан ва фанга хизмат кўрсатишда	13,7	12,7	12,8	13,1	13,3
Молия, кредитлаш ва сугурталашда	0,3	0,4	0,6	0,5	0,5
Бошқа тармоқларда	2,9	3,0	10,4	10,9	11,3

¹ 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги (народное хозяйство РУз. в 1993г.) - Т., Меҳнат, 1995. 42-б.; Статистический ежегодник регионов Узбекистана, 2002 Т.: 2003. -С.18-20.; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2003. Стат. сборник - Т. 2004 С.56.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил. Т., 2005. 8-сон - 87-б. маълумотлари асосида тузилади.

Ушбу маълумотлар мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни ифодалайди. Маълумки, собиқ Иттифоқ тарқаб ўзаро хўжалик алоқалари узилиб қолгач, кўплаб саноат корхоналари ўз фаолиятини тўхтатишга ёки қисқартиришга мажбур бўлди. Бундай шароитда қазиб чиқариш саноат тармоқларини ривожлантириш, маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаш, айрим импорт маҳсулотларининг ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларнинг ҳамда автомобилсозлик, электротехника, микробиология ва бошқа илмталаб, замонавий саноат тармоқлари яратилди. Ушбу ишларнинг амалга оширилиши оқибатида 1991-1995 йилларда бу соҳада банд бўлганларнинг улуши 2, қурилишда эса 0,7 пунктгача камайган бўлса, 1996 йилдан бошлаб эса бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлди.

Ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши оқибатида қишлоқ хўжалигида иш билан бандлар сони 1991 йилдаги 42%дан 1995 йилга келиб 43,8%га ўсди. Бунга XX аср 80-йилларнинг охирида қишлоқ аҳолисига қўшимча 700 минг гектардан ортиқ ер участкаларининг берилиши ижобий таъсир кўрсатди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини 1996 йилдан тажриба асосида ширкат хўжаликларига айлантириш бошланди. 1998 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлари) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши оқибатида уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлардан бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини босқичма-босқич ширкат хўжаликларига айлантириш, фермер хўжалиklarини ташкил этиш, деҳқон хўжалиklarини давлат рўйхатига олиш ҳамда уларнинг маълум қисмининг ҳуқуқий шахс мақомини олишлари кучайди. Ширкат хўжалиklarида меъёрдан ортиқча

одамлар ишдан бўшатилади. Шунингдек, пахта экин майдонларининг камайтирилиб, унинг ўрнига кам меҳнат талаб қиладиган ғалла, дон экин майдонлари кўпайтирилади. Бунинг оқибатида ишдан бўшаб қолган кишилар 1996 йилдан бошлаб амалга оширилаётган «Бандлик» дастурига биноан қишлоқларда sanoat, қурилиш, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, шу соҳада тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳисобига ярағилаётган янги иш ўринларига ўтказилмоқда. Бу жараёнлар туфайли қишлоқ хўжалигида иш билан банд аҳолининг сони ва ҳиссаси камайиб бормоқда. 2003 йилда бу кўрсаткич 31,7 %га тушди. Лекин ҳамон қишлоқ хўжалигида ортиқча иш билан бандлар мавжуд бўлиб, ҳозир ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирмаган ҳолда 1 млн. дан ортиқ ишловчини қисқартириш зарурати бор. Бироқ бунинг учун қишлоқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш кичик sanoat корхоналарини, хизмат кўрсатиш субъектларини вужудга келтириш лозим бўлади.

Аҳолининг иш билан бандлиги таркибидаги муҳим ўзгаришлардан яна бири товар ишлаб чиқариш тармоқларида уларнинг улуши 1991 йилдаги 64,5 %дан 2004 йилда 51,9 %га тушганлиги, аксинча хизмат кўрсатиш соҳаларида бу кўрсаткичнинг 35,5 %дан 48,1 %гача кўтарилганлигидир.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги юқори бўлганлиги туфайли хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган бўлиб, уларда иш билан банд аҳолининг 60-70%и фаолият кўрсатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ислохотларнинг биринчи босқичида ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш соҳаларида, яъни халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, фан ва унга хизмат кўрсатиш

ссҳаларида иш билан бандлик камайди. Бунга меҳнат ҳақларидан қониқмаган малакали ходимларнинг бошқа ссҳаларга ўтиб кетишлари сабаб бўлди. Аммо ислоҳотларнинг иккинчи босқичида бошланган таълим, ссғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислоҳотлар, айниқса кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши, шувингдек, санъат, жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиборнинг кучайиши оқибатида уларда бандлик орта бошлади. Шунга қарамасдан бу соҳаларда, айниқса, таълим соҳасида малакали ўқитувчи, техник-педагоглар етишмаслиги ҳамон жиддий ташвиш уйғотади. Р.Задорожная, М.Ҳакимова, А.Федоровалар «ҳисобкитобларга кўра, 2005 йилга келиб, республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжни 60-65 фоизга, бутунги кунда тақчил изтисосликлар бўйича эса 40 фоиздан ҳам камига қондира оладилар, яъни қатъий чоралар кўрилмаса, ўрта мактабларда деярли 100 мингдан зиёд лавозим бўш қолади ёки малакасиз ходимлар томонидан эгалланади»¹ - деб ҳулоса чиқарганлар.

Ўзбекистонда иш билан банд аҳолининг тармоқлар бўйича 2002 йилдаги таркибини МДҲ мамлакатлари билан таққосласак, уларнинг санъатдаги улуши бўйича Беларусь, Россия, Украина ва Арманистондан кейин 5-ўринни эгаллаганини кўрамиз (қаранг: 2.2.4-жадвал).

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлган ходимларнинг улуши жиҳатидан республикамиз Россия, Белорус, Украинадан кейин 4-ўринни, қурилишдаги улуши бўйича 1-ўринни, хизмат кўрсатиш соҳасидаги улуши бўйича эса 6-ўринни эгаллаган. Демак, республиканинг бу борадаги кўрсаткичлари ўртача даражадан бир мунча юқори ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар, собиқ Иттифоқ иқтисодиёти

¹ Инсон тараққияти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 2000 йил. Т., Ўзбекистон, 2001. 36-б.

ҳам бир ёқлама, хом ашё, оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигидан, собиқ республикалар иқтисодий ривожланиши ниҳоятда нотекис бўлганлигидан далолат бериб, ҳозирга қадар бундай деформациялашув таъсирининг сақланиб қолинганлигини кўрсатади. Ўзбекистон ҳудудларидаги иш билан банд аҳолининг

2.2.4-жадвал.

МДҲ мамлакатларида иш билан банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби (2002 йилда % ҳисобида)¹.

Мамлакатлар	Иқтисодиётда бандлар (жами)	Шу жумладан			
		Саноат -да	қишлоқ ва ўрмон хўжалиги да	қурилишда	хизмат кўрсатиш соҳасида
Озарбайжон	100	6,8	40,1	4,2	48,9
Арманистон	100	13,4	44,7	3,3	38,6
Белоруся	100	27,3	12,8	7,2	52,7
Қозоғистон	100	12,0	36,5	4,0	47,5
Қирғизистон	100	8,2	52,9	2,6	36,3
Молдова	100	11,0	51,0	2,9	35,1
Россия	100	22,7	12,3	7,7	57,3
Тожикистон	100	6,7	65,6	1,8	25,9
Ўзбекистон	100	12,7	32,6	7,8	46,9
Украина	100	18,8	23,6	3,8	53,8
МДҲ бўйича	100	19,2	21,6	6,3	53,0

тармоқлар бўйича таркибининг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, уларнинг саноатдаги улуши Навоий вилоятида (25,2%), Тошкент шаҳрида (21,8%), Тошкент (19%) ва Фарғона (13,6%) вилоятларида юқори, бошқа ҳудудларда, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида (8,8%), Хоразм (7,9%), Жиззах (7,4%), Қашқадарё (7,2%), Сурхондарё (5,5%) вилоятларида умумреспублика кўрсаткичидан пастдир. Қишлоқ хўжалигида иш билан

¹ Статсборник Статкомитета СНГ за 2002г. -М., 2003. -С.120 маълумотлари асосида тузилади.

банд бўлганлар улуши Сурхондарё (49,1%), Жиззах (44,4%), Бухоро (40,5%), Андижон (39,5%) вилоятларида юқоридир.

Бу эса бизнинг назаримизда республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нотекис, номутаносиб ривожланганлиги оқибатида уларда иш билан банд аҳолининг тармоқ тузилишида кескин фарқлар келиб чиққанлигини кўрсатади. Кўплаб ҳудудларда иш билан банд ходимларнинг саноатдаги улушининг пастлиги мамлакатни индустриллаштириш ва саноатлаштириш даражасининг ҳам пастлигидан далолат беради. Қишлоқ хўжалигида иш билан бандлар улушининг юқорилиги эса бу соҳада ортиқча, самарасиз фойдаланилаётган ишловчиларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, иш билан банд аҳолининг иқтисодий тармоқлари бўйича таркибининг ўзгариши уларнинг даромади кам соҳадан юқори даромадли соҳаларга, кишини ўзига кам жалб қиладиган меҳнат фаслияти турларидан уларни иқтисодий жиҳатдан ўзига жалб қиладиган соҳаларга ўтишини ҳам ифодалайди. Бу иқтисодий тармоқларидаги иш билан бандликнинг даромадлилик коэффициентининг ўзгаришида ўз ифодасини топади. Ҳар бир тармоқнинг ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги улушининг аҳолининг иш билан бандлигидаги улушига нисбати ушбу тармоқдаги аҳолининг иш билан бандлигининг даромадлилик коэффициенти деб аталади.¹

Тармоқдаги иш билан бандликнинг даромадлилик коэффициенти 1 дан юқори бўлса, бу аҳолининг иш билан самарали бандлигини ифодалайди. Агар коэффициент 1 дан паст бўлса, бу - аҳолининг самарасиз ва даромади кам бўлган тармоқларда иш билан банд эканлиги ҳамда бу соҳада ишловчилардан фойдаланиш самардорлигининг пастлиги ва рационал эмаслигидан ҳамда ортиқча

¹ Кузьмин А.С. Эффективная занятость населения. - М., Экономика. 1990. - С. 32.

ходимларнинг мавжудлигидан далолат беради (қаранг: 2.2.5-жадвал).

Бу маълумотлар саноатда аҳоли иш билан бандлигининг даромадлилик коэффиценти 2000 йилгача пасайиб борганлигини кўрсатади. Бунга сабаб саноатнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 1991 йилда 25,4%дан 2000 йилда 13,8%гача пасайиб, 2003 йилда 15,0%га, 2004 йилда 17,8%га кўтарилди. Бу соҳадаги иш билан бандларнинг улуши ҳам дастлаб пасайиб борди. 2000 йилдан бошлаб эса ўса бошлади. Шунга қарамасдан саноат даромадли соҳа ҳисобланиб, ундаги иш билан бандлик қишлоқ хўжалиги ва қурилишдагига нисбатан самаралироқ ва даромадлироқ ҳамда ундаги меҳнат жозибалироқдир.

2.2.5-жадвал.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида аҳолининг иш билан бандлиги даромадлилик коэффицентининг ўзгариши¹.

Тармоқлар	1991	1995	2000	2003	2004
Саноат	1,77	1,38	1,12	1,17	1,32
Қишлоқ хўжалиги	0,88	0,64	0,87	0,91	0,86
Қурилиш	1,27	1,18	0,81	0,57	0,56
Хизмат кўрсатиш соҳаси	0,73	0,91	0,82	0,81	0,78
улардан:					
Транспорт ва алоқа	0,89	1,58	1,88	1,89	...
Савдо ва умумовқатланиш	0,69	1,15	1,13	1,12	...
Номоддий хизматлар	0,79	0,89	0,88	0,86	...

Қишлоқ хўжалигида янги хўжалик юритиш шаклларининг ривожланиши, ортиқча иш билан бандликнинг бир мунча камайиши ҳамда уларнинг

¹ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992. Стат. ежегодник. Т.1. -Т.,1993. -С.19,42. ; Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари қисқача стат.тушам. -Т., 2001. 11-12-б.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002. -С.8-9,76; Там же за 2003г Т., 2004. С.5. ; Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарт 2004 йил. Т., 2005 йил 8-сон. - 15, 87-б; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

қишлоқларда яратилаётган кичик саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари, микрофирмаларига ўтишлари сабабли 1996 йилдан бошлаб бу соҳада даромадлилик коэффиценти ўсиб бормоқда. Аммо бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида ҳамон ортиқча, унумсиз, кам даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар, яширин ишсизликнинг мавжудлигидан ҳам далолат беради.

Республикада ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 1991 йилдаги 26,2 %дан 2004 йилда 37,6 %га ўсганлиги тўғрисида унда аҳолининг иш билан бандлигининг даромадлилик коэффиценти ҳам ўсиб бормоқда. Айниқса, транспорт ва алоқа ҳамда савдо ва умумовқатланиш соҳаларида бу кўрсаткич тез ўсмоқда. Чунки бу соҳаларда давлат мулки унинг тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган ва бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш шакллари ривожлантирилди. Номоддий хизмат кўрсатиш соҳаларида бу жараёнлар биров кейинроқ бошланди. Шу сабабли уларда аҳоли иш билан бандлигининг даромадлилик коэффиценти паст бўлиб, унинг самараси паст ва рационал эмаслигидан далолат беради. Келажакда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида бозор муносабатлари ривожланиб, уларда пулли хизматлар кўрсатиш кенгайиб бориши билан даромадлилик коэффиценти ҳам ошиб боради.

МДХ мамлакатларида ялпи қўшилган қийматдаги тармоқлар улушининг аҳоли иш билан бандлиги тармоқ таркибига нисбати орқали ҳисобланган иш билан бандликнинг даромадлилик коэффиценти 2002 йилда саноатда 1 дан юқори бўлган. Бу кўрсаткич саноатда Озарбайжонда 5,56 ни, Тожикистонда 3,71 ни, Қирғизистонда 2,95 ни, Қозоғистонда 2,27 ни ташкил этган. Бу ушбу мамлакатларда қазиб олувчи саноат тармоғида иш билан бандлар улуши камроқ бўлгани билан, ялпи қўшилган қийматдаги улушлари юқорилигини кўрсатади.

Саноати нисбатан анча юқори даражада ривожланган Россия, Украина ва Белоруссияда бу кўрсаткич нисбатан бир мунча пастдир.

Қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич барча мамлакатларда 1 дан пастдир. Демак, бу соҳада ортиқча иш билан бандлик мавжуддир. Айниқса бу кўрсаткич Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Тожикистонда энг паст даражададир. Қурилиш соҳасида иш билан бандликнинг даромадлилик коэффиценти Озарбайжонда 2,78 ни, Тожикистонда 2,50, Арманистонда 3,50 ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қийматдаги улуши Россия, Белорусда бошқа мамлакатлардагига нисбатан энг юқори бўлишига қарамасдан, таҳлил қилинаётган коэффицент унчалик юқори эмасдир. Молдовада ва Тожикистонда иш билан бандликнинг даромадлилик кўрсаткичи энг юқори бўлгани ҳолда Озарбайжон ва Украинада энг пастдир. Бу ҳол турли МДҲ мамлакатларида иқтисодиёт тармоқларининг ЯҚҚдаги ва аҳоли иш билан бандлигидаги улушларига боғлиқдир. (қаранг: 2.2.1-илова)

Бизнинг фикримизча, бундай коэффицентни ҳудудлар бўйича ҳам ҳисоблаш лозим. Бу билан турли ҳудудларда иш билан бандликнинг қай даражада самарали ва даромадли эканлигини аниқлаш ҳамда аҳолининг кам даромадли ҳудудлардан кўп даромадли ҳудудларга кўчиб ўтиши, ички миграция жараёнларининг олдини олиш имконияти яратилади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 1999-2003 йилларда бу коэффицент Навоий, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида бир мунча ўсди (қаранг: 2.2.6-жадвал). Аммо бу кўрсаткич бошқа вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида пасайди.

Ушбу 2.2.6-жадвал муълумотларидан кўриниб турибдики, бу коэффицент фақат Навоий вилоятида ва Тошкент шаҳридагина 1 дан юқори. Шу боисдан, айниқса,

Тошкент шаҳрига турли вилоят, ҳудудлардан кўплаб кишилар норасмий тарзда иш ахтариб келмоқдалар ва норасмий иш билан бандликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқдалар. Бу эса турли нохуш ҳолатларни, шу жумладан, жиноятчилик ва турли қонунбузарликларнинг кучайишига олиб келмоқда. Шунингдек, бу ҳол меҳнат бозоридаги талаб ва тақлиф динамикасига таъсир этиб, расмий иш билан банд ишловчиларнинг иш ҳақи, даромадларининг ўсишига тўсқинлик қилмоқда.

2.2.6-жадвал.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича аҳолининг иш билан бандлигининг даромадлилик коэффициенти (ҳудудларнинг умумреспублика ЯИМдаги улушининг аҳоли иш билан бандлигидаги улушига нисбати)¹

Ҳудудлар	Яли ички маҳсулотдаг и улуши		Аҳолининг иш билан бандлигидаги улуши		Иш билан бандликнинг даромадлилик коэффициенти	
	1999	2003	1999	2003	1999	2003
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	-	-
Қорақалпоғистон Республикаси	3,2	2,4	5,5	5,3	0,58	0,45
вилоятлар:						
Андижон	7,8	6,7	9,2	9,3	0,85	0,72
Бухоро	6,9	6,0	6,6	6,5	1,04	0,92
Жиззах	2,4	2,7	3,3	3,2	0,72	0,84
Қашқадарё	6,3	6,9	8,0	8,0	0,78	0,86
Навоий	3,9	5,2	3,5	3,7	1,11	1,40
Наманган	4,9	4,2	6,7	6,8	0,73	0,62
Самарқанд	7,5	7,2	10,2	10,2	0,73	0,70
Сурхондарё	4,4	5,2	6,4	6,4	0,68	0,81
Сирдарё	2,3	1,9	2,8	2,8	0,82	0,68
Тошкент	9,1	9,7	10,0	9,9	0,91	0,98
Фарғона	10,9	8,4	11,5	11,4	0,94	0,74
Хоразм	4,9	3,6	5,1	5,1	0,96	0,70
Тошкент шаҳри	16,3	13,8	11,2	11,3	1,45	1,22

¹ Статистический ежегодник регионов Узбекистана за 2002. -Т., 2003. -С.4; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2003. Стат. сборник Т., 2004 С. 16,17 маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Турли ҳудудларда аҳолининг иш билан бандлигининг даромадлилик коэффициентидаги фарқлар уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги номутаносибликлар, демографик жараёнлардаги нотекисликни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштиришга қаратилган ҳудудий сиёсатни амалга ошириш, ҳудудий иш билан бандлик дастурларини ишлаб чиқиб ва рўёбга чиқариш орқали кишиларга нормал ҳаёт кечиришни таъминлайдиган, муносиб даромад келтирадиган иш ўринларини яратиш, ошкора ва яширин ишсизликни камайтириш чора-тадбирларини кўриш лозим бўлади. Шунингдек, ишловчиларнинг ҳудудлараро кўчиб ўтишини, ҳаракатини тартибга солишнинг иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш ҳам долзарб вазифа ҳисобланади.

2.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишсизлик муаммолари

Мамлакатимизда собиқ тоталитар тузуми шароитида ишсизликнинг мавжудлиги тан олинмаган. Уни фақат капитализмга хос социал-иқтисодий ҳодиса деб ҳисоблашган. Илгариги иқтисодий адабиётларда ишсизликни ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабга нисбатан устувор равишда ўсиши натижасида вужудга келадиган аҳолининг нисбий ортиқчалиги, деб аташган. Ишчи кучига бўлган талаб эса фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига ишловчиларни қисқартириш ишлаб чиқаришнинг техник тузилиши, капиталнинг органик тузилишининг ўсиши оқибатида пасаяди, деб асосланган. Фақатгина қайта куриш деб

аталган даврдагина мумкин бўлган даражада очиқ «нормал» ишсизлик тўғрисидаги масала кўндаланг қўйила бошланди¹.

Собиқ Иттифоқ тарқаб кетиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнггина бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишсизликни қисқартириш муаммосини ўрганишга эътибор кучайди. Шу боисдан ҳозирги даврда ишсизлик тушунчасига Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан берилган таъриф миллий иқтисодий фанга кириб келди. ХМТ берган таърифга мувофиқ ишсизлар деб ишга эга бўлмаган, лекин ишлашни хоҳлайдиган ва охириги тўрт ҳафта мобайнида иш ахтараётган ёки ишга жойлашиб, ҳали ишни бошламаган кишиларга айтилади². Р.Дорнбуш ва С.Фишер ишга эга бўлмаган ва кейинги тўрт ҳафта мобайнида ишни фаол излаган ёки илгари бўшаган иш жойига қайтишни ёки янги ишга ўтишни кутаётган кишиларни ишсизлар³, деб таърифлайдилар. Ушбу бир-бирига яқин таърифларда фақат қисқа муддатли, яъни бир ойлик ишсизликнинг мазмуни очилган. Уларда узоқ муддатли ишсизлик эътибордан четда қолган.

Шунинг учун ушбу тушунчага ўзбек олимлари томонидан бир мунча аниқликлар киритилган. Масалан, Ш.Ш.Шодмонов, Р.Х.Алимов ва Т.Т.Жўраевлар «Меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаганлар ишсизлар дейилади»⁴ - деб таъриф беришган. Бунга нисбатан бир мунча тўлароқ таърифни Д.Тожибоева берган. Унинг фикрича, «иш кучи таклифининг ишчи кучига бўлган талабдан ортиб кетиши бошқача айтганда, иқтисодий фаол аҳолининг маълум бир

¹ Как не допустить безработицы? // За круглым столом журнала «Вопросы экономики» // Вопросы экономики, 1989. №2. -С.20.

² Никифорова А.А. рынок труда: занятость и безработица. -М., Международные отношения, 1991. -С.38.

³ Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика. /Пер. с англ. -М., изд-во МГУ; ИНФРА, 1997. -С.534.

⁴ Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т., Молия, 2002. 314-б.

қисмини иш билан таъминланмаслик, яъни ишлашни хоҳлаганларни иш топа олмаслиги ишсизликдир»¹.

В.И.Плакся ишсизликка ишлашни хоҳлайдиган, лекин иш билан банд бўлмаган меҳнатта лаёқатли аҳоли миқдори деб таъриф беради. Шунингдек, у макроиқтисодий даражада ишсизликни жамиятнинг фойдаланилмаган меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш омили сифатидаги ялпи ишчи кучи деб тавсифлайди. Бу маънода ишсизлик ортиқча ишлаб чиқариш қувватларига ёки фойдаланилмаётган ер майдонларига ўлжайди. Лекин бошқа ортиқча ишлаб чиқариш омилларидан фарқли ўлароқ ортиқча ишчи кучи бозор иқтисодиёти шароитида доимо мавжуд бўлади².

А.А.Абдуғаниев ва М.Мирзакаримовалар «иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик, деганда ишчи кучининг, иш жойи билан таъминланмаганлиги ва натижада унинг бирон-бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян ҳолати тушунилади»³, - деб таърифлайдилар. Ушбу таърифда ишчи кучининг иш жойига эга бўлмаганлиги гуфайли даромад манбаидан маҳрум бўлиб қолиши таъкидланган бўлиб, ишсизликнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий хусусиятлари очиб берилган.

Бизнинг назаримизда бу таърифлар ишсизликнинг мазмунини тўлиқ очмайди. Айниқса, унинг доимий, қисман ва яширин шаклларининг моҳиятини тўлиқ ёрита олмайди. Ушбу ишсизлик шакллари расман ҳисобга олинмайди. Ваҳоланки, улар иқтисодий фанда тадқиқ этилади. Шунинг учун бизнинг фикримизча, ишсизларга таъриф берганда уларнинг юқорида айтилган шаклларда намоён бўлиши ўз ифодасини топиши лозим. Бизнингча, ишсизлар ишга эга бўлмаган, лекин ишлашни хоҳлайдиган ва ишни фаол

¹ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Иккинчи китоб. Олий ўқув ортлари талабалари учун қўлланма / М.Шарифхўжаев Илмий таҳрири остида. -Т., Шарқ, 2003. 157-б.

² Экономика труда: социально-трудовые отношения // под ред. Н.А.Волгина, Ю.Т.Одогова. -М., Экзамен, 2002. -С.164.

³ Абдуғаниев А., Мирзакаримов М. Ушш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. -Т.Меҳнат, 1999. 35-бет.

ахтарадиган меҳнатга лаёқатли кишилар ёки ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тўлиқсиз иш кунларида ишлайдиган, ёки корхона ва ташкилот фаолиятининг вақтинча тўхтаганлиги туфайли ишламаётганлар, ёки ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқишга мажбур бўлганлар, ёки мавсумий, ёки тасодифий ишларда банд бўлиб, тўлиқ иш кунида ишлашни ва тўлиқ иш ҳақи (даромад) олишни хоҳлаганлар ҳисобланади. Демак, ишсиз талабдан ортиқча бўлиб, бўшаб қолган ва ижтимоий ишлаб чиқаришга қайтишга интилаётган меҳнатга лаёқатли кишилардир. Ишсизларнинг иш топишга интилишлари ва уларга бу борада давлатнинг шароитлар яратиши уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлади. Ишсизлик ижтимоий-иқтисодий категория сифатида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдан, ишдан бўшаб қолиши ва унга қайтишга интилишлари, яъни меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш юзасидан бўладиган муносабатларни ифодалайди.

Ишсизликни қисқартириш ёки унга барҳам бериш муаммолари бир неча асрлардан буён кўплаб олимларнинг диққат эътиборини торттиб келмоқда. Ушбу муаммога биринчи бўлиб инглиз руҳонийси ва иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус XVIII асрнинг охирида эътибор берган. У 1798 йилда чоп этилган «Жамиятни келажақда такомиллаштириш билан боғлиқ нуфус қонуни тўғрисидаги тажриба» мавзусидаги асарида ўзининг Нуфус назариясини баён этди. Бу назария ўша даврдаги аҳоли сони ҳар 20-25 йилда икки баробарга ўсиб боради деган маълумотга ҳамда Давид Рикардонинг ер унумдорлигининг пасайиб бориши тўғрисидаги фикрларига асосланган эди. Шу боисдан унинг назариясига биноан аҳоли сони геометрик прогрессия асосида, яъни 1,2,4,8,16... каби ўсиб боради, аммо тирикчилик неъматлари, воситалари эса арифметик прогрессия асосида, яъни 1,2,3,4,5,6,7,8,9... каби ўсиб боради.

Бунинг натижасида ортиқча, ишсиз одамлар вужудга келади, деб хулоса қилинган¹.

Ўзининг моҳиятига кўра Мальтус назарияси реакцион назария ҳисобланади. Аммо ер шари ва айрим мамлакатларда ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан орқада қолса, у ҳолда яратилаётган янги иш ўринлари янгидан меҳнат бозорига кириб келаётган меҳнатга лаёқатли кишилар учун етишмай қолади. Бунинг оқибатида ишсизлик кўпаяди.

Бундай ҳол бизнинг мамлакатимизда собиқ тоталитар тузум шароитида кузатилган бўлиб, XX асрнинг 90-йилларининг бошида 1 миллиондан ортиқ кишининг иш топа олмай қолишига сабаб бўлган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичида (1992-1995 йилларда) ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб борган, аммо аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2%дан кам бўлмаган. Фақатгина 1997 йилдан эътиборан ялли ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатида аҳолининг йиллик ўсиш суръатига нисбатан устуворликка эришилган.

Шу боисдан ҳам инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнс Мальтуснинг ушбу муаммони ҳал қилиш йўли сифатида талабни рағбатлантириш тўғрисидаги ғояларини «самарали талаб» назариясини ишлаб чиқишда асос сифатида қабул қилган².

Ортиқча ишлаб чиқариш кризислари туфайли ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқаришига боғлиқ равишда ишсизликнинг вужудга келиш сабабларини Ж.М.Кейнс тадқиқ қилган. Унинг фикрича кишиларнинг жамғаришга мойиллиги даромадларининг бир қисмининг истеъмол қилинмаслигига олиб келади. Бу эса талабни чеклаб, фойда нормасининг пасайишига таъсир қилади. Натижада

¹ Англия А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей - экономистов до Маркса. -М., Политиздат, 1971. -С.264-266.

² Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. -М., Иностранная литература, 1946. -С.238.

тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришга капитал киритишга қизиқишлари камаяди ва ишлаб чиқариш билан тўловга қодир истеъмол ўртасида зиддият вужудга келади. Бу эса ортиқча ишлаб чиқариш кризисига, ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига, оқибатда эса ишсизликнинг кўпайишига олиб келади¹.

Неоклассик назария вакиллариининг фикрларига кўра ишловчилар иш ҳақларининг юқори бўлиши ва унинг қисқартирилишига қаршилик қилиш мажбурий ишсизликнинг муҳим сабаби ҳисобланади. Реал иш ҳақининг ўсиши оқибатида ишчи кучи таклифи унга бўлган талабдан ортиқ бўлиб қолади ва ишсизликнинг кўпайишига олиб келади². Агар иш ҳақи даражаси пасайса, у ҳолда ишчи кучи таклифи камаяди ва унга бўлган талаб эса кўпаяди. Бу ҳолда ишсизлик ҳам қисқаради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ж.М.Кейнснинг фикрича иқтисодиётда ё ишсизлик, ё инфляция вужудга келиши мумкин. Ушбу ғояни тасдиқлаган ҳолда А.В.Филипс инфляция даражасининг ўсиб бориши билан ишсизлик даражасининг пасайиб боришини, аксинча инфляция даражаси пасайиб борганда ишсизлик даражасининг ўсиб боришини асослаб берган.

Француз иқтисодчилари Фурастье, Виман ва бошқаларнинг фикрларига кўра техника тараққиёти иш билан бандликка икки йўналишда таъсир қилади. Биринчи йўналишда, инсоннинг табиатга таъсири кучаяди, унинг меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги ўсиб, қисқа вақт ичида камроқ ишловчилардан фойдаланиб, кўпроқ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу йўналишда фан-техника тараққиёти ишсизликнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Фан-техника тараққиётининг иккинчи йўналиши

¹ Пезенти А. Очерки политической экономия капитализма в 2-х томах. Т.2 -М., Прогресс, 1976. -С.599-600

² Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей -Экономистов до Маркса. -М. Политгиздат, 1971. -С.271.

янгидан-янги меҳнат қуроллари, хом ашё турларининг, иқтисодий тармоқлари ва иқтисодий фаолият соҳаларининг вужудга келишида ўз ифодасини топади. Бунинг оқибатида ишловчиларга, иш кучига бўлган талаб ўсиб боради. Масалан, америкалик олимлар Дж.Диболд, И.Брозен ва С.Фабрикантларнинг фикрларига кўра иқтисодийнинг бир тармоғида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш иш кучига бўлган талабни камайтириб, ушбу тармоққа асбоб-ускуналар етказиб берувчи янги тармоқнинг вужудга келишига олиб келади. Бу тармоққа эса бошқа тармоқларда ортиқча бўлиб қолган ишловчилар жалб қилинади¹. Демак, фан-техника тараққиёти таъсирида юз берадиган иқтисодий таркибий гузилишидаги ўзгаришлар бир томондан, ишсизликнинг вужудга келишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, янги меҳнат қилиш соҳалари ва иш ўринларининг вужудга келиш манбаига айланади. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, давлат фан-техника тараққиётининг социал-иқтисодий оқибатларини олдиндан башорат қила олиши ва кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни ўз ичига олувчи узлуксиз таълим тизимини яратиш ҳамда ишловчи, ходимларнинг бир тармоқ ёки иқтисодий секторидан бошқасига ўтиб туриши, ҳаракатчанлиги учун имкон берувчи меҳнат бозорининг вужудга келишига кўмаклашиши лозим бўлади.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган иқтисодий қараш ва концепциялар ишсизликнинг вужудга келишининг у ёки бу сабабларини изоҳлайди. Буларга кўра ҳозирги замон иқтисодий фанида унинг фрикцион, структуравий ва циклик ишсизлик шакллари тавсифланади².

¹ Современный капитализм и буржуазная политическая экономия. /Труды Всесоюзной конференции по критике буржуазных экономической теории./ Отв. Ред. Румянцев А.М. и др. - М., Мысль, 1967. - С.217-218.

² Каранг: Макконнелл К.Р., Брю С.А. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 т., пер. с англ. 11 изд. Т.1 М., Республика, 1992. -С.157-158; Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси -Т. Шарҳ, 2003.

Фрикцион ишсизлик унинг оқувчан шакли бўлиб, қисқа вақт ичида иш қидириш ва иш кутиш билан боғлиқ ишсизликдир. Бу тоифага ўз хоҳиши билан, яшаш жойларини ўзгартириш ёки юқори иш ҳақи, даромадди ишга ўтиш мақсадида ишдан бўшаб, янги иш излаётганлар, шунингдек, вақтинчалик, мавсумий ишни йўқотганлар ҳамда биринчи марта ишга жойлашиш учун иш қидириб юрганлар киради. Ушбу турдаги ишсизлик ишловчиларнинг қисқа вақт оралиғида ишсиз бўлиб қолиб, яна иш топишларини ифодалайди. Бундай ишсизлик доимо бўлиб туради ва маълум даражада фойдали ҳисобланади ҳам чунки бунда ишловчилар кам ҳақ тўланадиган, ўзини қониқтирмайдиган ишдан юқори даражада ҳақ тўланадиган, ўзини қизиқтирадиган ишга ўтадилар.

Таркибий (структуравий) ишсизлик фан техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашуви оқибатида иқтисодий таркибий тузилишидаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда маълум турдаги касбкорликларга бўлган талабнинг камайиши ёки барҳам топиши натижасида вужудга келади.

Циклик ишсизлик иқтисодий циклнинг кризис фазасида, ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан боғлиқ равишда иш билан банд ходимлар сонининг қисқариши туфайли вужудга келади.

Ишсизликнинг ушбу уч асосий шаклидан ташқари унинг бошқа шакллари ҳам мавжуддирки, улардан биринчиси яширин ишсизликдир. Яширин ишсизлик тоифасига мавсумий ишларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳамда қисман, яъни тўлиқсиз иш кунлари ва ҳафталарида иш билан банд бўлганлар киради. Шунингдек, уларга вақтинча фаолиятини тўхтатган ёки ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирган, бунинг оқибатида ходимларини ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқарган ёки тўлиқсиз иш кунларида ишлаш тартибига ўтказилган

корхоналарнинг ишловчилари киради. Яширин ишсизликни ва қисман банд ишсизларни расмий статистика на меҳнат органлари расман ишсиз деб тан олмади. Иш топишдан умидини узган, узоқ вақт ишсиз бўлиб, ўз касбкорлигини, малакасини йўқотганлар расмий статистикада ишчи кучи таркибидан чиқиб кетганлар» деб ҳисобланади. Шундай қилиб, расмий аҳолини ишга жойлаштириш ва меҳнат органлари томонидан юқорида қайд этилган тоифаларни ишсиз деб ҳисобламаслик оқибатида ҳақиқий ишсизлик даражасини сунъий равишда пасайтириб кўрсатади. Бундай ҳол ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилади. Ушбу ишсизлик шаклларида ташқари яна ихтиёрий ишсизлик ҳам мавжуд бўлиб, у меҳнат биржаси томонидан таклиф этилган ишдан бир неча мартаба воз кечган ишсизларга тегишли бўлади. Ихтиёрий ишсизлар ҳам меҳнат биржаси томонидан иш кучи таркибидан чиқарилади.

Амалиётда ишсиз мақомини олиш учун ишловчи ишчи фаол ахтариши ва меҳнат биржасида белгиланган тартибга биноан рўйхатдан ўтиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш» тўғрисидаги (янги таҳлили) қонунига биноан «ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади¹. Фуқароларни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан улар иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн биринчи кундан кечиктирмай

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун (янги таҳрири) 1998 йил 1 май - 3-модда.

қабул қилинади. Аммо қуйидаги ҳолларда иш қидираётган шахслар ишсиз деб эътироф этилмайдилар:

- меҳнат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида таклиф этилган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар;

- рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган шахслар.

Юқоридаги сабабларга кўра ишсиз деб эътироф этилмаган шахслар ўша кунлардан бошлаб ўттиз календарь кун ўтганидан кейингина иш қидираётган шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлади.

Мазкур қонунга кўра ишсизга берилган таъриф халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифга асослангандир. Халқаро ташкилотлар, яъни Халқаро меҳнат ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти берган таърифга биноан «ишсиз шахслар» деганда ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади.

Турли мамлакатларда ушбу шартларга риоя қилган ҳолда фуқарони ишсиз деб эътироф этиш учун қўшимча шартлар ҳам қабул қилинган, масалан, АҚШда сўнгги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган, сўнгги тўрт ҳафта давомида ишга жойлашишга (бевосита иш берувчига ёки иш билан таъминлаш давлат хизматида мурожаат этиш орқали) ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар ишсиз шахс деб эътироф этиладилар. Японияда ишсиз шахс деб, сўнгги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса сўнгги бир ҳафта мобайнида ишламаган. шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушунилади¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунига шарҳлар// Ж. Ибрагимов умумий таърири остида; Шарҳ муаллифлари: А.Ахбаров, А.Турднёв./ -Т., Шарҳ, 2000. 18-19-б.

Ўзбекистонда фуқарони ишсиз деб эътироф этиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги тўртта сифат мавжуд бўлиши лозим:

- фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак;

- фуқаро ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаслиги лозим;

- фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим;


- фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Ишсизлик келиб чиқиш сабаблари ва намоён бўлишига кўра хилма-хил шаклларда бўлади. Аммо уларнинг вужудга келишининг энг умумий сабаби иш ҳақи (меҳнат даромади)нинг мувозанат даражасидан юқорига кўтарилганлиги, бунинг оқибатида ишловчилар (иш кучи) таклифи билан уларга бўлган талаб ўртасида фарқнинг пайдо бўлишидир. Шунга биноан ишсизликнинг шакллари биз ишлаб чиққан 2.3.1-чизмада ўз ифодасини топган. Ушбу классификацияда ишсизлик шакллари ўзининг келиб чиқиши, намоён бўлиши, инсонга боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги, давомийлиги ва кўлами нуқтаи назаридан гуруҳланган. Иқтисодий адабиётларда функцион (оқувчан) ва таркибий (структуравий) ишсизлик табиий, бўлиши зарур бўлган, ижобий ҳисобланади. Уларнинг умумий даражасини ишсизликнинг табиий даражаси деб ҳисоблашади. АҚШда XX асрнинг 60 йилларида табиий ишсизлик даражаси 4%ни, 90-йиллар бошида эса 5-6%ни ташкил этиши аниқланган. Ушбу кўрсаткичнинг шу даврда ўсишига ишчи кучининг демографик таркибининг ўзгариши, яъни аёллар ва ёшларнинг иш кучи таркибидаги улушининг кўпайганлиги ҳамда ишсизлик нафақаси миқдорининг кўпайганлиги сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ишсизлик иқтисодчилар томонидан турлича талқин этилади. Бир гуруҳ иқтисодчилар ишсизликнинг табиий даражасини иш ҳақи ва инфляциянинг барқарорлиги шароитидаги даражаси, ушбу даражадан ишсизлик камайса, инфляция ўса бошлайди, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ иқтисодчилари эса уни ишсизликнинг мувозанатли даражаси бўлиб, бундай шароитда ишсизлик ихтиёрий тавсифга эга бўлади, деб таърифлашади. Учинчи гуруҳ олимлар бу иш ўринлари ишсизлар сонига тенг бўлган шароитдаги ишсизлик даражасини табиий ишсизлик даражаси деб ҳисоблайдилар. Тўртинчи гуруҳ иқтисодчилар эса ишсизликнинг ўзгармас даражасини ва нормал даражадаги давомийлигини табиий ишсизлик деб аташади.¹

Табиий ишсизлик даражасини ҳисоблаш бизнинг фикримизга кўра қисман, аммо уни иқтисодий адабиётларда муҳим ва кўплаб иқтисодчилар эътироф этган таърифига қўшилиш мақсадга мувофиқдир. Ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган МДҲ ва Ўзбекистонда ҳозирги даврда энг муҳим муаммо циклик ва яширин ишсизлик муаммосидир. Шунинг учун, илгариги ҳаражали иқтисодиёт шароитида вужудга келган ҳамда ҳамон сақланиб келаётган ортиқча иш билан бандликни қисқартириб, улар учун янги соҳа ва тармоқларда янги иш ўринларини яратиш муаммосини ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда ҳозирги шароитда мавжуд ишсизлик муаммосини, унинг келиб чиқиш сабабларини фанда мавжуд иқтисодий назарий қарашлар,

¹ Қаранг: Эренбург Р.Дж. Смят Р.С. Современная экономика труда. Теория и Государственная политика. М, Изд-во МГУ, 1996. С. 642-643. Экономика труда: [-трудовая отношения] /Под ред Н.Д. Влогина. Ю.Г. Одедова.-М, Экзамен, 2002. С.164-165.

Ишсизлик шакллари¹¹ Муаллиф томонидан тузилган

концепциялар ҳамда собиқ тоталитар тузуми ва бозор муносабатларига ўтиш ариитларида республика иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш мумкин. Ҳозирги-пайтда иш билан таъминланмаган аҳоли қатламининг вужудга келиш сабабларидан бири ўтмишга, яъни Собиқ тоталитар тузумига бориб тақалади. Ўша даврда иш ҳақи ва мансаб маошини ишлаётган ходимлар сонига қараб режалаштириш амалиёти, барча меҳнатга лаёқатли ишчиларни иш билан таъминлашга интилиш, иқтисодиётнинг асосан экстенсив йўл билан ривожланганлиги туфайли корхона ва ташкилотлар ишловчилар сонини кўпайтиришга интилганлар. Оқибатда керагидан ортиқча ишловчилар пайдо бўлиб, улардан унумсиз, самарасиз фойдаланилган. Бу ҳол уларнинг меҳнатга бўлган қизиқишининг сўнишига, бир хил миқдорда ҳақ тўлашга, бундай текисчилик оқибатда боқимандалик кайфиятларининг шаклланишига олиб келди.

Энг ачинарлиси шундаки, бундай боқимандалик кайфияти ҳозирги пайтда ҳам айрим кишиларда мавжуд. Шунингдек, айрим соҳа, тармоқларда, масалан, қишлоқ хўжалигида, ҳамон ортиқча иш билан бандлик сақланиб қолган. Шунини айтиш лозимки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кўплаб корхоналар ортиқча, унумсиз ишлаётган ходимларини бўшагишга мажбур бўлмоқдалар. Шунингдек, банкрот бўлган корхоналарда ишловчилар ишсиз қолмоқдалар. Бунинг натижасида илгари яширин ишсизлар ошкора ишсизларга айланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишилар сони тоталитар тузум даврида 1 миллиондан ортиқ кишини ташкил этар эди. Бунга сабаб республикада ишлаб чиқарувчи кучлар нораціонал жойлаштирилган бўлиб, бир ёқлама, яъни хом-ашё, оралик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Қайта

ишлаш тармоқлари ривожланмаган эди. Шунингдек, аҳолининг ўртача йиллик ўсиши суръатлари 1976-1980 йилларда 2,9%дан 1985-1990 йилларда 2,6%га, яъни озгина пасайгани ҳолда иқтисодиётнинг барча тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ўсиши суръатлари шунга мос равишда 9% дан 3,9%га, яъни 2.3 баробарга пасайган¹. Шунинг учун ҳам янги иш ўринлари кам миқдорда яратилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида эса инфляция даражасининг ўсиб бориши, реал иш ҳақининг 1996 йилга қадар пасайиб бориши ҳамда унинг тирикчилик минимуми даражасидан орқада қолиши, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналар профилининг ўзгартирилмаганлиги натижасида оммавий ишсизлик келиб чиқишининг олди олинди. Бунда қишлоқ аҳолисига 700 минг гектар ер майдонларининг томорқа участкалари қилиб бўлиб берилиши ҳам ижобий роль ўйнади. Шу боисдан расмий ишсизлик даражаси унинг табиий даражасидан ҳам паст даражада қолди. (қаранг: 2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал.

Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли ва расмий ишсизлик даражасининг ўсиши.²

	1992 й.	1995 й.	2000 й.	2003 й.	2005й
Иқтисодий фаол аҳоли (минг киши) шу жумладан:	8279,8	847,46	9018,4	9621,2	10224,0
Иқтисодиётда бандлар (минг киши)	8271	8447,2	8983,0	9589,0	10196,3
Расмий ишсизлар (минг киши)	8,8	25,4	35,4	32,2	27,7
Ишсизлик даражаси (%)	0,1	0,3	0,4	0,4	0,3

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г. Стат. Ежегодник. -Т., Узбекистан, 1988. -С.11, 200. Народное Республики Узбекистан в 1992 г. Стат. Ежегодник. Т.1.-Т., 1993 -С.9, 71 асосида ҳисобланган.

² Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2003 г. -Т., 2004. с.182, 183; Узбекистон иқтисодиёти Таҳлилий шарҳ, 2004й. Т., 2005. 84,87-б.; ЎзР. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги матбуотларига асосан муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий фаол аҳоли ва ишсиз мақомини олган кишилар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Расмий ишсизлик даражасининг пастлиги ўзбек халқининг менталитети билан боғлиқ. Ишсизларнинг кўпчилиги меҳнат биржаларига мурожаат қилишни ўзларига ор билиб, таниш-билишлари орқали ёки мустақил иш қидирадилар. Шунингдек, ишсизлик мақомини олишда кўп процедура (расмиятчилик) мавжуд ҳамда ишсизлик нафақаси миқдори анча кам эканлиги уларни меҳнат биржаларига мурожаат қилишдан тийиб турибди.

Ўзбекистонда ишсизликнинг расмий даражаси ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январда қабул қилинган «Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан Халқаро Меҳнат Ташкилати тавсия этган методологияга мувофиқ ишчи кучи ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлашнинг янги услуби жорий қилиниб, иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланганлар сонини аниқлаш усулига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу услубга асосан ҳисобланган реал ошкора ишсизлик даражаси Республикамызда 3,5%ни ташкил этади¹. Аммо ишсизликнинг бу даражаси ҳам мавжуд ҳолатни реал акс эттирмайди, чунки норасмий иқтисодиёт секторида иш билан таъминланганларнинг ва унда ишлаётган ишсизларнинг сонини аниқлаш қийин.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, расмий ишсизлик даражаси ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган Сербия ва

¹ Тогаев Б.Э. Янги ишчи кучи, унинг таркиби ва самддигини таъминлашнинг асосий йўналишлари. И.ф.в. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т., 2004. 4-10-б.

Черногорияда (27,5%), Босния ва Герцеговинада (39,8%), Хорватияда (22%) ниҳоятда юқори. Чунки бу мамлакатларда фуқаролик урушлари бўлган. Шунингдек, Польша (16,2%), Словакия (18,2%), Болгария (17,6%)да анча юқоридир. Бу мамлакатларда расмий меҳнат бозори анча ривожланган ва ҳақиқий ишсизлик даражаси ҳам юқоридир (қаранг: 2.3.2.-жадвал).

2.3.2-жадвал.

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда расмий ишсизлик даражаси¹

Мамлакатлар	1990 й.	1992 й.	1995 й.	2000 й.	2001 й.
Чехия Республикаси	0,3	3,1	3,0	9,0	8,5
Венгрия	0,8	12,3	10,4	8,7	8,0
Польша	3,4	12,9	15,2	14,0	16,2
Словакия	0,6	11,4	13,8	18,2	18,2
Эстония	-	-	4,4	5,3	6,5
Латвия	-	0,9	6,4	8,5	7,8
Литва	-	1,3	6,1	11,5	12,5
Болгария	-	13,2	11,4	18,1	17,5
Албания	10,0	27,0	12,9	16,8	14,5
Босния ва Герцеговина	-	-	-	38,9	39,8
Хорватия	9,3	15,3	14,5	21,1	22,0
Сербия ва Черногория	19,7	22,8	24,6	26,4	27,5
Сербия	-	0,5	2,9	2,1	2,3
Белорус	-	0,1	1,4	2,1	2,0
Молдова	-	0,8	3,2	1,5	1,6
Россия	-	0,3	0,4	4,2	3,7
Украина	-	1,6	6,6	11,7	10,4
Армения	-	0,2	0,8	1,2	1,3
Озарбайжон	-	2,3	2,6	5,2	5,0
Грузия	-	0,4	2,1	3,7	-
Қозоғистон	-	0,1	2,9	3,0	3,2
Қирғизистон	-	0,4	2,0	2,7	2,3
Тожикистон	-	0,1	0,3	0,4	0,4
Ўзбекистон	-	-	-	-	-

Ушбу маълумотлар МДҲ мамлакатларида расмий ишсизлик даражасининг бирмунча паст эканлигини

¹ Социальный Мониторинг 2003 г. Экономический рост и бедность. Внешний государственный долг. Аналитический материал: ЮНИСЕФ. С.102.

кўрсатмоқда. Бунга сабаб ўтиш иқтисодиёти шароитида бу мамлакатларда меҳнат бозори эндигина шаклланимоқда ва меҳнат биржалари етарли даражада фаол эмас. Ишлашни хоҳлайдиганларнинг кўпчилиги мустақил равишда иш қидиришга интиладилар. Шунингдек, расмий иш билан таъминланмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли норасмий иқтисодиёт секторида иш билан банд ёки яширин ишсиз ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиёти шароитида расман иш билан таъминланмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўсиб бормоқда (қаранг: 2.3.3. жадвал).

2.3.3. - жадвал.

Ўзбекистонда расмий иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ва унинг иш билан таъминланишидаги ўзгаришлар¹.

Кўрсаткичлар	1993 й.	1995 й.	2005 й.
Расман иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли (минг киши)	2141,1	2617,0	3975,8
Уларнинг меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбати (% ҳисобида).	20,9	24,2	29,9
Иш қидирувчи сифатида меҳнат баржаларига мурожаат қилганлар (минг киши)	37,4	70,1	430,5
Уларнинг расмий иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбати (% ҳисобида).	1,7	2,7	10,8
Расман ишга жойлаштирилган фуқаролар сони (минг киши)	8,6	19,6	317,4
Уларнинг расман иш қидирувчилар сонигаги улуши, %	22,9	27,9	73,7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикамызда 1992 йилда меҳнат биржалари ташкил этилганидан сўнг уларга иш қидириб мурожаат этувчилар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Расман иш билан таъминланмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг 1993 йилда

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди ва тузилди.

1,7%, 2002 йилда эса 11,6% меҳнат биржаларида иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар. Шу даврда расман иш қидирувчиларнинг ишга жойлаштирилиш даражаси 1993 йилдаги 22,9%дан 2003 йилда 73,7%га ўсди.

Бу эса республикада расмий меҳнат, шу жумладан ишчи кучи бозорининг аста-секинлик билан шакллана бошлаганлигидан ҳамда меҳнат биржалари фаолиятининг жонланаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда расмий меҳнат, шу жумладан ишчи кучи бозорини таҳлил қилиш, 1993-2003 йилларда меҳнат органларига иш сўраб мурожаат этганлар сонининг 4,9 баробарга, ишга жойлаштирилганлар сони эса 12 баробарга, расман ишсиз мақомини олганлар сонининг эса 3 баробарига ўсганлигини кўрсатмоқда (қаранг: 2.3.4.- жадвал).

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ишсизлик нафақасини олганлар сони 2,3 баробарга, жамоат ишларига юборилганлар 19,2 баробарга, янги касбкорликка ўқитишга ёки қайта ўқитишга юборилганлар сони 11,1 баробарга ўсган. Бизнинг далилларимиз меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат қилганларнинг йил якунида 1993 йилда 35,5%, 2003 йилда эса фақат 8,5%гина ишсизлик мақомини олганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, шу даврда иш сўраб мурожаат қилганларнинг умумий сонида ишсизлик нафақасини олганларнинг улуши 20,6%дан 4,2%га масалан, пул туланадиган жамоат ишларига юборилганлар улуши 0,6%дан 10,7%га, ўқишга ва касб тайёргарлигига юборилганларнинг улуши эса 4,2%дан 4,5%гага ўсган. Шунингдек, малакали ходимлар етишмаганлиги туфайли бўш ишчи ўринларининг ҳам талайгина эканлиги тасдиқланмоқда.

Республика ҳудудлари бўйича маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат биржаларида йил охирида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинганлар, ишсиз мақомини

2.3.4.- жадвал.

Ўзбекистонда расмий ишчи
кучи бозори кўрсаткичлари динамикаси.¹

Кўрсаткичлар	1993 й.	1995 й.	2000 й.	2003 й.	2003 йилда 1993 йилга нисбати (% ҳисобида).
Меҳнат органларида йил бошида ишсиз сифатида рўйхатга олинганлар	8763 37364	21797 70118	45155 421337	40348 430484	460,4 1152,1
Йил мобайнида иш сўраб мурожаат этганлар	8658	19587	280601	317424	3666,2
Улардан: Ишга жойлаштирилганлар	32837	66527	143928	105211	320,4
Турли сабабларга кўра рўйхатдан чиққанлар	13290	25388	41963	36948	278,0
Йил якунида ишсиз мақомини олганлар	7571	13706	21214	17912	236,5
Ишсизлик нафақасини олганлар	239	2520	43959	45918	19212
Пул тўланадиган жамоат ишларига юборилганлар	1573	4441	25310	17453	1109,5
Ўқитиш ва қайта ўқитишга юборилганлар	28398	31715	26908	26636	93,9
Бўш иш жойлари Янги яратилган иш жойлари	185091	214500	443896	429640	232,1

олганлар ҳамда ишсизлик нафақаси таъминланганлар сони 1992-2003 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Самарқанд, Андижон, Навоий вилоятларида ва

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 г., за 2002 г., за 2003 г., Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ақолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган ва тузилган.

Тошкент шаҳрида энг кўп даражада ўсган. Бу кўрсаткичлар Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида анча камдир.

Йил мобайнида Республика бўйича ишсиз мақсмини олганлар сони 2000 йилда 112,5 минг кишидан 2002 йилда 115,1 минг кишига ўсди. Фақат 2002 йилдаёқ иш қидирганлардан 68,1 минг кишига ишсизлик нафақаси тайинланган, 22,8 минг киши касб тайёргарлигига, ўқишга юборилган, 49,9 минг киши жамоат ишларига юборилган ва 1,4 минг киши муддатидан олдин пенсияга чиқарилган. Республика ҳудудлари ичида ишсиз мақомини олганлар сони Қорақалпоғистон Республикасида, Фарғона водийси вилоятларида, Самарқанд вилоятида кўпроқдир.

Ишсизлик нафақаси тайинланган фуқаролар сони Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм ва Навоий вилоятларида кўчир.

Бу эса ушбу ҳудудларда ишсизлик муаммосининг жиддийлигидан далолат беради. Чунки ушбу ҳудудларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг унчалик ривожланмаганлиги, сув танқислиги туфайли қишлоқ хўжалигида ҳам янги иш ўринлари камроқ яратилмоқда.

Иш қидираётган фуқароларнинг ижтимоий-демографик таркибини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли меҳнат органларида 1994 йилдан бошлаб уларга иш сўраб мурожаат қилганларнинг ижтимоий-демографик таркиби ўрганилмоқда.

Бизнинг таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, иш қидираётган фуқароларнинг умумий сонига қишлоқ аҳолисининг улуши 1994 йилдаги 62,1%дан 2003 йилда 73,5%га ўсди. Бу эса қишлоқ жойларда жамоа хўжаликларининг ширкатларга, уларнинг эса ўз навбатида фермер ва деҳқон хўжаликларига айлантирилиши ҳамда кўп меҳнат талаб этувчи пахта экип майдонларининг қисқартирилиб, ғалачиликнинг ривожлантирилиши,

қишлоққа саноатни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини олиб кириш жараёнларининг сустиги туфайли яширин ишсизлик муаммосининг кескинлашганлиги билан изоҳланади.

Иш қидираётганлар таркибида аёллар улушининг 48,3%дан 45,9%га камайганлиги эркакларнинг оила бошлиғи сифатида ишчи кучи бозорида фаолроқ иштирок этаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, уларнинг таркибида 18 ёшгача бўлганлар улуши 18,8%дан 2,6%га камайган. Аммо 18-30 ёшдагиларнинг салмоғи 44,8% дан 54,7%га, 30-50 ёшдагиларнинг улуши эса 29,1%дан 41,3%га ўсди. Бошқа катга ёшдагилар улуши 6,8%дан 1,5%гача пасайди (қаранг: 2.3.1-илова). Бу ҳол биринчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилаётганлиги туфайли ёшларнинг ўқишга жалб қилиниши даражасининг ўсганлигини; иккинчидан, етук меҳнат қилиш ёшидагиларнинг институционал ўзгаришлар, давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши, иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар, корхоналарнинг банкрот бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши туфайли ишдан бўшаб қолиши оқибатида уларнинг иш ахтариб меҳнат биржаларига кўпроқ мурожаат этаётганликларини кўрсатади.

Иш қидираётганларнинг маълумот бўйича таркибида шу даврда, яъни 1994-2003 йилларда олий маълумотлилар улуши 5,8%дан 6,4%га, ўрта махсус маълумотлилар улуши 17,1%дан 26,6%га ўсган. Аммо умумий ўрта маълумотлиларнинг салмоғи 62,6%дан 57,6%га, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар салмоғи эса 14,4%дан 9,4%га камайган. Демак, ҳозир ҳам олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган фуқароларнинг улуши камроқ. Бу кишиларнинг маълумоти қанчалик юқори бўлса, уларнинг ишсиз қолиш эҳтимоли шунчалик камроқ эканлигидан далолат беради. Аммо кейинги йилларда улар салмоғининг ўсганлиги

иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар тўғрисида маълум турдаги ихтисосликларга талаб камайганлигини ҳамда уларнинг ишдан бўшаб қолаётганлигини кўрсатади.

Касбий гуруҳлар бўйича иш қидираётганлар таркибида ишчиларнинг улуши 1994 йилдаги 43,6%дан 2003 йилда 42,9%га камайди. Шу даврда касбга эга бўлмаганларнинг улуши 34,2%дан 34,9%га, мутахассис ва хизматчилар салмоғи эса 21,9%дан 22,2%га ўсди. Демак, уларнинг касбий таркибида деярли катта ўзгаришлар содир бўлмади. Ишга жойлаштирилганлар таркиби ҳам иш қидираётганлар таркибига деярли ўхшашдир (қarang: 2.3.1-илова).

Бизнинг таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда юқори билимли, касб-малакали ишчи, хизматчиларга ва мутахассисларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Кам малакали, касбга эга бўлмаган, билим даражаси паст бўлган фуқаролар ишсизлар таркибида кўпчиликни ташкил этмоқда.

Расмий ишчи кучи бозорининг муҳим муассасавий тузилмаси бўлган меҳнат биржалари фаолиятини ўрганиш уларнинг юқорида таъкидлаганимиздек, иш билан банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолини, иш қидираётганларнинг кўпчилигини қамраб ололмапти. Бунга сабаблардан бири уларнинг туман марказларида ва шаҳарларда жойлашганлиги, уларнинг ахборот воситалари, моддий-техника базаси билан етарлича таъминланмаганлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, аввалдан шакланган норасмий ишчи кучи, яъни мардикор бозорлари ўрнида «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш» марказлари ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Марказ асосан бир марталик иш изловчиларга янгидан ташкил этилган ва бўш иш жойларига жойлашиш, касб-хунар тайёргарлиги, ўз ишини ташкил этиш ва юритиш, касбга йўллан, маслаҳат бериш, иш берувчиларга кўмаклашиш каби хизматларни бажаради. Шунингдек, уларга меҳнат хавфсизлиги, жамоат тартибига, паспорт режимини қоидаларига риоя қилиш тўғрисида маълумотлар беради.¹ Аммо бу марказлар моддий техника базаси мустаҳкам эмас ва фаолияти сустдир. Уларнинг фаолияти билан боғлиқ маълумотлар жуда кам. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, ушбу марказлар хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлган бир марталик, мавсумий, мунтазам бўлмаган ишларда норасмий равишда ёлланиб ишлайдиганлар сони 2002 йилда 783,8 минг кишини, яъни норасмий иш билан банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг 20,4%ини ташкил этган.

Кейинги йилларда аҳолининг меҳнат миграцияси ҳам ортмоқда. Ўзбекларнинг ўзлари туғилиб ўсган яшаш жойларига ўта боғлиқлиги аста-секинлик билан камайиб бормоқда. Иш қидириб, яшаш жойларидан узоқ ҳудудларга, айниқса, қишлоқ жойларидан шаҳарларга, шу жумладан Тошкентга, чет мамлакатларга кетиш ҳоллари ҳам кўпайиб бормоқда.

1994 йилда Андижон вилоятининг иш билан банд бўлмаган аҳолиси ўртасида ўтказилган сўров натижасига кўра, сўралганларнинг 22,7%и ишлашни хоҳлаганлар. Сўралганларнинг 9,5%и, ёки ишлашни хоҳлаганларнинг 18%и ўзлари яшайдиган жойлардан кетиб, бошқа ҳудудларда ишлаш истагини билдирганлар. Сўралганларнинг 12,4%и (ёки ишлашни хоҳлайдиганларнинг 27,8%и) ҳар қандай шароитда ҳам

¹ Абдулқосимов Ҳ., Худойбердиев З. Бир марталик иш билан таъминлаш марказлари фаолияти //ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2002 йил 1/2-сон 43-б.

ишлаш истагини билдирганлар¹. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра 2002 йилда республикадан ташқарига ишлаш учун кетганлар 124146 кишини, яъни норасмий иш билан бандларнинг 3,2%ни ташкил қилган. 2003 йилда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 187001 кишини ва 3,5%ни ташкил этди.

Аmmo бошқа ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги вақтда республикамизнинг 500 мингдан ортиқ фуқароси чет мамлакатларда, асосан Россия, Қозоғистон, АҚШ, Корея Республикаси ва Европа мамлакатларида ишламоқда². Уларнинг аксарият кўпчилиги норасмий равишда чет элларга ишлашга кетганлар. Ваҳоланки, республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан 1995-2003 йилларда жами 12 мингдан ортиқ фуқаро хорижга меҳнат фаолияти юритишга юборилган³. Бундан кўриниб турибдики, расмий органлар иш кучининг ташқи миграциясини самарали тарзда таъкил этишга қодир эмас.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлиги ишсизлик ва шакланаётган меҳнат, шу жумладан ишчи кучи бозори хусусиятлари ва ўзгариш тамойилларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

биринчидан, иш билан банд аҳолидан экстенсив ёўл билан самарасиз, нораціонал фойдаланилмоқда;

иккинчидан, бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий тармоқ тузилишидаги ўзгаришлар туфайли аҳолининг тармоқлар бўйича иш билан бандлик таркибида

¹ Вороновский Ю.В. Социально-экономическая характеристика незанятого населения / Узбекистон Республикаси ва бозор иқтисодиети муаммолари бўйича нарий-амалий анжуманининг қисқача маълумотлар тўплами (1994 й. 11-12 май) -Т., ТошДУ, 1994. 25-26-б.

² Максакова А. Миграция а рынок труда в странах Средней Азии -Т., Брейд-Стэйл, 2002. С.16. Миграция населения: проблемы регулирования. -Т., Эльдинур, 2001. С.99.

³ Тогаев Б.Э. Янги ишчи кучи, унинг таркиби ва бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари И.Ф.н. нарий даражасини олиш учун ёзилган диссертация аяореферати. -Т., 2004. 13-б.

ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳолининг иш билан бандликдаги улуши ўсиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида унинг улуши ҳамон юқори, бу эса ушбу соҳада нораціонал ва самарасиз фойдаланилаётган ортиқча иш билан бандликнинг мавжудлигидан далолат беради. Шунингдек, саноат ва қурилишда ҳам унинг улуши камайиб бормоқда. Оқибатда мамлакат иқтисодиётини саноатлаштириш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда;

учинчидан, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш таъминланиши оқибатида иш билан таъминланган аҳоли сони барқарор ўсиб бориш тамойилига эга. Аммо унинг ўсиш суръати меҳнатга лаёқатли аҳолининг ва меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатидан ортда қолмоқда. Шу боисдан расмий иш билан таъминланмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ва норасмий иш билан банд бўлганлар, яъни иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланганларнинг сони ҳам ўсиб бормоқда. Бунга иқтисодиётнинг расмий секторида иш ҳақининг рағбатлангирувчилик хусусиятининг пасайиб бориши, солиқ юкининг оғирлиги ҳамда меҳнат, шу жумладан, ишчи кучи бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, миллий иқтисодиётда ишлаётган аҳолининг маълум қисми унумсиз, камдаромадли ишлар билан таъминланганлиги туфайли, хўжалик субъектларининг маълум қисми паст рентабелли ёки зарар кўриб ишлаётганлиги туфайли яширин, қисман ишсизлик ва кадрлар қўнимсизлиги билан боғлиқ фрикцион ишсизлик ҳамда иқтисодиётда таркибий ва муассасавий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган таркибий ва институционал ишсизлик ҳам кўпайиб бормоқда. Шунингдек, айрим хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, банкрот бўлиши туфайли циклик ишсизлик ҳам аста-секин кўпайиб бормоқда. Аммо циклик

ишсизлик устуворликка эга эмас. Шунинг учун ҳам ишсизликнинг расмий даражаси унинг табиий даражасидан ҳам паст:

бешинчидан, миллий иқтисодиётда расман иш билан таъминланмаган аҳоли ичида ҳар қандай шароитда, яшаш жойларидан бошқа ҳудудларга чиқиб ишлашни хоҳлайдиганлар сони ҳам ўсиб бормоқда;

олтинчидан, иш сўраб меҳнат органларига мурожаат қилганлар таркибида билим, касб-малака даражаси ва тайёргарлиги паст бўлган фуқаролар кўпчиликини ташкил этмоқда ва уларнинг иш топиш имкониятлари ҳам чегараланган. Кўплаб корхоналарда, билим ва касб-малакаси юқори бўлган ишчи, хизматчи ва мугахассисларга талаб ортмоқда. Шу боисдан меҳнатга лаёқатли, ишлашни хоҳлайдиганлар учун иш ўринларининг етишмаслиги билан бир қаторда вакант, бўш иш ўринлари ҳам кўпайиб бормоқда;

еттинчидан, бозор муносабатларига ўтиш шароитида собиқ тоталитар тузумдан оғир мерос бўлиб қолган заиф, мўрт, бир ёқлама иқтисодиётнинг асоратлари сақланиб қолган. Шу сабабли унумсиз, ортиқча иш билан таъминланганликни, яширин ва қисман ишсизликни қисқартириш зарурияти вужудга келмоқда. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг самарали ва тўлиқ иш билан таъминлаш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Аҳолини иш билан тўлиқ таъминланиши ишлаб чиқаришнинг инсон омилидан самарали фойдаланиш билан ўзаро боғлиқда амалга оширилиши лозим. Чунки ўтиш иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг инсон омили иқтисодиётни танглиқдан чиқариш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилга айланади.

Инсон омили амал қилишини ижтимоий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш учун ишлаб чиқаришни ва

меҳнат жараёнларини инсонийлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни ва меҳнат жараёнларини инсонийлаштириш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- иш жойларини, ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш, паспортизациялаштириш ҳамда оқилонлаштириш, орқали инсон ҳаётига, саломатлигига хавф солувчи, экологик, эргономик, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган оғир, қўл ва малакасиз меҳнатга асосланган иш ўринларини қисқартириш;

- бундай иш ўринлари кўп бўлган корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, қайта техник жиҳозлаш, механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳамда улардаги меҳнат шароитларини яхшилашнинг умумдават, тармоқ ҳамда корхоналар миқёсидаги дастурларни ишлаб чиқиш. Уларни амалга ошираётган корхоналарга солиқ, кредит имтиёзларини кучайтириш ҳамда жадаллашган амортизация сиёсатини қўллаш;

- янги иш ўринларини яратишда ва мавжудларини такомиллаштиришда қўлланилаётган технология ва техника, ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражалари билан ишчи ва хизматчилар билим, касб-малака даражаларининг мувофиқлигини таъминлашга эътиборни кучайтириш;

- ишлаб чиқаришни бошқаришда инсоний муносабатларни ривожлантиришга, ишчи ходимларнинг маънавий, руҳий ҳолатини яхшилаш маданий-маърифий тадбирларни кучайтириш; психолог ва социолог мутахассислар маслаҳатларидан кенг фойдаланиш;

- корхоналарда бизнес режалари билан бир қаторда ижтимоий ривожланишни режалаштириш, ҳамда корхонанинг иқтисодий-ижтимоий паспортини тузиш лозим. Шунингдек, корхона эгалари билан ишчи, ходимлар касоба уюшмалари ўртасида тузиладиган жамоавий меҳнат

шарғномалари аҳамиятини ошириш ҳамда уларда ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш.

Яқин келажақда аҳолини рўйхатга олишни амалга ошириш орқали унинг ижтимоий-демографик, касб-малака, билим ва саводхонлик, даражалари бўйича, иқтисодиёт секторлари, соҳа ва тармоқларидаги иш билан бандлик таркибини, ички ва ташқи миграция жараёнларини аниқлаш ҳамда улардаги ўзгаришларнинг истиқболдаги тенденцияларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса давлатга фаол демографик, иш билан бандлик, даромад, ижтимоий муҳофаза ва бошқа муҳим соҳалар бўйича олиб бораётган ижтимоий сиёсатини янада такомиллаштириш имконини беради.

III БОБ. ИНСОН ОМИЛИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

3.1. Инсон омилининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришдаги ролининг ошиб бориши

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида барча корхона (фирма)лар мулкчилик шаклидан қатъий назар ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини риск, таҳлика ва мулкий жавобгарлик асосида фойда (даромад) олиш мақсадида амалга оширадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда анъанавийлик нима, қандай ва ким, деган саволларга жавоб берадилар.

Нима? деган саволга фақат фойда (даромад) келтирадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқарилади, деб жавоб берилади. Қандай, деган саволга эса мавжуд, чекланган иқтисодий, шу жумладан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, юқори унумли техника ва технологияларни қўллаш, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига товар ва хизматларни ишлаб чиқарилади, деб жавоб берилади. Ким, деган саволга эса тўлов қобилиятига эга бўлган айнан шу товар ва хизматларни истеъмол қилувчилар учун ишлаб чиқарилади, деб жавоб берилади. Шундай қилиб, корхона(фирма)лар юқори фойда олиш мақсадида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, инсон, шу жумладан инсон омилини фаоллаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга интиладилар. Шу боисдан ҳам иқтисодий бозор муносабатларига ўтказишнинг муҳим хусусиятларидан бири хўжалик юриштишнинг маъмурий буйруқбозлик усулларида устувор равишда иқтисодий усулларига, манфаатлар орқали инсон омилини фаоллаштиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ва ишлаб чиқариш самарадорлигини

оширишга ўтишдан иборат. Бу эса иқтисодий ўстишнинг устувор равишда интенсивлаштириш ва унинг асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш тоталитар тузумдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини кўрсатади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка ва иқтисодий ўсишга эришиш ички имкониятлардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «ўз ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодий ўсишдан ривожлантирмасдан туриб, молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас»¹, - деб таъкидлаганлар. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқалигина иқтисодий ўсиш ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга эришиш вазифаси қўйилмоқда. Шу боисдан ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти нима ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уни интенсивлаштириш билан нима учун боғлаш лозим? деган саволлар туғилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги умумий тарзда унинг натижавийлигини англатади. Иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларида ишлаб чиқариш самарадорлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ижтимоий меҳнат натижаси унинг харажага нисбатини ифодалайди ҳамда хўжалик юритишнинг афзаллик даражасини кўрсатади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши барча иқтисодий тизимларда ишлаб чиқариш ривожланишининг прогрессив хусусияти бўлиб, вақтни тежаш қонунининг намоён бўлиш шаклларида бири ҳисобланади.

Вақтни тежаш қонунининг моҳияти ҳар бир шахс ва жамиятнинг ривожланиши, уларнинг фаолияти, истеъмоли вақтни тежашга боғлиқлигини ифодалайди. Ҳар қандай

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон бунёд келажак сари. -Т., Ўзбекистон, 1998. 356-б.

тежаш (иқтисод қилиш), яъни хом ашё ва материални ёки ишлаб чиқариш ресурсларини тежаш бўладими, ҳаммаси охир-оқибат вақтни тежашга олиб келади.

Моддий неъматларни ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақтини тежаш ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланаётган жонли ва ишлаб чиқариш воситаларида мужассамланган меҳнат (иш вақти) сарфининг камайиб боришида акс этади. Бошқача айтганда, иш вақтини тежашда умумий тарзда кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан бўладиган иқтисодий муносабат акс этади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги вақтни тежаш умумий қонунининг намоён бўлишининг шаклларида бири бўлиб, у орқали ушбу қонун талаблари рўёбга чиқарилади.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиёт соҳасида вақтни тежаш қонунининг, шу жумладан иш вақтини тежаш талабларини меҳнат унумдорлиги қонунининг амал қилиши билан айнан бир хил тушуниш мавжуд. Шу боисдан ҳам меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги тушунчалари бир хил маънода тавсифланади.

Бизнинг фикримизга кўра, бу категорияларнинг моҳиятини бир-бирларидан фарқлаш лозим. Улар иш вақтини тежаш жараёнлари орқали ўзаро боғлиқ. Аммо ишлаб чиқариш самарадорлиги категорияси меҳнат унумдорлиги тушунчасига қараганда кенгроқ мазмунга эга.

Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги ичида жонли меҳнатнинг маҳсулот яратиш қобилиятини, яъни маҳсулот бирлигига жонли меҳнат сарфининг тежалишини ифодалайди. Шунинг учун иқтисодий адабиётларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши жонли меҳнат миқдорининг унинг ўзи ҳаракатга келтирадиган ишлаб чиқариш воситалари миқдorigа нисбатан камайиб боришини

англагиши тўғрисида фикрлар мавжуд¹. Бу фикрга биз ҳам қўшилаемиз. Бу ерда² умуман, жонли меҳнат ҳақида эмас, балки маълум вақт оралиғида амал қилаётган аниқ жонли меҳнат инobatга олинади. Шу боисдан ҳам иқтисодий адабиётларда ва амалиётда меҳнат унумдорлиги яратилган маҳсулот миқдорининг жонли меҳнат сарфига ёки ишлаётган ходимлар сонига нисбати билан ўлчанади².

Меҳнат унумдорлиги категориясидан фарқли равишда ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам жонли, ҳам ишлаб чиқариш воситаларида ифодаланган аввалги, жонсиз, меҳнат натижалари, яъни бутун иш вақтини тежаш билан боғлиқдир. Шу боисдан самарадорлик ишлаб чиқариш пировард натижасининг унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатларга нисбатини ифодалайди³. Жонли меҳнатни иқтисод қилишга меҳнат унумдорлигини ўстириш орқали эришилади. Ишлаб чиқариш воситаларида ифодаланган жонсиз, аввалги меҳнатни иқтисод қилишга эса ишлаб чиқариш воситаларидан сифатли ва рационал фойдаланиш, барча бошқа ресурсларни тежаш орқали эришилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги мамлакат миқёсида Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)нинг жами меҳнат, ишлаб чиқариш харажатларига нисбати билан ўлчанади, яъни

ишлаб чиқариш натижалари (ЯИМ ёки МД)

C и/ч =

ишлаб чиқариш харажатлари (К)

бу ерда: К - авансланган капитал

Микродаражада эса ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган

¹ Селезнев А. О макрорегулировании экономики в свете положений теории роста. // Экономист, №11, 2002 г. -С.10

² Қараш: Политэкономия (история экономических учений, экономическая теория, мировая экономика: Учебник для вузов. // Под ред. Д.В. Велового. Изд. 2-я. -М., ЗАО «Бизнес школа», «Интед-силтэза», 2000. -С 300; Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодийёт назарияси. -Т., Молия, 2002. 52-б

³ Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодийёт назарияси. -Т., Молия, 2002. 57-б.

ресурс харажатларига, яъни авансланган асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларига нисбати билан ўлчанади. Ушбу усуллар билан аниқланган миқдорий ўлчовлар ўз ҳолича ҳеч нимани англатмайди. Самарадорликнинг қай даражада ўзгарганини билиш учун бу кўрсаткични ўтган давр билан ҳамда бошқа мамлакатларнинг айнан шундай кўрсаткичи билан таққослаш лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш самарадорлигининг умумий кўрсаткичи алоҳида олинган ресурслардан фойдаланиш натижаси қандай эканлигини кўрсата олмайди. Шу сабабли ушбу умумий кўрсаткичга қўшимча равишда алоҳида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасини ифодаловчи турли кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, маҳсулот миқдорини (М) жонли меҳнат сарфига, яъни иш кучи, ходимлар сонига (И) нисбати - M/I билан меҳнат унумдорлиги ифодаланади. Унинг тескари нисбати, яъни I/M билан эса маҳсулотнинг меҳнат сифими, яъни ҳажмкорлиги ўлчанади. Маҳсулотнинг меҳнат предметларида ифодаланган меҳнат харажатларига, яъни хом ашё ва материалларга (Мат) нисбати маҳсулотнинг материал тушумини ($M/Мат$) кўрсатади. Уларнинг тескари нисбати ($Мат/M$) эса материаллар сифими ёки ҳажмкорлигини, яъни маҳсулот бирлигига материал сарфи даражасини ифодалайди. Фондлар тушуми кўрсаткичи эса асосий ишлаб чиқариш фондларидан (Фос) фойдаланиш самарадорлигини ($M/Фос$) ифодалайди. Унинг тескари нисбати эса маҳсулотнинг фондлар сифими ёки ҳажмкорлигини кўрсатади.

Меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, унинг материаллар ва фондлар сифими ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсиши учун меҳнат унумдорлиги (M/I) фондлар билан қуролланиш

даражасига (Ф/И) нисбатан устувор равишда ўсиши ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига моддий ишлаб чиқариш харажатларини, хом ашё ва материалларни тежаш керак бўлади.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларга асосан ишлаб чиқариш самарадорлиги категориясининг мазмунини очиш мумкин. Бизнингча, иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий ишлаб чиқариш натижаси бўйича жамият аъзолари ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалаб, унинг мақсадларининг қандай сарф-харажатлар эвазига эришилишини кўрсатади.

Бу категория икки, яъни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларга эга. Уларнинг мавжудлиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бир томондан, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини, яъни ишлаб чиқарувчи кучлар ҳолатини, иккинчи томондан эса, кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни, яъни ишлаб чиқариш жараёнларининг ижтимоий томонини ўз ичига олиши билан изоҳланади.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шаклларида қатъий назар унинг пировард натижасининг харажатларга нисбатини ифодалайди. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлиги моддий фаровонликнинг ўсиши ва инсоннинг камол топишида, меҳнат шaroитларининг яхшиланиши ва унинг характерининг ривожланиб боришида ҳамда ташқи атроф муҳитнинг яхшиланишида ифодаланади.

Бизнинг фикримизга кўра, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ушбу икки жиҳати ўзаро диалектик боғлиқликда мавжуд бўлади ва бир-бирларини тақазо этади. Агар ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий жиҳатига эътибор берилиб, унинг ижтимоий жиҳатига эътибор берилмаган ҳолларда улар ўртасида зиддият вужудга келади. Маъмурий буйруқбозликка асосланган

иқтисодий тизим шароитида ҳалқ фаровонлигини ошириш ва инсонни ҳар томонлама ривожлантириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади деб эълон қилинганлигига қарамасдан ишлаб чиқаришдан мақсад ишлаб чиқариш бўлиб қолган эди. Оқибатда инсон манфаати, унинг турмуш даражасини ошириш, янаш шароитини яхшилаш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш иккинчи даражали мақсадга айлантириб қўйилди. Самарадорликнинг иқтисодий жиҳатига устуворлик берилиши оқибатида кишиларнинг турмуш даражаси жиҳатидан бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлардан орқада қолди. Бу ҳол ушбу тизимнинг инқирозга юз тутишига олиб келди.

Замонавий бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг социал, яъни ижтимоий йўналтирилганлик хусусияти ривожланиб бормоқда. Бунда тадбиркорлик субъектларининг юқори фойда олишга интилишлари ёлланма ишчи, хизматчилар иш ҳақларининг ва фойдадаги улушларининг ўсиб, меҳнат ҳамда турмуш шароитларининг яхшиланиб бориши билан биргаликда олиб бориламоқда. Шу боисдан ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги тобора уйғунлашиб кетмоқда. Оқибатда фойда билан иш ҳақи, меҳнат билан капитал ўртасида ижтимоий боғлиқлик вужудга келиб, иш берувчи билан ёлланма ишчи ва хизматчилар ўртасида социал шерикчилик муносабатларининг ривожланишига замин яратади.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат иқтисодий ўсишни таъминлашга ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришишга қаратилган. Аммо бу ниҳоятда мураккаб вазифадир. Чунки собиқ Иттифоқдан бир ёқлама ривожланган, мўрт, заиф иқтисодиёт ва номутаносибликлар мерос бўлиб қолган эди. Шунингдек, республика иқтисодиёти собиқ Иттифоқ

иқтисодиётининг таркибий қисми сифатида узоқ йиллар мобайнида асосан экстенсив йўл билан ривожланди. Экстенсив ривожланиш имкониятлари камайиб боргани сари иқтисодий ўсиш суръатлари ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳам пасайиб борди.

Ўзбекистонда 1986-1990 йилларда истеъмол ва жамғаришга ишлатилган миллий даромаднинг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,1% ни ташкил этган, ваҳоланки, бу кўрсаткич 1981-1985 йилларда 2,8% ни, 1976-1980 йилларда эса 6,8% ни ташкил этган эди¹.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб бориши билан бир қаторда самарадорлик кўрсаткичлари ҳам ёмонлашиб борган. Масалан, 1986-1990 йилларда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик ўсиш суръати 0,7% ни ташкил этгани ҳолда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида ўтган даврга нисбатан 20% га пасайиб кетган. Бу даврда фонд тушуми 6% га тушиб кетди, маҳсулотнинг материаллар сифими эса 3% га ўсди.²

Бозор муносабатларига ўтиш даврининг дастлабки йилларида собиқ маъмурий буйруқбозликка асосланган тизимдан мерос бўлиб қолган кризисли тенденциялар собиқ иттифоқдош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолганлиги туфайли янада кучайиб кетди. Аммо бу даврда Президент И.А. Каримовнинг ташаббуси билан республикамизда барқарорлаштириш сиёсатининг ўзимизга хос янги ёндашуви ишлаб чиқилди ва амалга оширила борди. "Бизнинг ёндашувимиз эса, - деган эди И.А.Каримов, - ўзимиз дучор бўлган танглиқдан, узоққа чўзилган чуқур танглиқдан ижтимоий ларзаларсиз ва портлашларсиз эсон омон чиқишидан иборат бўлиб, бунга фақат ишлаб чиқаришга таянган ҳолдагина, моддий

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. - Т., Ўзбекистон, 1991. С.8,176.

² Ушш ерда.

бойликларни бевосита яратаётганларга суянган ҳолдагина эришиш мумкин”¹.

Бундай сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида республикамизда ялли ички маҳсулот 1995 йилда 1990 йилга нисбатан фақат 18,2%га камайди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми эса сақлаб қолинган, қишлоқ хўжалиги ялли маҳсулот ҳажми 11%га камайган. Бошқа МДҲ мамлакатларида эса ЯИМ ҳажми 40-60%га, жумладан, Россияда эса 38%га, Қирғизистонда 50%га, Қозоғистонда 54%га пасайиб кетди².

Ўзбекистонда ЯИМнинг энг кўп пасайиши 1992 йилда кузатилган. Шу йил ЯИМ 11% га камайган. 1995 йилда фақат 1,2% га пасайган ҳолос. Республикамизда мувозанатга келтирилган монетар сиёсатни асосий тармоқларни, ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб борилди. Ушбу чора-тадбирлар асосида макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши оқибатида 1996 йилда 1,7% ни, 1997 йилда 5,2% ни, 1998 ва 1999 йилларда 4,4% ни, 2000 йилда 3,8% ни, 2001 ва 2002 йилларда 4,2%, 2003 йилда эса 4,4% ни 2004 йилда 7,7%ни, 2005 йилда 7,5ни ташкил этди (қаранг: 3.1.1-жадвал).

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзимизга хос янгича ёндашувга асосланган макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон 2001 йилдаёқ МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб 1991 йилги даражадан 103,1% га ошиб кетди. 2003 йилда 1991 йилга нисбатан ЯИМ ўсиши 111,4% ни, 2005 йилда 128,2%ни ташкил этди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., Ўзбекистон, 1995. 198-б.

² Статкомитет СНГ маълумотлари.

Ўзбекистонда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар
динамикаси (% ҳисобида)¹

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	1991й	1995й	2000й	2003й	2004й	2005й
Яли ички маҳсулот ўтган йилга нисбатан %	99,5	99,1	103,8	104,4	107,7	107,0
1991 йилга нисбатан, %	X	81,5	98,6	111,4	119,9	128,2
Аҳоли жон бошига ЯИМ ўтган йилга нисбатан, %	97,4	97,3	102,4	103,2	103,9	...
Саноат маҳсулоти ўтган йилга нисбатан, %	101,5	100,1	105,9	106,2	109,4	107,3
1991 йилга нисбатан, %	X	98,3	121,8	150,8	165,5	...
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўтган йилга нисбатан, %	98,5	102,2	103,2	105,9	110,1	106,2
1991 йилга нисбатан, %	X	89,8	101,9	119,2	131,2	...
Асосий капиталга инвестициялар ўтган йилга нисбатан, %	105	104	101	104,5	105,2	107,0
Қурилиш ўтган йилга нисбатан, %	96,6	95,8	103	103,5	104,5	107,8
1991 йилга нисбатан, %	X	77,2	90,3	100,2	104,7	...
Чакана савдо айлан-маси ўтган йилга нисбатан, %	82,3	95,7	107,6	105,1	105,0	108,2
1991 йилга нисбатан, %	X	65,1	120,5	141,8	148,9	...

2003 йилда 1991 йилга нисбатан ЯИМ ишлаб чиқариш Арманистонда 108,2 %ни, Қозоғистонда 106,2 %ни, Беларусда 105,4 %га ўсгани ҳолда бу кўрсаткич Россияда 83,6 %ни, Тожикистонда 83 %ни, Озарбайжонда 80,1 %ни, Украинада 58,8 %ни, Грузияда 57,1 %ни, Молдовада 51 %ни ташкил этади². ЯИМнинг йиллик ўсиши 1997 йилдан бошлаб аҳолининг ўсиш суръатидан юқори. Шу йилдан эътиборан

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий иқтисодий ривожланишининг тегишли йиллардаги асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тулали: Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002 г. Т., 2003 г. Т., 2004. -С.5,6 асосда муаллаф томонидан тузилади

² Ўзбекистон: цифра, факты и инвестиционные возможности. Т., 2004. С.5.

аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш суръатлари, аҳолининг пул даромадлари, иш билан бандлик даражаси ҳам ўса бошлади. Шунингдек, иқтисодий ўсиш туфайли аҳолининг уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 1991 йилдаги 12,2 М² дан 2003 йилга келиб 14,3М² ичимлик сув билан таъминлаш 56,4%дан 81,8%га, табиий газ билан таъминлаш эса 46,2% дан 79,8%га ўсди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш аҳоли турмуш даражасининг, инсон потенциали тараққиёти индекси (ИПТИ)нинг ўсишига таъсир кўрсатади. ИПТИ аҳолининг саводхонлик даражаси, умр узоқлиги, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва уларнинг жаҳон рейтингидagi ўрнини ифодаловчи интеграл кўрсаткич ҳисобланади. Республикамизда иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида ЯИМ ишлаб чиқаришнинг пасайиши туфайли ИПТИ бўйича рейтинги 1992 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда 13 поғонага пасайди. Ушбу кўрсаткич бўйича Россиянинг рейтинги 1991-1994 йилларда 33 поғонага, Беларус 22 поғонага, Украина ва Арманистон 50 поғонага, Туржистон-39, Озарбайжон-35, Қозағистон-32, Қирғизистон-25 поғонага қуйи тушди. Умуман олганда 1991-1998 йилларда Ўзбекистондаги ИПТИ кўрсаткичида МДҲнинг бошқа мамлакатлари ва Болтиқ бўйи давлатларига қиёсан энг оз пасайиш юз берди¹. Иқтисодий ўсишга эришилгач, бу кўрсаткич бўйича 1991 йилги даражага нисбатан ўсишга эришилди. (қаранг: 3.1.2-жадвал).

Аҳолининг умр узоқлиги, саводхонлик даражаси, таълим кўрсаткичлари, аҳоли жон бошига ҲКМ \$ да ЯИМ ишлаб чиқариш ҳамда инсон потенциали тараққиёти индексининг ўсишига давлат бюджети маблағларининг 50% га яқинининг ижтимоий мақсадларга йўналтирилганлиги ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида амалга оширилаётган ислохотлар ижобий таъсир кўрсатди.

¹ Инсон тараққиёти тўғрисида маълумот Ўзбекистон 2000 - Т. 2001 11-6

3.1.2-жадвал

Аҳоли турмуш даражаси ва инсоний потенциал тараққиёти кўрсаткичлари¹

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	1991	1995	2000	2003
Аҳоли жон бошига пул даромадлари йиллик ўсиши (%)		101,9	155,5	122,3
Ойлик номинал ўртача иш ҳақининг ўсиши (%)		2,6 марта	158,3	132,6
Аҳолининг уй-жой билан таъминланиши (1 кишига M ²)	12,2	12,9	13,8	14,3
Ичимлик сув билан таъминланиш даражаси (%)	56,4	69,2	80,4	81,8
Табийий газ билан таъминланганлик даражаси (%)	46,2	60,2	76,1	79,8
Туғилган чоғидан кутилаётган ўртача умр узоқлиги (ёш)	69,3	70,2	70,8	71,6
Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси (%)	97,7	98,96	99,16	99,2
Таълим муддати (йил)	10,9	11,4	11,4	11,5
Аҳоли жон бошига реал ЯИМ (ЎҚМ \$)	25510	2440	2994	2998
Инсоний потенциал тараққиёти индекси (ИПТИ)	0,676*	0,679	0,736	0,747

*1993 йил

Мамлакатимизда эришилаётган иқтисодий ўсиш қандай самарадорлик кўрсаткичига эга, деган савол туғилиши табиий. Буни билиш учун қуйидаги самарадорлик мезонлари қай даражада амалга оширилаётганлигини таҳлил қилиш лозим бўлади:

- энергия сифimini камайтириш;
- материаллар сифimini камайтириш;
- капитал сифimini камайтириш.

¹ Инсон тараққиёти гуҳисиди маъруза Ўзбекистон 1998 йил Т., 1999 101-б; Ҷша, 2000 йил Т., 2001, 67-б; Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш иннинг таъиниш билард, ги асосий кўрсаткичлари статистика тўшамлар; Ўзбекистон: шибри, факты и инвестиционные возможности. Т., 2004 С.9 инсон тараққиёти гуҳисиди маъруза Ўзбекистон 2005 Т., 2006, 106-б. маълумотлари асосиди муаллиф томонидан тузилди.

- қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш;

- рентабелликни ошириш;

- экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ўстириш.

Ушбу мезонлардан энг муҳимларидан бири ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифimini камайтириш ҳисобланади. Саноати ривожланган йирик мамлакатларда бу кўрсаткич 0,22, шу жумладан Японияда 0,16 ни, Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланаётган мамлакатларида эса ўртача 0,45 ни ташкил этди (қаранг: 3.1.3-жадвал).

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики ЯИМ нинг энергия сифими Арманистонда, Қирғизистонда жуда паст. Бу ҳол ушбу энергия сифими юқори бўлган йирик саноат тармоқларининг ривожланмаганлиги билан изоҳланади. Беларус, Молдова ва Грузияда собиқ Иттифоқ даврида ана шундай саноат тармоқлари кам ривожланганлиги сабабли бу кўрсаткич 1990 йилда анча паст эди. Ҳозирги даврда эса бу ҳол унчалик ўзгарган эмас. Шунингдек, бу мамлакатларда ЯИМ ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йил даражасидан анча пастдир.

МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича 1990 йил даражасидан ошиб кетган Ўзбекистонда унинг энергия сифимининг камайиб бориши иқтисодиёт таркибий тузилишидаги фондларни янгилишдаги ижобий ўзгаришлар туфайли содир бўлмоқда.

Аmmo шунга қарамасдан бу кўрсаткич анча юқори ҳисобланади. Шу боисдан эндиликда ишлаб чиқаришга унумли, ресурсларни тежамкор янги техника ва технологияларни жорий этиш йўли билан ЯИМ энергия сифimini янада камайтириш мақсадга мувофиқдир.

МДХ ва узоқ хорижий мамлакатларда ЯИМ энергия сифимининг ўзгариши¹ (нефть эквивалентида тонна/минг долл).

Мамлакатлар	Йиллар			
	1990	1995	2000	2002
МДХ мамлакатларида (ўртача)	0,71	1,07	1,06	1,06
Шу жумладан:				
Арманистон	0,72	0,59	0,20	0,21
Белорус	0,64	0,55	0,60	0,61
Грузия	0,52	0,61	0,67	0,68
Молдова	0,40	0,49	0,60	0,62
Озарбайжон	1,16	1,26	1,33	1,35
Россия	0,69	0,91	1,1	1,14
Тожикистон	0,79	1,63	1,1	1,1
Тукманистон	1,19	1,54	2,3	2,3
Украина	0,83	1,2	1,4	1,41
Ўзбекистон	1,0	1,08	0,9	0,89
Қирғизистон	0,81	0,67	0,40	0,45
Қозоғистон	1,0	1,25	0,95	0,94
Ийрик саноати ривожланган мамлакатларда (ўртача)	0,27	0,27	0,23	0,23
Шу жумладан:				
Германия	0,26	0,25	0,24	0,23
АҚШ	0,34	0,35	0,30	0,29
Япония	0,20	0,20	0,16	0,16
Осиёнинг барқарор ривожланаётган мамлакатларида (ўртача)	0,47	0,45	0,45	0,45

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи капитал сифimini камайтириш, капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги коэффиценти республиқамизда 1997 йилдаги 3,9 дан 2000 йилда 5,7 га ва 2002 йилда эса 5,9 га ўсди (қаранг: 3.1.4-жадвал).

МДҲнинг айрим мамлакатларида капитал
қўйилмаларнинг самарадорлиги (самарадорлик
коэффициенти)¹

Мамлакатлар	Йиллар			
	1997	1998	2000	2002
Арманистон	2,4	1,0	2,6	2,6
Белорус	1,6	2,4	6,5	6,7
Озарбайжон	4,1	3,2	4,5	4,6
Россия	21,4	-	4,7	5,2
Ўзбекистон	3,9	5,2	5,7	5,8
Қирғизистон	2,1	2,3	2,5	2,7
Қозоғистон	4,2	-	6,3	6,5

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффициенти Ўзбекистонда Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон каби мамлакатлардагига нисбатан бир мунча юқорида. Аммо иқтисодий жиҳатдан кейинги йилларда ривожланаётган Россия, Беларус ва Қозоғистондагидан пастроқ. Эндиликда капитал қўйилмаларни иқтисодиётнинг реал соҳаларида янги техника ва технологияларни жорий қилиш ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилашга йўналтириш, уларнинг сочилиб кетишига йўл қўймаслик лозим бўлади.

Иқтисодий ўсишни ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда меҳнат унумдорлигининг аҳамияти катта. Бу кўрсаткич иқтисодий ўсиш сифатини, унинг қандай самарадорликка эга эканлигини кўрсатади ҳамда инсон омилининг иқтисодий ўсишга қай даражада таъсир этганлигини ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам америкалик иқтисодчи Р.Кукас меҳнат унумдорлигининг ўсиши жисмоний капиталга эмас, балки инсон капиталига инвестицияларга боғлиқ эканлигини асослаб берган².

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилди

² Қураст. Сакс Д., Ларен Ф. Макроэкономика М., 1996. С. 63.

Инфляция суръати юқори бўлган ҳозирги ўтиш иқтисодийети шароитида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи расмий статистика тўпламларида, маълумотларида кўрсатилмаяпти. Шу боисдан ушбу кўрсаткични миллий иқтисодийёт доирасида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қийслаш имкони бўлган баҳоларда ўсиш (пасайиши) суръатларининг аҳоли иш билан бандлигининг ўсиш суръатларига нисбати орқали ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Шундай услуб билан турли МДҲ мамлакатларида меҳнат унумдорлигининг ўзгариши динамикаси ҳисобланган¹. Бу усул орқали А.А.Маматов республикаимиз иқтисодийетида саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги динамикасини ҳисоблаган².

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, меҳнат унумдорлиги даражаси 2003 йилда 1991 йилги даражадан 4,2%га кам бўлди. 1991-1995 йилларда бу кўрсаткич 20%дан ортиққа пасайиб кетган эди. Аммо 1996-2003 йилларда меҳнат унумдорлиги 16,4%га, 2001-2003 йилларда эса 5,7%га ўсди (қаранг: 3.1.5-жадвал).

Ушбу маълумотлар саноатда таҳлил даврида меҳнат унумдорлигининг 45,4%га ўсганлигини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич 36,1%га ўсди. Аммо 1996-2003 йилларда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 45,2%га, саноатда эса ундан пастроқ, яъни 37,1%га ўсган. -

Бу ҳам 1996-2003 йилларда қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлганлар сони 12,7%га камайгани ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 28,8%га ўсиши билан изоҳланади.

¹ 10-лет Содружества Независимых Государств. - М., Статсборник, 2001 г.

² Маматов А.А. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида Ялпи ички маҳсулот (Ўзбекистон Республикаси мисолида) и.ф.д., номий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Т.2002. 97,99-бет У 1991-2001 йиллар ичида меҳнат унумдорлиги динамикасини ҳисоблаган. Аммо 2001 йилда 1991 йилга нисбатан ЯИМ 103,6%га ўсган, қишлоқ хўжалигида иш билан бандлар сонини ҳам ўсиб бориши нуқтан назаридан ҳисоблаган. Аслида ЯИМ таҳли даврида 102,7%га ўсган. Қишлоқ хўжалигида иш билан бандлар сони камайган.

3.1.5-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида, саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги динамикаси (% ҳисобида, қиёсий баҳоларда)¹

Кўрсаткичлар	ЯИМ (иқтисодиёт)	Саноат	Қишлоқ хўжалиги
1. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши			
2003 йил 1991 йилга нисбатан шу жумладан:	111,4	150,8	119,2
1995 йил 1991 йилга нисбатан	81,5	98,3	89,8
2003 йил 1995 йилга нисбатан	132,1	153,4	128,8
2003 йил 2000 йилга нисбатан	112,8	122,8	116,5
2. Аҳоли иш билан бандлигидаги ўзгаришлар			
2003 йил 1991 йилга нисбатан шу жумладан:	116,2	103,7	87,6
1995 йил 1991 йилга нисбатан	102,3	92,7	100,4
2003 йил 1995 йилга нисбатан	113,5	111,9	87,3
2003 йил 2000 йилга нисбатан	106,7	106,8	98,3
3. Меҳнат унумдорлиги (1к: 2к)			
2003 йил 1991 йилга нисбатан шу жумладан:	95,8	145,4	136,1
1995 йил 1991 йилга нисбатан	79,7	106,0	89,4
2003 йил 1995 йилга нисбатан	116,4	137,1	145,2
2003 йил 2000 йилга нисбатан	105,7	114,9	118,5

Шу сабабли 2001-2003 йилларда ҳам қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги саноатдагига нисбатан юқори даражада ўсмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалигининг ЯИМ ўсишини таъминлашдаги ҳиссаси анча юқори бўлиб турибди. Масалан, 2003 йилда ЯИМ ошган 4,4% таркибида саноат улуши 0,4%ни, қишлоқ хўжалиги

¹ Ҳаз. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

1,78%, қурилиш 0,17%, хизмат кўрсатиш 1,72%, солиқлар - 0,33% ни ташкил этди¹.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиши, экстенсив омил, меҳнат унумдорлиги, яъни интенсив омил ҳамда моддий ресурслар сарфини тежаш, яъни тежамкорлик ҳисобига ЯИМ миқдорининг қўшимча ўсиши қуйидаги формулалар асосида ҳисобланади:

1. □ ЯИМ (T) = $(T_1 - T_0) \times V_0 \times d_0$, иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиши, яъни экстенсив омил ҳисобига ўсиш.

2. □ ЯИМ (V) = $(V_1 - V_0) \times T_1 - d_0$, меҳнат унумдорлиги, яъни интенсив омил ҳисобига ўсиш.

3. □ ЯИМ (тежам) = $V_1 \times (1 - d_0) - V_1$, тежамкорлик ҳисобига иқтисодий ўсиш.

Бу ерда: □ ЯИМ-ЯИМ нинг қўшимча ўсиши;

T_0 ва T_1 иқтисодиётда иш билан банд бўлган аҳоли сони (о) база(1) ҳисобот йилларида;

V_0 ва V_1 базавий ва ҳисобот йилларидаги меҳнат унумдорлиги;

d - ЯИМ нинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши.

Бизнинг ушбу формулалар асосида қилган таҳлилларимиз омиларнинг турли йилларда ЯИМнинг қўшимча ўсишига турлича таъсир этанлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 1996 йилда иқтисодий ўсишнинг 77,8% экстенсив омил, яъни иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига, 28,1% меҳнат унумдорлиги, яъни интенсив омил ҳисобига эришилган бўлса, моддий харажатларнинг ортиқча сарфланиши 8% ни ташкил этган. 1997, 1999, 2002 йилларда эса экстенсив ва интенсив омиларнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ҳиссаси анча камайиб, моддий харажатларнинг улуши эса салмоқли бўлган (қаранг: 3.1.6-жадвал).

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳминий шарт 2003 йил 4-сон. Апрель, 2004 й. - Т., 2004, 19-б.

ЯИМ нинг қўшимча ўсишига таъсир қилувчи омиллари, улуши¹ (1996-2003 йилларда, жамига нисбатан % ҳисобида).

	Йиллар				
	1996	1997	1999	2001	2003
ЯИМ нинг омиллар ҳисобига қўшимча ўсиши (камайиши)	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан омиллар ҳиссаси:					
Экстенсив омил	77,8	26,7	22,5	40,6	62,3
Интенсив омил	28,1	7,9	5,4	57,1	37,1
Моддий харажатларни тежаш	-5,9	65,4	72,1	2,3	0,6

Ушбу jadвал маълумотлари 2001 йилда интенсив омил, яъни меҳнат унумдорлигининг ЯИМнинг қўшимча ўсишидаги ҳиссаси

57,1%ни, иш билан банд аҳоли сони ўсишининг ҳиссаси 40,6%ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда. 2003 йилда эса экстенсив омил ҳиссаси анча юқори бўлиб, моддий харажатларни тежаш омилнинг ҳиссаси энг паст даражада бўлди. Бу маълумотлар меҳнат унумдорлигининг тез ўзгарувчан эканлигидан ҳамда иқтисодиёт ўсишига ҳамон экстенсив омил таъсири юқори эканлигидан далелат беради. Шунингдек, экстенсив омил ҳам иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар сонининг кўпайиши ҳисобига ЯИМнинг қўшимча ўсишини ифодалайди. Демак, 2003 йилда инсон омилидан экстенсив фойдаланиш устувор бўлган.

Бэзор муносабатларига ўтиш шароитида микродаражада ишлаб чиқариш самарадорлигига ички ва ташқи омиллар таъсир қилади. Ички омиллар тадбиркорга,

¹ Ўзбекистон Республикасининг тегишли омилларидаги ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари ҳисқача стат. тўпلام маълумотлари асосида мувааллиф томонидан ҳисобланди.

унинг фаолияти боғлиқ бўлиб, улар жумласига ходимлар меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришни техника ва технология жиҳатидан такомиллаштириш, хом ашё ва материаллар сарфини камайтириш, яъни тежамкорлик ҳамда ишлаб чиқаришни талкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш киради.

Ташқи омиллارга тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ бўлмаган, ammo унга таъсир этувчи бозор шароитида талаб ва таклиф нисбатидаги, нарх-наводаги ўзгаришлар, товарнинг ҳаётий цикли, рақобатчилар хатти-ҳаракати, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситалари ва шакллари киради. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқаришнинг ички омилларида унумсиз фойдаланган ва бозор шароитларига мослаша олмаган, рақобатчилар томонидан бозори касот қилинган фирма, корхоналар зарар кўриб, банкрот ҳолатига тушиб қолади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳисобга олмаганда иқтисодий ночор корхоналар сони 1997 йилдаги 759 тадан 2001 йилда 82 тагача камайди. Ammo 2002 йилда уларнинг сони 335 тага етиб 2003 йилда 212 тага камайди. Бу ерда иқтисодий ночор корхонада ташқи ва ички қарзларни тўлай олмайдиган, сурункасига зарар билан фаолият юритаётган корхоналар тушинилади. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 1997 йилда 302 тадан 2001 йилда 82 тагача камайиб, 2003 йилда 236 тага етган (қаранг: 3.1.7.-жадвал).

Шуни айтиб ўтиш жоизки, 2003 йилда зарар кўриб ишлаган корхоналарнинг 34,7%и саноат, 16,1%и савдо ва умумовқатланиши корхоналаридир. Энг кўп миқдорда зарар ҳам саноат корхоналари улушига (61%) тўғри келмоқда. Республикамизда банкротлик ҳолатига тулган корхоналарни соғломлаштириш мақсадида санациялаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, 1999 йилдан бошлаб, иқтисодий ночор корхоналарнинг айримларига ташқи бошқарув жорий қилинган.

Ўзбекистонда иқтисодий ночор ва банкрот ҳолатига тушган корхоналар¹ (қишлоқ хўжалиги корхоналарисиз).

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	1997	1999	2000	2001	2002	2003
Иқтисодий ночор корхоналар	759	982	81	82	335	212
Зарар билан ишлаётган корхоналар	302	245	139	94	170	236
Савациядаги корхоналар	538	100	21	22	49	34
Ташқи бошқарувдаги корхоналар		22	31	11	58	79
Банкрот бўлган корхоналар	148	1015	1295	1176	1266	831
Тугатилган корхоналар	136	1006	1148	1267	1080	1108

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда банкрот бўлган ва тугатилган корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Бунга биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ички омилардан тўғри ва самарали фойдаланмаслик ҳамда бозор талабларига мослаша олмаслик сабаб бўлмоқда. Аммо Н. Ҳасанов ва С. Нажбиддиновларнинг фикрларига кўра бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда ташқи омилар сабабли корхоналарнинг банкротта учраши ички омиларга нисбатан юқоридир². Бозор муносабатлари ривожланган, барқарор иқтисодий ўсишга эга бўлган мамлакатларда эса ички омилардан самарасиз фойдаланганлик банкротликнинг устувор сабаби бўлмоқда.

Бизнинг республикамызда иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий вазият барқарорлашгандан кейин иқтисодий исчор, банкротта учраган корхоналар

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тағиниш йиллар бўйича тайёрланган "Об итогах работы с убыточными, неосостоятельными предприятиями и по ликвидации банкротств" Ежеквартальные бюллетени по итогам 2003 года. Т., 2004. С.22,26,30,31,32 асосида тузилди.

² Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона мажарий ҳолатини баҳолаш. Т., 1999 155-б.

тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳам барқарорлашади. Бундай ночор ҳолатга тушиб қолмаслик, иқтисодий ўсиш ва самарадорликка эришиш учун хўжалик субъектлари ишлаб чиқаришнинг ички омилларидан, жумладан табиий, жисмоний капитал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга интиладилар. Экспертларнинг ҳисобларига кўра табиий ресурс ва жисмоний капитал биргаликда иқтисодий ўсишнинг бор йўғи 40% ини, меҳнат ресурси, яъни инсон омили эса қолган 60% ини таъминлайди.

Демак, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий иқтисодий самарадорлигига эришишнинг пировард мақсади инсонни ривожлантириш, халқ турмуш даражасини ошириш, тадбиркорларнинг юқори фойда олишларининг ёлланма ходимлар манфаатдорлиги билан уйғунлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эса инсон капиталидан, инсон омилидан унумли ва устувор равишда фойдаланиш орқали эришилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш инсонпарварлашган сари унинг ижтимоий иқтисодий самарадорлигини оширишда инсон омилининг аҳамияти ва роли ортиб боради.

3.2. Кишилар меҳнат фаоллиги - инсон омилининг ишлаб чиқаришда амал қилиш шакли

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ва унинг самарадорлигининг ўсишига инсон омили ишловчи кишиларнинг меҳнатга муносабати, билим ва касб-малака маҳорати, тажрибаси, тадбиркорлик қобилияти ва бошқа шу каби хусусиятлари, компонентлари орқали таъсир этади. Уларнинг ҳар қайсиси мустақил амал қилувчи социал-иқтисодий омил, биргаликда эса ишловчининг меҳнат фаоллиги шаклида намоён бўлади. Чунки илмий иш.амизнинг 1-бобида таъкидлаб ўтганимиздек, инсон

омили ва унинг компонентларининг амал қилиши ишловчининг ишлаб чиқаришдаги ва жамиятдаги шахс ҳамда асосий ишлаб чиқарувчи куч сифатидаги ўрнига боғлиқ бўлиб, унинг меҳнат жараёнидаги фаоллиги ёки фаолсизлиги шаклида намоён бўлади.

Инсон омилининг компоненти бўлган ишловчининг билим ва касб-малака даражасининг ўсиши кишилар меҳнат фаоллигининг муҳим шакли ҳам ҳисобланади. Улар ишловчининг инсоний капитални ҳамда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг муҳим омилини ташкил этади.

Инсонни ривожлантириш ва унинг билим, касб-малака даражасини ошириш зарурати йирик машинали ишлаб чиқариш босқичида вужудга келган. Бунга сабаб ишлаб чиқариш техник базасида юз бераётган ўзгаришлар оқибатида инсоннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва вазисралари, меҳнатнинг мазмуни ҳамда характери ҳам ўзгаради. Натижада техника ва технологиядан фойдаланиш учун махсус билим, касб-малака маҳоратига эга бўлиш ишлаб чиқаришнинг талабига айланади. Фан-техника тараққиёти ишловчининг меҳнати мазмунини бойигтиб бориши билан бир вақтда унинг талабларига мослашиш учун кишилар муттасил равишда ўз билими, касб-малака даражасини, маҳоратини оширишга мажбур бўлади.

Ўзбекистонда ҳам фан-техника тараққиёти талабларига мунофиқ аҳолининг билим даражаси ҳам ўсиб борган. Бунга республикамизда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари далил бўлади.

Аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра 1939-1989 йилларда, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотлилар сонининг 12,7 баробарга, иқтисодиётда банд бўлган ҳар 1000 кишига тўғри келадиган ушбу маълумотлилар сони эса 15,5 баробарга кўпайганлигидан далолат беради. Бу 1989 йилга келиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 95 % олий ва

ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотга эга бўлганларини кўрсатади¹.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг аҳолининг умумий саводхонлик ва таълим даражасини ошириш бўйича кўп ишлар амалга оширилди. Айниқса 1996 йилдан бошлаб, мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланганлиги ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширила бошлангани туфайли давлат бюджетидан таълим тизимини ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар миқдори ЯИМга нисбатан 7% да 2003 йилга келиб 8% га кўпайди.

Бунинг натижасида иқтисодиётда банд аҳоли билим даражаси ўсиб бормоқда. Масалан, 1998-2000 йилларда улар таркибида олий маълумотлилар улуши 15% дан 17,6% га, яъни 2,6 пунктга ўрта махсус маълумотлилар улуши эса атиги 0,1 пунктга ўсди. Сўнгги уч йилда эса, яъни 2001-2003 йилларда уларнинг улуши мос равишда 1,8 ва 1,4 пунктга ўсди. (қаранг: 3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал

Иқтисодиётда банд аҳолининг маълумот даражаси бўйича таркиби (яқунига нисбатан %)².

Иш билан банд аҳолининг маълумот даражаси	1989й.	2000й.	2003й.
Олий	15,0*	17,6	19,4
Урта махсус	21,6	21,7	23,1
Умумий ўрта ва тўлиқсиз ўрта	64,0	60,7	57,5
Жами			

* олий ва тугалланмаган олий маълумотлилар

Ушбу маълумотлар иқтисодиётда банд аҳоли таркибида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар улушининг

¹ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Стат. ежегодник. Т.1 -Т., 1993 -С.192-193.

² Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Стат. ежегодник. Т.1 -Т., 1993 -С.192-193; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. 2003. Стат. ежегодник. Т., 2004. С. 62 маълумотлари асосида тузилади.

таҳлил даврида 36,6% дан 42,5 %га ўсганлигини кўрсатмоқда. Улар таркибидаги ижобий ўзгаришлар 2000 йилдан бошлаб анча сезиларли бўлмоқда. Бу маълумотлар яна бир бор аҳоли ва иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий билим даражасининг юқорилиги билан касбкорлик маълумоти даражасининг бирмунча пастлиги, улар ўртасидаги фарқ узилишининг сақланиб қолаётганлигидан ҳам далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодий фанда юқори билим, касб-малака даражасига эга бўлган тадбиркорлар ва ишловчилар ялпи миллий маҳсулот, миллий даромадни яратишда кўпроқ улуш қўшишлари аллақачон исботланган. Шунингдек, уларда жамиятда юқори сатр, яъни аҳоли ижтимоий тоифасига, табақасига кўтарилиш, мавқега эга бўлиш ҳамда бошқа тоифадаги ишловчиларга нисбатан кўпроқ даромад ишлаб топиш имконияти ҳам юқоридир. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичида юқори ижтимоий табақага ва мавқега эга бўлиш уларнинг юқори билим, касб-малака даражасига эмас, балки кўпроқ кишининг қандай фаолият соҳасида, шу жумладан, савдо-воситачилик, тижорат ва бошқа шу каби айрим тармоқларда ишлашига боғлиқ бўлди. Шу сабабли бу даврда ёшларнинг яхши билим, юқори касб-малака олишига, мураккаб инженер-техник касбкорларга эга бўлишга қизиқишлари, интилишлари бирмунча пасайди¹. Бунинг оқибатида фан-техника тараққиётини амалга оширишда ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда меҳнат фаолияти мотивацияси пасайиб, қийинчиликлар туғналишига олиб келди.

Маълумки, ишловчиларнинг билим даражаси уларнинг юқори касб-малака даражасини олишлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Билими юқори кишилар бошқаларга

¹ Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1996 г. - Т., 1997. С.24.

қараганда тезроқ касб ўрганадилар ва ўз малакаларини оширадилар.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти шароитида янги техника ва технологияларнинг ишлаб чиқаришга киритилиши, меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклларининг қўлланилиши натижасида меҳнат мазмуни ҳам ўзгариб, ишловчилар касб-малака таркибида прогрессив ўзгаришлар юз беради. Тор ихтисосли, қўл меҳнатига асосланган, кам малакали касблар барҳам топиб, уларнинг ўрнига кенг ихтисосли, машинали меҳнатга асосланган, юқори малакали касблар вужудга келиб туради. Техника тараққиёти туфайли кишиларнинг илгари номаълум бўлган, янги фаолият турларига эҳтиёж туғилиб туради. Бу эса ўз навбатида ишловчиларнинг ўз меҳнати моддий шароитларига мослашиб боришини тақозо этади. Шундай қилиб, техника тараққиёти меҳнат турларининг ўзгариб туришини ва шунга биноан ишловчи ва ишчиларнинг ҳаракатчанлигини, мослашувчанлигини тақозо этади.

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида қўл меҳнатига ва примитив, оддий техникага асосланган касблар барҳам топиб, уларнинг ўрнига механизацияни, асосан тор ихтисосли асбоб-ускуналарни ҳамда ишлаб чиқаришни конвейерлаштириш билан боғлиқ касблар вужудга келган. XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб, то ҳозиргача эса ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, янги илмталаб техника ва технологияга асосланган кенг ихтисосли ва профилли (қамровли), юқори малакали касблар вужудга келмоқда. Бундай касблар илгариги тор ихтисосли бир неча касбларнинг комбинациялашуви, кооперациялашуви, қўшилиб, бирикиб кетиши, ўриндошларининг кучайиши оқибатида пайдо бўлмоқда. Бу тенденция туфайли кенг профилли, ўриндош касбкорни эгаллаган, юқори назарий билим ва амалий иш кўникмасига эга бўлган, узоқ тайёргарликни ўтаган юқори малакали ишловчи ва

ишчилар вужудга келди. Уларнинг меҳнат функцияларида ақлий меҳнат функциялари, технологик жараёнларни назорат қилиш, тартибга солиш, бошқариш билан боғлиқ функциялар устувор ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, XX асрнинг бошларида ва ҳатто ўрталарида ҳам ишловчи ходим ўз меҳнат фаолиятини кам ўзгарган бир иш жойида тугатиши мумкин эди. Эндиликда эса 25-30 йил ичида иш жойи 2-5 марта жиддий тарзда ўзгаради. Инсон ўз фаолияти мобайнида бир неча касбни эгаллашига тўғри келади¹.

Ишловчиларнинг билим ва касб-малака даражаларининг ошиб бориши таъсирида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб боради. XX асрнинг 70-80-йилларида иқтисодий адабиётларда ушбу омиллар ҳисобига мамлакат миллий даромади ўсишининг 1940 йили - 16,1 %, 1950 йилда - 20,6 %, 1960 йилда эса 23 %, 1970 йилда 27 %, 70-йилларнинг охирида 30 %га ўсиши таъминлангани ҳисобланган. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ишловчи билим даражаси ўсишининг ҳар бир фоизи ҳисобига миллий даромаднинг 2,5 % ўсиши тўғри келар экан. Ишловчилар малакасининг уртача бир тариф разрядига ўсиши меҳнат унумдорлигининг 8-10 % га ўсишига олиб келар экан². Америкалик олим Эдвард Денисоннинг ҳисоб-китобларига кўра эса, 1929-1982 йилларда АҚШ миллий даромади реал ўсишига таъсир кўрсатган омиллар ичида ишловчи, ходимлар билими ва касб тайёргарлигининг улуши 14 % ни ташкил этган³.

¹ Экономика труда: (социально-трудовые отношения). / Под. ред. Н.А.Волгина, Ю.Г.Одегова. - М., Экзамен, 2002. С.244.

² Комаров В.Е. Экономическая эффективность образования. //Вопросы экономики, 1977, № 9, С.64.

³ Макконисел К.Р., Брю С.А. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 т. Пер. с англ. 11-го изд. Т.1 - М., Республика, 1992 -С.384.

Ишловчиларнинг билим, касб-малака даражалари билан ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражалари бир-бирларига мувофиқ келганидагина ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида максимал фойда, даромад олиш мақсадига эришиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида харажатларни минималлаштириш лозим бўлади. Бунинг учун эса унумдорлиги юқори, ресурсларни тежамкор янги техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштириб бориш билан бир вақтда унга мос равишда ишловчиларни билим, касб-малака даражаларини ошириб бориш заруратга айланади.

Ишловчилар ва ишлаб чиқариш воситаларининг, яъни инсоний ва моддий-ашёвий омиллар ўртасидаги муганосибликни, мосликни таъминлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, тадбиркорлар учун максимал фойда, даромад олишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бунда техника тараққиёти, ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашиб бориши ишловчилар билим ва касб-малака даражаларини унга мос равишда ўсиб боришини тақозо этиши билан бир вақтда шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, меҳнатни энгиллаштириш ва осонлаштириш ҳамда ишловчилар турмуш даражасини ошириш воситасига айланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги рақобат ишлаб чиқариш техника базасини, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаб, такомиллаштириб боришга мажбур этса, ишчи кучи бозоридаги рақобат кураши эса, кишиларни ўз билими, касб-малака даражасини ошириб боришини тақозо этади. Демак, бозор иқтисодиёти муносабатлари ва қонунларининг амал қилиши ишлаб чиқаришнинг инсон ва моддий-ашёвий, меҳнат билан капитал омиллари ўртасидаги, яъни кишиларнинг меҳнат қилиш қобилияти билан ишлаб

чиқариш техник базасининг ривожланиш даражаларининг бир-бирига мувофиқ ва мутаносиблигини тақозо этади ҳамда бунга имконият ҳам яратади.

Ишлаб чиқаришнинг инсон ва моддий-ашёвий омилларининг мувофиқлиги, мутаносиблиги ишлаб чиқариш жараёни учун шароит яратадиган унинг техник таркиби билан ишловчилар касб-малака таркиби ўртасидаги энг мақбул нисбат бўлишини англатади. Улар ўртасидаги мутаносиблик ёки номутаносиблик ишловчиларнинг касб-малака даражаси бўйича амалда мавжуд ва талаб этиладиган таркиблари ўртасидаги, шунингдек, ишловчиларнинг касб-малакавий даражаси билан улар бажарадиган меҳнатнинг мураккаблиги ўртасидаги мувофиқлик ёки номувофиқликда намоён бўлади.

Биз ўтказган социологик сўровлар натижаларига кўра, Ўзбекистон қаттиқ қоришмالي ва ўтга чидамли металллар комбинати ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг «Йўл қурилиши» трестининг қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати ходимларининг 61,1 %и «Сиз бажараётган иш Сизнинг билим, касб-тайёргарлигингизга қанчалик мос келади?», деган саволга ижобий, 26 %и - салбий жавоб бердилар, 12,9 %и эса жавоб беришга қийнадилар. Бундан кўриниб турибдики, ҳозир кўпгина ишловчилар ўзларининг билим, касб-малака даражаларига, тайёргарлигига у ёки бу даражада мувофиқ келмайдиган ишлар билан банддилар.

Айтиб ўтиш жоизки, ишлаб чиқаришнинг инсон ва моддий-ашёвий омиллари, яъни қўлланилаётган меҳнат ва капитал ресурслари ўртасидаги мутаносиблик ва мувофиқлик автоматик тарзда, ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини бизнес режа асосида ташкил этишга ҳаракат қиладилар. Аммо ишлаб чиқариш режали ташкил этилган хўжалик субъектларида


ҳам ишлаб чиқариш омиллари ўртасида номуносивлик вужудга келиб гуради. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига тўсқинлик қилади.

Агар ишловчиларнинг касб-малака даражалари ишлаб чиқаришнинг техник базасидан, яъни қўлланилаётган техника, технологиянинг ривожланиш даражасидан орқада қолса, у ҳолда бу техника, технологиядан, асосий капиталнинг маълум қисмидан самарали фойдаланиб бўлмайди. Мабодо ишлаб чиқаришнинг техник базаси ишловчиларнинг билим, касб-малака даражаларидан ортда қолса, яъни юқори билимли, малакали ходимлар, бундай тайёргарлик талаб қилинмайдиган ишларда фаолият кўрсатсалар, у ҳолда улар ўз салоҳиятидан тўлиқ фойдалана олмайдилар. Оқибатда ишловчилар билим, касб-малака маҳоратларини йўқотадилар. Ушбу тенденцияни корхонада ишловчилар ва ишнинг ўртача разрядларини солиштириш орқали таҳлил қилиш мумкин. Ишловчиларнинг ўртача малакавий разрядини уларнинг тариф разрядларининг ўртача арифметик миқдори орқали ифодалаш мумкин. Ишнинг ўртача разряди эса корхона (фирма)да бажарилиши керак бўлган ишларнинг ўртача мураккаблик даражасини ифодалайди. Бу эса ўз навбагида ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражасини ифодалайди. Айрим ҳолатларда улар ўртасидаги фарқ, номувофиқлик маълум даражада ишловчилар ва ишларнинг тариф разрядларини ўз вақтида қайта кўриб чиқилмаганлиги туфайли ҳам вужудга келиши мумкин. Аммо шунга қарамасдан, улар ўртасидаги нисбатларни таҳлил қилиш орқали шахсий-инсоний ва моддий-ашёвий омиллар, яъни меҳнат ва капитал омиллариининг мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисида маълум хулосалар чиқаришга асос бўлади.

«Тошкент трактор заводи» АЖда 1992 йилда ишчиларнинг ўртача разряди 3,2 ни, ишнинг ўртача разряди 3,4 ни ташкил этган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 3,1 ва 3,4 ни ташкил этди (қаранг: 3.2.1-рەсм).

3.2.1-рәсм.

«Тошкент трактор заводи» АЖда ишчилар ва ишнинг ўртача разрядларининг ўзгариши¹



Ушбу маълумотлар ишчиларнинг касб малака даражаси бажарилаётган ишнинг ўртача мураккаблик даражасидан янада орқада қолганлигини кўрсатмоқда. Бу эса корхонада ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва ишловчиларнинг касб-малака даражасининг ҳам нисбатан паст эканлигидан, малакали, ишловчиларнинг етишмаётганлигидан далолат беради. Натижада меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини, шу жумладан маҳсулот сифатини оширишга тўсқинликлар кучайди.

Инсон ва моддий-ашёвий омиллар ўртасидаги номувофиқлик малакали ишловчиларнинг, кадрларнинг етишмаслигида, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмасликда ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон sanoатидаги баъзи уюшма ва хўжалик бирлашмалари бўйича айрим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш

қувватларидан фойдаланиш даражаларининг таҳлили «Ўзбекенгилсаноат» компанияси бўйича пахтадан тайёрланган маҳсулотлар, гилам, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда (қаранг: 3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Ўзбекистон саноати бирлашмалари ва уюшмаларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси (умумий қувватига нисбатан % ҳисобида)¹

Уюшма ва хўжалик бирлашмалари, маҳсулот турлари	Йиллар					
	1998	1999	2000	2001	2002	2003
«Ўзбекенгилсаноат» компанияси:						
- пахтадан тайёрланган маҳсулотлар	58,6	46,9	42,2	75	82,8	77,8
- пахтадан тайёрланган ишлар	53,7	46,5	35,5	16,3	15,2	15,9
- гилам ва гилам маҳсулотлари	67,3	64,1	52,9	83,7	89,2	91,1
- трикотаж маҳсулотлари	45,6	44,3	42,0	49	52,1	52,6
- пайпоқ маҳсулотлари	26,7	28,2	34,8	43,6	36,4	48,4
«Ўзбекинаги» уюшмаси:						
- ипак хом ашёси	69,2	58,6	78,7	82,0	85,7	71,2
- тайёр ипак материали	31,4	19,9	20,3	16,7	11,6	9,9
«Ўзкимёсаноат» компанияси:						
- олгингугурт кислотаси	34,7	27,3	17,9	9,3	28,0	26,6
- минерал угит	61,4	53,1	50,4	45,1	50,1	51,6
«Ўзэлектехсаноат» уюшмаси:						
- лифт	25,4	9,7	10,3	8,8	9,9	9,9
- трансформатор	67,8	49,7	41,6	38,1	35,4	22,7
«Ўзқишлоқхўжалик маш» - холдинг компанияси:						
- тракторлар	24,9	8,1	5,4	4,0	11,3	10,3
- культиваторлар	36,7	20,8	17,3	13,3	14,9	19,4

¹ «Тол кент трактор заводи» АЖ маълумотлари асосида тузилади.

² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2003 йилда 2002 йилга нисбатан пахта толаси ишлаб чиқариш 6 % га, пахта линти 12,5 % га, чигит 7,2 % га, ипак тола 43,7 % га камайди. Шунга мос равишда пахтадан тайёрланган маҳсулотлар, ипак хом ашёси, тайёр ипак материаллари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳам пасайди.

Таҳлиллар «Ўзкимёсаноат» компаниясида олтингугурт, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2001 йилгача пасайиб бориб, шундан сўнг ўса бошлаган эди.

Аммо 2003 йилда олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш 2002 йилга нисбатан 4,9%га камайди. Трансформаторлар ишлаб чиқариш ҳам шу йили 36,3%га камайди¹. Уни ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳам пасайиб бормоқда.

Республикамизда кейинги йилларда енгил автомобиллар, тактор культиваторлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳам бирмунча ошди.

Аммо шунга қарамасдан, ушбу жадвал маълумотлари кўплаб турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ниҳоятда паст эканлигидан далолат бермоқда. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш учун миллий иқтисодиётга барча молиявий манбалар ҳисобидан ички ва ташқи, яъни хорижий инвестицияларни киритиш йўли билан ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий этиш, унинг техник базасини янгилаш лозим бўлади.

Шунингдек, юқори билим, касб-малака талаб қиладиган иш ўринларини яратиш ва шунга мос равишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ишловчиларнинг билим, малака даражаларини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси.. Т., 2004. 22-25-б.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишловчилар касб-малака даражалари билан ишлаб чиқариш воситалари, капитал билан меҳнат ресурслари ўртасидаги мувофиқликни ва мутаносибликни ўрнатиш учун мавжуд иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, рационализация қилиш мақсадга мувофиқдир. Унинг натижасида соғлом, хавфсиз ишлаб чиқариш шароитлари яратилади. Ишловчиларга салбий таъсир этувчи ишлаб чиқариш омиллари аниқланади. Ҳар бир иш ўринларида меҳнат шароитларини, техника хавфсизлигини яхшилаш йўли билан касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олди олинади. Пировард натижада иш ўринларининг унумдорлиги, техника ва технология билан таъминланганлик даражаси ҳамда уларда ишлаб чиқариш маданияти ошади.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш уларнинг ҳар бирининг илмий-техникавий, ташкилий даражасига, санитария-гигиена нормаларига мослигини комплекс баҳолашни англатади. Иш жойларини рационализация қилиш деганда амалдаги иш ўринларини такомиллаштириш, меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Иш ўринларини аттестация ва рационализация қилиш натижасида ортиқча ишловчилар аниқланади ва улар бўшатилади, қолган ишловчилар уларнинг билим, касб-малака даражаларига мувофиқ келадиган иш ўринларига бириктирилади. Иш ўринларини аттестациядан ўтказишда аниқланган эскирган асбоб-ускуналар ишловчиларнинг малакасига, меҳнатининг мазмунига мос келадиган янгилари билан алмаштирилиши лозим бўлади. Иш ўринларини аттестация қилиш асбоб-ускуналарни инвентаризация қилишгина бўлиб қолишига ҳамда ўрнатилаётган асбоб-ускуналарнинг аввалгисидан фақат чиққан йили билангина фарқ қилишига йўл қўймаслик

керак. Чунки бунга йўл қўйилса, ишлаб чиқаришнинг шахсий-инсоний ва моддий-ашёвий омиллари, қўлланилаётган капитал билан меҳнат ресурслари ўртасидаги мувофиқликни, мутаносибликни таъминлаш мумкин бўлмайди. Улар ўртасидаги мутаносибликни, мувофиқликни таъминлаш учун эскирган асбоб-ускуна, техника ва технологияни анча юқори унумдорликка эга бўлган, ресурсларни тежамкор тубдан янгилари билан алмаштиришни жадаллаштириш ҳамда шунга мос равишда ишловчиларнинг билим, касб-малака даражаларини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга замин яратилади.

Ишлаб чиқаришнинг инсон омилининг муҳим белгиси ва унинг фаоллигининг намоён бўлиши шакли меҳнат интизоми ҳисобланади. Меҳнат интизоми ишловчиларнинг меҳнатта муносабатини ифодалайди ва меҳнат характерининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Меҳнат интизоми иқтисодий категория сифатида ишловчиларнинг биргаликда меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнидаги хатти-ҳаракатини ҳамда ўзаро алоқадорлигини ифодалайдиган ташкилий-техник ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Унинг ташкилий-иқтисодий жиҳати меҳнат тақсимоти ва кооперацияси, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси билан белгиланади ҳамда ишловчининг иш ва меҳнат жараёнининг технологик тартибига бўйсунуши лозимлигини ифодалайди.

Меҳнат интизомининг ижтимоий-иқтисодий жиҳати иқтисодий муносабатларга, шу жумладан, мулкчилик, тақсимот, айирбошлаш муносабатлари характери билан белгиланади ҳамда иқтисодиёт субъектларининг ўзаро алоқадорлик, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг тартиб-қоидаларига риоя этиши лозимлигини ифодалайди.

Меҳнат интизоми - уч таркибий қисмлардан, элементлардан иборат бўлиб, қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- оддий, меҳнат интизоми ишловчи иш кунининг ички тартиб-қоидаларига, яъни ишга келиш-кетиш, тушлик ва дам олиш қоидаларига риоя этиши ҳамда раҳбарларнинг буйруқ ва топшириқларига итоат этишида ифодаланади

- технологик меҳнат интизоми ишловчиларнинг меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари тартибига, режимига, техника хавфсизлигига қатъий риоя этишини ифодалайди;

- ишлаб чиқариш шартномавий интизом ишловчиларнинг ўз меҳнат нормалари, топшириқлари, режаларини, лавозим вазибаларини, хўжалик субъектларининг эса ўзаро битим, келишув ва тўлов мажбуриятларини бажариши лозимлигини ифодалайди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, авваламбор, ишга сабабсиз келмаслик (прогул), кечикиш, ишдан эрта кетиш ҳисобига иш вақтини йўқотишларни қисқартириш йўли билан таъсир этади.

Кўплаб корхоналарда иш вақтининг йўқотилишини таҳлил қилган иқтисодчилар маъмуриятнинг руҳсати билан ишга келмасликни меҳнат интизомини бузишнинг бир шакли деб ҳисоблайдилар. Чунки ушбу сабабга кўра иш вақтининг йўқотилиши иш вақти умумий фонди йўқотилишининг катта қисмини ташкил этади.

Технологик интизомнинг бузилиши асбоб-ускуналарнинг бузилиши, улардан унумсиз фойдаланиш, хом ашё, материалларни етказиб келтиришдаги узилишлар сабабли ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнининг вақтинча тўхтаб қолиши туфайли иш вақтининг йўқотилишида намоён бўлади. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир этади. Бу йўқотишлар, кечикиб ишга келиш, эрта кетиш сабабли иш вақти йўқотишлари билан

биргалиқда статистикада смена ички йўқотишлари сифатида ҳисобга олинади.

Смена ички иш вақти йўқотишларига меҳнат интизомининг бузилишидан ташқари ташкилий омиллар ва меҳнат шароитлари ҳам таъсир этади. Аммо уларнинг даражасига меҳнат интизомининг бузилиши жиддий таъсир этади.

Ўтган XX асрнинг 80-йилларида меҳнат интизоми муаммолари чуқур тадқиқ этилган даврда ўзбек олимлари республика саноатида смена ички йўқотишлари иш вақти фондининг 5,3 % ни, яъни ҳар бир ишчи бир сменада ўртача 24 минут вақт йўқотишини ҳисоблаганлар¹.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, хом ашё, материалларни, асбоб-ускуналарни етказиб бермаслик, уларнинг бузилиши оқибатида тўлиқ иш кунларининг йўқотилиши ҳам ишлаб чиқариш интизомининг бузилиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишга сабабсиз келмаслик ҳолатлари камайиб боради. Бу ҳол ўтиш шароитида ишсизликнинг ва ишчи кучи бозорида иш ўринлари учун рақобатчиликнинг вужудга келаётганлиги, ишловчиларнинг ўз иш ўринларини сақлашга интилишларининг кучайганлиги билан изоҳланади. Меҳнат интизоми бузилишининг яширин шакли бўлган маъмуриятнинг руҳсати билан ишга келмаслик ҳоллари 1992 йилда энг юқори даражага чиқди ҳамда 1995 йилдан бошлаб кескин камайди. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин пасайиб, кризис ҳолати энг кучайган пайтда кўплаб йирик саноат корхоналари маъмурияти ишчиларни ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқариш, ишдан руҳсат бериш амалиётини қўллашга мажбур бўлганликларини кўрсатади. Шунингдек, ишловчилар сабабсиз ишга келмасликдан кўра маъмуриятдан руҳсат

¹ Абдуғаниев А. Рациональная организация труда и рост его производительности. // Экономика и жизнь. 1987. №3. С.40

сўраб, норасмий иқтисодиёт секторида ишлаб, даромад топишга интилишлари бу турдаги йўқотишларнинг бирмунча юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Гарчи тўлиқ иш куни ва смена ички йўқотишлари камаяётганлигига қарамасдан, хом ашё, материалларнинг етишмаслиги, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик туфайли бу йўқотишлар анча юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш, шартномавий интизомнинг бузилиши хўжалик субъектларининг молиявий-иқтисодий аҳволини ёмонлаштиради. Бу интизомнинг бузилиши уларнинг ўзаро бир-бирларига товар, хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар етказиб бериш, ўзаро тўлов, айирбошлаш битимлари ва мажбуриятларининг бажарилмаслигида намоён бўлади. Бунинг оқибатида бир томондан кредиторлик, иккинчи томондан эса, дебиторлик қарзларининг кўпайишига, уларнинг муддатларининг ўтиб кетиши юз беради. Бу ҳол ишлаб чиқариш ритмининг узилишига, тўлиқ иш куни ва смена ички йўқотишларига, маъмуриятнинг рухсати билан ишга келмасликнинг кўпайишига, охир-оқибатда ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш шартномавий интизомининг бузилиши оқибатида муддати ўтган дебиторлик қарзларининг уларнинг умумий миқдоридаги улуши 1997 йилда 30,3 % дан 1999 йилда 2,5 % га, 2000 йилда 0,8 % га пасайди. Сўнгра бу кўрсаткич яна кўтарилиб, 2003 йилда эса 15 % ни ташкил этди (қаранг: 3.2.2-расм).

Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг уларнинг умумий миқдоридаги улуши 1997 йилда 35,2%ни, 1999 йилда 9,2%, 2002 йилда 3,4%ни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 13,4% га етди.

3.2.2-расм.

Ўзбекистон иқтисодиётида муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг уларнинг умумий миқдорига улушининг ўзгариши (% ҳисобида)



Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, 2003 йилда хўжалик субъектларининг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг улушлари энг юқори бўлган. Дебиторлик қарзларининг умумий миқдори 2002 йилдаги 384,3 млрд. сўмдан 2003 йилда 4533,6 млрд. сўмга, яъни 11,8 баробарга, муддати ўтган дебиторлик қарзларининг миқдори эса 5,2 млрд. сўмдан 704,4 млрд. сўмга, яъни 13,5 баробарга ўсди.

Кредиторлик қарзлари миқдори эса 2003 йилда 5194,4 млрд. сўмни ташкил этди. Бу 2002 йилдагига (652,3 млрд. сўм) нисбатан 8 баробарга яқин кўп демакдир. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари миқдори эса 2003 йилда (695,5 млрд. сўм) 2002 йилдагига (22 млрд. сўм) нисбатан 31,6 баробарга ўсди.

2003 йилда муддати ўтган дебиторлик қарзларининг улуши химия ва нефть-химия саноатида 54,5%ни, транспортда 47,8%ни, уй-жой хўжалигида 32,1%ни, электр-

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1997г. -Т., 1998 С.24-25., Там же за 1999 г. -Т., 2000. С.20; Там же за 2000 г. -Т., 2001. С.20; Там же за 2002 г. -Т., 2003 С.22; Там же за 2003 г. -Т., 2004. С.21, 22, 24, 25 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилади

энергетика соҳасида эса 25,5%ни ташкил этди. Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг улуши химия ва нефть-химиясида 58,7%ни, машинасозлик ва метални қайта ишлаш соҳасида 48,5%ни, электр-энергетикада 34,3%ни ташкил этди¹.

Хўжалик субъектларининг ўзаро тўлов интизомларининг бундай кескин ёмонлашиб кетиши бу борада таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Айниқса, ёнилғи-энергетика, уй-жой коммунал хўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлаш устувор йўналиш бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат ва ишлаб чиқариш, шартномавий интизомни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бозор шароитида товар ва ресурслар бозорлари, маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифати, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари учун рақобат кураши кучаяди. Хўжалик субъектларининг моддий, молиявий аҳволи уларни ўз товар ва хизматларини сотиш натижаларига боғлиқ. Ҳатто тадбиркор ва ёланиб ишловчиларнинг интизомсизлиги, лафзсизлиги тўғрисидаги узун-қулоқ гаплар ҳам уларнинг иқтисодий ва меҳнат фаолиятини мураккаблаштириб юборади. Интизомни бузганлиги учун бўшатишнинг бошқа ишга жойлашиши қийин кечади. Шунингдек, шартномавий тўлов мажбуриятини бажармай юрган тадбиркор, ишбилармондан унинг шериклари юз ўтиради. Оқибатда уларнинг бозорлари касод бўлиб, хонавайрон бўладилар.

Тадбиркор ва ишбилармонлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юқори фойда олишни таъминлаш учун меҳнат интизомини бузувчиларга моддий, маънавий таъсир кўрсатиш, яхши ишловчиларни эса рағбатлантириш механизмларини ишга солишлари лозим. Бунда меҳнат, иш кучи бозорида рақобат муҳитининг

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002 г. -Т., 2003. С.22.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2003 г. -Т., 2004. С.21, 22, 24, 25.

яратилиши оқибатида ишсиз қолиш хавфи ишловчиларни меҳнат интизомига риоя қилишга ва юқори унумли меҳнат қилишларига туртки беради. Шунингдек, давлат томонидан тадбиркорлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши, шартномавий интизомни бузувчиларга қарши таъсирчан ҳуқуқий-маъмурий ва иқтисодий механизмларнинг яратилиши, банкротлик қонунчилигининг қатъий жорий этилиши уларнинг ўзаро мажбуриятларини бажаришлари учун шароит яратади.

3.3. Ишловчилар ижодий меҳнат фаоллигининг аҳамияти

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётда ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришда инсон омили ролининг ошиб бориши ишловчилар ижодий меҳнат фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу омилнинг кишилар ижодий фаоллигини тавсифловчи компонентлари аҳамиятининг ўсиши эса улар меҳнатининг тобора ижодий характерининг ривожланиши билан изоҳланади.

Кишилар ижодий фаоллиги ва меҳнатнинг ижодий характерга эга бўлиши қуйидагилар билан белгиланади:

➤ жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг ривожланиши;

➤ кишиларнинг билим, касб-малака даражаларининг ўсиши;

➤ кишининг ҳартомонлама ривожланиб, баркамоллашиб бориши;

➤ меҳнатнинг тобора бирламчи ҳаётий эҳтиёжга айланиб бориши;

➤ инсоннинг жамият ва иқтисодий ҳаётда ўз ўрнини, манқеини англаши ҳамда ўзини кўрсатишга, намоён этишга интилиши.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ишловчилар ижодий фаоллигини ўстиришнинг янгидан-янги

имкониятлари пайдо бўлади. Бу эса унинг моҳиятини ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга таъсирини ўрганишга, тадқиқ этишга янгича ёндошишни тақозо қилади.

Ишловчилар ижодий меҳнат фаоллигининг умумий намоён бўлиш шакли рақобат ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов «рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонундир»¹, - деб таъкидлаганлар.

Рақобат бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси, уни ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Рақобат иқтисодий субъектлар ўртасида ўзларининг шахсий манфаатларини рўёбга чиқариш, шахсий фойда, даромад ва наф олиш учун ўзаро курашини англатади.

Бизнинг назаримизда, рақобат мусобақалашуш, рақиблик жиҳатлари иқтисодиёт субъектлари ўз шахсий фойда ва нафлиликларини кўпайтиришга интиланларида, шахсий манфаатлари ўртасида зиддият вужудга келганда юзага чиқади. Иқтисодиёт субъектларининг манфаатлари мос келганда улар ўртасида келишувчилик, шерикчилик, ҳамкорлик вужудга келади. Аммо улар ўртасида бир-бирлари билан мусобақалашув ҳолати сақланиб қолади. Рақобат иқтисодиёт субъектларини ўзларини кўрсатишга, истеъмолчиларнинг хоҳиш, истагини бошқаларга кўра яхшироқ қондирадиган сифатли ва маълум миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга мажбур этади. Бунинг учун улар фан-техника тараққиёти ютуқларини қўллашга, харажатларини камайитиришга, техника ва технологияни янгилаб боришга, уларни такомиллаштиришга, иш, хизмат ва маҳсулот сифатини яхшилашга, ўзининг билим, касб-малака даражасини ошириб боришга, бошқаришда замонавий менежмент

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т. Ўзбекистон, 1999. 34-б.

тамойилларини жорий этишга, маркетинг хизматидан кенг фойдаланишга, умуман, тараққиётга, янгиликка интилишга мажбур бўладилар. Оқибатда рақобат туфайли иқтисодий ресурслар иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйлаб самарали тақсимланади ва қайта тақсимланади, хўжалик субъектларининг эгоистик шахсий манфаатлари уйғунлашади. Турли манфаатлар мутаносиблиги вужудга келади. Рақобат инглиз олими А.Смит таъкидлаганидек, кўлга кўринмас қўл сифатида ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб фаолият юритаётган рақобатчилар фаолиятини тартибга солади ҳамда жамият манфаатларини рўзбга чиқариш учун йўналтиради¹.

Рақобат бозор механизмида иқтисодий субъектларнинг ишлаб чиқариш ва ижодий фаоллигини йўналтирувчи қудратли куч, уларни тартибга солувчи регулятор ҳисобланади. Шу боисдан рақобат бозор муносабатлари шароитида инсон омилининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини ташкил этувчи компонентлари фаолиятига сингиб кетади ҳамда уларнинг намоён бўлишининг умумий шакли ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобат муҳитини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

➤ давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш орқали хилма-хил мулк шаклларига асосланган кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш;

➤ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

➤ давлатнинг монополияга қарши сиёсатини юритиш орқали иқтисодий монополия фаолиятини чеклаш, табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш;

¹ А.Смит. Исследования о природе и причинах богатства народов. -М., 1962. С.332.

➤ истеъмоличлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

➤ гирром рақобатта қарши курашиш.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлар ўзларининг корхона (фирма)ларида алоҳида ишловчи ва ходимларнинг, бўлимларнинг меҳнат мотивациясини яратувчи иш ҳақи тизимини хўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан ўзвий боғлаш, фойда ва даромадни тақсимлашда уларнинг иштирокини таъминлаш, юқори унумли ва сифатли ишловчиларни моддий рағбатлантириш тизимларини қўллаб, улар ўртасида соғлом рақобат, ўзаро мусобақалашини муҳитини яратишга интилади. Корхона (фирма) ичида ишловчилар ўртасида соғлом мусобақа, рақобатлашиш муҳитининг яратилиши уларнинг меҳнат ва ижодий фаоллигини оширади. Бунинг оқибатида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига эришилади.

Ишловчилар ижодий фаоллигининг энг муҳим шаклларида бири уларнинг техник ижодкорлиги ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги техника ва технология билан қуроллантириш учун фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш лозим бўлади. Бунда инсон омили муҳим роль ўйнайди. Инсон техник ижодкорлиги орқали ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилига ва умуман, унинг самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Ишловчиларнинг техник ижодкорлиги уларнинг ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятида намоён бўлади. Булар орқали техника ва технологиянинг янги намуналари яратилади ва ишлаб чиқаришга жорий этилади, ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилади ва механизациялаштирилади, хом ашё ва материаллар

тежамкорлигига, меҳнат широйтларининг яхшиланишига эришилади.

Республикада ишловчиларнинг техник ижодкорлигини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Аммо ўтиш даври қийинчиликлари туфайли техник ижодкорлик кўрсаткичлари илгариги даврларга нисбатан бирмунча пасайиб кетди (қаранг: 3.3.1-жадвал).

Ушбу маълумотлардан кўришиб гурибдики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки уч йилида тахмин қилинаётган ихтиролар учун топширилган ҳужжатлар сони 3,5 баробарга, рўйхатга олинганларнинг сони эса 4 баробарга камайиб кетди. Иқтисодиётда танглик ҳолатлари сусайиб, иқтисодий ўсишга эришилганидан кейин эса ихтирочилик кўрсаткичлари ҳам ўса борди. Шунинг учун ҳам 1991-1996 йилларда ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан саноат тармоқларида импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотларни ўзлаштириш ҳам йўлга қўйила бошланди.

3.3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида
ихтирочилик фаолияти¹.

Кўрсаткичлар	1991	1993	1995	2000	2002	2003
Ихтиро учун тақдим этилган ҳужжатлар сони (минг)	2,1	0,6	0,8	1,03	1,92	1,1
Рўйхатга олинган ихтиролар сони, минг	1,2	0,3	0,5	0,47	0,5	0,6
Ишлаб чиқаришда биринчи марта фойдаланилган ихтиролар сони, минг	0,5	0,3	0,3	0,3	0,4	0,4

¹ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 Т.2. -Т., 1993. С.63; 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалиги / Народное хозяйство Республикаи Узбекистан в 1993 /Стат тўплам, -Т., Меҳнат, 1995. 339-б; ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузлади.

Натижада шу даврнинг ўзида республикамизда 400дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди¹.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка ва ўсишга эришилганидан сўнг техник ижодкорлик ҳам ривожлана борди. Масалан, 2003 йилда 1995 йилда нисбатан тахмин қилинаётган ихтиролар учун ҳужжат топшириш 38%га, рўйхатга олинганлари эса 20%га, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлари эса 34%га кўпайди. Аммо техник ижодкорликнинг 1991 йилги даражасидан бу кўрсаткичлар анча камдир. Шунингдек, техник ижодкорликнинг патенциалидан ишлаб чиқаришда тўлиқ фойдаланил-маяпти. Ҳозирги даврда тахмин қилинаётган ихтироларнинг 55%и рўйхатга олинмоқда, улардан 67%и эса ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. Кўплаб корхоналарда техник ижодкорлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш коэффициенти ниҳоятда паст даражададир. Бунга ихтиро ва рационализаторлик таклифларини кўриб чиқиш, тажриба намуналарини ва жиҳозларни тайёрлаш, техник ҳужжатларни қайта ишлаш муддатларининг чўзилиб кетаётганлиги, энг муҳими новаторлар меҳнатини рағбатлантириш даражасининг пастлиги сабаб бўлмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликлар, яъни корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариб кетиши, улар ихтисослиқларининг ўзгартирилиши, илми ва ходимлар турмуш даражасининг пасайиши уларнинг техник ижодкорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам илми ва ходимлар техник ижодкорлиги потенциалидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида 1992 йил сентябрь ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси саноат мулки тўғрисида вақтинчалик низом» тасдиқланди. 1992 йил декабрь ойида эса «Ўзбекистон Республикасида рационализаторлик фаолияти тўғрисида низом»

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

тасдиқланди. 1993 йил 7 майда эса Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Улар республикамизда ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришга ҳамда саноат мулки муаллифларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Бунда саноат мулки ихтироларни, фойдали моделларни, саноат намуналари ва товар белгиларини ўз ичига олади.

Саноат мулки ва рационализация бўйича қабул қилинган янги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, рационализаторлик тақлифларини яратип, улардан фойдаланиш, ҳуқуқий ҳимоялаш юзасидан вужудга келадиган шахсий, мулкый, номулкый, ташкилий ва меҳнат муносабатларини тартибга солади. Бунинг учун республикада Патент муассасаси ташкил этилганки, у юқорида таъкидланган тартибга солиш ишларини амалга оширади.

Ушбу муассаса маълумотларига кўра ихтиро учун аризаларнинг 78,8%и миллий, 21,2%и эса хорижлик ихтирочилар томонидан берилган. Рўйхатга олинган ихтиролар берилган аризаларга нисбатан 58,4% ни ташкил этмоқда (қаранг: 3.3.1-илова). Эҳтимол тутилган ихтиро учун тақдим этилганларнинг 41,6% рўйхатга олинмаяпти. Миллий ихтирочилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг 65,3%и рўйхатга олинган ва уларга дастлабки патент ҳамда патент берилган. Хорижлик патент олган ихтирочиларнинг таҳлил даврида 22 таси россиялик, 46 германиялик, 34 таси Буюк Британиялик, 99 нафари АҚШликлардир.

Рўйхатга олинган миллий ихтироларнинг учдан икки қисми ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган ташкилотлардир. Ҳудудлар бўйича таҳлил қилсак, рўйхатга олинган ихтироларнинг 81,4% Тошкент шаҳрига, 4,9% Самарқанд вилоятига тўғри келмоқда. Демак, техник ижодкорликни

фаоллаштириш учун ихтиролар учун тақдим этилган ҳужжатлар сифатини ошириш орқали ҳамда республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ихтирочилар малакасини ўстириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро патент классификациясига мувофиқ ихтиролар учун берилган аризаларнинг 35%и инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, 30%и химия ва металлургия, 8%и турли технологик жараёнлар, 5%и қурилиш, тоғ кон ишлари ҳамда атиги 3%и электрлаштириш бўлимига тўғри келмоқда.

Фойдали моделлар учун берилган аризаларнинг 69,8%и рўйхатга олиниб, патент берилган бўлса, саноат намуналари учун берилган патентлар улуши 81,2%ни ташкил этмоқда. Рўйхатга олинган саноат намуналарининг 96,1%и миллий ихтирочилар улушига тўғри келмоқда.

Товар белгилари учун берилган аризаларнинг 33,5%и миллий процедура бўйича, 66,5%и эса Мадрид келишувини процедураси бўйича тақдим этилган. Хорижий буюртмачилар ичида АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Сингапур, Корея Республикаси, Россия, Греция, Ҳиндистон вакиллари товар белгилари учун кўпроқ аризалар бермоқдалар. Масалан, АҚШ буюртмачиларининг улуши 30%ни, Буюк Британия вакиллариининг улуши 15%ни ташкил этган.

Шунингдек, рўйхатга олинган миллий товар белгиларининг 23,4% масъулияти чекланган жамият ва фирмалар, 18,3 % корхона ва комбинатлар, 12% акциядорлик жамиятлари, 17% қўшма корхоналар, 5,7% хусусий корхоналар, 5,5% кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, уларнинг атиги 0,6% олий ва бошқа ўқув юртларига 1,6% илмий тадқиқот институтларига, 0,1% ЎзР ФА ташкилотлари улушига тўғри келмоқда. Демак, бу борада корхона фирмалар фаоллик кўрсатмоқдалар. Аммо илмий муассасалар товар белгиларини ишлаб чиқишда

ниҳоятда суст қатнашмоқдалар. Улар ўзларининг илмий салоҳиятидан фойдаланмаяптилар.

ЭХМ дастурлари ва маълумотлар базаси учун тақдим этилган ишларнинг 94,5%и рўйхатга олиниб, уларнинг муаллифларига патент берилмоқда. Бу ҳол улар фаоллигининг ҳамда бажарган иш сифатининг йилдан-йилга ошиб бораётганигидан далолат беради.

Селекция ютуқлари учун берилган аризаларнинг 85,9%и ўсимлик сортлари учун, 14,1%и эса чорва моллари наслари учун тақдим этилган. Пахтанинг 34 та сорти, юмшоқ буғдойнинг 12 та, қаттиқ буғдойнинг 2 та сортига ариза берилган¹.

Таҳлил даврида интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида 1535та шартномалар рўйхатга олинган. Улардан 1075 таси (70%) муҳофаза қилинган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни бошқаларга бериш тўғрисида, 42 таси (2,7%и) мутлақ лицензия учун, 412 таси (26,8%и) мутлақ бўлмаган лицензия учун, 6 таси (0,4%и) тўлиқ лицензия учун шартномалар рўйхатга олинган².

Шуни айтиш жоизки, интеллектуал мулк объектлари бўйича рўйхатга олинган шартномаларнинг 26,5%и ихтиролар, 0,8%и фойдали моделлар, 5,7%и саноат намуналари, 64,7%и товар белгилари бўйича тузилган (қаранг: 3.3.2-жадвал).

Ушбу маълумотлар фойдали моделлар, ЭХМ дастурлари ва маълумот базалари селекция ютуқлари бўйича шартномалар гузиш жуда суст эканлигини кўрсатмоқда.

¹ Основные направления итоги деятельности ГПЕ РУз. Годовой отчет 2002 год. - Т., ГВП РУз, 2003. С.49.

² Основные направления итоги деятельности ГПЕ РУз. Годовой отчет 2002 год. - Т., ГВП РУз, 2003. С.51.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк объеклари бўйича руйхатга олинган шартнома турлари (сон)¹.

Кўрсаткичлар	1998й	1999й	2000 й	2001й	2002й	Жам и
Ихтиролар	100	79	83	107	38	407
Фойдали моделлар	1	1	6	5	-	13
Саноат намуналари	12	29	15	11	20	87
Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари	42	219	267	219	247	994
ЭХМ дастурлари ва маълумот базалари	6	13	2	8	2	31
Селекция ютуқлари	-	2	1	-	-	3
Жами	161	343	374	350	307	1535

Эндиликда интеллектуал мулк объеклари бўйича шартномалар тузиши кўпайтириш учун улар тўғрисида интернет орқали маълумотлар бериб туришни йўлга қўйиш лозим бўлади. Шунингдек, йирик корхона, муассасалар, олий ўқув юрғларида патент бюрolarини ташкил этиш, ихтирочилар учун ихтироларини расмийлаштиришда кўмаклашиш мақсадида турли семинар, ўқув курсларини мунтазам ўтказиб туриш мақсадга тақозо этилади.

Ишловчиларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

➤ кейинга қолдирилган ва кўриб чиқилмаган ихтиро ва рационализаторлик таклифлари сонини ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларини кескин қисқартириш;

➤ бунинг учун ихтирочи ва рационализаторларни ҳамда техник янгилликларни ишлаб чиқаришга жорий этишга кўмаклашувчи мутасадди ходимларни рағбатлантириш механизминини такомиллаштириш;

¹ Основные направления итoги деятельности ГПВ РУз. Годовой отчет 2002 год. -Т. ГВП РУз, 2003. С.52. маълумотлари

► ишловчиларнинг техник ижодкорлигининг жамоавий шакллари ривожлантириш, ижодий гуруҳларни шакллантириш, жамоавий техник ижодкорликнинг қуйидаги афзалликларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: 1) улар ягона режа билан фаолият юритиб, ўз кучларини корхона учун муҳим техник ечимларни ечишга йўналтирадилар; 2) улар ихтиро ва рационализаторлик таклифларини яратиш, техник ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатини қисқартириш имконини беради. Натижада қайтарилган ва кўриб чиқилмаган техник ижод роялари, янгиликлари сонининг қисқаришига ҳам олиб келади; 3) жамоа ишчи ва инженер-техник ходимларнинг касб-малака маҳоратини оширишга шароит яратади; 4) ишловчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларининг ривожланишига имкон беради ҳамда жамоа билан корхона ўртасида шартнома шартларининг ўз вақтида бажарилишини, новаторлар ҳуқуқларини биргаликда ҳимоя қилиш имкониятини яратади;

► техник ижодкорликни қўллаб-қувватловчи жамоат ташкилотларини, яъни ихтирочилар ва рационализаторлар ташкилоти (ИРТ) ва фан-техника жамияти ФТЖ фаолиятини қайта жонлантириш лозим. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликлари туфайли бу ташкилотларнинг фаолияти тўхтаб қолди. Бизнинг фикримизча, ИРТ доирасида жамоатчилик асосидаги конструкторлик ва патент бюрolari, шунингдек, комплекс ижодий бюрolar қайта ташкил этилиши лозим. ФТЖ доирасида эса имконияти бор бўлган корхоналарда ижодий гуруҳлар, техник ахборот жамоатчилик бюроси, иқтисодий таҳлил жамоатчилик бюрolarини ва бошқа ижодий гуруҳларни ташкил этиш.

Инсон омилининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги ролини кучайтириш учун ишловчиларнинг меҳнат ва ижодий фаоллигини оширишга тўсқинлик

қилувчи омиларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш лозим бўлади. Шу боисдан, биз Ўзбекистон қаттиқ қоришмали ўтга чидамли металллар комбинати (ЎҚҚЎЧМК) ва Ўзбекистон темир йўллари ДАКга қарашли йўл қурилиши трестининг қурилиш материаллари ва конструкциялар комбинати (ҚМ ва КК) ишчи, ходимларига «Сизга ишингизда нима ёқмайди?» деган савол билан мурожаат этганимизда уларнинг 33,5%и иш ҳақининг камлиги, 24,3%и асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, 11,3%и эса корхона фойдасидан улуш олмасликларини, яъни фойданинг тақсимланишида иштирок этмасликларини айтишди (қаранг: 3.3.3-жадвал).

3.3.3-жадвал.

Меҳнатдан қониқмаслик сабаблари (Сизга ишингизда нима ёқмайди? деган саволга жавоблар; якунига нисбатан % ҳисобида)

Жавоблар	ЎҚҚЎЧМК	ҚМ ва КК	Жам и
Иш ҳақининг камлиги	40,5	28,9	33,5
Асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги	27,7	22,1	24,3
Ишловчиларнинг корхона фойдасида улуш олмасликлари	2,1	17,2	11,3
Меҳнат шaroитининг ёмонлиги	9,6	8,3	8,8
Малакасини ошириш имкониятининг йўқлиги	7,4	6,9	7,1
Меҳнатнинг яхши ташкил этилмаганлиги (тез-тез тўхтаб қолишлар, хом ашёдаги узилишлар)	2,1	7,6	5,4
Раҳбарлар билан келиша олмаслик	2,1	2,1	2,1
Корхонани бошқаришда иштирок этмаслик	1,1	1,4	1,2

Ишчи, ходимларни меҳнат шaroитининг ёмонлиги ва малакасини ошириш имкониятларининг йўқлиги ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш шaroитида тапвишга солмоқда. Бу ерда уларни раҳбарлар билан бўладиган муносабатларнинг ёмонлиги ҳамда корхонани бошқаришда иштирок эта олмаслик унчалик тапвишга солмаяпти.

ҚМ ва КҚда ишчи ходимларнинг иш ҳақлари ЎҚҚҰЧМКдагига қараганда анча юқори. Чунки бу корхона анча олдин давлат тасарруфидан чиқарилиб, акциядорлик жамиятига айлантирилган. Шу боисдан ҳам уларнинг корхона фойдасида иштирок этиши анча ташвишга солмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон омили родини ошириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун респондентларга «Сизнинг меҳнат унумдорлигингизни ошириш учун нима қилиш керак?» деган савол билан мурожаат қилинди. Бу саволга респондентларнинг 41,4%и - иш ҳақини оширишни, 15,5%и - меҳнат шароитларини яхшилашни, 13,4%и - корхона фойдасида ўз улушига эга бўлишни истайдилар (қаранг: 3.3.4-жадвал).

3.3.4-жадвал.

Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари («Сизнинг меҳнат унумдорлигингизни ошириш учун нима қилиш керак?» деган саволга жавоблар) якунига нисбатан % ҳисобида

Жавоблар	ЎҚҚҰЧМК	ҚМ ва КҚ	Жами
Иш ҳақини ошириш	61,3	29,4	41,4
Меҳнат шароитларини яхшилаш	18,3	13,7	15,5
Корхона фойдасида ўз улушига эга бўлмоқ	8,6	16,3	13,4
Техника ва технологияни такомиллаштириш	3,3	17,0	11,8
Малакани ошириш	4,3	9,2	11,8
Корхона мулкда ўз улушига эга бўлиш	2,1	7,8	5,7
Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш	2,1	6,6	4,9

Ушбу сўров натижаларига кўра ЎҚҚҰЧМКда 80% респондентлар меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омили сифатида иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилашни кўрсатдилар. Чунки бу корхона

фақат 2002 йилдагина давлат тасарруфидан чиқарилганлиги сабабли бозор муносабатлари таъсирини унчалик ўзларида ҳис этмаганлар. Шунингдек, комбинатда қайта жиҳозлаш ишлари тугатилмаган.

ҚМ ва КҚда эса меҳнат унумдорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ичида корхона фойдасида ва мулкида ўз улушига эга бўлиш ҳамда техника ва технологияни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки комбинат ишчи ва ходимлари мулкдор бўлишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини чуқурроқ англайдилар.

Ишлаб чиқаришнинг инсон омилини янада фаоллаштириш учун унинг меҳнат унумдорлигини оширишга таъсирини ҳисоблаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ушбу омилни ташкил этувчи компонентларини мустақил амал қилувчи социал иқтисодий омил сифатида иқтисодий самарадорликка таъсир этишини баҳолаш лозим бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифоқ меҳнат илмий-тадқиқот институти ва унинг Тошкентдаги филиали олимлари ва бошқалар томонидан XX асрнинг 70-80-йилларида инсон омили компонентлари ҳисобланган социал-иқтисодий омилларнинг меҳнат унумдорлигига таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқишга уринишлар, ҳаракатлар бўлган. Аммо собиқ Иттифоқ иқтисодиёти чуқур таназулга учраган ўтган асрнинг 80-90-йилларида ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу йўналишдаги илмий ишлар тўхтаб қолди. Шунингдек, ишлаб чиқилган методикалар илмий характерга эга бўлиб, амалиётда кенг қўлланилмади. Чунки социал-иқтисодий омиллар инсон ва унинг тараққиётига боғлиқ бўлганлиги учун уларнинг меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқ миқдорий жиҳатдан ҳисоблаш анча қийиндир. Аммо уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорликка ижобий таъсири шубҳасиздир. Шу босидан уларнинг таъсирини ҳисоблашга уриниб кўриш мумкин. Бунинг учун социал-

иқтисодий омиллар билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги алоқадорликни ифодалайдиган коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу коэффициентлар ишловчилар билим даражасининг 1 синфга ошганида, малакасининг 1 разрядга ошганида, меҳнат шароити яхшиланганида, рационализаторлик ва ихтирочилик фаолиятида иштирок этувчилар улушининг 1%га ошганида меҳнат унумдорлигининг неча фоизга ўсишини ифодалайдилар. Илгариги даврда иқтисодий фанда бундай коэффициентлар ишлаб чиқилган эди. Эндиликда улардан маълум даражада фойдаланиш мумкин. Шунингдек, янгидан вужудга келган соҳаларда, уларнинг техник ривожланиш даражасини, янги техника ва технология билан қуролланиш даражасини, иқтисодий барқарорликнинг таъминланишини ҳисобга олиб ушбу коэффициентларни ҳисоблаш мумкин. Бу коэффициентлар тармоқ лойиҳалаштириш илмий тадқиқот институтлари томонидан ишлаб чиқилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, мустақил социал-иқтисодий омил сифатида амал қилувчи инсон омили компонентларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга таъсирини қуйидаги формулалар орқали ифодалаш мумкин:

1) Социал-иқтисодий омиллар ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ўсиши (% ҳисобида):

$$\Delta M_y = \sum_{i=1}^n K_i \cdot K_{y_i} \cdot 100\%$$

бу ерда ΔM_y - меҳнат унумдорлигининг ўсиши; K_i - меҳнат унумдорлигининг социал-иқтисодий омил ҳисобига ўсиши коэффициенти; K_{y_i} - малака, билим ва бошқа шу каби қобилиятини оширган ишловчилар уларнинг умумий сснидаги улушини ифодаловчи коэффициент.

2) шартли равишда ишдан озод этилган ишловчилар сони, яъни меҳнатнинг тежалиши (Мт), киши ҳисобида:

$$M_t = \Delta \cdot M_y \cdot I_c$$

бу ерда Мт - шартли равишда ишдан озод этилган ишловчилар сони; Ис - ўртача йиллик ишловчилар сони.

3) Иш ҳақининг шартли равишда тежалиши (Ихт), сўмда:

$$I_{xt} = M_t \cdot I_x$$

бу ерда Их - ўртача йиллик иш ҳақи.

4) социал-иқтисодий омил ҳисобига ишлаб чиқилган ялпи (соф) маҳсулот яъни иқтисодий самарадорлик (Си):

$$C_i = (\Delta M_t \cdot Y_M) / 100\% = \sum_{i=1}^n K_i \cdot K_y \cdot Y_M / 100\%$$

бу ерда YM ялпи маҳсулот.

Ишлаб чиқаришнинг инсон омили компонентларини ифодаловчи социал-иқтисодий омилларнинг самарадорликка таъсирини аниқроқ ҳисоблаш учун уларнинг меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан боғлиқлик коэффициентларини аниқлаш лозим бўлади. Бу коэффициентлар фан-техника тараққиёти шароитида тез ўзгарувчан бўлади. Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида ҳам улар турлича бўлади. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу коэффициентларни аниқлаш учун аниқ тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон омили роли ошиб боради. Чунки Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва эркинлаштириш, бозор муносабатларини қарор топтириш ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштириш учун ижтимоий-иқтисодий асос яратади.

IV БОБ. ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Инсон омилини фаоллаштиришнинг ижтимоий- иқтисодий асосларининг яратилиши

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар инсонлар турмуш даражасини ва меҳнат фаоллигини ошириш учун тегишли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. Бу борада республика Президенти “фақат бозор муносабатларига ўтишгина бугунги кунда одамнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини кенг очишга, боқимандаликни енгишга, йўқолиб кетган хўжайинлик ҳиссини қайта тиклашга қодир”¹ - деб таъкидлаганлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида унинг тамойиллари, амал қилиш шартлари иқтисодиётнинг эркинлигини ифодалайди ҳамда кишиларнинг, ишлаб чиқаришнинг инсон омили фаоллигининг бозорга хос мотивациясини вужудга келтиради. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт бўлиб, унинг амал қилиш тамойиллари ва шартлари қуйидагилардан иборат: 1) якка шахсга тегишли ёки кишиларнинг улушларидан ташкил топадиган корпоратив хусусий мулкнинг иқтисодиётда етакчи ўринни эгаллаганлиги; 2) тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги; 3) шахсий манфаатни кўзлаб, фойда, даромад, наф олишга ингилиш иқтисодий фаолиятнинг бош мотиви эканлиги; 4) рақобат ва рақобатчилик муҳитининг мавжудлиги; 5) талаб ва таклиф нисбатининг ўзгаришлари таъсирида шаклланадиган нарх эркинлиги; 6) давлатнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., Ўзбекистон, 1997. 195-196-бетлар.

иқтисодиётга, тадбиркорлик фаолиятига аралашувининг чекланганлиги¹.

Эркин бозор иқтисодиётининг ушбу тамойиллар ва шартларининг амал қилиши инсон омилини фаоллаштириш учун умумий ижтимоий-иқтисодий муҳитни вужудга келтиради.

Инсон омилини шакллантириш ва фаоллаштиришнинг умумий йўналишларини, шарт-шароитларини аниқлаш учун авваломбор, инсоннинг ҳаётдан кўзлаган мақсади, орзу-истаклари нималардан иборат эканлигини, сўнгра эса уларни амалга ошириш механизмларини аниқлаш лозим бўлади.

Ҳар қандай жамиятда ва ҳамма даврларда инсон тўрт нарсани орзу қилади: «...мол тўпламоқ, кайф сурмоқ (яъни фаровон яшаш - Х.А), бошқаларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқ ва абадий шуҳрат қозонмоқ»².

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий нуқтаи назардан кишиларнинг умуминсоний мақсадларини, истак-орзуларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- мулкка эгалик қилиш, мулкдор бўлиш;
- шахсий фойда (даромад), наф кўриш;
- иқтисодий фаолият эркинлигига эга бўлиш;
- танлаш эркинлигига эгалик;
- жисмоний, маънавий етукликка эришиш;
- жамият ва жамоатчиликда юксак мавқега эга бўлиш.

Кишиларни мулкдор қилиш учун турли мулкчиликка асосланган кўп укладли иқтисодиёт шакллантирилади. Бунинг учун мулк давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади. Унинг негизида гурли, шу жумладан,

¹ Қарағ: Макконнелл К.Р., Брю С.А. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2-х Пер с англ. 11-го изд. Т.1 -М., Республика, 1992. С.51;

² Қалила ва Димна. -Т., Истиқлол, 1994. 42-б.

хусусий мулкчилик вужудга келтирилади ва ривожлантирилади. Шунингдек, кичик хусусий тадбиркорлик ва бизнес ривожлантирилади. Мулкдорлар синфини шакллантиришнинг муҳим учинчи йўналиши, иккиламчи қимматбаҳо қозғолар бозорини ривожлантириш, унга аҳолининг барча қатламларини кенгроқ жалб қилишдан иборат.

Кишиларнинг шахсий фойда (даромад), наф кўришга интилишларига кенг имкониятлар яратиш учун 1) тадбиркорлик даромади олишга шароит яратиш; 2) иш ҳақи ишчи кучи товарнинг ҳақиқий нархини ифодалаш керак ва ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбати негизда шаклланади; 3) ёлланма ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, яъни иш берувчилар даромадининг тақсимланишида ишгирок этиб, ўз улушларига эга бўлсалар, улар ўртасида ижтимоий шерикчиликка асосланган меҳнат муносабатлари ривожланади.

Оқибатда жамият аҳолининг турли қатламлари ўртасида тотувлик, бирдамлик вужудга келади. Улар ягона мақсад ва мафкурага эга бўладилар; 4) даромадлар ишлаб топилганлик механизмига эга бўлиши керак; 5) хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ва алоқаларни эркин нарх, талаб ва таклиф, соғлом рақобат асосида амалга ошириш учун иқтисодий шароитлар яратилади; 6) иқтисодий аҳволи ночор аҳоли қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш механизмини яратиш.

Иқтисодий фаолият эркинлиги қуйидаги йўллар билан яратилади:

- иқтисодиётни эркинлаштириш;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш, унинг иқтисодиётни асосан иқтисодий воситалар орқали тартибга солиш механизмини яратиш;
- тадбиркорлик, бизнес учун қулай ҳуқуқий кэфолатларни вужудга келтириш, уларни ҳимоялаш механизмини яратиш;

- аҳолининг иш билан оқилона, инсоний манфаатларига йўналтирилган бандлигини шакллантириш.

Танлаш эркинлиги қуйидагилар асосида таъминланади:

- макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодиёт-ни чуқур таркибий ўзгартириш орқали бозорларни рақобат бардош товар ва хизматлар билан тўлдириш;

- аҳолининг меҳнат мобилигини, ишлаб чиқарувчиларнинг бозор конъюнктурасига мослашувчанлигини таъминлаш.

Жисмоний, маънавий етукликка эришиш учун «Соғлом авлод», «Оила», узлуксиз таълим, кадрлар тайёрлаш дастурларини амалга ошириш лозим. Кишиларнинг жамият ва жамоатчиликда юксак мавқега эга бўлишга интилишлари учун шароит яратиш мақсадида қуйидагилар амалга оширилади:

- жамиятни демократиялашни чуқурлаштириш;

- мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;

- улар асосида кишиларнинг жамиятни, давлатни, хўжалик звеноларини бошқаришда фаол иштирок этишлари учун ижтимоий, сиёсий муҳит яратилади;

- кишиларнинг қуйи ижтимоий-иқтисодий стратдан (табақадан) юқори стратга ўтишлари, кўтарилишлари уларнинг билим, касбкорлик-малака, тажриба, кўникмаларининг ўсиб боришига боғлиқ қилиб қўядиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муҳит яратилиши керак.

Инсон омилини фаоллаштиришнинг ушбу ижтимоий-иқтисодий йўналишларининг концептуал тизими 4.1.1-иловада келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, унинг учун фаровон турмуш ва фаол меҳнат шароитларини яратиш мақсадида собиқ тоталитар тизимдан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Тоталитар, давлатлаштирилган иқтисодиётдан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш учун эса иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ва эркинлаштириш зарур бўлади.

Иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш давлат корхона ва ташкилотларини нодавлат мулк шаклларига ўтказиш ҳамда уни бевосита бошқаришдан иқтисодий восита ва усуллар асосида тартибга солишга ўтишдан иборатдир. Иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш уни эркинлаштириш билан узвий боғлиқ бўлади. Иқтисодиётни эркинлаштириш бозор муносабатлари ва қонунларининг амал қилиши, кишиларнинг фаолият ва танлаш эркинликлари учун шарт-шароит яратиш орқали хўжалик юригувчи субъектлар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг аралашувини зарурат даражасида чеклашни аниқлатади¹. Шу боисдан ҳам “иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа, - деган эди Президент И.А.Каримов, - энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини - функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар, хўжалик фаолиятига, биринчи гада, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат”². Демак, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш орқали уни эркинлаштириш амалга оширилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш мулкни хусусийлаштириш билан айнан бир хил эмас. Жаҳон амалиётида иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш қуйидаги тўрт усулларда амалга оширилади:

- бозорларни эркинлаштириш;

¹ Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг долзарб омили. //Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. -Т. Меҳнат, 2002. 92-б.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т. Ўзбекистон, 2000. 13-б.

- акциядорлик давлат - хусусий корхоналарини ташкил этишни ва улар фаолияти соҳаларини кенгайтиришни рағбатлантириш;

- давлат корхоналарига ҳам хусусий бизнес соҳасида мавжуд бўлган бошқариш ва инвестицияларни баҳолаш тамойилларини жорий этиш;

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқаришда асосий эътибор бозорларни эркинлаштиришга ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга қаратилди. Бозорларни эркинлаштириш ишлаб чиқаришни ва сотишни диверсификациялашни, божхона ва миллий иқтисодиётта импорт товарларининг кириб келишини чеклайдиган турли чекловларнинг юмшатилишини ҳамда нархларнинг эркинлаштирилишини аниқлатади.

Ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштиришда асосан мулкий муносабатларнинг қай тариха ҳал қилиниши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боисдан бу ерда биз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларини ўрганишга алоҳида эътиборни қаратдик.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан кўзланган мақсадлар қуйидагилардан иборат бўлди:

- собиқ тоталитар тизимдан қолган давлат мулки монополияси (якка ҳокимлиги)ни тугатиш;

- тенг ҳуқуқли хилма-хил мулкчилик шакллари ҳамда уларга асосланган кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш;

- хўжалик субъектлари фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган рақобат муҳитини яратиш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- давлат мулкани янги мулкдорга фақат сотиш йўли билан мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш;

- хусусийлаштиришга дастурий ёндашувни таъминлаш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш. Шунга кўра 40 дан ортиқ давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилди;

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли социал кафолатларнинг ярағилганлиги ва таъминланганлиги¹.

Республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичи кичик хусусийлаштириш босқичи деб аталди. Бу даврда хусусийлаштириш жараёнлари асосан савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарини хусусий ва жамоа (ширкат) мулки қилиб бериш тарзида амалга оширилди ва 1994 йилдаёқ тугалланди. Шу даврда савдо-сотиқ ҳажми ва умумовқатланиш ялпи маҳсулотининг 82 фоизидан ортиқроғи нодавлат иқтисодиёт секторига тўғри келди. Шунингдек, давлат уй-жой фондининг 95 фоизидан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 3 квартиранинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди. 1992-1994 йилларда 69 миндан ортиқ объектлар нодавлат мулк шаклларига айлантирилди. Бу давлатнинг барча хусусийлаштирилган корхоналарининг 80%га тўғри келади.

Хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи 1994 йилнинг ўрталаридан бошланди ва оммавий хусусийлаштириш жараёнлари сифатида тавсифланди. Ушбу босқичнинг мазмунини ва хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.. Ўзбекистон, 1995 48-50-б.

Президентининг 1994 йил 21 январда қабул қилган “Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ва 1994 йил 16 мартда қабул қилган “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармонлари белгилаб берди. Ушбу фармонларга кўра бу босқичда очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари яратилди, корхоналарнинг акциялари эркин сотувга чиқарилди ҳамда кенг кўламдаги кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозори вужудга келди.

Бу босқичда саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги, агросаноат комплексининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва пахта тозалаш тармоқларидаги ўрта ва йирик корхоналар, шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хивадаги сайёҳлик комплексларининг хусусийлаштирилиши бошланди.

Хусусийлаштиришнинг ушбу босқичида ўрта ва бирмунча йирик корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилганлиги учун уларнинг сони 1995-1999 йилларда 14132 тани ташкил этди. Давр охирида акциядорлик жамиятлари сони 5285 тани ташкил этди. Учинчи босқичда, яъни 2000-2005 йилларда эса тармоқ тузилмасини белгиловчи йирик корхоналар ижтимоий инфраструктура объектлари давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилди (қаранг: 4.1.1-жадвал).

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича таҳлил қилсак, 1992-2004 йилларда хусусийлаштирилган давлат объектларининг кўпроқ қисми Фарғона, Самарқанд, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрига тўғри келади (қаранг: 4.1.2-жадвал).

Ушбу жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, Жиззах, Хоразм, Сирдарё ва Навоий вилоятларида хусусийлаштирилган давлат объектлари камроқдир. Бу эса республикада илгариги собиқ тоталитар, марказлашган

Ўзбекистонда давлат корхоналарининг
хусусийлаштирилиши ва нодавлат хўжалик
субъектларининг шаклланиши¹

Кўрсаткичлар	1992- 1994	1995- 1999	2000- 2005
Давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган объектлар сони	69032	14132	6658
Акциядорлик жамиятлари сони ²	3569	5285	1788
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони, минг бирлик ³	80	160	308,7

¹ давр охиридаги сони

иқтисодий тизим шароитида ишлаб чиқарувчи кучларнинг нотекис равишда жойлаштирилганлиги ҳамда уларнинг ривожланиш даражаларида катта номутаносибликларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкидан фуқаролар, яъни жисмоний шахслар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Бунга улар ким ошди савдоларида кўчмас мулк объектларини, ер майдонлари, корхоналар ва транспорт воситаларини сотиб олиш йўли билан эришмоқдалар (қаранг: 4.1.1-расм).

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 1994-2003 йилларда фуқароларга 289189 та давлат мулк объектлари сотилди. Улардан 51,6%и кўчмас мулк объектлари, 21,1%и деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдонлари, 4,8%и корхоналар, 14,9%и транспорт воситалари, 7,6%и бошқа мулк объектларини ташкил этди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида яъни 1995-1999 йилларда, белгиланган давлат мулкни дастлабки хусусийлаштиришни тугаллаш, чинакам мулкдорлар қатламини шакллантириш, уларни ҳақиқий мулк эгаси қилиш каби вазифалар охиригача амалга оширилмади.

¹ Ўзбекистан десять лет по пути формирования рыночной экономики. // Колл. авт. Р.А.Алимов и др. -Т.:Ўзбекистон, 2001. С.56; Абдуқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р., Фарисов И. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. -Т.: ТДТУ, 2003. 21 б; Ўздавмулк қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича давлат тасарруфидан
чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар
(1992-2004 йй.)¹.

Худудлар	Юридик мақомдаги субъектлар				Жами
	1992-1993	1994-1995	1996-1998	1999-2004	
Қорақалпоғистон Республикаси	2444	975	358	301	4078
Вилоятлар					
Андижон	5120	2234	207	389	7947
Бухоро	3378	637	224	270	479
Жиззах	1571	279	193	257	600
Қашқадарё	4053	1445	306	401	6205
Навоий	115	398	126	280	242
Наманган	4094	1175	224	335	828
Самарқанд	5967	1946	416	270	8679
Сурхондарё	4932	228	238	398	5805
Сирдарё	1469	634	129	329	2561
Тошкент	5674	1390	301	441	7806
Фарғона	7273	2320	263	474	10330
Хоразм	2570	995	171	269	4005
Тошкент ш. Республика бўйича	4234	2425	436	1689	8784
	53902	18281	3597	6224	82004

1994-2003 йилларда фуқароларга сотилган мулклар².

¹ Приватизация и развитие частного сектора экономики. Информационно-аналитического бюллетень за 2003г.-Т., 2004. С.13; Уша бюллетен за 2004г.-Т., 2005. С. 50 маълумотлари асосида муаллиф тўмонидан тузилган.

² Ҳудудлар бўйича маълумотлари асосида муаллиф тўмонидан ҳисобланган ва тузилган.

Шунинг учун ҳам хусусий сектор миллий иқтисодиётда етакчи мақени эгалламади ва амалда мулкдорлар қатламини шакллантириш охирига етказилмади. Рақобат муҳити ҳам етарлича ривожланмади. Хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акциядорлик корхоналарининг низом жамғармаларида давлат улуши ҳамон юқори бўлиб, уларнинг фаолиятига давлат аралашувининг кўлами катталигича қолди. Шунинг учун ҳам ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "...хусусийлаштириш жараёни янада чуқурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш. Бу жараёнга тармоқни ташкил қилувчи йирик корхоналарни жалб этиш"¹, вазифаларини белгилаб берди. Янги босқичда рақобатчилик муҳитини шакллантириш учун хусусийлаштириш жараёнида мулкчилик шакллари ўзгартириш, тор ихтисослашган монополия тузилмаларига барҳам бериш, ишлаб чиқариш структурасини диверсификациялаштириш, бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январда қабул қилган "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида"ги Фармонида давлат корхоналарини устувор равишда хусусий мулкчиликка реализация қилиш йўли билан хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хусусийлаштирилган корхоналарда бошқариш тизимини ислох қилиш, уларда корпоратив бошқариш тамойилларини жорий этиш вазифалари белгилаб берилди.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - биринчи мақсадимиз. -Т. Ўзбекистон, 2000. 15-б.


Ушбу вазифаларни бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги қарори билан “Корхоналарни 2003-2004 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури”ни тасдиқлади. Унга кўра 2 йил ичида 3728 та корхона, объектлар хусусийлаштириш ва акциялар пакетларини сотиш режалаштирилган эди. Бунинг учун давлат мулки ва активларини сотишнинг эгилувчан механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан давлат мулкни хусусийлаштириш тартибларини ихчамлаштириш, такомиллаштириш ва жадаллаштириш мақсадида Ўздавмулк қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Давлат активларини номиналидан паст баҳода сотиш тартиби” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 7 июлда рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Паст рентабелли, зарар кўриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2003 йил 26 августда қабул қилган қарорига биноан “Инвесторларга паст рентабелли объектларни пул харид қиймати билан танлов асосида инвесторлар томонидан инвестицион мажбуриятларни олиш шарти билан сотиш тўғрисида”ги тартиби ҳамда “Хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларининг бошланғич баҳосини қадамба-қадам пасайтириб бориш тартиби” тасдиқланган.

Ушбу механизми қўллаш орқали 2004 йилда 290 АЖнинг акция пакетлари 9,84 млрд. сўмга сотилди. Бу ушбу акция пакетларининг номинал қийматидан 2,3 млрд. сўмга ортиқдир. Шунингдек, кўчмас мулк биржасида 486 та давлат объектлари уларнинг дастлабки баҳосини 1,714 млрд. сўмга ошириб, 5,56 млрд. сўмга шу жумладан, 15 та, объект 301,9 минг АҚШ долларига сотилди.

Ўтказилган таҳлиллار ва бевосита жойлардан олинган тақлифлар асосида 2004 йил 5 майда республика Вазирлар Маҳкамасининг 209-сонли “Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига киритилган 302та корхона ва объектлардан 280таси 99,82 млрд. сўмлик инвестиция мажбуриятлари олиш ҳисобига инвесторларга тендер савдолари орқали ноль баҳоларда бепул берилди. Ушбу қарорларнинг бажарилиши оқибатида Ўзбекистонда 2000 йилда 372 та, 2001 йилда 743 та, 2002 йилда 1912 та, 2003 йилда эса 1519 та, 2004 йилда 1228 та корхона ва объектлар хусусийлаштирилди (қаранг: 4.1.2-расм).

4.1.2-расм.

Ислоҳотларнинг янги bosқичида хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари¹



Умуман хусусийлаштириш дастури асосида 2003-2005-йилларда 4519та корхоналар, объектлар хусусийлаштирилди ва давлат акция пакетлари сотилди. Бу дастурда белгиланган миқдорнинг 94,9%ини ташкил

¹ Приватизация и развитие частного сектора экономики. Информационно-аналитический бюллетень за 2003 год. Т. 2004. С.12.; за 2004 год. 2005. С.9. маълумотлари асосида тузилди.

этади. Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш бўйича хорижий инвесторлар билан сўм эквивалентида 2003 йилда 21,9 млрд. сўмлик, 2004 йилда эса 46,3 млрд сўмлик 76 та шартнома тузилди. Улардан 64таси учун 21,6 млн АҚШ доллари ва 1,6 млрд сўм тўланган. Умуман хусусийлаштиришдан тушган жами маблағлар 2001 йилда 23,2 млрд сўмни, 2002 йилда 43,6 млрд сўмни, 2003 йилда 56,1 млрд. сўмни, 2004 йилда эса 78,5 млрд. сўмни ташкил этди¹.

Кейинги тўрт йилда, яъни 2001-2004 йилларда хусусийлаштирилган давлат корхоналари негизда 493 та акциядорлик жамиятлари, 3528 та хусусий ва 998 та бошқа ҳуқуқий ташкилий шакллардаги корхоналар ташкил этилди. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда давлат мулки объектларини хусусий мулкдорларга устувор равишда сотиш йўлга қўйилган. Давлат активлари мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиш ҳам жадаллашди. 2000-2003 йилларда хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини биржада ва биржадан ташқаридаги бозорларда инвесторларга сотиш ҳажми 6,8 баробарга ўсди. Шу жумладан жисмоний шахсларга сотиш 2,3 баробарга, кичик бизнес корхоналарига сотиш 2,5 баробарга, инвестицион воситачиларга сотиш 3,7 баробарга ўсгани ҳолда хорижий инвесторларга сотиш ҳажми 24,6 баробарга яқин ўсди (қаранг: 4.1.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари 2003 йилда хусусийлаштирилган давлат корхоналари акцияларининг 70,2%ни хорижий инвесторлар, 10,3%ни кичик бизнес субъектлари, 8,6%ни инвестицион воситачилар, 5,9%ни юқори ташкилотлар ва акциядорлик корхоналари, атиги 2,6%ни жисмоний шахслар, қолган 2,4%ни банклар ва ХИФлар сотиб олганлигидан далолат бермоқда. Бу ҳол

¹ Приватизация в развитии частного сектора экономики. Информационно-аналитический бюллетень за 2003 год. Т. 2004. С. 14.; за 2004 год. 2005. С.9. маълумотлари асосида тузилди

кичик бизнес субъектлари ва фуқароларнинг хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олишдаги улушларининг 2000 йилдагига нисбатан бирмунча пасайганлигини кўрсатмоқда.

4.1.3-жадвал.

Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини биржада ва биржадан ташқаридаги бозорларда инвесторларга сотиш ҳажмининг ўсиши (2000-2003 йй., млн. сўм)¹

Инвесторлар	2000	2001	2002	2003	2003 й. 2000 йилга нисбатан, %
Жисмоний шахслар	464,1	292,1	770,2	1094,4	235,8
Кичик бизнес корхоналари	1705,4	3871,4	7141,5	4284,7	251,2
Юқори ташкилотлар, акциядорлик жамиятлари	1318,8	2273,1	1582,1	2477,5	187,6
Банклар	307,0	92,6	119,9	554,8	108,7
Инвестиция фондлари (ХИФ)	126,5	140,4	121,4	383,3	303,0
Инвестицион воситачилар	969,0	736,2	935,9	3564,2	367,8
Хорижий инвесторлар	1182,8	4682,7	4052,3	29056,5	2456,6
Жами	6073,6	12087, 4	14724,3	41415,2	681,9

Бу хорижий инвесторларга акцияларни сотиш ҳажмининг кескин ўсганлиги билан изоҳланади.

Умуман, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги, эркинлаштириш ва хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш шароитида давлат мулкни унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлмоқда:

- хусусийлаштириш жараёнлари тармоқ таркибини белгилаб берувчи йирик корхоналарни қамраб олмоқда ҳамда монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини

¹ Приватизация и рейтинг класса собственников. Информационно-аналитического бюллетеня за 2002г. -Т., 2003. С.23 Ҳадавулқўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилади.

шакллантириш жараёнлари билан ўзаро боғлиқликда амалга оширилоқда;


- хусусийлаштириш жараёнига қўшимча инвестицион мажбуриятларни олиш шarti билан хорижий ва ички инвесторлар кенг жалб этиш. Инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилишга, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилади;

- акцияларни сотишнинг бирламчи ва иккиламчи биржа ва биржадан ташқаридаги бозорларини ривожлантириш, уларга жисмоний шахслар ва кичик бизнес субъектларини жалб этиш.

Иқтисодиётни, шу жумладан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш оқибаотида иқтисодиётда нодавлат секторнинг улуши ЯИМда 1990 йилдаги 38,1%дан 2005 йилда 75,8%га ўсди (қаранг: 4.1.3-расм).

4.1.3-расм.

Ўзбекистон иқтисодиётида нодавлат сектори улушининг ўсиб бориши (умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)¹.



¹ Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Т.,1996, 16-б.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002 г. -Т., 2003. -С.12.; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Ушбу маълумотлар мустақиллик йилларида нодавлат секторининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улушининг 7 баробардан зиёдга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 1990 йилдаги 65%дан 2005 йилда 99,5%га, чакана савдодаги улушининг қарийб 2 баробарга, иш билан банд аҳоли сонидаги улуши, эса 2 баробардан ортиққа ўсганлигини кўрсатмоқда. Эъдиликда нодавлат сектори иқтисодиётда етакчи мавқега эга бўлиб қолди. Бунинг натижасида мулкдорлар қатлами ҳам шаклланмоқда (қаранг: 4.1.4-жадвал).

4.1.4-жадвал.

Ўзбекистонда мулк эгалари таркиби (2004 йил 1 январь ҳолати)¹

Мулк эгалари	Минг киши
Акциядорлар (жи-моний шахслар)	1500
Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари	4207,4
Шу жумладан:	
Деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтганлар	1973,5
Ҳуқуқий шахс мақомидаги деҳқон хўжаликлари эгалари	28,1
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари (рўйхатдан ўтганлар)	308,7
Шу жумладан:	
Фермер хўжаликлари эгалар	125,7
Ширкат хўжаликларидаги паёчилар	4280,6
Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар	280
Ер участкалари, кўчмас мулкни қўлга киритганлар	290
Жами	7066,1

Ушбу жадвал маълумотларинг кўра 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра турли шаклдаги мулк эгалари сони 7 миллион кишидан ортади. Уларнинг 4,2 миллионини, яъни 59,5%ни деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари ташкил этади. Акциядорлар 21,2%ни, ширкат хўжаликлари

¹ Приватизация и развитие частного сектора экономики. Информационно-аналитического бюллетень за 2003г. -Т., 2004. С.27, 61-63; Ўздавмулк ҳўқитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

пайчилари 6,7%ни, рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эгалари эса атиги 4,4%ни ташкил этмоқда. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, турли тадбиркорлик даромадлари олиш имкониятига эга бўлган мулк эгалари сони республика аҳолисининг 30%га яқинини ташкил этсада, аммо амалда мулкдорлар қатламини шакллантириш жараёнлари қийин кечмоқда.

Республикамизда рўйхатга олинган 4116 акциядорлик жамиятларидан 3884 тасида, яъни 94%да 2003 йил якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Улардан фақат 726таси(18,8%)да устав фонди миқдори 50 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг ёки ундан ортиқдир. 826 АЖда устав фондини кўнайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2261 та АЖни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган¹. Бундан кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятларининг озчилик қисмигина нормал дивиденд тўлашга қодир. Кўпчилик АЖлар акцияларга дивиденд тўлай олмайдилар ёки оз миқдорда тўлайдилар холос.

Республикада 2003 йилда мавжуд бўлган 1701 та ширкат хўжаликларининг 1280598 аъзоларининг ҳар бирига ер қийматини ҳисобга олмаганда ўрта ҳисобда 125,2 минг сўм миқдорда пай миқдори тўғри келганди. 1 пай эгасига ўртача Сирдарё вилоятида 844,5 минг сўмлик, Сурхондарё вилоятида - 744,4 минг сўмлик, Қорақалпоғистон Республикасида 482,7 минг сўмлик пай тўғри келган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 10,5 минг сўм, Бухорода - 8,7 минг сўм, Хоразм вилоятида эса атиги 2,3 минг сўмни ташкил этди². Бу ҳол пай эгаларининг ўзларини ҳақиқий мулкдор деб ҳисоблашларига имкон бермайди. Шунингдек, республикада 4,2 млн. ёрдамчи томорқа хўжаликлари

¹ Приватизация и развития частного сектора экономики... Информационно-аналитического бюллетень за 2003г. -Т., 2004. С.10.

² Приватизация и развития частного сектора экономики... Информационно-аналитического бюллетень за 2003г. -Т., 2004. С.61.

мавжуд бўлиб, улар аҳолининг пул ва натурал даромадлари катта қисмининг манбаи ҳисобланади. Аммо уларнинг 46,9% деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтган, 0,7% юридик шахс мақомини олган. Демак, уларнинг ярмидан кўпроғи майда товар хўжаликлари эгалари сифатида бозор учун ишлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 308,7 мингтаси, яъни рўйхатга олинганларнинг 87%и фаолият юритмоқда. Ушбу маълумотлар амалда мулкдорлар синфини шакллантириш, ишловчиларда ўз мулкига, меҳнати маҳсулотига хўжайинлик ҳиссини, меҳнатга масъулиятли ёндашувини ривожлантириш учун кўп ишлар қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Шунинг учун юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида «Хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш»¹ вазифасини қўйди.

Эндиликда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш асосида ҳақиқий мулкдорлар қатламини, ишловчиларда меҳнат ва ижодий фаолиқни ошириш учун тегишли ижтимоий-иқтисодий асос яратиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларига кўплаб ички ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун стратегик аҳамиятга эга бўлмаган, ликвидли давлат корхоналарининг танлов асосидаги очиқ савдосини ташкил этиш. Бунда фуқаролар, кичик бизнес субъектлари, билан хорижий инвесторлар учун тенг шароитлар яратиш лозим;

¹ Қаришов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005. - 79-б.

- паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини хусусий мулкдорларга, хорижий инвесторларга инвестицион мажбуриятлар олиш шarti билан арзонлаштирилган баҳода ёки бeнул берилганлиги туфайли, улар фаолиятининг мониторингини олиб бoришни таъминлаш лoзим. Агар инвестицион мажбуриятнинг бажарилиши муддатлари чўзилиб кетса, инвесторни иқтисодий жиҳатдан жазолаш чоратadbирлари, керак бўлса, улардан олиб қўйилиб, бошқаларга бeриш механизми ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир;

- йирик корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантиришда низом жамғармаси миқдорини ҳозирги талаб даражасида бўлишини таъминлаш керак бўлади. Акциядорларнинг барча гуруҳлари манфаатларининг мослигини, мувозанатини таъминлаш учун оқилona дивиденд сиёсатини юритишни ўрганишлари лoзим. Шунингдек, акциядорларда жамият раҳбарияти ва менежерлар фаолиятидан воқиф бўлишлари, бунинг учун назорат қилиш механизмини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун уларда замонавий корпоратив бошқариш тизими ва тамойилларини жорий этиш керак бўлади;

- ширкаг хўжаликларида пайчиларнинг ер баҳосини ҳисобга олмагандаги пай улушларини кўпайтириш, улар учун дивиденд тўлашни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ривожлантиришдаги ролини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш асосида ўрта мулкдорлар синфини қарор топтириш мақсадга мувофиқдир;

- маъмурий-бошқариш тизимида амалга ошириладиган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда давлатнинг иқтисодий

вазифаларини қисқартиришга, унинг иқтисодий тартибга солиш механизмини бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш механизми билан уйғунлигини таъминлаш лозим. Ана шундагина ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштириш учун қулай ижтимоий-иқтисодий асос яратилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

4.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамиятининг ошиб бориши

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омилининг намоён бўлиши шаклларида бири тадбиркорлик бўлиб, унинг эркин ривожланиши миллий иқтисодий тараққиётнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакатда бизнес, тадбиркорлик субъектларини кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлиш уларда қабул қилинган тамойилларга асосланади. Бу тамойиллар эса улардаги иқтисодийнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш ва капитал концентрациялашуви даражасига боғлиқ равишда шаклланади.

Ўзбекистон Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 9 апрелда қабул қилган фармонида кўра мулк шаклидан қатъий назар микрофирма, кичик, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармонида кўра илгариги микрофирма, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига бўлиш

тамоийллари ўзгарди. Ушбу Фармонга кўра 2004 йил 1 январидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тоифасига қуйидагилар киради:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

- қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати - 100 кишидан;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари - 50 кишидан;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (сугурта компанияларидан ташқари) савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар - 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётида ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди. Унинг афзаллиги бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчанлиги, кам маблағ талаб этиши, янгиликларни тез жорий этиш ва тарқатиш имкониятларига эгаллигида намоён бўлади. Шу боисдан, кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2003 йил 30 август.

Буюк Британияда 50-53%, Францияда 55-62%, АҚШда 50-52%, Японияда 52-55%ни ташкил этади. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда кичик бизнес соҳасида иш билан банд аҳолининг 50-70 ҳатто 80%га яқини фаолият юритади¹.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга моликдир. Бу борада Президент И.А.Каримов «Кичик бизнес-жамиятда ҳам, иқтисодиётда ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир. Бу - янги иш ўринларидир»², - деб таъкидлаганлар. Юртбошимизнинг ушбу сўзларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ўрта мулкдорлар табақасининг қарор топиши мамлакатда амалга оширилаётган демократик, иқтисодий ислохотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этиш касфолатининг яратилишини, кишиларда ўз ишига масъулиятли муносабатининг вужудга келишига олиб келди. Шунингдек, бунинг оқибатида кишиларда меҳнатга қизиқиш, манфаатдорлик ва фаоллик ортади³. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг тадбиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда.

Миллий иқтисодиётда рўйхатга олинган хўжалик субъектлари сони 1996 йилда 146 мингтани, 1999 йилда 178,3 мингтани, 2005 йилда эса 347,4 мингтани ташкил этди. Шу даврда уларнинг сони 2 баробардан кўпга ўсди. Агар 1996-1999 йилда 77,4%га ўсган бўлса, 2000-2005 йилда 94,8%га кўпайди (қаранг: 4.2.1-расм).

¹ Дилова яреда в Ўзбекистане газами представителей малого и среднего бизнеса. // Международная финансовая корпорация, 2003. С.15-16.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликни таъмин барқарорлик шартлари ва тараққият касфолатлари -Т., Ўзбекистон, 1997-198-б.


³ Уша яреда. 198-б.

Барча рўйхатга олинган хўжалик субъектларининг умумий сонига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 1996 йилда 61,6 %ни, 1999 йилда 89,5 %ни, 2005 йилда эса 88,9 %ни ташкил этди. 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра уларнинг сони 308,7 мингтага етди, шу жумладан 91,4 мингтаси хусусий корхоналардир. Рўйхатга олинган кичик бизнес субъектларининг, яъни 87,9%и фаолият кўрсатмоқда. Бу эса иқтисодий эркинлаштириш шароитида хўжалик субъектлари, шу жумладан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароит яратилаётганидан далолат беради.

Маълумки, XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаолиятига давлат ва турли назорат органларининг ноўрин аралашуви ҳолатлари кучайган эди.

4.2.1-расм.

Рўйхатга олинган ҳуқуқий шахс мақомидаги хўжалик субъектлари, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони (1 январь ҳолати)¹.



Шу боисдан Президент И.А.Каримов Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг 14 сессиясида ва Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузаларида

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий ҳўрсаткичлари -Т., 1997. 12-14-б; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 г. -Т., 2000. С.10; там же за 2003 г. -Т., 2004. С.9 асосида муаллиф томонидан тузилган.

бундай ҳолларни кескин танқид қилди. Юртбошимиз кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўллари тўғрисида сўзлаб, жумладан: «энг асосийси - кичик бизнесни унинг фаолиятига асоссиз равишда аралашадиган, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш ўрнига, ҳалақит берадиган турли назорат идораларини тартибга чақиришимиз керак»¹, - деб таъкидлаган эдилар.

Бу борада қилинган ишлар ҳамда кичик бизнес корхоналарини тузиш шартларининг соддалаштирилиши, уларнинг хом ашё ва кредит заҳираларидан, асбоб-ускуналар ва материаллардан доимий фойдалана олиш тартибларининг бирмунча эркинлаштирилиши натижасида фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектларининг рўйхатдан ўтганларнинг умумий сонидagi улуши кейинги даврда ўсиб бормоқда. Масалан, фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектларининг рўйхатдан ўтганлар умумий сонидagi улуши 1999 йилдаги 78,6%дан 2004 йилда 85,6%га ўсди. Бу кўрсаткич шу даврда Қорақалпоғистон Республикасида 58,6%дан, 90,6%га, Навоий вилоятида 74%дан 94,1%га, Сирдарёда 77,3% дан 93,4%га, Самарқандда 67,8%дан 88,3%га, Фарғонада 77%дан 81,3%га ўсди². Аммо бу маълумотлар ушбу кўрсаткичнинг деярли барча ҳудудларда 2004 йилда 2002 йилга нисбатан пасайганлигини кўрсатмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг амалга оширилишининг жадаллашганлиги билан изоҳланади.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланиши даражаси аҳолининг ҳар 1000 кишига тўғри келадиган КБХТ корхоналари сони билан ҳам изоҳланади. Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес корхоналари сони АҚШда 74,2 тани, Японияда 49,6 тани, Европа Иттифоқи

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фировол ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т., Ўзбекистон, 2000, 17-б.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

мамлакатларида ўртача 45 тани, шу жумладан, Францияда 35 тани, Германияда 37 тани, Буюк Британияда 46 тани, Италияда 68 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич Россияда 5,6 тани ташкил этгани¹ ҳолда Ўзбекистонда 2003 йилда 9 тага етди. Ваҳоланки, 1999 йилда ҳар 1000 кишига 5,1 та КЎБ корхонаси тўғри келар эди (қаранг: 4.2.1-жадвал).

4.2.1-жадвал.

Ўзбекистон ҳудудларида ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик корхоналари сонининг ўсиши²

Худудлар	1999	2000	2001	2002	2003
Қорақалпоғистон Республикаси	3,1	4,4	5,8	6,9	7,8
Вилоятлар:					
Андижон	5,2	7,3	8,2	9,1	8,9
Бухоро	5,7	6,9	8,4	10,6	11,7
Жиззах	6,5	7,9	9,5	14,8	16,2
Қашқадарё	4,3	5,4	6,3	9,4	12,2
Навоий	4,2	7,1	9,8	12,1	7,1
Наманган	4,8	5,3	5,9	7,1	11,7
Самарқанд	4,3	6,0	7,3	7,7	7,6
Сурхондарё	4,3	5,0	5,6	6,2	6,4
Сирдарё	5,5	8,3	9,8	12,3	15,3
Тошкент	4,6	5,1	5,9	6,7	7,3
Фарғона	4,2	4,6	5,8	7,2	6,8
Хоразм	5,2	6,5	7,3	8,3	9,1
Тошкент шаҳри	10,3	8,1	8,7	9,4	9,1
Республика бўйича жами	5,1	6,0	7,1	8,5	9,0

Ушбу жадвал маълумотлари ҳар 1000 кишига тўғри келадиган КБХТ субъектлари сонининг Бухоро ва Наманган вилоятларида 11,7тани, Қашқадарёда 12,2 тани, Сирдарё вилоятида 15,3 ва Жиззах вилоятида 16,2 тани ташкил этганлигини кўрсатмоқда. Бу сўнгги йилларда ушбу вилоятларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини тугатиш асосида кўплаб фермер ва ҳуқуқий шахс мақомидаги деҳқон хўжалиklarининг ташкил этилаётганлиги билан изоҳланади.

¹ Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса. // Межгосударственная финансовая корпорация 2003. С.15-16.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўздавмулк қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Бу кўрсаткич Фарғона, Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд ва Навоий вилоятларида нисбатан суст ўсимда. Ушбу ҳудудларда нисбатан йирик саноат корхоналарининг жойлашганлиги учун ҳам КБХТ корхоналари сонининг ўсиш суръати бошқа ҳудудлардагига нисбатан пастроқдир.

Ўзбекистонда ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини мулкчилик шакллари бўйича якка шахсга тегишли ёки уларнинг улушларидан ташкил топган хусусий мулкка асосланган тадбиркорликка ажратиш мумкин. Ташкилий-ҳуқуқий тузилиши жиҳатидан асосан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- якка шахсга тегишли ҳуқуқий шахс мақомидаги ёки ундай мақомга эга бўлмаган хусусий тадбиркорлик;

- кишиларнинг мулкий улушларидан ташкил топган жамоавий тадбиркорлик;

- хўжалик бирлашмалари таркибидаги тадбиркорлик субъектлари.

Маълумотга кўра бир корхонага тўғри келадиган айланма маблағлар хусусий корхоналарда энг кам миқдорни, бошқа мулкчилик - ташкилий шаклларда, шу жумладан хўжалик бирлашмалари таркибидаги тадбиркорлик корхоналарида анча кўп миқдорни ташкил этади. Бу эса уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларининг хусусий тадбиркорлик корхоналариникига нисбатан анча яхши эканлигидан далолат беради. Ушбу хўжалик шакллари ўртасида тенг иқтисодий шароит ва имкониятлар яратиш учун хусусий тадбиркорликка молиявий, моддий-техникавий ресурслар билан татминланишида, давлат томонидан қўллаб-қувватлашда устуворликлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги

улуши 1999 йилда 47,5%ни, 2005 йилда эса 76,8%ни ташкил этди (қаранг: 4.2.2-жадвал).

4.2.2-жадвал.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича
таркибининг ўзгариши¹

Фоолият турлари	2000 йил 1 январь		2004 йил 1 январь		Ўзгариши	
	Сони минг	Улуши %	Сони минг	Улуши %	Миқ- дорий ўзга- риши, %	Улушининг ўзгариши лулукта- гом пасайиш+
Жами	159,7	100	308,7	100	193,3	0,0
Шу жумладан:						
Саноат	20,6	12,9	27,0	8,8	131,1	4,1
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	37,6	23,5	182,0	58,9	484,0	35,4
Қурилиш	12,3	7,7	15,8	5,5	128,5	2,6
Транспорт ва алоқа	1,3	0,8	3,3	1,1	253,8	0,3
Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	4,1	2,6	9,0	2,9	19,5	0,3
Савдо ва умумовқатланиш	61,4	38,4	59,6	19,3	97,1	-19,1
Аҳолига хизмат кўрсатишнинг ноншлаб чиқариш турлари	1,3	0,8	2,3	0,7	176,9	0,1
Соғлиқни сақалш ва жисмоний тарбия	3,0	1,9	4,4	1,4	146,7	0,5
Таълим ва маданият, санъат	1,9	1,2	2,4	0,8	126,3	0,5
Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1,3	0,8	0,6	0,2	46,1	-0,6
Бошқа ноншлаб чиқариш тармоқлари	14,8	9,3	2,3	0,8	15,5	-8,5

¹ Развитие малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства в Республике Узбекистан до 2000 год. Стат. Бюллетень Госкоминущество РУз. -Т., 2001. С.24; Узбекистон Республикасининг 2005 йил ахборотномаси. -Т., 2006. 10-11-б маълумотлари асосда муаллаф томонидан тузилди.


Ушбу жадвел маълумотлари таҳлил даврида рўйхатга олинган КЎБ субъектлари сонининг 65,2%га ўсганлигини кўрсатмоқда. Саноатда уларнинг сони 30,6%га ўсганлигига қарамасдан, уларнинг улуши камайди. 1999 йилда савдо ва умумовқатланиш соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши энг катта эди. Эндиликда уларнинг сони 2%га камайдигани ҳолда улуши 15,6 пунктга пасайди. Қишлоқ хўжалигида фермер ва ҳуқуқий шахс мақомидаги деҳқон хўжаликлари сонининг ўсиши оқибатида тадбиркорлик субъектлари таркибида салмоқли ўринни эгалладилар. Шунингдек, кичик тадбиркорлик ижтимоий-маданий соҳада суст ривожланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт тараққиётида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 1991 йилда 1,5% ни 1999 йилда 29,1%ни, 2005 йилда 35,6%ни ташкил этди. (қаранг: 4.2.2-расм).

Ушбу маълумотлар қишлоқ хўжалигида деҳқон ва фермер хўжаликларининг тармоқ ялпи маҳсулотида улушининг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунга сабаб қишлоқ хўжалиги ширкат хўжаликларининг тугатилиши асосида кўплаб фермер ва ҳуқуқий шахс мақомидаги деҳқон хўжаликларининг ташкил этилишидир. Кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ролининг ортиб бораётганлигига қарамасдан уларнинг улуши анча пастдир. Бунга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналарнинг қишлоқ жойларда ташкил этилиши жараёнларининг анча суст амалга оширилаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 2000 йилда уларда 4467,1 минг киши ишлаган бўлса, 2005 йилга келиб, ишловчилар сони 6679 минг кишига, яъни 49,5%га ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодийдаги улушининг ўсиб бориши (яқунига нисбатан % ҳисобида)¹



Кичик тадбиркорлик субъектларининг аҳолини иш билан бандлигидаги улуши жиҳатидан тобора ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашиб бормоқда. Масалан, юз кишидан кам ходимлар ишлайдиган компанияларда умумий иш билан банд аҳолининг АҚШда 40%дан кўпроғи, Данияда-60%, Италияда 70%и банддир. 500 кишидан кам ишловчилари бўлган корхоналарда эса бу кўрсаткич Белгияда 60%дан кўпроғи, Японияда-70%ни, Португалияда 80%га яқинни ташкил этади².

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаоллиги ҳам ошмоқда. Уларнинг асосий

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 г. - Т. 2000, С.13; Узбекистан иқтисодий Тақдирлар шарт. 2004 йил. Т., 2005 33,37-б. маълумотлари асосида тузилади


² Центральная Азия 2010: перспективы человеческого развития. -М., ПРООН, 2000. С.130.

капиталга киритилган инвестициялардаги улуши 1999-2005 йилларда 4,9 пунктдан ортиқроққа ўсди. Бу эса уларнинг ишлаб чиқаришини янги техника ва технология билан қайта қуроллантириш, мавжуд техника базасини янгилаш асосида бозор талабларига мос, сифатли товарлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ташқи савдо айланмасида, экспорт ва импортидаги улуши ҳам ўзгармоқда (қаранг: 4.2.3-расм).

4.2.3-расм.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг экспорт ва импортидаги улушининг ўзгариши (% ҳисобида)¹.



Ушбу маълумотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат экспортидаги улушининг йилдан-йилга камайиб бораётанлигини, аммо импортидаги улушининг бирмунча юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бу ҳол биринчидан, мамлакат ташқи савдо айланмаси ҳажмининг камайиб борганлиги; иккинчидан, йирик корхоналар, айниқса йирик машинасозлик, кимё ва нефть кимёси ҳамда қазиб чиқарувчи саноат корхоналари

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 г. -Т., 2000. С.28; Там же за 2000 г. -Т., 2001. С.29; Там же за 2001 г. -Т., 2002. С.13; Узбекистоннинг 2005й статистик ахборотномаси -Т., 2006 11-б. маълумотлари асосида тузилади.

улушининг ўсганлиги; учинчидан, кичик тадбиркорлик корхоналарининг халқаро бозорларга рақобатбардош товарлар билан чиқишда тажриба ҳамда уларга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаси муассасаларининг етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади.

Уларнинг импортдаги ҳажмининг юқорилигига ушбу сектор субъектларида ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш, янги техника ва технологияни жорий этиш жараёнларининг давом этаётганлиги ҳамда тижорат воситачилик фаолияти билан шугулланаётган корхоналарнинг импорт товарларни ички бозорларда сотиш билан машғул бўлаётганликлари сабаб бўлмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, экспорт ва импортда ўрта корхоналарнинг улуши камайиб, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улушлари ўсиб бормоқда. Аммо юқоридаги сабабларга кўра уларнинг ташқи савдо фаолияти анча сустдир. 2004 йилда фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектларининг атиги 1,6%, яъни 3,8 мингтасигина ташқи савдо билан шугулланмоқда¹.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омнининг амал қилиш шакли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида камдан-кам кишиларда бўладиган ва ноёб қобилият ҳисобланадиган тадбиркорлик қобилияти ётади. Унинг самарадорлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг самарадорлиги кўрсаткичларида намоён бўлади. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда.

Бизнинг таҳлилларимиз, республикамиздаги барча турдаги корхоналарда фойданинг маҳсулот, иш ва хизматларни реализация қилишдан олинган пул тушумидаги улуши 1997 йилдаги 7,7%дан 2000 йилда 7,1%га, 2003 йилда 6,7%га камайди. Аммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида эса бу кўрсаткич

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарт 2003 йил. -Т., 2004. 36-б.

шунга мос равишда 16,0%, 15,7% ва 18,1%га ўсди (қаранг: 4.2.3-жадвал).

4.2.3-жадвал.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятининг фойдалилик кўрсаткичлари (% ҳисобида)¹

Корхона шакллари	Фойданинг пул тушумидаги улуши, (% ҳисобида)			Фойданинг харажатларга нисбати, (% ҳисобида)		
	1997	2000	2003	1997	2000	2003
Барча турдаги корхоналар, ўргача	7,7	7,1	6,7	13,3	12,4	11,9
Шу жумладан: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	16,0	15,7	18,1	24,1	22,9	24,3
Улардан: Кичик корхоналар ва микрофирмалар	17,8	18,2	19,3	25,6	23,1	24,8

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида фойданинг пул тушумидаги улуши 1997-2000 йилларда бироз пасайди. Бунга шу даврда уларнинг фаолиятига гурли давлат ва назорат органларининг ноўриқ аралашувининг кучайганлиги сабаб бўлди. Иқтисодий янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида эса бу кўрсаткичлар яна ўса бослади.

Корхоналар фойдасининг харажатларга нисбати орқали ҳисобланган фойдалилик кўрсаткичи кичик корхона ва микрофирмаларда анча юқоридир.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра кичик тадбиркорлик корхоналари ва микрофирмалар фойдасининг

¹ Основные показатели деятельности малых и средних предприятий за 1997г. Основные показатели уровня развития малого и среднего предпринимательства в Республике Узбекистан за 2000 г.; Там же за 2003г. (асосда муаллиф томонидан ҳисобланган).

товар ва хизматларни сотишдан тушган пул тушумидаги улуши 2003 йилда 2000 йилга нисбатан саноатда 27,9%дан 26,8%га, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 18,4%дан 15,6%га камайди. Фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати ҳам шунга мос равишда 42,1%дан 38,5%га ва 23,2%дан 18,7%га камайди.

Қурилишда эса бу кўрсаткичлар деярли ўзгармади. Бунга тадбиркорлик субъектлари моддий-техника таъминоти масаларида қийинчиликлар мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Савдо ва умумовқатланиш, моддий-техника таъминоти, сотиш ва тайёрлаш соҳасида ушбу кўрсаткичлар энг паст даражада. Бу ҳол ички бозорларда маҳсулотларни сотиш муаммосининг ва рақсбат курашининг кескинлиги билан изоҳланади (4.2.1-илова).

Таъкидлаш жоизки, фойдалилик кўрсаткичлари ахбороти ҳисоблаш хизматлари кўрсатиш, транспорт ва алоқа, кўчмас мулк операциялари ва бозор амал қилишгани таъминлаш бўйича тижорат фаолияти билан шуғулланаётган кичик корхоналар ва микрофирмаларда энг юқоридир. Бу эса ушбу соҳаларнинг устувор равишда ривожланаётганлиги уларнинг хизматларига талаб ортаётганлиги билан изоҳланади.


Кейинги йилларда ижтимоий-маданий соҳаларда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнларининг кучайиши ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари берилаётганлиги учун ушбу соҳаларда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг фойдалилик кўрсаткичлари юқори суръатларда ўсмоқда. Масалан, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, социал таъминот соҳасида фойданинг пул тушумидаги улуши таҳлил даврида 26,3%дан 37,1%га, халқ таълими тизимида 24,4%дан 57,8%га ўсди (қаранг: 4.2.1-илова).

Ўздавлатмулк қўмитаси маълумотларига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

фаолиятининг ўртача рентабеллик даражаси 2000 йилдаги 8,8%дан 2003 йилда 14%га ўсди (қаранг: 4.2.5-расм).

4.2.5-расм.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўртача рентабеллик даражасининг ўсиши (% ҳисобида)¹



Бу маълумотлар кичик тадбиркорликнинг бошқа турдаги тадбиркорлик корхоналарига қараганда юқори самарали хўжалик юритиш имкониятига эга эканлигидан далолат беради. Бунда тадбиркорлик қобилиятининг муҳим ва самарали иқтисодий ресурс эканлиги ўз тасдиғини топади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги мавқеини янада ошириш учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш механизмини янада ихчамлаштириш, уларни рўйхатга олингандан сўнг то фаолиятини бошлагунига қадар бўладиган процедураларни аниқлаштириш;

- уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш;

¹ Ҳудудлар бўлими қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

уларнинг молиявий, моддий-техника ресурслари билан таъминланишидаги муаммоларни ҳал қилиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдаги мавжуд муаммоларни ечиш ва ҳ.к.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал қилиш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омилининг иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ролини янада фаоллаштириш учун кенг имкониятлар, ижтимоий-иқтисодий асос яратилади.

4.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари

Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг устувор ўрин олиши демократик жамият қуришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам Президент И.А.Каримов «Мамлакатимиз келажagini белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар»¹, - деб муҳим вазифани белгилаб берган.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қанча Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларнинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишга шарт-

¹ Каримов И.А. Бизнеснинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., Ўзбекистон, 2003. 21-б.

шароитлар яратиш бўйича маълум ижобий ишлар амалга оширилди. Бу эса тадбиркорликнинг 1999-2004 йилларда анча ривожланишига олиб келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадаллаштириш ҳамда унинг янада ривожланиши учун тегишли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва фаолиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 24 январда қабул қилинган Фармони муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Фармонга биноан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарурий шароитларни яратиш, уларни молиявий, моддий-техникавий ресурслар билан таъминлаш, тадбиркор ва хорижий инвесторлар манфаатларини ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун иқтисодий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш вазифаси белгиланган¹.

Хусусий тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишлари учун етарли ҳуқуқий, иқтисодий шароитларни вужудга келтириш мақсадида 2003 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш механизмининг осонлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 20 август қарори қабул қилинган. Унга кўра тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилди. Уларни давлат рўйхатидан ўтказадиган ташкилот, яъни туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъекларини рўйхатдан ўтказиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2003 йил 24 январь. // Халқ сўзи, 2003 йил 25 январь.

инспекциялари ташкил этилди. Республика бўйича ташкил этилган 210 та инспекциялар 2003 йил 1 октябрдан ўз фаолиятини бошладилар. Улар тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш билан бир вақтда уларни солиқ ва статистика органлари ҳисобига қўйишади, штамп ва муҳр тайёрлашга рухсат беради, инженерлик коммуникацияларга, яъни газ, энергия, сув, иссиқлик таъминотига, канализация, телефон алоқасига қўшилишга ҳамда уй-жойни корхона учун объектга айлантиришга, тадбиркорлик объектларини қуришга ва реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради.

Бу эса тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тизимини анча соддалаштирди. Ваҳоланки, илгариги «бир даргоҳдан» деб аталган рўйхатга олиш тизимида, тадбиркорлик субъектлари Халқаро молиявий корпорациянинг Швейцариянинг иқтисодиёт бўйича Давлат котибияти кўмағида тайёрланган ҳисоботига кўра 2002 йилда рўйхатдан ўтиш жараёнида қўшимча тарзда ўртача 5 та ҳужжат талаб қилинар эди. Тадбиркорлар қўшимча ҳар бир ҳужжатни олиш учун ўртача 7 кундан овора бўлишган¹.

Инспекциялар ўз фаолиятини бошлаган 1 октябрдан то 2003 йилнинг охиригача бўлган даврда уларга 19,3 мингта, шу жумладан 17,9 мингта тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш бўйича, 1,4 мингтаси тадбиркорликни юритиш учун рухсат сўраб аризалар берилган. Уларнинг барчаси расмийлаштирилган. Ваҳоланки, 2002 йилнинг шу даврида атиги 10,2 минг тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган эди 2004 йилда 51,7 мингта кичик бизнес субъектлар рўйхатга олинди. Уларнинг умумий сони 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра 277,4 мингтага етди².

¹ Деловая среда в Узбекистане. Мнения представителей МСБ. //Бизнес-вестник. 1 декабрь 2003г. С.8.

² Приватизация и развитие частного сектора экономики. Информационно-аналитический бюллетень за 2003 г. / Г. 2004, с.30, за 2004г. Т., 2005г. С.42

Эндиликда муҳим муаммолардан бири рўйхатга олингандан кейин тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятини бошлаганига қадар бўлган вақтни қисқартириш ҳисобланади. Ўздавмулк қўмитаси ва манфаатдор вазирликлар, бошқармалар раҳбарлари ва мутахассисларидан ташкил топган қўшма таҳлилий гуруҳнинг жойларда ўтказган текширишлари натижасида бу муаммо аниқланди. Текширишлар шуни кўрсатдики, рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини бошлашлари учун турли ташкилот ва ҳокимият органларида 10 та босқичда 50 дан ортиқ ҳужжат тўплашлари ҳамда 1,5 млн. сўмгача маблағ сарфлашлари лозим бўлган экан¹. Бу муаммо 2003 йилда ҳам сақланиб қолди. Шу боисдан, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтганларининг умумий сонидаги улуши 2002 йилдаги 90% дан 2004 йилда 85,6%га тушиб қолди.

Қишлоқ хўжалигида деҳқон ва фермер хўжалиқларига ер участкалари ажратишда 2 минимал иш ҳақи миқдорида поштина олинади. Ер участкаларида топографик ишларни амалга ошириш ва уларни Ўзгеодезкадастр ташкилотларида рўйхатга олиш учун уларнинг катта-кичиклигига қараб 4-20 минимал иш ҳақи миқдорида тўлов олинади. Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатининг мувофиқлиги тўғрисида сертификат беришда «Ўзстандарт»нинг хўжалик ҳисобидаги ташкилотлари томонидан 30 мингдан то 160 минг сўмгача тўлов олинади².

Шу боис ҳам тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтганидан кейинги фаолиятини тартибга солишга доир ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, Ўзстандарт, Ўзгеодезкадастр ва шу каби тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан муносабатларини

¹ Приватизация и развитие класса собственников. Информационно-аналитический бюллетень за 2002 г. - Т., 2003. С. 36.

² Уша ерда. С. 36.

тартибга солиш, бажаршган ишлар учун тўловлар миқдорини камайтириш ҳамда қатъий шкаласини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватловчи Ўздавмулк қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Деҳқон ва фермерлар хўжаликлари уюшмалари, айниқса кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини амалда қўллаб-қувватлашлари, уларнинг мониторингини юритишлари ҳамда юзага келган муаммоларнинг сабабларини аниқлаб, уларни ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиб, ҳукуматга ёки келажақда ишбилармон тадбиркорлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракциясига тақдим этишлари ҳам мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун уларнинг манфаатлари на ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш лозим. Маълумки, Президент И.А. Каримов 1999 йилда Биринчи чақириқ Олий Мажлисининг 14 сессиясида қилган «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» мавзусидаги маърузасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига турли давлат ва назорат органларининг ноқонуний ва ноўрин аралашувига барҳам бериш вазифасини кўндаланг қўйган эди¹.

Ўтган давр мобайнида бу борада, қатта ишлар амалга оширилди. Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятини текшириш ишлари тартибга солинди. Фақат мувофиқлаштирувчи кенгаш руҳсати билангина ана шундай текширишлар ўтказиладиган бўлди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т, Ўзбекистон, 1999 31-32-б.

Тадбиркорларга текширувчилар имзо чекиши лозим бўлган қайд дафтарлари тарқатилди. Ишонч телефонлари ишлаб турибди. Бу ҳақда радио-телевиденияда мунтазам равишда эълонлар бериб турилмоқда. Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмаларида тадбиркорлар ҳуқуқини, манфаатларини ҳимоя қилувчи махсус бошқармалар ташкил этилган. Энг муҳими 2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Натижада тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятини ноқонуний текширишлар сони кескин камайди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек, агар 2001 йилда 1450 та шундай нохуш ҳолатлар аниқланган бўлса, 2002 йилда уларнинг сони 157 тани ташкил этди. Адлия ва прокуратура органларининг биргаликдаги саъй-қаракатлари туфайли тадбиркорларга ноқонуний аралashi билан боғлиқ 1030 та ҳолат аниқланди. Улар бўйича 13 та жиноят иши қўзғатилди, 88 та маъмурий қонунбузарлик ҳолати қайд этилди. 2002 йил мобайнида адлия идоралари томонидан тадбиркорлар манфатларини ҳимоя қилиш юзасидан судларга умумий қиймати 14 млрд. сўм миқдоридagi 8 мингдан ортиқ даъво аризаси киритилди. 2300 мансабдор шахсга нисбаган нтизомий чора кўрилди. Уларнинг 290 нафари эгаллаб турган лавозимидан бўшатилади¹.

Собиқ республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва Бош прокуратура ҳамкорликда 2003 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари ўргасида уларнинг фаолиятига турли давлат ва назорат органлари томонидан поўрин аралashi ҳолатларини аниқлаш мақсадида яширин сўров ўтказдилар. Унинг натижасда қуйидагича жавоблар олинди:

¹ Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси-имлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришлар // Халқ сўзи. 2003 йил 18 феврал. 1-б.

- амалдорларнинг таъмагирилиги (респондентларнинг 38,2%);

- ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига зид ҳаракатлар (респондентларнинг 36,3%);

- солиқ органларининг корхона хўжалик молиявий фаолиятига ноўрин аралашуви (50,6%);

- давлат органлари томонидан текширишлар (38,4%)¹.

Халқаро молиявий корпорация ва «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ҳам ўтказилган сўров натижалари ҳам юқорида қайд этилганларни тасдиқлайди.

Фикримизча, эркин тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш мақсадида тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг ҳуқуқшунос маслаҳатчилари, адвокатлари ҳам бўлишини таъминлаш, уларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга ўргатадиган, ҳуқуқий билим ва малакаларини оширишлари учун ўқув марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, «Тадбиркор аёл» уюшмаларининг жойлардаги бўлинмаларида адвокатлар штатини ташкил этиш ҳамда уларга аъзо тадбиркорларга имтиёзли нархларда хизмат кўрсатишларини таъминлаш лозим.

Кичик хусусий тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини жонлаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда 2005 йил 1 январ ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган 36 та бизнес-инкубаторлар муҳим роль ўйнашлари лозим. 2004 йилда 5032 иш ўринларига эга бўлган 552 та (2003 йилда 437 та) тадбиркорлик корхоналари ушбу бизнес-инкубаторларидан кўмак олинди. 2003 йилда уларни 200 та, 2004 йилда эса 98

¹ Приватизация и развитие класса собственников. Информационно-аналитический бюллетень за 2003 г. - Т. 2004. С. 30-31

та тадбиркорлик субъектлари битириб чиқдилар. Уларнинг 89%и молиявий барқарор аҳволга эга бўлиб, мустақил фаолият юритиши мумкин.

2003 йилда бизнес-инкубаторлар мутахассислари кўмагида қиймати 1.14 млрд. сўм ва 462,2 минг АҚШ доллари бўлган 154 та, 2004 йилда эса мос равишда 1,27 млрд сўм ва 226 минг АҚШ долларлик 132 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди¹.

Умуман, 2000-2004 йилларда 2041 та кичик тадбиркорлик корхоналари уларнинг субъектлари бўлган. Улардаги иш ўринлари 19974 тани ташкил этган. Бизнес инкубаторларда шу давр мобайнида 37081 нафар тадбиркор ўқиган (қаранг: 4.3.1-жадвал).

Бизнес-инкубаторлар томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига ёрдам берилгани гуфайли амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ҳажми 8 баробарга ошди. Шу даврда уларга 1810,3 минг АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашилди. Уларга субъект бўлмаган тадбиркорлик корхоналарига ҳам инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кўмак берилди. Бизнес инкубаторлар субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот кўрсатилган хизмат, бажарилган ишлар ҳажми 2004 йилда 2000 йилга нисбатан 4,8 баробар ўсди.

Шунингдек, ПРООН билан ҳамкорлик лойиҳаси доирасида яна қўшимча 13 та бизнес-инкубаторлар республиканинг барча вилоятларида рўйхатга олинган. Қашқадарё вилоятидаги «УФҚ» ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бизнес-инкубаторияси қошида консалтинг хизматлари ташкил этилди.

Собиқ Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошидаги Тадбиркорларни ахборот-консалтинг қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан фақат 2003

¹Приватизация и развитие частного сектора экономики. Информационно-аналитический бюллетень за 2003 г. - Т., 2004. С. 28-29; за 2004г. - Т., 2005. С.43.

йилнинг ўзидаёқ 149,7 мингта тадбиркорларга 249,1 млн. сўмлик имтиёзли бизнес-хизматлари кўрсатилди. Бу эса 2002 йилга нисбатан 21,4% га кўпдир.

4.3.1-жадвал.

Бизнес-инкубаторлар томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган ёрдамлар¹:

Кўрсаткичлар	Йиллар				2004 йилда 2000 йилга нисбатан%
	2000	2002	2003	2004	
Бизнес-инкубаторлар сони	23	23	23	36	156,5
Тадбиркорлик субъектлари сони	273	366	437	552	202,2
Улардаги иш ўринлари	2925	4153	3382	5032	172,0
Ўқитилган тадбиркорлар, сони	4608	8685	8001	9373	203,4
Бизнес инвестиция субъектларига инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кўрсатилган кўмаклар млн. сўмда	158,8	600,1	606,1	1273,7	802,1*
минг АҚШ долларида	269,0	568,1	309,5	226,0	84,0
Бизнес инкубаторлар субъекти бўлмаган тадбиркорлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кўрсатилган кўмаклар (минг сўмда)	98,2	269,9	531,0	****	540,7*
минг АҚШ долларида	-	-	152,7	****	***
Бизнес инкубаторлар субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар ҳажми, млн. сўм	1135,6	2804,8	3314,1	5488,3	483,3

* 2003 йилда 2000 йилга%

Тадбиркорларга кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажми ҳам 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 10%га, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 9%га кўпайди. «Мадад» суғурта


¹ Развитие малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства в Республики Узбекистан за 2000г. -Т., 2001. С.38; Приватизация и развитие класса собственников. Информационно-аналитический бюллетень за 2001 г. -Т., 2002. С. 73; тот же за 2002 г. Приложение 23; за 2003г. -Т., 2004. Приложение №10. за 2004. -Т., 2005. пр №17 маълумотлари ассидиа муаллиф томонидан тузилди ва ҳимояланди.

агентлиги 2003 йилда тадбиркорлар билан 3818 та шартнома тузиб, 59 млрд. сўмлик, 2004 йилда 3440 та шартнома асосида 67,4 млрд. сўмлик суғурта хизмати кўрсатди¹.

Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тугатилиб, савдо-саноат палатаси ташкил этилганидан сўнг унинг қошидаги Ахборот-маҳсулот марказлари ҳам иш фаолиятларини қайта ташкил этишлари лозим бўлади. Эндиликда кичик тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси муассасаларини кўпайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини жонлаштириш чора-тадбирларини, дастурларини ҳар бир вилоят, ҳудудда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тақозо этилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўлларида бири уларни молиявий ресурслар билан таъминланишини яхшилашдир. Бу борада олиб борилган ижобий ишлар оқибатида кичик бизнес субъектларини тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2004 йилда 1999 йилга нисбатан 6,6 баробарга ўсди (қаранг: 4.3.1 расм).

4.3.1-расм.

Кичик бизнес субъектларини тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (млрд. сўм)².



¹ Приватизация и развитие частного сектора экономики. Информационно-аналитический бюллетень за 2003 г. -Т., 2004г., С. 29; за 2004г. -Т., 2005. С.43.

² Развитие малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства в Республики Узбекистан за 2000г. -Т., 2001. С.27; Приватизация и развитие класса собственников. Информационно-аналитический бюллетень за 2002 г. -Т., 2003. С. 73; за 2002 г. Приложение №14; тот же, за 003г. -Т., 2004. Приложение №12 за 2004г.-Т., 2005. Пр № 21 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Таҳсилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш шу даврда Хоразм ва Жиззах вилоятларида 7 баробардан кўп, Сирдарё ва Навоий вилоятларида 6,7 баробарга ўсгани ҳолда Тошкент вилоятида 3 баробарга ўсган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда бюджетдан ташқари фондлар, яъни Бизнес-фонд, Бандликка кўмаклашиш, Деҳқон ва фермер хўжаликлари (ДФХ) фондлари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. 1999-2003 йилларда ушбу фондлар томонидан тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар миқдори 6,7 баробарга ўсди (қаранг: 4.3.2-жадвал).

4.3.2-жадвал.

Бюджетдан ташқари фондлар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдорининг ўсиши (млн. сўм)¹.

Фондлар	1999 й.	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2003 йилда 1999 йилга нисбатан %
Бизнес-фонд	1915,3	2065,6	2591,1	4932,8	7196,2	375,7
Бандликка кўмаклашиш фонди	1320,1	2445,7	5980,0	10060,9	15282	1157,6
Деҳқон ва фермер хўжаликлари фонди	200,0	221,2	288,3	280,0	436,4	218,6
Жами	3435,4	4732,5	8859,3	115273,7	22914,8	667,2

Ушбу жадвал маълумотлари бандликка кўмаклашиш фонди томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига

¹ Развитие малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства в Республике Узбекистан за 2000г. -Т., 2001. С.11; Приватизация и развитие класса собственников. Информационно-аналитический бюллетень за 2002 г. -Т., 2003. С. 29, тот же, за 2003г. -Т., 2004. С.32 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ажратилаётган кредитлар ҳажмининг 11,6 баробарга яқин ўсганлигини кўрсатмоқда. Бу фонднинг бюджетдан ташқари фондлар томонидан ажратилган кредитларнинг умумий ҳажмидаги улуши 1999 йилдаги 38,4% дан 2003 йилда 66,7% га ўсди. Энг кам ўсиш ДФХ фондидан ажратилган кредитлар ҳажми бўлди. 2004 йилда Бағлиқликка кўмаклашиш фондидан кичик тадбиркорлик субъектлари учун 14,7 млрд. сўм ДФХ фондидан 506 млн. сўм юборилди.

Таҳлиллар тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда Бюджетдан ташқари фондлар ажратаётган маблағларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий маблағларига бўлган талабини қондиришдан ҳам анча орқанда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан тижорат банклари ўртасида рақобат муҳити йўқ. Ҳамон кичик тадбиркорлик субъектлари учун кредит олиш жараёни анча мураккаблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ 14 та кредит уюшмалари ташкил этилган, улардан Самарқанд вилоятидаги «Хазина» ва Бухоро вилоятидаги «Бухоро тадбиркори» кредит уюшмалари муваффақиятли фаолият юритишмоқда. Аммо бу уюшмаларнинг маблағлари анча кам бўлганлиги учун тадбиркорларга яхши хизмат кўрсата олмаётдилар. Ўзбекистоннинг халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлиги натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 719,4 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари очилган бўлиб, 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 389,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. 2004 йилда улар томонидан 91,3 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди¹.

¹ Приватизация и развитие класса собственников Информационно-аналитический бюллетень за 2003 г. -Т., 2004. С. 32; за 2004г. -Т., 2005. С. 45

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари билан банклар ўртасидаги муносабатларда қуйидаги муаммолар мавжуд:

-тадбиркорлик субъектлари банклардаги шахсий маблағларидан фойдаланишда қийналадилар. Улар ўз маблағларини исталганича нақд пулга айлантира олмайдилар. Банклар тадбиркорларнинг маблағини қай даражада идора эта олиши ёки идора эта олмасликларини белгилаб беради;

-банклар тадбиркорлар ҳисобидаги маблағни уларнинг эътирозисиз солиқ бўйича қарз тўловлари, бюджетдан ташқари тўловлар учун чиқарадилар;

-банклар ўтказилган пул маблағи ҳисоб рақамининг мониторингини ўтказиши ва назорат этувчи ташкилотларни ўз вақтида тўлови ўтказилмаган шартномалардан воқиф этади. Шунингдек, улар уч ой мобайнида бирон-бир муомалага киришмаган савдо фирмасининг ҳисоб рақамини беркитишга ва солиқ инспекциясига у ёки бу корхона фаолиятини тугатиш масаласи бўйича маълумот беришга мажбурдилар.

Бундай ҳолатлар тадбиркорларнинг банк тизимида бўлган ишончини йўқотади ва ўз даромадларини яширишга мажбур қилади. Шу боисдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

- тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамидан турли тўловлар учун рухсатсиз пулни чигириб олишни қатъиян ман этиш. Ҳар қандай тўловлар учун пул ўтказиш фақат унинг эгасининг рухсати ёки суд қарори билан амалга оширилиши керак;

- тадбиркорларга улар банкда очган ҳамма ҳисоб рақамидан қонунда ман қилинмаган исталган турдаги тўловлар учун фойдаланишга рухсат бериш;

-тадбиркорлик субъектлари ўз маблағидан хўжалик фаолиятида нақд пул ёки пул ўтказиш кўринишида тенг фойдаланишга имкон берувчи тартиб ўрнатилиши лозим. Нақд пулсиз операциялар ўтказишнинг афзаллигини таъминловчи тизим ва тартиб шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир;

-тижорат банклари ўз мижозлари ҳақида солиққа торғиш идораларига маълумот етказиш масъулиятидан озод қилинишлари лозим. Тўланмаган солиқ ва аниқ бирор бир иш юзасидан текширув олиб борилаётган ишлар бундан мустасно бўлиши керак;

-микрокредитлаш устувор равишда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун берилиши керак. Ана шунда улар ёрдам олувчилардан ўзини ўзи боқувчига ва солиқ тўловчига айланадилар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун муҳим муаммолардан бири моддий-техника ресурслари билан таъминланиш ҳисобланади. Ҳозирги даврда уларни моддий хом-ашё ресурслари билан таъминлашда товар хом-ашё биржаси, улгуржи савдо ташкилотларининг роли ортиб бормоқда (қаранг: 4.3.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, улгуржи савдо ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига моддий хом-ашё ресурсларини сотиш 4,2 баробарга, ҳудудий улгуржи савдо ташкилотлари томонидан сотиш 7,5 баробарга, Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси томонидан сотиш 4,8 баробарга ўсди. Тадбиркорларга моддий-техника ва хом-ашё ресурслари ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишда ЎзРТХБ нинг улуши энг юқсридир.

Шу ўринда Улгуржисавдо АК ҳамда Агросаноат биржаси улушининг камайиб бораётганлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Улгуржи савдо ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларининг моддий хом-ашё ресурслари билан таъминланиши ва улар маҳсулотларининг сотилиши¹.

Улгуржи савдо ташкилотлари	Ўлчов бирлиги	КБ субъектларини моддий хом-ашё ресурслари билан таъминлаш			КБ субъектлари маҳсулотларини сотиш		
		2000 йил	2003 йил	Ўсиш %	2000 йил	2003 йил	Ўсиш %
Улгуржи савдо АК	ман.сум	2300,2	4767,9	207,3	2503,5	5363,5	214,2
	фоиз ҳисобида	5,4	2,6		7,0	3,2	
ЎзРТХБ	ман.сум	27089,5	129374,4	477,6	22160,1	113070,1	210,2
	фоиз ҳисобида	63,7	76,5		62,0	68,0	
Агросаноат биржа	ман.сум	12103,0	26477,8	218,8	10263,3	26751,8	260,6
	фоиз ҳисобида	28,5	14,8		28,7	16,1	
Ҳудудий улгуржи савдо ташкилотлари	ман.сум	1010,4	7637,2	755,8	790,9	5982,2	756,4
	фоиз ҳисобида	2,4	4,3		2,3	3,6	
Ўзкўргазма савдо	ман.сум	3230,5	10186,8	315,3	1183,7	15043,3	1270,8
	фоиз ҳисобида		5,8			9,1	
Республика бўйича жами	ман.сум	42503,1	178444,1	419,8	35717,6	166210,4	465,3
	фоиз ҳисобида	100,0	100,0		100,0	100,0	

2001 йилда

Шунингдек, жойлардаги ҳудудий улгуржи савдо ташкилотларининг ҳам улуши анча пастдир. Эндиликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий техника ва хом-ашё ресурслари билан таъминлаш ҳамда улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

¹ Приватизация и развитие частного сектора экономики. Информационно-аналитический бюллетень за 2001 г. - Т. 1, 2002. С. 67; тот же за 2003 г., - Т. 2004. С. 57. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилади.

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий-техника, хом-ашё ресурслари билан таъминлаш, сотиш тартибларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-товар хом-ашё, агросаноат биржалари, улгуржи савдо ташкилотлари ҳамда Ўзкўрғазмасавдо ташкилотлари кўрсатадиган савдо-воситачилик хизматларини табақалаштириш ва диверсификациялаш, ярмарка савдосини ривожлантириш;

-улгуржи бозорлар, товар, хом-ашё биржалари, улгуржи савдо ташкилотлар қошида товар ва ресурсларни сақлаш, моддий-техника таъминоти, транспорт, прокат ва турли сотишдан одинги, кейинги сервис хизматлари кўрсатиш пунктлари, фирмаларини ташкил этиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш уларни моддий-техника, хом-ашё ресурслари билан таъминланишини ташкил этиш учун ҳудудий улгуржи ва майда улгуржи бозорлар, ярмаркалар тизимини кенгайтириш; аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликлар етишгирган товарларни улгуржи сотиб олиб, экспорт қиладиган ташқи савдо ташкилотлари ва фирмаларини ташкил этиш лозим;

-ярмаркалар, Ўзкўрғазмасавдо ташкилотлари қошида ташкил этилган хизмат кўрсатиш бўлинмалари томонидан тадбиркор, деҳқон ва фермерлардан, уларнинг уюшмаларидан буюртмалар қабул қилиш механизмини такомиллаштириш, ҳамда уларга зарур моддий-техник жиҳозлар ва хом-ашё материалларини харид қилишни ташкил этиш, буюртмаларни тақсимлашни рационаллаштириш, буюртмачиларга харид қилинган товарларни етказиб бериш;

-тадбиркорларга ички ва халқаро маркетинг хизматларини ташкил этиш, мамлакат ичида ва хорижда бозор конъюнктураси, потенциал шериклар, инвесторлар,

харидор ва сотувчилар тўғрисида ахборот базасини яратиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш;

- муҳим ички ва хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган кичик тадбиркорлик субъектларига импорт хом-ашё, материаллар, асбоб-ускуналар, бутловчи маҳсулотлар харид қилишда кўмаклашувчи хизматларни ташкил этиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши инсон омили фаоллигининг, шунингдек, тадбиркорлик қобилиятининг намоён бўлиш шакли сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шарти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда 2004-2005 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармониغا кўра зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни 2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларига айлантириш дастурлари қабул қилинган.

Ушбу дастурни амалга ошириши оқибатида кўра 2005 йилнинг охиригача фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарини 308,7 мингтагача, шу жумладан фермер хўжалиқлари сонини 125,7 мингтагача, ҳуқуқий шахс мақомидаги деҳқон хўжалиқлари сонини 48 мингтага, уларнинг ЯИМдаги улушини 38га етказишга эришилди. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 600 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Бунинг учун истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга устуворлик берилди. Уларни молиялаштириш учун хорижий кредитлар линиялар ҳисобига 60,4 млн. доллар, тижорат

маблағларининг маблағлари ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 205,4 млрд. сўм маблағ йўналтирилди¹.

Ушбу дастурларни амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- республикамизда XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан ташкил этилаётган «маҳалла плус завод» тадбиркорликни ривожлантириш бўйича иқтисодий ҳамкорлик зоналарини кенгайтириш учун ҳуқуқий-ташкилий асосларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг ривожланиши учун имтиёзли иқтисодий муҳит яратиш лозим;

- йирик савдо ва саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан кичик бизнес фирмаларининг ўзаро ҳамкорлик асосларини, уларнинг франшизинг тизимини шакллантириш;

- тадбиркорларнинг турли уюшмалари, шу жумладан Савдо-саноат палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Тадбиркор аёл уюшмалари биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари лозим. Тадбиркорликнинг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда улар ўзаро ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Умуман, кичик бизнес ва ҳуқуқий тадбиркорликни янада ривожлантириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштиришга эришиш, унинг ижтимоий-иқтисодий асосларини янада такомиллаштириш мумкин бўлади.

¹ Ҳудудий қўмитаси маълумотлари.

V БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

5.1. Аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш ва ишчи кучи бозорининг шаклланиши

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ўстиришдаги ролини оширишда аҳолининг иш билан тўлиқ ва самарали бандлиги моделини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлаш ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда, ишсизликдан ҳимояланиш каби конституциявий ҳуқуқларини¹ рўёбга чиқаришнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан бандлиги модели инсонга, унинг манфаатларини, талабларини қондиришга, шунингдек, инсон шахсининг меҳнат ва бўш вақт соҳасида жамият учун наф келтирадиган қобилиятлари ва хусусиятларини вужудга келтиришга йўналтирилган бўлади. Ушбу модел мазмуни Л.С.Чижова таъкидлаганидек, ишловчини меҳнат қилишга мажбурлашдан воз кечиш ҳамда уларга ижтимоий фойдали фаолият тури ва соҳасини эркин танлаш, меҳнат қилиш шакли ва меъёрини ўзи белгилаш имкониятларининг яратилишини ифодалайди². Бунда инсон ўзининг ёши, жинси, саломатлиги, шахсий ва оилавий аҳволи, билим ва касб-малака даражаси, қизиқиши, шахсий манфаати ва қадриятларни идрок этиши ҳамда жамиятдаги иқтисодий, социал ва сиёсий

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2003. 9-б.

² Қарағ: Стратегия занятости. Отв. ред. Л.С.Чижова. -М.:Экономика, 1990. С.21-22.

конъюнктура ўзгаришларини эътиборга олиб, ижтимоий фойдали меҳнат тури, соҳасини, унда иштирок. этиш меъёри ва шаклини ўзи эркин танлаш имкониятига эга бўлади.

Шундай қилиб, инсонийликка йўналтирилган аҳоли иш билан бандлик моделининг мақсадлари иқтисодий, социал ва демографик жиҳатларга эга бўлиб бир неча гуруҳлардан иборат:

- иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар ва ишловчиларнинг кенг кўламда анъанавий тармоқларда ишдан бўшатилиши, яъни қисқартирилиши шароитида уларнинг юқори самарали меҳнатга асосланган тўлиқ иш билан бандлигини таъминлаш;

- инсон шахсини ривожлантиришда, камолатга етказишда касбкорлик меҳнати ролини ошириш, меҳнатга ижтимоий-фаол муносабатни шакллантириш асосида миллий иқтисодиётни юқори билимли, касб-малакали кадрлар билан таъминлаш;

- меҳнатга лавқатли аҳолининг иш билан бандлигини ўстиришни демографик сиёсат мақсадлари билан унлаштириш.

Демак, аҳолининг иш билан бандлигининг янги модели ишловчиларнинг мобиллиги, яъни ҳаракатчилигини, уларнинг юқори ижтимоий страт(табақа)га ўтишга интилишини тақозо этади. Бу борада шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятнинг ижтимоий страти унинг ижтимоий таркибини ифодалайди. У эса икки қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- кишиларнинг касб-билим даражасининг ўсиб боришига асосланган касб-малакавий ижтимоий таркиб (страт);

- аҳоли даромадлари даражалари бўйича табақаланишига асосланган иқтисодий таркиб.

Улар ўртасидаги мувофиқликни, мутаносибликни таъминлаш мамлакат аҳолиси меҳнат фаоллигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистонда юқори касб-малака маҳоратига эга бўлган мутахассис ва ишловчиларнинг ижтимоий страти мавжуд. Ислоҳотлардан илгариги даврда бу табақа жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий иерархиясида юқори поғоналарни эгаллаган эди. Аммо иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ушбу табақа вакиллариининг бир қисми янгидан вужудга келган хусусий ишбилармон ва тадбиркорлар тоифасига нисбатан қуйи ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолди. Ваҳоланки, янги ишбилармон ва тадбиркорларнинг касб-малака, билим даражалари нисбатан пастроқдир.

Юқори касб-малакали табақа вакиллариининг бошқа қисми кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик билан шуғуллана бошладилар, яна бошқа бир қисми эса кичик тадбиркорлик корхоналарида ёлланма ишчи ва хизматчи сифатида ишлай бошладилар. Аммо кичик тадбиркорлик корхоналариининг технологик жиҳозланиш даражаси ишловчилар касб-малака, билим даражасидан паст бўлиб, улар ўртасида номутаносиблик вужудга келди. Оқибатда улар ўзларининг илгариги юқори билим, касб-малакаларини йўқота бошладилар. Уларнинг тўпланган юқори билим, касб-малакаларини тиклашлари учун иқтисодиёт таркибий ўзгаришлари орқали илмталаб фаолият соҳалари яратилиши лозим бўлади. Шунингдек, ҳозирги даврда кам малакали, қўл меҳнати билан машғул бўлган қуйи касб-малакали ижтимоий тоифадаги ишловчиларнинг ўз билим, касб-малака маҳоратини оширишлари учун шароитлар яратилиши ҳам керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон манфаатларига йўналтирилган иш билан бандлик стратегияси ишлаб чиқилган. Ушбу

стратегия меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсон учун ўз қобилиятини намоён этиш ва ўз меҳнати билан ўзи ҳамда оиласи учун инсонга мансуб яхши турмуш шароитларини таъминлашни тақозо этади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш стратегияси қуйидагиларни амалга оширишни кўзда тутаяди:

- фуқароларнинг меҳнат қилиш, тадбиркорлик, иқтисодий фаолият соҳасини ва турини ҳамда касбни танлаш эркинлиги каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;

- меҳнат фаолияти мотивациясининг кучли механизмини жорий этиш, аҳоли иқтисодий фасоллигини ошириш учун шароитлар яратиш;

- амалда меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият соҳалари бўйича эркин тақсимланиши ва қайта тақсимланиши учун шароитлар яратиш¹.

Шунга асосланган ҳолда ишчи кучи бозоридаги давлат сиёсатининг асосий мақсади меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эркин меҳнат ва маҳсулдор иш билан бандликнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитларини таъминлаш этиб белгиланган. Шу боисдан давлатнинг ишчи кучи бозоридаги сиёсати қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни ва меҳнат ресурсларини тармоқлараро қайта тақсимлашни амалга ошириш;

- меҳнат биржалари ва жойлардаги меҳнат бўлимлари орқали иқтисодий, ҳуқуқий дастаклар воситасида ишчи кучи таклифи ва унга талабни тартибга солиш. Бунинг учун жойларда ҳудудий «Бандлик» дастурлари ишлаб чиқилиб,

¹ Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1997 г. -Т.. 1998. С.55-56.

амалга оширилади. Дастур ўз ичига аҳолининг рақобатта бардошсиз тоифалари учун янги иш жойларини яратиш, оммавий ишдан бўшатишларнинг олдини олиш, жамоатчилик ишларини ташкил этиш, ишсизларни қайта тайёрлаш, ўқитиш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни олади;

- ишсизларга нафақалар, касбкорликка ўқитиш ва қайта ўқитиш даврида стипендиялар бериш, уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш каби социал кафолатлар бериш. Ушбу мақсадлар учун бандликка қўмаклашиш фонди ҳисобидан маблағлар ажратилади;

- ёшларни, аёлларни, инвалидларни иш билан таъминлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

- ишчи кучи сифатини ошириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбкорликка ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

- кишиларни ўзини-ўзи иш билан банд қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

Ўзбекистонда аҳолининг тўлиқ, оқилона ва самарали иш билан бандлигини таъминлаш учун миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш лозим бўлади. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгартиришдан кўзланган қуйидаги аниқ вазифаларни кўрсатиб берди

- хом ашё ресурслари энг муҳим турлари, бутловчи ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортини қисқартириб, уларнинг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодий мустақиллигига эришиш;

- ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулот ва халқ истеъмол молларининг ҳаётий муҳим турларига аҳолининг ва иқтисодиётнинг талабларини қондириш;

- иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашینی таъминлаш;

- иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришига қаратилган бир томонлама йўналишینی бартараф этиш, бой маъдан хом ашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотларینی чуқурроқ қайта ишлашینی ташкил этиш йўли билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг бутлик даражасینی ва рақобатбардошлигини ошириш;

- республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш, гўлов балансининг ижобий бўлишига эришиш ҳамда олтин-валюта захирасینی мустаҳкамлаш;

- меҳнат ресурсларининг оқилана бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг янги технологияларга ҳамда халқнинг тарихий анъана ва удумларига мос келадиган соҳаларینی барпо этиш;

- тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилана жойлаштириш¹.

Мустақиллик йилларида республикамізда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши борасида қуйидагиларга эришилди:

- республиканинг ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи тўла таъминланди;

- озуқабоп ғалла импортига қарамлик барҳам топди. Ғалла мустақиллигига эришилди;

- ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қисқариб бормоқда;

- хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб, улар ҳажмининг ЯИМдаги улуши ортиб бормоқда;

¹ Қ. римов И.А. Ўзбекистон иқтисодий вислоҳотларни чуқурлаштириш иўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1992. 230-231-б

- хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан янги автомобилсозлик саноати вужудга келтирилди ҳамда самолётсозлик, радиоэлектроника, электроника соҳалари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, маъданли хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Ушбу ишларнинг амалга оширилиши жараёнида, иқтисодиётнинг таркибий тузилишида маълум силжишлар юз бермоқда. Ўзбекистон Республикасида яратилган ЯИМнинг тармоқ таркибини таҳлил қилиш унда яратилган товарлар улуши 1991 йилдаги 74%дан 2005 йилга келиб 50,7%га камайганлигини, айти пайтда эса хизмат кўрсатиш ҳажмининг улуши эса 24,9%дан 38,3%га ўсганлигини кўрсатмоқда (қаранг: 5.1.1-жадвал).

Ўзбекистонда ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 1991-2005 йилларда 25,9%дан 38,3%га ўсгани ҳолда саноатнинг улуши 25,4%дан 15%га, камайиб, сўнгра 20,7%га ўсган. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 37,2%дан 25,0%га камайди. Ваҳоланки, ЯИМ таркибида 1997 йил маълумотларига кўра саноатнинг улуши Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларда ўртача 28%ни, индустриал ривожланган мамлакатларда 32%ни, қишлоқ хўжалигининг улуши мос равишда 20,0% ва 3,0%ни, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса мос равишда 41% ва 55%ни ташкил этди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улушининг камайиши прогрессив тенденция ҳисобланса, саноат улушининг камайиши бирмунча ташвишлантиради.

Бунинг оқибатида мамлакат иқтисодиётини индустриаллаштириш, унинг замонавий техника ва технология билан қайта жиҳозлаш жараёнлари қийинлашади. Шу боисдан саноатнинг машинасозлик, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳаларини устувор равишда

ривожлантириш асосида унинг ЯИМни ишлаб чиқаришдаги ролини ўстириш, миллий иқтисодий индустриалштиришни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

5.1.1-жадвал.

Ўзбекистонда ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича тузилишининг ўзгариши (яқунига нисбатан % ҳисобида)¹

Тармоқлар	Йиллар			жаҳон тажрибаси 1997 й	
	1991	1995	2005	Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари ўртача	Индустриал ривожланган мамлакатлар ўртача
Жами	100	100	100	100	100
Шу жумладан:					
Маҳсулотлар ишлаб чиқариш	73,0	52,3	50,7	58,0	40,0
Шу жумладан:					
Саноат	25,4	17,1	20,7	28,0	32,0
Қишлоқ хўжалиги	37,2	28,1	25,0	20,0	3,0
Қурилиш	10,4	7,1	4,9	10,0-11,0	5,0
Бошқа соҳалар	-	-	0,1		
Хизмат кўрсатиш	25,9	34,6	38,3	41,0	55,0
Шу жумладан:					
Савдо ва умумқатланиш	3,9	8,2	9,2
Транспорт ва алоқа	4,3	6,5	11,3
Бошқа хизматлар	17,7	19,1	17,8
Маҳсулот ва экспорт-импорт операцияларига соф солиқлар	1,1	13,1	11,0	1,0	5,0

Таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши оқибатида саноат маҳсулотларининг тармоқ таркибида ёқилғи-энергетика, кимё ва нефткимёси, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати тармоқлари улуши ўсиб бормоқда (қarang: 5.1.2-жадвал).

¹ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Т.1 -Т., 1993. -С.19. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йида ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари -Т., 1997. 16-б; ЎзР 2000 йида ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Т., 2001. 11-б; ЎзР 2003 йида статистик ахборотномаси. -Т., 2004. 5-б; ЎзР Иқтисодий вазирлиги маълумотлари асосида муваллиф томонидан тузилади.

Ўзбекистонда саноат маҳсулотларини тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши (яқунига нисбатан % ҳисобида)¹

Тармоқлар	Йиллар					2003 йилда 1991 йилга нисбатан пунктга ўсиш (+), пасойиш (-)
	1991	1995	2000	2003	2005	
Жами	100	100	100	100	100	00
Шў жумладан:						
Ёқилғи-энергетика	6,3	27,5	26,2	21,1	27,2	14,8
Ундан:						
Электрэнергетика		15,1	9,5	8,7	10,9	...
Ёқилғи саноати		12,4	16,7	12,4	16,3	...
Металлургия	10,4	11,0	12,7	16,7	19,2	6,3
Кимё ва нефтькимёси	4,8	5,3	6,1	5,6	5,2	0,8
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	11,1	8,2	9,1	12,1	12,9	1,0
Ёғочни қайта ишлаб чиқариш ва целлюлоза-қоғоз саноати	0,9	0,8	0,4	1,1	0,9	0,2
Қурилиш материаллари саноати	4,1	4,9	4,2	4,5	3,9	0,4
Ёнғил саноат	41,1	19,9	20,1	20,0	16,9	-21,1
Озиқ-овқат саноати	14,6	11,8	11,8	12,4	8,4	-2,2
Бошқа саноат ишлаб чиқариши	6,7	10,6	8,9	6,5	5,4	-0,2

Ушбу маълумотлар ёқилғи-энергетика соҳасида мустақилликни қўлга киритилиши оқибатида унинг саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улушининг кескин ўсганлигини, кўрсатмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда металлургия устувор равишда ривожлантирилаётганлиги туфайли унинг улуши 2000-2005 йилларда 6 пунктга ўсди. 1991-1995

¹ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Т.2. -Т., 1993. С.70. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Т., 1997. 31-б; ЎзР 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Т., 2001. 34-б; ЎзР 2003 йилда статистик ахборотномаси. -Т., 2004; Ўзб-н 2005 йил статистик ахборотномаси Т., 2005. 16-бет. 21-б. маълумотлари асосидан муаллиф томонидан тузилди.

йилларда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва тракторсозлиги саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин камайиши ҳисобига машинасозлик комплексининг умумий саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши камайиб борди.

Аммо автомобилсозлик саноатининг вужудга келиши билан унинг салмоғи яна ўса бошлади. Пахта толаси ишлаб чиқарилишининг камайиши натижасида енгил саноат улуши пасайиб борди. Эндиликда эса бу кўрсаткич барқарорлашди. Бунга сабаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса, пахта толасини қайта ишлаш чуқурлаша борди. XX асрнинг 90-йиллари бошларида республикада пахта толасининг 5% қайта ишланган бўлса, эндиликда унинг 25%дан ортиғи қайта ишланмоқда. Шунингдек, 1991-1995 йилларда озиқ-овқат саноати маҳсулотлари улуши камайиб борди. Энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошлангач, унинг улуши ўсиш тамойилига эга бўлди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш жараёнлари бозор ислоҳотлари билан қўшилиб олиб борилмоқда. Бунинг оқибатида янги иш ўринларини вужудга келтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоқ жойларига киритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўплаб ташкил этиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан ҳам яқин келажакда кишилар учун маъбул ва юқори даромад олишни таъминлайдиган ҳамда оқилона, самарали иш билан бандлигини таъминлашга қодир бўлган иқтисодиёт таркибини шакллантириш муҳим стратегик вазифа бўлиб қолади.

Юртбошимиз И.А.Каримов XXI асрнинг яқин истиқбол даврида мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада

мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш вазифасини белгилаб берди. «Бу, - деган эди Президент, - ўз навбатида, бой табиий захираларимиз, минерал-хом ашё, меҳнат ресурсларимиздан, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишни тақозо этади»¹.

Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- республика иқтисодиётининг юқори самарали, экспортта йўналтирилган тузилмасини шакллантириш;

- иқтисодиётнинг ўзақ тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

- енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш. Бунда мукамал технологик жараённи ўз ичига олган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватларни вужудга келтиришга устуворлик бериш лозим бўлади;

- юқори технологияни ва илмталаб ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш асосида ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг устуворлигини таъминлашга эътиборни кучайтириш;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кенгайтириш. Бу мамлакатда шу жумладан, қишлоқ жойларида кўплаб янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш даражасини ўстиришнинг муҳим омилига айланиши лозим.

Мамлакатимизда шу кунгача эришилган марраларни, ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш ҳамда чуқур

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - шириндун муқсадиимиз. Т.:Ўзбекистон, 2000. 18-б.


таркибий ўзгаришларни амалга ошириш оқибатида иқтисодчи олимлар ва экспертларнинг башоратларига биноан яқин истиқболда, яъни 2010 йилга келиб, ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръатини 7-8%га, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатларини 10-13%га, қишлоқ хўжалигида 6-7%га етказиш мумкин. Бунинг учун инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръатини 2006-2010 йилларда ўртача 9-10%га етказилади. Шунингдек, йиллик инфляция даражасини 3-4%га, иқтисодиётдаги солиқ юқини 22-24%га тушириш ҳам лозим бўлади. Чуқур таркибий ўзгартиришлар оқибатида иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибий тузилиши вужудга келади. Натижада 2010 йилга келиб, экспорт ҳажми 3 баравардан зиёдга кўпайтирилади. Унинг ЯИМдаги улуши 40-50%га етказилади. Экспорт таркибида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 15-17%га етказилгани ҳолда пахта толасининг улуши эса 14-16%гача қисқартирилади¹.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ЯИМнинг тармоқ тузилиши ҳам ўзгаради. Унда хизмат кўрсатиш улуши 42%га, саноатнинг улуши 23%га етказилгани ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши ҳозирги 28,8% дан 21%га тушади (қаранг: 5.1.1-расм).

Шундай қилиб, барқарор юқори суръатларда ривожланадиган, экспортга йўналтирилган ва мутаносиб тармоқ тузилишига эга бўлган иқтисодиёт тузилмасини шакллантириш орқали меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан оқилона, самарали бандлигини таъминлашга эришилади. Бунинг яна бир муҳим йўлларида бири ишчи кучи бозорини шакллантириш ва аҳолининг иш билан бандлигини махроиқтисодий тартибланиш ҳисобланади.

¹ Қаранг: Аҳмедов Т.М. и др. Концептуальные основы формирования экспортноориентированной структуры экономики Республики Узбекистан на период до 2010 года // Экономический вестник Узбекистана, 2000. №2. С.6-7; УзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

ЯИМнинг 2010 йилда қутилаётган тармоқ тузилиши



(яқунига нисбатан % ҳисобида)¹.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий шартларидан бири бўлган унинг бандлигини макроиқтисодий тартиблаш ишчи кучи бозорида давлатнинг фаол иштирок этишини тақозо этади. Республикада шаклланаётган ишчи кучи бозорининг социал функцияси ишловчиларнинг шахсий қобилиятлари, касб-малака, маҳоратининг ўсиб боришига мос равишда уларга юқори ҳақ тўланадиган, мураккаброқ ишлар таклифи ҳам ортиб боришида намоён бўлади. Ишчи кучи бозорининг муҳим дастаклари меҳнат биржаси ҳамда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш давлат тизимлари ҳисобланади.

Давлат меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминланиши даражасига ҳамда ишчи кучи бозорига фаол ёки пассив таъсир кўрсатади. Пассив таъсир чораларига ишсизлик бўйича турли нафақа ва тўловлар киради. Ишчи кучи бозоридаги фаол сиёсатни амалга оширишнинг асосий чораларига эса қуйидагилар киради:

- иш изловчиларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;

¹ ЎзР Иқтисодий вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

- ишловчи ва ишсизларни ўқитиш, қайта касбкорликка тайёрлаш;
- бевосита иш жойларини яратиш;
- доимий иш билан бандликни субсидиялаштириш;
- тадбиркорликни, шу жумладан, ўз корхоналарини, ишбилармонлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизларни қўллаб-қувватлаш;
- жамоат ишларини ташкил этиш¹.

Ушбу умум қабул қилинган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда 1992 йил 31 январда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» қонун қабул қилинган бўлиб, унга 1993-1995 йилларда қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. 1996-1998 йилларда қабул қилинган Меҳнат кодекси, «Таълим тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқлаштириш мақсадида 1998 йил 1 майда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинган.

Таҳлил даврида иш қидираётганларнинг умумий сонига ишга жойлашганларнинг улуши, яъни ишга жойлашиш даражаси 1993 йилдаги 60,9%дан 2003 йилда 73,7%га, 2004 йилда 76,2%га ўсди (қаранг: 5.1.2-расм).

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлашганлар салмоғининг бундай муттасил ўсиб борганлиги улар фаолиятининг йилдан-йилга яхшиланиб, такомиллашиб борганлигидан далолат беради.


Ишга жойланганларнинг иш сўраб мурожаат этганлар умумий сонига салмоғининг ўзгаришини уларнинг ижтимоий демографик таркиби нўқтаи назаридан таҳлил этиш эркакларнинг ишга жойлашиш даражасининг юқорилигини кўрсатмоқда (қаранг: 5.1.1-илова). Ушбу

¹ Қаранг: Рынок труда и социальная политика в Центральной и Восточной Европе. / Переходный период и дальнейшее развитие. Под. ред. Николаос Барра. - М.: ИКЦ «Дис», 1997. С. 223-234.

маълумотлар, бизнинг фикримизча иш кучи бозорида қуйидаги тенденцияларни кузатишга имкон беради:

5.1.2-расм.

Меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат этганларнинг ишга жойлаштирилиш даражаси (фоиз ҳисобида)¹.



- қишлоқ аҳолиси ва эркаларнинг ишга жойлашиш даражасининг юқорилиги. Аёлларнинг эркаларга нисбатан ишга жойлашиш имкониятининг биров пастлиги иш берувчиларнинг аёллардан кўра эркаларнинг иш кучидан фойдаланишни афзал кўришлари билан изоҳланади;

- 1997 йилгача 18 ёшгача бўлган фуқароларнинг ишга жойлашиш даражаси энг юқори бўлган бўлса, эндиликда 18-30 ёшгача бўлганларнинг имкониятлари юқори бўлмоқда. Шунингдек, меҳнат интенсивлиги ва иш режимининг қатъийлиги туфайли пенсия олди, пенсия ва ундан катта ёшдаги фуқароларнинг ишга жойлашиш имкониятлари анча пастлигича қолмоқда;

- олий ўрта махсус маълумотли кишиларнинг ишга жойлашиш даражасининг ўсиш суръатининг юқорилиги иқтисодий техника билан жиҳозлаш даражасини ўстиришда маълум ижобий ўзгаришлар юз бераётганлигидан далолат беради. Ўрта махсус таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолия ижтимоий муҳофаз қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

тизими бозор талабларига мос кадрлар тайёрлашда ижобий тенденцияларга эга. Шунинг учун ўрта махсус маълумотга эга фуқароларнинг ишга жойлашиш даражаси 1994 йилдаги 59,3%дан 2003 йилда 82,7%га ўсди:

- ишчиларнинг ишга жойлашиш даражаси 67,1%дан 74,4%га, касбга эга бўлмаганларники 66,6%дан 75,4%га ўсди. Бу эса ишлаб чиқаришда ҳамон кам малакали, қўл меҳнати устуворлиги сақланиб қолаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, хўжалик бошқаруви тизимидаги ислохотлар туфайли мутахассис ва хизматчиларга бўлган талаб камдир. Бу ҳол олий таълим тизимида бозор талабларини чуқур ўрганиш асосида кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш зарурлигини ҳам тақозо этади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, янги иш ўринларини яратишда уларнинг аҳоли ўсиш суръатидан юқори бўлишини таъминлашга ҳамда юқори даромадли ва кишилар саломатлигини сақлаш, меҳнат муҳофазаси кўзда тутилган бўлишига эришмоқ керак.

Таҳлилларнинг кўрсатишига, 1999 йилга қадар янги иш жойларини яратиш аҳолининг ўсишидан орқада қолаётган эди. Аммо шу йилдан бошлаб уларнинг сони аҳолининг йиллик ўсишидан ортиқ бўла бошлади (қаранг: 5.1.3-жадвал).

5.1.3-жадвал маълумотлари янги яратилган иш жойларининг меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сонидан унча кўп фарқ қилмагани билан ишга жойлаштирилган кишилар сонидан анча кўп эканлигидан далолат бермоқда. Янги иш жойларининг яратилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ўсиб бормоқда. 1999-2003 йилларда яратилган 2,2 млн. янги иш ўринларининг 1,6 млн.таси, яъни 73% кичик тадбиркорлик субъектларига тегишлидир. Уларнинг улуши 1999 йилдаги 49,9%дан 2003 йилда 87,4%га ўсди. Шунингдек, уларнинг аксарият қисми қишлоқ

жойларида яратилмоқда. 2003 йилда янги яратилган иш жойлари умумий сонининг 69,9% (300,3 мингтаси) қишлоқларга тўғри келади¹.

5.1.3-жадвал.

Янги иш жойларининг яратилиши ва демографик ҳамада ишчи кучи бозори кўрсаткичлари²

	1994й	1997й	2000й	2003й
Янги ташкил этилган иш жойлари (минг)	205,2	324,3	443,9	429,8
Аҳоли сонининг йиллик ўсиши (минг киши)	370	423,7	325,4	273,4
Янги иш жойларининг уларга нисбатан фарқи (+, - минг)	-164,8	-99,4	118,5	156,2
Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар сони (минг киши)	202,9	298,8	421,3	430,5
Янги иш жойларининг уларга нисбатан фарқи (+, - минг)	2,3	25,5	22,6	-0,9
Ишга жойлаштирилганлар сони (минг киши)	129,9	197,2	280,6	317,4
Янги иш жойларининг уларга нисбатан фарқи (+, - минг)	75,3	127,1	163,3	112,2

Шу боисдан янги иш жойларининг катта қисми кам маблағ сарфланиши эвазига ташкил қилинмоқда. Арзон иш жойларида бажариладиган иш учун тўланадиган маош миқдори кўпгина ҳолда кам бўлмоқда. Бу ҳол эса ишчи ва ходимларнинг ушбу иш ўринларида ишламаслигига туртки бўлмоқда. Шунингдек, баъзи ҳолларда бўш иш ўринларининг билим, мутахассислик жиҳатидан ишчи ва ходимлар савиясидан юқори бўлганлиги учун вакант бўлиб турибди.

Бизнинг фикримизча, ишчи кучи ва иш жойлари ўртасидаги номутаносибликни тугатиш учун ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган иш билан бандлик ва қайта тайёрлаш сиёсатидан фаол фойдаланиш мақсадга

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотиномаси. -Т., 2004. 56-б.

² Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Т., 2001. 59-60-б; Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотиномаси. -Т., 2004. 52-54-б; ЎзР Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги маълумотлари асосида мувалиц томонидан ҳисобланди ва тузилди.

мувофиқдир¹. Давлат ишчи кучи бозорига қуйидаги йўналишларда таъсир этиши лозим бўлади:

- ишловчиларнинг географик мобиллигини, миграциясини қўллаб-қувватлаш. Бунинг учун устувор равишда ривожлантирилаётган, ўзлаштирилаётган ҳудудларга кўчишни рағбатлантириш;

- корхоналар доирасида кадрларни қайта тайёрлашдан ташқари меҳнат бўлимлари қошида ишчи кучи бозори талабларига мувофиқ ҳудуддаги корхоналар учун зарур кадрларни қайта тайёрлашни ташкил этиш;

- жамоат ишларини ва инвалидлар учун иш жойларини яратиш. Инвалидларни ижтимоий-муҳофаза қилинган ишларга жалб этиш, уларни касбий реабилитациядан ўтишларига имконият яратиш;

- ёшлар ва ишсизлик нафақасини олиш муддати тугаётган фуқаролар учун микрокредитлар ажратиш. Социологик сўров натижалари 1995 йилда меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат этган 19-29 ёшдаги фуқароларнинг 70 фоизи банк кредити олиш имконияти туғилса, бизнес билан шуғулланиш истагини билдирганлар². Шунингдек, ёшлар учун уларни кичик бизнес фаолиятига жалб қилиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга мўлжалланган махсус дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда янги иш жойларини яратиш мақсадида меҳнат биржалари қошида бандликка кўмаклашиш фонди маблағи ҳисобига кичик бизнес субъектларини ташкил этмоқдалар. Фикримизча, меҳнат биржалари ходимларининг кичик бизнес билан шуғулланиши уларни

¹ Маккеннелл К.Р., Брэн С.А. Экономика: Принципы, проблемы и политика. Т.1. -М., Республика, 1982. С.352-353.

² Вороновский Ю.В., Кадыров Б.А. Вопросы трудоустройства молодежи и ее профессиональной подготовки. //Хўжалик юртимизнинг янги йўналишларида ижтимоий яшlab чиқариш самарадорлигини ошириш муаммолари. / Мақолалар тўплами. -Т., ТошДТУ, 1996. 4-б.

асосий ишларидан чалғитади. Шунингдек, улар ўзи ишлаб топган ёки қарзга олган капитал асосида фаолият юритаётган тадбиркорларга нисбатан устунликка эга бўладилар. Бу эса соғлом рақобат тамойилининг бузилишига олиб келади.

Бизнингча, маълум давр мобайнида янги иш жойларини яратган корхоналар уларнинг сонига қараб, бандлик фондига маблағ ажратишдан озод қилиниши ёки имтиёзга эга бўлишлари лозим. Бандликка кўмаклашиш фондига хомий ташкилотлар маблағларини жалб қилиш, уларни ишсизлар учун нафақалар беришга, уларни қайта ўқитиш ҳамда фаолият юритаётган корхоналарда иш жойлари яратишни имтиёзли шартлар билан молиялаштиришга кўпроқ йўналтириш лозим. Улардан ташкилий ишлар учун маблағ ажратишни имкон даражасида қисқартириш керак.

Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида «жадаллашган амортизация» сиёсатини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу сиёсат фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш асосида корхоналарни техника ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш жойларини яратишга имкон беради.

Ўзбекистонда оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун «Банкротлик тўғрисида»ги қонундан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида, айниқса, қишлоқ хўжалигида уларни санадия қилиш, яъни молиявий соғломлаштириш амалга оширилмоқда. Бизнингча, эндиликда, оқилсиз ва самарали иш билан бандликни шакллантириш учун корхоналарни кенг кўламда қўллаб-қувватлашдан дифференциациялашган усулга ўтиш лозим. Банкротлик қонунини белгиланган меъёрда ишлаши, банкротга учраган давлат корхоналарини инвестицион мажбуриятлар олиш шарти билан

хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш лозим. Банкрот бўлган хусусий корхоналарни эса инвестицион мажбурият олган хусусий тадбиркорларга ким ошди савдоси орқали сотиш керак. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иш ҳақи ва даромадлар сиёсати асосида энг кам иш ҳақи миқдори ҳамда тариф разрядлари ва коэффицентларининг белгиланиши иш кучига бўлган таъбнинг кескин камайиб, ишсизликнинг ўсиб кетишининг олдини олишга имкон беради. Эндиликда бу борадаги сиёсат ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошиб боришига, барқарор иқтисодий ривожланишга мос равишда энг кам иш ҳақи миқдорининг ўсиб боришини таъминлаши лозим бўлади. Иш кучи бозорида рақобат муҳитини яратиш, юқори малакали ва унумли меҳнат фаолияти мотивациясини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Республика фуқароларининг расмий равишда чет элларда ишлаб келишини ҳамда иш кучини экспорт қилиш билан шуғулланувчи меҳнат бўлимлари, фирма ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солишнинг қонуний-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш долзарб масала бўлиб турибди.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида меҳнатга лаёқатли аҳолининг самарали иш билан бандлигини таъминлашда иш кучи бозоридаги талаб ва таклиф конъюнктура ўзгаришларига мувофиқ кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда уларни иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича тақдимланишини тартибга солиш ҳам муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда.

5.2. Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инсон омили

ролини фаоллаштириш кадрлар тайёрлаш тизимига боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш тизими ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмунига кўра ишон омилининг шаклланиши ва қарор топиши тизими ҳам ҳисобланади. Шунингдек, у ижтимоий ишлаб чиқаришнинг инсон ва моддий ашёвий омиллариининг бирикиши ҳамда бир-бирларига муғаносиблигини таъминлаш учун асос ҳам яратади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик юритиш субъектлари ўртасидаги кескин рақобат кураши иш кучи ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган кишиларнинг тез ўзгариб боровчи ҳолатларга мослашувчан бўлишини тақозо этади. Бунинг учун улар ўзларининг билим, касб-малака даражаларини узлуксиз равишда ошириб боришлари лозим бўлади. Шунингдек, керак бўлганда касбкорларини ўзгартириб, қайта касб тайёргарлигидан ўтишлари ҳам зарур бўлиб қолиши мумкин.

Шу боисдан Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин таълим ва кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистонда 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунга биноан узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш мақсад қилиб қўйилди. Бу тизим ўз ичига мактабгача, умумий таълим, мактабдан ташқари, ҳунар техника, ўрта махсус, олий таълимни, шунингдек, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, кадрларнинг касб-малака даражасини ошириш ва қайта тайёрлаш, оилавий ва мустақил таълимларни ўз ичига олар эди¹.

Ушбу таълим тизимида умумий таълим муҳим ўрин тутиб, қуйидаги уч босқични, ўз ичига олар эди. Яъни бошланғич (I-IV синф), таянч (V-IX синф), ўрта (X-XI синф). Таянч таълим мажбурий ҳисобланар эди. Шу боисдан 10-11(12) синф ўқувчиларининг сони йилдан-йилга камайиб борди. Таянч билим берувчи 9-синф

битирувчиларининг фақат 55% 10-синфда ўқишни давом эттирар эди. Ўрта мактаб битирувчиларининг 10 фоизигина олий ўқув юртларига ўқишга кириш имкониятига эга эди. Шу боисдан ҳам ҳар йили таянч мактабларнинг 100 минг нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳасида иш тополмай ҳамда касб-ҳунар таълимини давом эттира олмасдан қолар эди². Бу ҳол таълим тизимида умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари ўртасидаги узвийлик ва ворисликнинг йўқлигини кўрсатар эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтиш даври қийинчиликлари туфайли умумтаълим мактабларида касб-ҳунарга ўқитиш, ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш учун моддий-техника базаси кескин равишда ёмонлашиб кетди. 1995/96 ўқув йили бошида 1990/91 ўқув йили бошидагига қараганда ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари сони 352тадан 196тага, яъни 44,4%га, ўқув цехлари ва корхона (колхоз) участкалари сони эса 5 баробардан зиёдга камайди. Улардаги иш жойлари эса 4 баробардан ортиққа камайди³. Бунинг натижасида таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирилганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шакланмай қолди.

Шунингдек, бошқа таълим, кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам ўқитиш сифати пасайиб кетган эди. 1991-1997 йиллар мобайнида мактабгача тарбия муассасалари сони 9834 тадан 8133тага, уларда болалар сони 2 баробардан зиёдга камайди. Ўрта махсус таълим муассасаларининг сони 12 тага кўпайди. Аммо улардаги ўқувчилар сони 11,7%га камайди. Шу давр ичида олий ўқув юртлари сони 52 тадан 60 тага етди. Аммо улардаги талабалар сони ҳам 2 баробардан зиёдга камайди (қаранг: 5.2.1-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. //Ўзбекистоннинг янги қонунари. 6-сон. -Т. Адалат, 1993.

² Баркамол авлод - Ўзбекистон тарвақлининг пойдевори. -Т. Шарк, 1997. 37-б.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990. Статистический ежегодник. -Т.Узбекистан, 1991. С.113; 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси қалқ қўзғалиш / Народное хозяйство Руз в 1993г. -Т. Меҳнат, 1995. С.20; ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистонда таълим тизимининг ривожланиши¹

Кўрсаткичлар	1991	1997	2000	2003	2003 йил- да 1991 йилга нисбатан %	2003 йил- да 1997 йилга нисбатан %
Мактабгача таълим муассасалари сони	9834	8133	6704	6746	68,6	82,9
Уларда болалар сони (минг киши)	1339,5	681,2	624,6	591,7	44,2	86,6
Болаларнинг жалб этилганлик даражаси (%)	35,1	19,5	18,2	19,2
Кундузги умумтаълим мактаблари сони	8557	9627	9670	9791	114,4	101,2
Улардаги ўқувчилар сони (минг киши)	4655,4	5442,3	5971,5	6241,2	134,1	114,7
Биринчи сменада ўқийдиганлар ўлуши %	75,2	72,4	74,3	71,2
Ўқитувчилар сони (минг киши)	384	442,7	453,5	472,1	122,9	108,6
Урта махсус ўқув юрталари	247	259	481	682	276,1	263,3
Улардаги ўқувчилар сони (минг киши)	254,4	224,7	324,1	684,1	268,9	304,4
Абитурентлар қабул қилиш (минг киши)	92,8	91,8	106,6	236,5	254,8	257,6
Олий ўқув юрталари сони	52	60	61	62	119,2	103,4
Улардаги талабалар сони (минг киши)	337,4	158,2	183,6	254,4	75,4	160,8
ОУЮга абитуриентлар қабул қилиш (минг киши)	58,2	35,1	44,7	56,2	96,6	160,1

Ўтиш даври қийинчиликлари туфайли ўқув-тарбия муассасаларидан малакали ўқитувчи, педагог, тарбиячи

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

кадрларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетиш ҳоллари кучайди. Мактабгача тарбия соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотли эди. Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртача 93%ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77-80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмас эди¹. Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги ушбу камчиликларнинг кўпайиб борганлиги учун ҳам 1997 йилда

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги янги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. «Мазкур дастурнинг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир»².

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мўъофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш вазифаси кўйилган.

Шунга кўра ягона таълим тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

- мактабгача тарбия (боланинг олти-етти ёшига етгунча бўлган даврни ўз ичига олади ва мактабгача тарбия муассасалари ҳамда оилаларда амалга оширилади);

¹ Барқамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т., Шарқ, 1997, 38-б.

² Уша ерда, 39-б.

- умумий ўрта таълим (I-IX синфлар) мажбурийдир. Таълимнинг бу турида I-IV синфларда ўқиш бошлангич таълим ҳисобланади;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий таълим йўналиши бўлиб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади. Бунда академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Уларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Уларни эса ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин бўлади. Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим беради ҳамда ўқувчиларга бир ёки бир неча ихтисосни эгаллашларига имкон беради;

- олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичга эга. Мазкур таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пулик-шартномавий асосда амалга оширилади. Бунда бакалаврият-мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим бўлиб уни битирувчиларга касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом берилади. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. Уни битирувчига магистр даражаси бўйича касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади;

- олий ўқув юртидан кейинги таълим (аспирантура, гадқиқотчилик, докторантура) диссертациялар ҳимояси билан яқунланади;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касбий билим ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган;

- мактабдан ташқари таълим болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этишга қаратилади¹.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида қуйидаги уч масала ҳал қилиниши кўзланган:

- **биринчидан**, таълим жараёни, ўқув дастурларининг сифатини сезиларли даражада ўзгартириш лозим. Бундан мақсад уларни бозор иқтисодиёти эҳтиёжларига иложи борича яқинлаштириш ҳамда тарихий фактларни тиклаш, республикамизда яшовчи халқларнинг унутилган маданий ва маънавий анъаналарини ҳаётга қайтариш;

- **иккинчидан**, таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорида ўзларига муносиб иш топишлари учун иложи борича юқори касбий даражада тайёрлашни таъминлаш;

- **учинчидан**, бюджет маблағлари тақчиллиги шароитида таълимни молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излаш талаб этилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабгача таълимни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Шунинг учун 1998-1999 йиллардагина унга сарфланган харажатлар ЯИМга нисбатан 1,14%дан 1,22%га ўсди. Аммо улар томонидан болаларни қамраб олиш 1997 йилдаги 19,5%дан 2000 йилда 18,2%гача камайди² (қаранг: 5.2.1-жадвал). Бунга

¹ Биркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т., Шарқ, 1997. 45-51-б.

² Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

мактабгача таълим муассасаларининг маҳаллий ҳокимиятлар қарамоғига ўтказилиши, давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши натижасида уларга қарашли МТМларнинг тугатилиши сабаб бўлди. Шунингдек, сўнгги йилларда аҳоли йиллик ўсишининг камайиб бориши ҳам бунга таъсир кўрсатмоқда.

Уларни ривожлантириш, молиялаштиришни яхшилаш учун республика Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини вужудга келтириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1999 йил 24 июнь қарорига кўра давлат муассасаларини хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. 2003 йилнинг ўзидаёқ 96 та МТМлар хусусийлаштирилиб, улардан 87таси хусусий мулкдорларга сотилди¹.

2004 йил 1 январь ҳолатига кўра МТМларнинг умумий сонига хусусийлаштирилганлар улуши 36%ни ташкил этди. Бу кўрсаткич Навоий вилоятида 100%ни, Наманган вилоятида 67%ни, Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон вилояти ва Тошкент вилоятида 50%ни ташкил этди. Аммо Жиззах, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида хусусийлаштириш жараёнлари суғамалга оширилмоқда².

МТМларга эътиборнинг кучайиши, хусусийлаштириш жараёнларининг жадаллашганлиги учун 2003 йилда 2000 йилга нисбатан уларнинг сони 4%га, тарбияланувчилар сони эса 19,4%га ўсиб, болаларни қамраб олиш даражаси 19,2%га етди (қаранг: 5.2.1-жадвал). Шунини айтиб ўтиш жоизки, мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган болаларни мактабга тайёрлаш учун маҳаллаларда жамоатчилик марказлари, мактаблар қошида тайёрлов гуруҳлари, саводхонлик мактаблари, мактаб-боғча мажмуалари ва бошқа турдаги 21399 та ноанъанавий

¹ Приватизация и развитие частного сектора экономики. Информационно-аналитический бюллетень за 2003 год. -Т., 2004. С.13.

² Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги маълумотлари

таълим муассасалари ташкил этилган. Ушбу муассасаларда 534 минг нафар бола тарбияланмоқда. Уларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 31,3% бола мактаб таълимига тайёрланмоқда¹.

Таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган умумтаълим мактаблари 1997-2003 йилларда 1,2%га, улардаги ўқувчилар сони эса 14,7%га ўсди (қаранг: 5.2.1-жадвал). Таълим тизимини ислоҳ қилиш асосида 2005-2006 ўқув йилидаёқ тўққизинчи синф битирувчиларининг барчаси истисносиз давлат ҳисобидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишни давом эттириш имкониятини яратиш режалаштирилган эди. Аммо Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги, шу жумладан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилишидаги сусткашликни, умумтаълим мактабларидаги муаммоларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 августдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли қарорида айрим ҳудудларда 9-синфларнинг битирувчилари ўқишни КХКларида ёки умумтаълим мактабларининг 10-синфларида давом эттириш имкониятига эга эмаслиги ҳоллари мавжудлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг тезкор маълумотларига кўра, 2002-2003 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирган 599 мингга яқин ўқувчиларнинг 344,4 минг нафари 10-синфларга, 212,1 мингга яқин ўқувчилар касб-ҳунар коллежларига, 14,5 минг ўқувчи академик лицейларга, 3-4 минг нафар атрофидаги ўқувчи олий ўқув юрглари қошидаги ихтисослаштирилган мактабларга жойлашганлар.

¹ Жураев Р. Таълимга эътибор - нурли келажакка пойдевор. // Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. -Т., Ижод дунёси, 2004. 65-б.

Қолган 12,4 мингта яқин ўқувчининг кейинги тақдири номаълум бўлиб қолмоқда¹. Шу боисдан 2009 йилгача умумий ўрта таълим мактабларида вақтинчалик 10-11-синфлар фаолият кўрсатиши кўзда тутилади. Ушбу синфлар энг яхши педагоглар билан таъминланган, моддий техника базаси яхши ҳамда туман марказлари, аҳоли яшаш жойлари, вилоят марказлари ва йирик шаҳарлардаги мактабларда ташкил этилади. Шунингдек, 9 йиллик мактабларга айлантирилган мактабларнинг 9-синф битирувчилари ҳокимларнинг қарорига кўра, 10-11-синфлар мавжуд бўлган яқинда жойлашган мактабга бириктириб қўйилади².

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, 2009 йилдан бошлаб, умумий ўрта таълим мактаблари 9 йиллик таълим беришга ўгадилар. Уларни битирувчиларнинг 10% академик лицейларда, 90% эса касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш имконига эга бўладилар. Умумтаълим тизимидаги мавжуд 23 та ўқув фанидан давлат таълим стандартлари, янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, жорий этилди. I-IX синфлар учун 2003-2004 ўқув йили бошларига келиб 7 та тилда 159 номда янги авлод дарсликлар яратилди.

Аmmo умумтаълим мактабларида ўз ечимини кутаётган муаммолар тўпланиб қолган. Уларнинг энг муҳимларидан бири ўқитувчилар билан таъминланганлик даражасининг етарли эмаслигидир. Бу кўрсаткич ҳозирги давр талабига нисбатан 95%ни ташкил этмоқда. Бу ҳол ўқитувчи-педагоглар иш ҳақларининг нисбатан камлиги билан изоҳланади. Шунини айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009-йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисидаги»ги 2004 йил 21 май Фармони қабул

¹ Жў;лев Р. Таълимга эътибор - нури келажакка пойдевор. // Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. -Т.: Ижод дунёси, 2004. 68-б.

² Ўша ерда. 69-б.

қилинганидан сўнг 2004 йилда педагогика олий ўқув юр்தларига, жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат университетига энг кўп абитуриентлар ҳужжат топширдилар. Бу эса ўқитувчилар меҳнат фаолияти мотивациясини шакллантириш йўли билан ушбу муаммони ҳал этиш мумкинлигидан далолат беради.

Яна бир муаммо янги давлат таълим стандартларига мувофиқ дарсликлар билан таъминлаш билан боғлиқ. 1998-2003 йилларда нашр қилинган дарсликлар билан таъминланиш даражаси 75-80%ни ташкил этмоқда. Мактабларнинг моддий-техника базаси ва коммуникацияларининг аҳволи ҳам яхши эмас. 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра мавжуд мактабларнинг 61%и лойиҳа асосидаги биноларда, 38%и мослаштирилган биноларда жойлаштирилган. 684таси авария ҳолатидадир. Жиззах вилоятида 39%, Навоий вилоятида 37%, Самарқанд вилоятида атиги 35% мактаблар лойиҳа асосидаги биноларда жойлашган. Авария ҳолатидаги 684та мактабларнинг 72 таси Қашқадарё вилоятида жойлашган. Мактабларнинг 20%и ичимлик суви билан таъминланмаган, 45%и газлаштирилмаган, 42%да телефон алоқаси, 20%да оғҳона (буфет), 49%да фаоллар зали, 2%да кутубхона йўқ. Шунингдек, 431 та мактаб қурилиши тугалланмаган бинолар мавжуддир.

Республика мактабларида жами 5163 та компьютер синфлари мавжуд бўлиб, у бор-йўғи 54%ни ташкил этади. Уларнинг аксарияти эски рўсумдаги компьютерлар билан жиҳозланган. Замонавий IBM, Pentium-1 ва ундан кейинги компьютер синфлари атиги 13%ни ташкил этмоқда (5.2.4-илова). Мактаб таълимини замон талаблари даражасида ривожлантириш, йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун 2004 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури

тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган. Унда мазкур дастурни амалга оширишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланган:

- капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги мактаб биноларини бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;

- таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

- умумтаълим мактаблари, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

- умумтаълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш¹.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан умумий ўрта таълим негизида академик лицей ва касб-ҳунар коллежи йўналишлари бўйича ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини вужудга келтириш вазифаси белгиланган. Бунинг учун 2005 йилгача республикада 181 академик лицей ва 1611 касб-ҳунар коллежларини қуриш, ихтисосини ўзгартириш ва қайта қуриш мўлжалланган эди².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида», 2004 йил 21 май. // Халқ сўзи, 2004 йил 22 май.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга яйтилмоқда. -Т., Ўзбекистон, 1999. 31-б.

1998-2003 йилларда республикамизда 35445 ўқувчи ўришга мўлжалланган 57та академик лицей ва 356725 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 526 та касб-ҳунар коллежлари қурилди ва реконструкция қилиш йўли билан фойдаланишга қабул қилинди. Шу жумладан 77,1 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган 117 та объект янги қурилиш ҳисобига фойдаланишга топширилди. Бу ишларга республика бюджетидан 506,8 млрд. сўм капитал маблағ сарфланди¹. 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра республикамизда 54 та академик лицей ва 533 та касб-ҳунар коллежлари фаолият юритди. 2003/2004 ўқув йили бошида 1989-2000 ўқув йили бошига нисбатан академик лицей (АЛ) ўқувчиларининг сони 3,6 баробарга, касб-ҳунар коллежлари (КХК) ўқувчилари сони эса 17,2 баробарга ўсди. 2001 йилда биринчи марта АЛни 1,3 мингта, КХКларни 3,8 мингта ўқувчи битириб чиқди (қаранг: 5.2.2-жадвал). 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра республикада 9835 та умумтаълим мактабларида 6151,4 мингта ва 65 та академик лицейларда 30,5 минг ўқувчи, 827 та касб-ҳунар коллежларида 757,6 мингта ва 63 та олий ўқув юртларида 263,6 мингта талаба таҳсил олишди². Шунга айтиб ўтиш жоизки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва ишга тушириш белгиланган режадан орқанда қолмоқда. Масалан, 2001 йилда 6 та АЛ ва 110 та КХКларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган эди. Аммо амалда 4 та АЛ ва 81та КХКлар ишга туширилди. 2002 йилда энг кўп КХКлар қурилган бўлса-да, белгиланган режага нисбатан уларнинг қурилиши фақатгина 77,6%га бажарилди. 2003 йилда эса АЛ ва КХКларни қуриш ва реконструкция қилишга 165,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар умумий

¹ Хусанов Ж. Ўрта маъсуф касб-ҳунар таълими истиқболлари. //Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари - Т. Ижод дунёси, 2004. 71-б.

² Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарт 2004 йил - Т., 2005. - 87-б.

Ўзбекистонда кадрлар таъёрлаш миллий дастурига
асосан таълим тизимининг ривожланиш кўрсаткичлари¹

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўқув йиллари бошида					Ўсими ²
		1999/2000	2000/2001	2001/2002	2002/2003	2003/2004	
Умумтаълим мактаплари жами	Бирлик	9849	9802	9703	9799	9791	99,4
улардаги ўқувчилар сони	Минг киши	5820,9	6037,4	6076,4	6329,1	6241,2	107,2
9-синф битирувчилари	---	548,7	62,3	549,8	600,1	599,8	109,1
10(11-12) синф битирувчилар	---	294,3	306,4	327,1	1,2	308,3	104,8
Академик лицей, жами	Бирлик	30	46	47	51	54	180
улардаги ўқувчилар сони	Минг киши	7,3	9,8	17,5	20,5	26,3	360,3
қабул қилинганлар	---	5,5	3,0	10,6	9,3	14,6	263,6
битирганлар	---	-	-	1,3	4,4	4,9	376,9
Исаб-хунар коллежлари, жами	Бирлик	120	241	303	414	533	444,2
улардаги ўқувчилар сони	Минг киши	30,9	59,5	216,8	368,9	531,6	1720,3
қабул қилинганлар	---	27,1	30,1	164,0	184,1	212,2	783,4
битирганлар	---	-	-	3,8	24,4	29,6	784,2
Ўрта махсус ўқув юрталари сони	Бирлик	224	194	181	141	95	42,4
улардаги ўқувчилар сони	Минг киши	266,8	254,8	211,9	150,5	126,2	47,3
қабул қилинганлар	---	92,0	73,5	47,8	43,1	30,7	33,4
таъёрланган мутахассислар	---	53,0	78,3	87,7	94,6	74,1	139,8
Олий ўқув юрталари сони	Бирлик	61	81	81	82	82	
улардаги ўқувчилар сони	Минг киши	168,5	183,6	207,2	232,3	254,4	152,8
қабул қилинганлар	---	41,7	44,7	50,6	54,6	56,2	134,5
таъёрланган мутахассислар	---	35,4	31,6	36,0	39,8	42,3	119,5

¹ Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров ВУЗами и ССУЗами РУз в 1999-2000гг. -Т. 2001. С.3; Там же, в 2001-2002гг. -Т. 2002. С.3; Там же, в 2002 г. -Т. 2003. С.3; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида мухторф томонидан тузилди.

ҳажмининг 25,4 фоизини ва таълим соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 85,7%ни ташкил этди. 94,2 мингта ўқувчи ўрнига мўлжалланган КХКлари ва ўқувчилар учун 7,6 минг ўринга мўлжалланган ётоқхоналар ишга туширилди. Бу 2002 йилга нисбатан тегишли равишда 109 ва 58%ни ташкил этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 4,4 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган 5та АЛ ва ўқувчилар учун 900 ўринга мўлжалланган 4та ётоқхона фойдаланишга топширилди. Аммо бу 2002 йилга нисбатан тегишли равишда 85 ва 71%ни ташкил этди¹. Республикамизда 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб 194 та техникум ва 315 та касб-ҳунар техника билим юртларида АЛ ва КХКлар стандартлари асосида таълим бериш йўлга қўйилган. Аммо АЛ ва КХКларга айлантириш мўлжалланган 346 та техникум ва КХТБЮларидан фақат 92 таси 2002 йилги инвестиция дастурига киритилган. Ушбу орқада қолишлар туфайли белгиланган режалар бажарилмай қолмоқда. АЛ ва КХКларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 1998-2003 йилларда 26,4 млрд. сўмлик мебеллар, ўқув-лаборатория ва техник жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, Германия ҳукуматининг 1,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги гранти бўйича 8 та КХКлар, Корея давлатининг 32 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредити ҳисобига 200 та АЛ ва КХКлар замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. 2004 йилга келиб, Осиё тараққиёт банки (57 млн АҚШ доллари) ва Япония халқаро ҳамкорлик банки (50 млн. АҚШ доллари) лойиҳалари доирасида 3 та АЛ ва 92 та КХКлар замонавий ахборот технологиялари, физика, кимё, биология кабинетлари, лингафон хоналари, тренажер ва диагностика жиҳозлари билан таъминланмоқда.

¹Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотиюмаси. -Т., 2004. 37-б.

Аммо 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра АЛ ва КХКларининг қурилиш-смета нархига кирадиган ўқув жиҳозлар и билан таъминланиши 90%, қурилиш-смета нархига кирмайдиган ўқув-лаборатория жиҳозлари, техникалар билан таъминланиши 40%ни ташкил этмоқда¹.

Шунингдек КХКларни битирувчиларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишлашини таъминлаш муаммоси ҳам мавжуддир. Масалан, 2003 йил 1 октябрь ҳолатига республика бўйича КХКларни битирувчиларнинг 18969 нафари (74%) мутахассислиги ёки унга яқин соҳада иқтисодийнинг турли тармоқларида меҳнат қилмоқдалар. Улардан 1859 (7%) нафари эса турли олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқдалар. Аммо ҳар хил сабабларга кўра, уларнинг 12,9%и ишга жойлаша олмаптилар².

Яна бир муҳим муаммо АЛ ва КХКлар учун малакали педагогик - кадрлар тайёрлаш масаласидир. Ҳозирги кунларда ўрта махсус таълим тизимида 56 фан доктори, 505 фан номзоди ва 23 та чет эллик ўқитувчилар фаолият юритишмоқда. Ушбу соҳага малакали ўқитувчиларни жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 август қарорига мувофиқ ўқитувчилар ойлик маошлари ўртача 40%га оширилди. Олий ўқув юртларидаги малака ошириш курсларида 1998-2003 йилларда 209 мингдан ортиқ ўқувчилар ўз малакаларини оширдилар. Хорижий инвестициялар ва «Устоз» жамғармаси ҳисобидан 686 ўқувчи чет элларда амалиёт ўтадилар. Аммо педагог кадрлар штати 84,3%га тўлдирилган. 2004-2006 йилларда ўрта махсус таълим муассасаларига 100 мингга яқин ўқитувчига талаб бўлади³. Ушбу талабни қондириш учун ҳозирнинг ўзидаёқ олий ўқув юртларида тегишли педагог-инженер кадрларни тайёрлаш лозим бўлади.

¹ Хусанов Ж. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими истиқболлари. //Қишлоқда иқтисодий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари. -Т., Ижод дунёси, 2004. 72-73-б.

² Хусанов Ж. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими истиқболлари. //Қишлоқда иқтисодий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари. -Т., Ижод дунёси, 2004. 73-74-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

Олий таълим тизимини ривожлантиришга кадрлар тайёрлаш миллий дастурида катта эътибор берилган. Бу тизимда бакалаврият ва магистратура бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. 2003/2004 ўқув йилида 1999/2000 ўқув йилига нисбатан олий ўқув юрт(ОЎЮ)ларида талабалар сони 1,5 баробарга, талаба қабул қилиш 34,5%га, мутахассислар тайёрлаш 19,5%га ўсди (қаранг: 5.2.2-жадвал).

ОЎЮларга талабалар қабул қилиш ҳар иккала босқич учун ҳам давлат гранти ва пуллик-шартнома асосида амалга оширилмоқда. 2003/2004 ўқув йили бошида қабул қилинган 56,2 минг талабадан 34,7 мингтаси (61,7%) пуллик-шартнома асосида ўқишди. Бу 2002/2003 ўқув йилига нисбатан 11,1%га кўпдир. Магистратурага кирган 4800 кишидан 3287 киши (68,5%) пуллик-шартнома асосида таҳсил оладилар¹. Бундан кўриниб турибдики, магистратурага талаба қабул қилиш бакалавриатурага нисбатан фақат 8,5%ни ташкил этмоқда. ОЎЮларининг биринчи босқичини битирганларнинг магистратурага кириб ўқишни давом эттириш имкониятлари анча чекланган. Таҳдидларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 2002/2003 ўқув йили бошида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 23,3% саноат, 11,4% қурилиш, 31,8% қишлоқ хўжалиги тармоғи ихтисосликлари бўйича тайёрланган. Иқтисодиёт ихтисосликларини битирувчиларнинг 7,2%, соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 4,8%, хизмат кўрсатиш бўйича 7,7% тугатган (қаранг: 5.2.3-жадвал). Бундан кўриниб турибдики, КХКларида асосан иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Анъанавий ўрта махсус ўқув юртларида 2000-2002 йилларда тайёрланган кадрларнинг

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2003 г. -Т., 2004. С.100.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида тайёрланган кадрларнинг
иқтисодий тармоқлари бўйича таркиби (ўқув йили бошида)¹

Тармоқлар	Касб-ҳунар коллежлари		Ўрта махсус ўқув юрталари				Олий ўқув юрталари					
							Жами				Шундан магистратура	
	2002/2003		2000/2001		2002/2003		2000/2001		2002/2003		2002/2003	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Жами	24367	100	79299	100	94635	100	31568	100	39765	100	2891	100
Шу жумладан: ўқув юрталари Саноат	5676	23,3	13786	17,4	15813	16,7	4953	15,17	5461	13,7	461	15,9
Қурилиш	2776	11,4	4942	6,2	5268	5,6	238	0,8	267	0,7	-	-
Транспорт	453	1,9	2258	2,8	3120	3,3	1193	3,8	1317	3,3	163	5,6
Алоқа	882	3,6	416	0,5	522	0,6	566	1,8	832	2,1	95	3,3
Қишлоқ хўжалиги	7743	31,8	11339	14,3	13798	14,6	2916	9,2	3121	7,8	156	5,4
Иқтисодиёт	1753	7,2	9671	12,2	10338	10,9	1374	4,3	2433	6,1	166	5,8
Ҳуқуқ	436	1,8	998	1,3	1728	1,8	380	1,2	883	2,2	81	2,8
Сорлиқни сақлаш	1207	4,9	22850	28,8	24999	26,4	2369	7,5	2146	5,4	-	-
Жисмоний тарбия ва спорт	136	0,6	191	0,2	186	0,2	184	0,6	288	0,8	13	0,4
Таълим	1082	4,4	11697	14,8	17401	18,4	17183	54,4	22650	57,0	1706	59,1
Санъат ва кинематография	352	1,4	1151	1,5	1462	1,5	212	0,7	367	0,9	50	1,7
Хизматлар	1871	7,7	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

¹ Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров вузами и ссузами Республики Узбекистан в 1999-2000гг. Стат.бюллетень. -Т., 2001. С. 40,82,252; Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров за 2002 г. Стат.бюллетень. -Т., 2003. С. 55,74,114,115,118,119. маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди ва тузилди.

умумий сонида саноат, қурилиш, соғлиқни сақлаш соҳалари ва иқтисодиёт ихтисосликлари бўйича тайёрланган кадрларнинг улуши бирмунча камайди. Ушбу ўқув юртларида ижтимоий-маданий инфратузилма ҳамда гуманитар соҳалар учун тайёрланган мутахассисларнинг салмоғи таҳлил даврида 58,8%дан 59,2%га ўсди.

Шу боисдан реал иқтисодиёт тармоқлари учун тайёрланаётган кадрларнинг салмоғи 41,2%дан 40,8%га камайди.

Бундай тенденция олий таълим тизимида устувордир. Олий ўқув юртларида таълим соҳаси учун тайёрланган кадрларнинг умумий сонидаги улуши шу даврда 54,4%дан 57%га ўсди.

Бу ҳол албатта кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш зарурати билан изоҳланади. Аммо моддий ишлаб чиқариш тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг ўсиш суръатлари паст ва уларнинг улуши ижтимоий-гуманитар ихтисосликлар бўйича тайёрланаётган кадрларнинг салмоғига нисбатан камайиб бораётганлиги гоятда ачинарлидир. Бизнинг фикримизча, истиқболда чуқур таркибий ўзгаришлар тенденцияларига мос равишда табиий ва техника фанлари ҳамда моддий ишлаб чиқариш ва унинг инфратузилмаси тармоқлари учун кадрлар тайёрлашни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда маиший хизмат кўрсатиш ва меҳмонхона, туризм индустрияси ривожланмоқда. Шу боисдан КҲКларда шу соҳалар учун кадрлар тайёрлашга киришилмоқда. Аммо олий ўқув юртларида бу соҳада ишлар амалга оширилмаяпти. Шу боисдан ҳам ОЎЮларида ҳам хизмат кўрсатишнинг ушбу янги турлари бўйича ҳам кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Шунини айтиб ўтиш жоизки, айрим КҲК ва ОЎЮлари моддий-техника базаси ва етук педагог-ўқитувчилари етарли бўлмаса-да, иқтисодиёт соҳалари бўйича кадрлар тайёрлашни

кўнайтирмоқдалар. Оқибатда билим, касб-малака даражаси етарли бўлмаган иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ҳоллари содир бўлмоқда. Улар ўз ихтисосликлари бўйича ишга жойлаша олмаптилар. Шу боисдан иқтисодчи кадрлар тайёрлаётган КХК ва ОЎЮларидаги аҳвол ўрганилиб, бу борада тартиб ўрнатилиши зарур.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун собиқ Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошида жойларда Тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш ахборот-маслаҳат марказлари, Бизнес-инкубаторларда, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази, Республика бизнес мактаби ва унинг 10 та ҳудудий бўлимларида, Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш миллий марказида, Самарқанд халқаро бизнес-мактабларида, Бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий тадқиқот институтининг малака ошириш факультетида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув марказида тадбиркорлик субъектлари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш амалга оширилмоқда.

Ушбу ўқув марказлари ва курслари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун 1999-2004 йилларда республика бўйича 201940 киши тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтди (қаранг: 5.2.4-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Андижон, Самарқанд, Навоий вилоятларида кичик тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг юқори суръатлар билан ўсаётганлигини кўрсатмоқда. Аммо Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткичнинг ўсиши

суръати нисбатан пастдир. Эндиликда имконияти бор бўлган ҚХК ва ОУЮларида ҳам тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Муҳим масалалардан бири корхона ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ишчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини яхшилаш ҳисобланади.

5.2.4-жадвал.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ўсиши¹

Худудлар	1999	2000	2001	2002	2003	2004	Жами
Қорақалпоғистон Республикаси	79	1887	1868	2290	2307	2094	8431
Вилоятлар:							
Андижон	204	2515	2932	3167	3152	3474	15444
Бухоро	461	2050	6211	2959	3035	3952	18668
Жиззах	875	1567	1877	1700	2024	1135	9178
Қашқадарё	441	2048	2228	2423	2509	3506	13155
Навоий	240	1445	2362	2648	2919	3774	13388
Наманган	519	2290	2558	2501	2771	3103	13742
Самарқанд	238	1668	2940	3576	3447	3626	15495
Сурхондарё	1431	2014	2201	1945	2022	2230	11843
Сирдарё	485	1721	1597	1454	1723	1794	8774
Тошкент	802	2305	2569	3716	3313	3129	15834
Фарғона	445	2526	2258	3024	2924	3050	17227
Хоразм	165	2026	2925	2959	3125	3370	14570
Тошкент шаҳри	2027	5473	4898	6153	5519	6075	30145
Ўзбекистон Республикаси бўйича	8412	32135	35824	46377	40880	44312	201940

Расмий статистика тўпламларида ишлаб чиқаришда ишчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини

¹ Приватизация и развитие класса собственников Информационно-аналитический бюллетень за 2001г. -Т., 2002; Там же за 2003г. -Т., 2004. С.64; Там же за 2004г. - Т., 2005. Приложение № 25. Кат.умумлари асосида муаллиф томонидан тузилад.

ошириш тўғрисидаги маълумотлар берилмаганлиги учун бундаги тенденцияларни кузатиш имкони йўқ. Аммо бизнинг кузатишларимизга кўра, ишчи кадрларни индивидуал, уста-шоғирд йўли билан тайёрлаш устувордир.

Бу эса кенг қамровли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган ишчи кадрларни тайёрлашга имкон бермайди. Шу боисдан йирик ва ривожланаётган ўрта корхоналарда ишчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун гуруҳлар ва курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун илгариги ишлаб чиқариш техника ва иқтисодий ўқув курсларини қайтадан ташкил этиш лозим. Шунингдек, ишчиларнинг малакасини ошириш, иккиламчи касбларга ўқитиш учун мақсадли курсларни ҳам ташкил этиш лозим. Йирик корхоналар ўзлари билан ҳамкорлик қилаётган кичик бизнес ва хусусий тарбиркорлик субъектлари учун ҳам ишчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни шартнома асосида ташкил этишлари мумкин. Фикримизча, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг ҳозирги босқичида қуйидагиларни бажариш мақсадга мувофиқдир:

- дастурда белгиланган миқдорда академик лицей ва коллежларни ишга тушириш учун режада белгилангандан кўпроқ маблағ ажратиш, мавжуд умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим ўқув юртларини реконструкция қилиш асосида уларни АЛ ва КХКларга айлантириш имкониятларидан фойдаланиш лозим;

- АЛ, КХК ва умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишларини қаттиқ назорат қилиш, уларнинг мониторингини ташкил этиш;

- молиявий маблағ ва ўқув жиҳозларидан унумли фойдаланиш мақсадида шаҳар ва туманлар марказларида ҳамда аҳоли зич жойлашган йирик қишлоқ ва посёлкаларда бир неча йўналишда кадрлар тайёрлаш бўйича таянч КХКларни ташкил этиш лозим. Уларнинг лаборатория ва

устахоналарида яқинда жойлашган умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун амалий машгулотлар ўтказишга, оммабоп ишчи касбкорликларини ўрганишларига имкон яратиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, уларда мультимедиа дастурлари асосида виртуаль ўқитиш услубларини жорий этиб, тадбиркорлик субъектлари учун ҳам қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўрта ва узоқ муддатли молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқиб, уларни АЛ ва КҲКларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, педагогик кадрларни тайёрлаш қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ўқув ускуналари, жиҳозлари билан жиҳозлашга тақсимлаш тамойилларини ҳар йили шароитга қараб белгилаб бориш;

- кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, молиялаштиришни яхшилаш учун хорижий инвестицияларни, хомийлик ва нодавлат фондларини, аҳоли ва корхоналар ҳамда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондларни жалб қилиш ҳам кўзда тутилиши лозим;

- ишчи кучи бозори талабларини ва иқтисодиётни таркибий ўзгартириш истиқболларини инобатга олган ҳолда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш йўналишларини ўзгартириш лозим. Шунингдек, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг устувор ва истиқболли тармоқлари учун кадрлар тайёрлашни кўпайтириш;

- олий ўқув юртларида магистратура бўйича кадрлар тайёрлашни кўпайтириш зарур. Айниқса табиий ва техника фанлари бўйича давлат гранти асосида магистрлар тайёрлашни кўпайтириш керак. Чунки бу соҳаларда юқори малакали кадрлар тайёрлашни яхшилаш фан-техника

тараққиётининг истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади;

- Ал ва КҲКларни ОЎЮлари ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари базасида ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим;

- нодавлат умумтаълим мактаблари ва оммабоп ишчи касбкорликлари бўйича ўрта махсус таълим ўқув юртлари, ўқув курслари, бизнес мактабларини, ҳатто олий ўқув юртларини ташкил этишга имкон яратилиш лозим. Аммо бунда давлат таълим стандартларига мос келиши ҳамда уларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилиш йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина таълим бозорида рақобат муҳити яратилади. Бу эса кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатининг ошишига олиб келиши мумкин.

Таълим олишнинг узлуксизлигини, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг турли мулкчилик шаклларига асосланган, аммо давлат таълим стандартларига мос келадиган ягона умуммиллий тизимнинг яратилиши инсон омилининг шаклланиши ва самарали амал қилишининг муҳим шarti ҳисобланади. Бу тизимни ишловчиларнинг меҳнат фаолияти мотивацияси ҳамда даромадлари шаклланишининг ишлаб топилганлик механизми билан уйғунлаштирилиши ишлаб чиқаришнинг инсон омилининг янада фаоллаштирилиши учун тегишли ижтимоий-иқтисодий асос яратади.

5.3. Аҳоли даромадларининг инсон омили фаоллигини рағбатлантирувчилик ролини ошириш

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон омилини фаоллаштириш учун тақсимот муносабатларини такомиллаштириш, аҳоли даромадларини ўстириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш муҳим

аҳамиятга эга. Бунинг учун Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳар бир киши учун «ўз қобилият ва меҳнатига таяниб иш тутиш - фаровонликнинг бирдан-бир ва энг барқарор манбаи бўлиб қоладиган муносабатни вуҷудга келтириш»¹ лозим бўлади. Шу боисдан ҳам юртбошимиз «ижтимоий сиёсат, уни амалга ошириш механизмлари одамларнинг меҳнатдаги фаоллигини ва тадбиркорлигини ўстириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилиши даркор»², деб муҳим вазифани белгилаб берди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўтиш даврида Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати қуйидагиларга қаратилган:

- фуқароларнинг эркин иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат, касбкорлик турларини ҳамда ўз меҳнати соҳаларини эркин танлаш каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;

- меҳнат мотивациясининг кучли механизмини киритиш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш учун шароитлар яратиш;

- аҳолини мақсадли ва манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш аҳолининг кам таъминланган табақа ва гуруҳларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- таълим, ижтимоий суғурта, соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилиш йўли билан аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган зарур кафолатини таъминлаш.

Ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири даромадлар сиёсатидир. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичида бу соҳадаги сиёсат аҳолининг даромад даражаси кескин тушиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган эди. Чунки 1994 йилга келиб 1991 йилга нисбатан аҳоли реал пул даромадлари 2 баробарга камайиб кетган эди³.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т., "Ўзбекистон", 1998. 595-б.


² Ушбу ерда

³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Дастлабки даврда аҳоли даромадларининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида аҳолига қўшимча тарзда 700 минг гектар ер майдонлари томорқа хўжаликлари қилиб берилди. Асосий озиқ-овқат ва истеъмол молларига, хизмат турларига истеъмол субсидиялари берилди. Уларнинг нархлари қатъий белгилаб қўйилди. Бюджет ва нобюджет фондлардан аҳоли ёлпасига ижтимоий ҳимоя этилди. Аҳолининг иш билан бандлик даражасини сақлашга ҳаракат қилинди. Иш ҳақи мунтазам индексация қилиб турилди. Энг муҳими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирила бошланди. Ушбу кўрилган чора-тадбирлар ва 1996 йилдан бошланган иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик натижасида аҳоли реал пул даромадлари ўса бошлади (қаранг: 5.3.1-расм).

5.3.1-расм.

Реал мавжуд аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадларининг йиллик ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан, %)¹.



Бозор механизми аҳоли фаровонлигини ошириш билан бирга моддий тенгсизликни ҳам юзага келтиради. Жамият бой, ўртаҳол ва камбағал тоифаларга ажралади. Аммо бундай тенгсизлик меъеридан ортиб кетмаслиги, яъни

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

аҳолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик керак. Давлатни ана шу тенгсизликни тартиблаб, бир меъёردа тутиб ҳамда аҳоли даромадларининг ўсиб боришини таъминлаб тургани учун ҳам иқтисодиётнинг атрибути, унинг фаол иштирокчиси деб ҳисоблаш лозим.

Давлат иқтисодиёт ижтимоий йўналишини, шу жумладан аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашда қуйидагича иштирок этади:

- иқтисодий ўсишни, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириб, даромадларни оширишга шароит ҳозирлайди;

- ўз ҳисобидан иш ўринларини яратиб, даромад топишга имкон беради;

- иқтисодий тангликнинг олдини олиб, даромадларнинг муттасил ошиб боришига кўмаклашади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли даромадлари икки типга бўлинади, яъни бозор ва нобозор даромадлари. Биз ушбу бозор ва нобозор даромадларининг энг умумий классификациясини 2001 йилда чоп этилган мақоламизда берганмиз¹. Аммо ўтган давр ичида содир бўлган ўзгаришлар уни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Шуни айтиш жойизки, аҳоли даромадлари турлари бўйича туркумланиши Р.Р.Ҳасанов томонидан таклиф этилган. Унинг фикрича даромадлар қонуний ва ноқонуний типларга бўлинади. Қонуний даромадлар эса бозор ва нобозор даромадларига бўлинган². Бизнинг фикримизча, даромадларни авваламбор бозор ва нобозор даромадларига бўлиб, сўнгра ularни қонуний ва ноқонуний жиҳатдан тавсифлаш керак эди. Чунки хуфёна, норасмий тадбиркорликда яширилган ва солиқлардан яширилган барча

¹ Абулқасимов Х.П. Ердан неф келтирсин. //Жамият ва бошқарув. 2001 йил 3-сон. 54-б.

² Ҳасанов Р.Р. Бозор даромадлари: моқияти, таркибий тузилиши ва табақаланиши. Т., Тошкент: Молия институту. 2004. 16-б.

турдаги даромадларни ноқонуний даромадлар деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, ушбу туркумланда тадбиркорлик даромади ва ёлланган ишчи, ходимларнинг иш ҳақлари алоҳида кўрсатилмаган. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи нобозор даромадлари туркумига киритилган. Назаримизда, мулкчилик шаклидан қатъий назар иш ҳақи иш кучи товарнинг бозор баҳосини ифодалайди. Давлат хизматчилари ҳам ёлланма ходимлар ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, аҳоли даромадлари, авваламбор, бозор механизми орқали олинган даромадларга ва нобозор турларига бўлинади. Бозор механизми орқали олинган даромадлар қисқача қилиб аҳолининг бозор даромадлари деб аталади. Уларга тадбиркорлик даромади, ёлланма ишчи ва хизматчиларнинг корхона, ташкилотлардан оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари, мулкдан келган даромад, индивидуал меҳнат фаолиятидан, уй хўжалигида яратилган товар ва хизматларни сотишдан тушган даромадлар киради. Нобозор даромадларига аҳолига бюджетдан бериладиган трансферт тўловлари турли ҳайрия пуллари ҳамда натурал истеъмол қилинадиган неъматлар, яъни натурал истеъмол даромадлари киради (қаранг: 5.3.1-чизма).

Фикримизча хуфёна, қонунда ман қилинган бизнес ва тадбиркорлик даромадлари, солиқдан яширилган аҳолининг барча бозор даромадлари ҳамда ноқонуний тўланган пенсия, стипендия ва нафақалар, моддий ёрдам пуллари ноқонуний даромадлар туркумига киради. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг бозор даромадлари асосий бўлса, нобозор даромади уларнинг ҳосиласи, иккиламчи даромаддир. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида даромадлар таркиби динамик, яъни тез ўзгарувчан бўлади. Бу, биринчидан, аҳолининг бозор на

нобозор даромадлари нисбатида, иккинчидан, ҳар бир даромад типининг ички тузилишида ўз ифодасини топади¹.

5.3.1-чизма.

Аҳоли даромадларининг туркумланиши²



Ҳозирги даврда тадбиркорлик даромадлари, мулкдан келадиган даромад, дивиденд, индивидуал фаолият ва шахсий ёрдамчи томорқа ва деҳқон хўжаликларидан

¹ Абулқосимов Ҳ.П. Ёрдам наф келтирсин.// Жамият ва бошқарув, 2001 йил 3-сон. 54-б.

² Муаллиф томонидан тузилди.

келадиган даромадлар кўпайиб бормоқда (қаранг: 5.3.1-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, аҳоли пул даромадлари таркибида тадбиркорлик даромади ва мулкдан келадиган даромад ўсиб бормоқда. Бу республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳамда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг кейинги йилларда ривожланаётганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, кейинги йилларда деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинган даромадларнинг ҳам роли орғиб бормоқда.

5.3.1-жадвал.

Аҳолининг пул даромадлари ва уларнинг ишлатилиши
(пул даромадларига нисбатан % ҳисобида)¹

	1997й	2000й	2001й	2003й
Пул даромадлари - жами	100	100	100	100
Шу жумладан:				
Меҳнат ҳақи	60,5	54,5	55,1	56,6
Социал трансфертлар	15,2	12,7	12,2	11,4
Мулкый, тадбиркорлик ва бошқа даромадлари	24,3	32,8	32,7	32,0
Пул даромадларининг ишлатилиши - жами	96,6	96,1	97,0	95,7
Улардан:				
Товарлар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар	86,0	85,5	85,7	78,7
Мажбурий тўловлар ва бадаллар	8,4	8,4	9,0	7,3
Омонатдаги, қимматли қоғозлардаги жамғармалар, валюта харид қилиш	1,9	2,1	2,2	9,2
бошқа ҳаражатлар	0,3	0,1	0,1	0,0
Аҳоли кўлядаги пуллар ўсиши (+), камайиши (-)	3,4	3,9	3,0	4,3

Ушбу маълумотлар аҳоли пул даромадлари таркибида меҳнат ҳақининг улуши 2000 йилгача камайиб, 2001 йилдан

¹ Социально-экономическое положение РУз за 1998г. - Т. 1998. - С. 29; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. - Т. 2004. - С. 71. маълумотлари асосида тузилган.

бошлаб ўса бошлади. Меҳнат ҳақининг аҳоли пул даромадларидаги улушининг камлиги, унинг рағбатлантирувчилик ролининг пасайганлигидан далолат беради. Ишлэтилаётган пул даромадларидаги аҳолининг товарлар сотиб олиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг улуши камайиб, уларнинг пул жамғармалари ўсиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш орқали аҳолининг омонатлардаги ва қўлларидаги пул жамғармаларини инвестицияга, тадбиркорлик капиталига айлантириш лозим бўлади. Бунинг оқибатида аҳолининг мулкый ва тадбиркорлик даромадларининг ўсиши учун имконият яратилади.

Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси таркибини таҳлил қилиш умумий тадбиркорлик даромадларининг 1998-2005 йилларда 51,9%дан 56,0%га ўсганлигини кўрсатмоқда. Бунда тадбиркорлик, мулкый ва бошқа даромадларнинг салмоғи 28,2%дан 30,0%га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган пул даромадлари эса 23,7%дан 26,0%га ўсди. (қаранг: 5.3.2-расм)

5.3.2-расм.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари балансига кўра пул даромадлари таркиби (жамига нисбатан, % ҳисобида)¹.



¹ ҲЗР. Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 Т., 2005. - 78-б. Ўзбекистон 2005 йил статистик ахборотиномаси. Т., 2006. 41-б маълумотлари

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштиришда аҳолининг бизнес ва тадбиркорликдан оладиган даромадларининг рағбатлантирувчилик роли ортиб бормоқда. Айрим МДҲ мамлакатларида кузатилган оилалар даромадининг асосий манбаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, Арманистон, Қирғизистон, Молдова, Озарбайжон, Украинада тадбиркорликдан, корхона ва ташкилотлардан олинadиган меҳнат даромадларининг умумий оила даромадидаги улуши 1991-2002 йилларда камайгани ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлари салмоғи эса ўсган (қаранг: 5.3.2-жадвал).

Аҳоли даромадлари таркибида социал тўловлар улуши Беларус, Қозоғистон, Россия, Украина ва Қирғизистонда ўсган. Бу ҳол ушбу мамлакатлар аҳоли сонида пенсионерлар салмоғининг ўсганлиги сабабли пенсия ажратмаларининг кўпайганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистонда социал тўловлар салмоғининг камайганлиги аҳолини ёппасига ижтимоий муҳофаза қилишдан манзилли, яъни энг кам таъминланган аҳоли гуруҳларини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишга ўтганлик билан изоҳланади. Шунини айтиб ўтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши оқибатида аҳолининг тадбиркорликдан олаётган даромадлари салмоғининг ўсиб борганлиги туфайли Ўзбекистон аҳолисининг меҳнат даромадлари улуши энг юқори бўлган мамлакатлар қаторига киради.

Аmmo қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинadиган даромадлар улушининг юқорилиги ташвишланарлидир. Чунки бу ҳол аҳолининг корхона ва ташкилотлардан олаётган иш ҳақи ҳамда бошқа даромадлари салмоғининг камайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Бозорга хос даромадларни олиш имкони турли аҳоли тоифалари учун бирдек эмас.

Айрим МДХ мамлакатларида аҳолининг асосий даромадлари салмоғининг ўзгаришлари (кузатилган-оилалар даромадининг умумий миқдорига нисбатан % ҳисобида)¹

Мамлакат	Меҳнат даромадлари	Социал тўловлар		Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан олинган даромадлар
		Жами	Шундан пенсия	
Арманистон				
1991 йил	55,1	11,6	6,4	12,4
2001 йил	42,1	9,5	6,9	15,6
Белоруссия				
1991 йил	63,0	12,3	8,1	4,0
2002 йил (9 ой)	62,5	25,4	23,0	2,5
Қозғоғистон				
1991 йил	68,5	9,9	5,6	3,3
2002 йил (III кв)	77,3	16,6	13,4	
Қирғизистон				
1991 йил	59,4	9,6	7,0	9,5
2002 йил (9 ой)	51,0	9,8	8,9	20,8
Молдова				
1991 йил	75,0	9,5	6,8	7,5
2002 йил (III кв)	52,0	19,6	16,9	12,4
Озарбайжон				
1991 йил	58,6	11,6	8,4	9,2
2001 йил	42,1	9,7	7,9	35,5
Россия				
1991 йил	69,9	10,8	7,7	2,2
2001 йил	77,5	15,0		
Тоҷикистон				
1991 йил	57,1	10,6	6,1	8,8
2001 йил	67,1	2,0	1,9	17,2
Украина				
1991 йил	61,9	12,4	9,1	4,3
2002 йил (II кв)	56,2	26,8	24,6	6,3
Ўзбекистон				
1991 йил	56,9	13,8	7,5	9,4
2003 йил	69,3	11,2		17,6

Агар тадбиркорликни сасак, у билан аҳоли қатламлари турлича шуғулланади. Хизматчилар ва ишчилар пенсионерларга нисбатан тадбиркорлик билан бироз фасолроқ шуғулланишмоқда. Тадбиркорларнинг бизнес ва тадбиркорликдан олаётган даромадлари умумий даромадларининг 50 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда.

¹ Статсборнинг Статкомитата СНГ за 2002г. -М. 2003. С.125-126; Ўзбекистон иқтисодий вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Ҳозирги даврда барча аҳоли ижтимоий гуруҳлари томорқа ва деҳқон хўжаликлари билан шуғулланишмоқда. Улардан олаётган пул ва натура шаклидаги даромадларининг салмоғи ўсиб бормоқда. Шунингдек, яқка тарғибдаги меҳнат фаолияти ҳамда мулкый даромадлар улуши ҳам ортиб бормоқда. Аммо корхона ва ташкилотлардан олинadиган меҳнат фаолияти даромади, яъни иш ҳақининг улуши пасайиб бормоқда. Айниқса, ёлланма ишчи ва хизматчилар даромадлари таркибида иш ҳақи улушининг камайиб бораётганлиги унинг рағбатлантирувчилик ролининг пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

Бундай хулосага келишимизга иш ҳақининг аҳоли даромадидаги ҳамда аҳоли даромадлари ва харажатлари балансидаги даромадларнинг умумий миқдоридagi улушининг камайиб бораётганлиги ҳам асос бўлади.

Ёлланма ишчи ва хизматчилар республика аҳолисининг катта қисмини ташкил этади. Уларнинг меҳнат фаоллигини ўсиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан иш ҳақининг рағбатлантирувчилик ролининг пасайиши ҳамда ишчи ва хизматчилар оилз даромадидаги салмоғининг камайиши ташвишланарли ҳолдир. Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи ишчи кучи товар қиймати ва баҳосининг ўзгарган шаклини ифодалайди. Иш ҳақи ишчи кучини кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқаришни таъминлаши лозим¹. Унинг миқдори ишчи кучи бозорида унга бўлган талаб ва таклиф нисбатига қараб ўзгариб боради. Иқтисодиётнинг ҳар қандай секторда мулкчилик шаклларида қатъий назар иш ҳақи миқдори ишловчининг шахсий қобилиятларига, билими ва касб-малака даражасига, маҳоратига, тажрибасига ҳамда бажарган иш натижаларига боғлиқ бўлади. Чунки иш ҳақи

¹ Боясов Е.Ф. Экономическая теория: курс лекций для студентов вузов. - М.: Юрайт, 1998. - С.220.

меҳнат шароити ва унинг пировард натижаларига боғлиқ бўлиши ҳамда ишловчиларни ўз билими ва касб-малакасини, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот ва хизмат сифатини яхшилашга, шунингдек, барча турдаги иқтисодий ресурслардан рационал, тежамкорлик асосида фойдаланишга рағбатлантириши керак. Демак, иш ҳақи ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти ва унга ўтиш шароитида иш ҳақи ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим воситаси вазифасини, шунингдек уларнинг касб-малака ва шахсий сифат ҳамда қобилиятларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш функциясини ҳам ўтайди. Шу боисдан ҳам давлат иш ҳақининг энг кам миқдорини белгилайди. Унга амал қилиш мулкчилик шаклларида қатъий назар барча иш берувчилар учун мажбурий ҳисобланади. Ишловчилар учун эса энг кам иш ҳақи инсон сифатида муносиб япаш, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлашнинг ижтимоий кафолатидир.

Энг кам иш ҳақи миқдорини белгилашнинг бошланғич пункти энг кам истеъмол бюджети, яъни моддий таъминотнинг энг кам бюджети ҳисобланади. Ундан паст даража камбағаллик ҳисобланади. Энг кам истеъмол бюджети асосида даромадларнинг, социал трансферт тўловларининг, яъни пенсия, ишсизлик нафақаси, кўп болали ва кам таъминланган oilаларга моддий ёрдамлар ҳамда кафолатланган энг кам иш ҳақи миқдори белгиланади. У ишловчининг нафақат тирикчиликнинг физиологик минимумини, шу билан бирга ишчи кучи сифатини ошириш ва маълум даражада истеъмол танлови эркинлигини ҳам таъминлаши лозим бўлади.

Тирикчилик минимуми даражаси истеъмол товарлари ва хизматлари саватини аниқлаш орқали белгиланади.

Қонунчилик асосида белгиладиган тирикчилик минимумининг пул миқдори ушбу сават таркибидаги ўзгаришларини ҳамда унга кирган товарлар ва хизматларнинг истеъмолчининг харид қилиши мумкин бўлган даражасини ҳисобга олиши керак бўлади. Акс ҳолда у ишловчиларни ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш дастагидан аҳоли даромадлари ва истеъмолини чеклаш воситасига айланади. Шу боисдан ривожланган мамлакатларда истеъмол саватига кирган товарлар ва хизматлар таркибидаги ўзгаришлар мунтазам равишда ўрганилиб, унинг асосида тирикчилик минимумининг пул миқдори даврий равишда қайта кўриб чиқилади. Аммо энг кам иш ҳақи миқдори тирикчилик минимуми миқдорига айнан тенг бўлиши мумкин эмас. Лекин унинг миқдори тирикчилик минимумидан кам ҳам бўлмаслиги керак¹.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида МДҲ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам энг кам тирикчилик даражасини ифодалайдиган энг кам истеъмол бюджетини ва унинг асосида энг кам иш ҳақини белгилашнинг иложи йўқ. Чунки истеъмол бозори истеъмолчиларнинг танлаш эркинлигини таъминлайдиган арзон ва қиммат товар ҳамда хизматлар билан тўйинган эмас. Бунинг учун миллий иқтисодиёт етарли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эга эмас. Шунингдек, молиявий маблағлар энг кам истеъмол бюджетини ва иш ҳақини таъминлаш учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам уларни аниқлашга қилинган уринишлар шартли ва асосан илмий тавсифга ҳамда аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда энг кам иш ҳақининг мунтазам равишда ошириб бориш орқали аҳолининг реал даромадларининг ўсиб бориши таъминланмоқда. 2005 йил октябрь ойида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори 1994

¹ Қаранг: Макконнелл К.Р., Брю С.А. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В.2г. Пер. с англ. 11-го изд. Т.1. -М., Республика, 1992. С.167-168; Фшшер С., Дорнбуш Р., Шмалецки Р. Экономика: пер. с англ. со 2-го изд. -М., Делс АТД, 1995. С. 295-296.

йил декабрь ойидагига нисбатан 94 баробар юқори бўлди (қаранг: 5.3.3-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, бу миқдор энг кам истеъмол миқдори даражасидан анча камдир.

5.3.3-жадвал.

Энг кам иш ҳақи миқдорининг ўзгариши¹

<i>Муддати</i>	<i>Миқдори сўм</i>
1994 йил декабрь	100
1996 йил апрель	400
1997 йил январь	600
1999 йил январь-июль	1100
2000 йил август	2450
2001 йил август	3430
2002 йил август	4435
2003 йил май	5440
2004 йил август	6530
2005 йил октябрь	9400

ЎЗР Давлат статистика қўмитаси томонидан 2004 йил март ойида ҳисобланган 5,4 кишилиқ оиланинг бир ойда энг муҳим ўн хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг энг кам меъёрий миқдори 28976 сўмни ташкил этган. Бу миқдор ўша даврдаги 5440 сўмлик энг кам иш ҳақи миқдоридан 5,3 баробар кўп бўлган.

Бизнинг фикримизга кўра, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришилганидан кейин Т.А.Каримова айтганларидек, энг кам иш ҳақи миқдорини тирикчилик минимумига қатъий боғлашга, унинг миқдорига эса пенсия ва нафақаларни боғлашга имкон берадиган иқтисодий механизмни яратиш мумкин бўлади². Иш ҳақининг ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда рағбатлантирувчилик родини ошириш мақсадида

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

² Обновление производственных отношений и активизация человеческого фактора. Под ред. А.Х.Хикматова. -Т., Фан, 1992. С.28.

истиқболда минимал истеъмол бюджетига асосланган ҳақ тўлаш тизимини яратиш учун амалдаги тариф тизимини қайта кўриб чиқиш лозим.

Ўзбекистонда 1993 йилнинг январь ойидан бошлаб ягона тариф сеткаси(ЯТС)нинг жорий этилиши ишловчиларни ўтиш даври иқтисодиётида кафолатланган иш ҳақи даражасини таъминлади. Аммо ЯТСга ўтиш иш ҳақи тизимини ислоҳ қилишни аниқлатмади. Чунки ўша даврдаги ишловчилар касб-малака гуруҳларининг амалдаги иш ҳақи ва лавозим маошлари даражасига таянди ҳамда тартиблади. Дастлабки ЯТСда 28 тариф разряди ва коэффициентлари мавжуд эди. Ундаги нолинчи разряд минимал иш ҳақига асосланиб, 1,00 тариф коэффициентига эга эди. Иш ҳақидаги табақаланиш 21-28-тариф разрядларида кучли эди.

1995 йилнинг март ойидан бошлаб ЯТС такомиллаштирилди. Унда 1-5-разрядларнинг тариф коэффициентлари анча оширилди. 6-разряддан бошлаб эса илгаригига нисбатан тариф коэффициентлари пасайтирилди. 28-разряднинг тариф коэффициенти 2,4 баробарга камайтирилди. Оқибатда турли разрядлар ўртасидаги фарқ камайди. Юқори ва қуйи малакали ишловчилар иш ҳақидаги фарқ анча кам бўлди. Шунинг учун 1996 йил 1 сентябридан бошлаб ЯТСнинг учинчи варианты жорий этилди. Тариф разрядлари 28 тадан 22 тагача камайтирилди. Разрядлар ўсиб бориши билан тариф коэффициентлари ҳам ўсиб боради. Бу эса ишловчиларни маълум даражада касб-малака даражасини оширишга рағбатлантиради. Ишловчиларнинг ҳар бир касб-малака гуруҳига 2 ёки 3 тариф разрядлари белгиланган. Унда ишловчилар қуйи, ўрта ва юқори малакали тоифаларга ажратилган. Аммо уларнинг иш ҳақлари ўртасидаги фарқлар сезиларли даражада катта эмас. Улар ўртасидаги 1000-2000 сўмлик фарқ ҳозирги даврда ишловчиларни

касб-малака даражасини оширишга етарли даражада рағбатлангирмайди. Шунингдек, ижтимоий-маданий соҳа ходимларига уларнинг билим даражаларига нисбатан паст тариф разрядлари ва коэффициентлари белгиланган. Оқибатда таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат соҳасидаги ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари даражаси миллий иқтисодиётдаги ўртача даражадан анча паст даражада сақланиб қолмоқда (қarang: 5.3.4-жадвал).

5.3.4-жадвал.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари (иқтисодиёт бўйича ўртача даражага нисбатан фоиз ҳисобида)¹.

Иқтисодиёт тармоқлари	Йиллар			
	1991	1995	2000*	2003*
Иқтисодиёт бўйича ўртача Шу жумладан:	100	100	100	100
Саноат	113,3	143,5	189,6	179,3
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	109,5	74,2	60,9	
Қурилиш	121,9	160,4	164,4	149,3
Транспорт	113,4	140,4	173,9	138,6
Алоқа	97,4	138,5	199,2	149,9
Савдо, умумовқатланиш, моддий техника таъминоти тайёрлаш	81,6	64,9	80,9	59,4
Уй-коммунал хўжалиги, аҳолига ноишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш турлари	79,2	105,5	138,3	82,1
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	73,4	68,3	62,3	53,0
Халқ таълими	78,2	62,4	71,3	57,2
Маданият ва санъат	70,0	70,5	83,0	59,4
Фан ва фанга хизмат кўрсатиш	119,0	115,4	138,4	120,7
Кредитлаш ва сугурта	178,2	173,3	2,6	2,7
			марта	марта
Бошқариш органлари аппарати	108,0	101,2	123,5	91,8

* декабрь ойида

Ушбу маълумотлар 1991-1997 йилларда ижтимоий-маданий соҳаларда ўртача ойлик иш ҳақининг иқтисодиёт бўйича ўртача даражага нисбатан пасайиб борганлигини,

¹ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992г. -Т. 1. 1993. С.62-63; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1997г. -Т. 1998. С.88-89; Там же за 2003г. -Т. 2004. С.91-92 маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

сўнгра эса ўсганлигини, аммо 2003 йилда яна пасайганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ижтимоий-маданий соҳалар ходимлари ойлик иш ҳақини ўстириш, улар меҳнатини рағбатлангиришнинг долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолганлигидан далолат беради.

Бозор муносабатларининг ривожланиши билан кредитлаш ва суғурта ходимлари ўртача ойлик иш ҳақлари энг юқори бўлиб турибди. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар туфайли автомобилсозлик, электротехника каби илмталаб ҳамда ўзак тармоқлар ривожланмоқда. Шунингдек, саноат маҳсулотларининг нархлари ҳам тез ўсмоқда. Натижада саноатда ойлик иш ҳақи энг юқори даражада.

Алоқа тармоғининг жамиятда ва иқтисодиётдаги нуфузи ортиб бормоқда. Бунга сабаб ахборот технологиялари юқори суръатда ўсмоқда. Бу эса ушбу соҳа ходимлари ўртача ойлик иш ҳақларининг юқори суръатда ўсишини таъминлади. Қишлоқ хўжалигида ортиқча иш билан бандлик ҳамда яширин ишсизлик мавжуд. Шунингдек, қўл ва малакасиз меҳнат устувор. Шунинг учун ҳам ушбу тармоқда ўртача ойлик иш ҳақи бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқларидагига нисбатан анча пасайиб кетмоқда. Бундай ҳолат бошқа МДҲ мамлакатларида ҳам мавжуддир. Масалан, Россия, Арманистон, Беларус, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам ижтимоий-маданий соҳаларда ва қишлоқ хўжалигида ўртача ойлик иш ҳақи иқтисодиётдаги ўртача даражадан анча пастдир (қаранг: 5.3.1-илова). Шунингдек, республикада Навоий вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ўртача ойлик иш ҳақи юқори бўлгани ҳолда Жиззах, Сурхондарё каби вилоятларда энг паст даражададир¹. Бу ишлаб чиқарувчи кучларнинг минтақалар бўйича нотекис жойлашганлиги ҳамда

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2003 год. -Т.: 2004. С.91.

уларнинг индустриал ривожланиш даражаларидаги фарқлар мавжудлиги билан изоҳланади. Мулкчилик шакллари бўйича корхона ва ташкилотлардаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи даражаларининг таҳлили қўшма корхоналарда, акционерлик жамияти корхоналарида ҳамда давлат секторида юқори эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, 2002 йилда қўшма корхоналардаги ўртача ойлик иш ҳақи ўртача иқтисодиёт бўйича даражадан 3 баробардан зиёдга, акционерлик жамиятларида 46,7%га, давлат корхоналарида эса 19%га юқори бўлган. Аммо бу кўрсаткич хусусий корхоналарда ўртача даражадан 28,3%га, меҳнат жамоаси корхоналарида эса 17,7%га паст бўлган. Фермер хўжаликларида бу кўрсаткич ўртача иқтисодиёт кўрсаткичининг 47,5%ни, ширкат хўжаликларида эса 52,3%ни ташкил этмоқда¹.

Ўзбекистонда ишчи кучи бозори, шу сабабли иш ҳақининг вужудга келишининг бозор механизми эндигина шаклланимоқда. Иш ҳақи вужудга келишининг бозор асосларининг қарор топишига қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда:

- иқтисодиёт тармоқларининг ва корхоналарнинг кўпчилигида меҳнат унумдорлигининг, техника билан қуролланиш даражасининг, шунингдек, меҳнат сифатининг паст даражада эканлиги ҳамда ишловчилар касб-малака даражаларининг унумли фаолият юритиш учун етарли даражада эмаслиги туфайли иш ҳақи даражаси нисбатан пастдир. Ҳатто ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди;

- ортиқча меҳнатга лаёқатли аҳолининг, яширин ишсизликнинг катта кўламда мавжудлиги ҳамда норасмий иш билан бандлик миқёсининг катталиги иш берувчиларга иш ҳақи даражасини ўз истагига кўра белгилаш имкон

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

беради. Ишловчилар эса бундай ҳолда иш берувчилар истагига бўйсунушга мажбур бўлмоқда;

- бозор муносабатларига ўтиш шароитида кўплаб корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмларини қисқартирганликлари ёки ортиқча, унумсиз иш кучидан қутилиш учун ишчи, хизматчиларнинг сонини қисқартирмоқдалар. Иш кучига бўлган талабнинг қисқариши иш ҳақини ўстиришга тўсқинлик қилмоқда;

- ишчи кучи мобиллиги, яъни ҳаракатчанлигининг чекланганлиги улар ўртасида иш ўринлари учун рақобатга киришишларига тўсқинлик қилмоқда;

- энг кам иш ҳақи миқдорининг ҳатто физиологик минимум даражасидан ҳам пастлиги иш ҳақининг нисбатан паст даражада ушлаб турилишини таъқозо этмоқда;

- касаба уюшмалари ҳар бир тармоқ, корхона маъмуриятининг бир бўлаги сифатида фаолият юритмоқда. Улар бозор муносабатлари шароитида фаолият қилиш усуллари ва воситаларини ўзлаштирмаганлар. Шунинг учун улар ишчи кучи бозорига, иш ҳақи шаклланишининг бозор механизмларига таъсир эта олмайдилар;

- норасмий иш билан бандлик шароитида, вақтинчалик ёлланиб ишлайдиган кишилар (мардикорлар) билан ишга ёлловчилар ўртасида расмий меҳнат шартномалари тузилмаяпти. Бир марталик иш билан таъминлаш марказлари етарли ҳуқуқий базага эга бўлмаганликлари учун улар ўртасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солиш имкониятига эга эмаслар;

- ягона тариф сеткасида тариф разрядларига белгиланган тариф коэффициентлари малакасиз, кам малакали ва юқори малакали иш кучига тўланадиган иш ҳақи ўртасида сезиларли фарқни вужудга келтирмайди. Шунинг учун ЯТС ишловчиларни унумли, самарали меҳнат қилишга ва ўзларининг касб-малака даражаларини оширишга етарли даражада рағбатлантирмайди.

Ушбу сабабларга кўра иш ҳақи ишчи кучи товар қиймати ва баҳосини тўғри ифода этмаяпти. Шунинг учун ҳам иш ҳақи ишчи кучини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминламайди. Ишчи ва хизматчилар ўзларининг асосий ишларидан ташқари тадбиркорлик, якка тарғибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, қишлоқ ва уй хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, сотиш йўли билан қўшимча даромад топишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай ҳол барча МДҲ мамлакатларида мавжуддир¹. Иш ҳақи ёлланма ишчи ва хизматчиларнинг оила даромадининг катта қисмини ташкил этсагина меҳнат мотивацияси, унинг рағбатлантирувчилик роли юқори бўлади. Масалан, ёлланма ишчи ва хизматчилар оила даромадида иш ҳақининг улуши Японияда 94%ни, АҚШда 70,8%ни ташкил этади².

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, иқтисодиёт тармоқлари ва ишловчиларнинг касб-малака гуруҳлари бўйича иш ҳақининг табақаланиши уларда меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига, шунингдек иш билан банд ишловчиларнинг билим, касб-малака даражалари боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида айрим соҳа ишловчилари даромадлар бўйича қуйироқ стратга, яъни ижтимоий-иқтисодий табақага тушиб қолмоқда. Моддий-техника ресурсларига нарх-наво бозор механизми асосида шаклланмоқда ва улар юқори суръатда ўсмоқда. Ишчи кучига бўлган баҳо эса унинг табиий асосига, яъни унинг қиймати ва бозор баҳосига ҳам яқинлашмайди. Иш ҳақининг нисбатан пастлиги бир томондан, аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларга, айниқса, уларнинг сифатли турларига бўлган талабини чеклайди; иккинчи томондан, қўл меҳнатидан

¹ Қаринг: Локтев В. Зарплата. Можно ли на нее хорошо жить? //Труд. 1995г. 13 мая; Кузьмин С. Двиги и проблемы в социально-экономическом развитии России.//Экономист. №7. 2002. С.29-30.

² Антосенкова Е., Кокин Ю. Реформа заработной платы: ожидания и реальность. // Экономист, 1997. №4. С.30.

фойдаланишнинг арзонлиги ишлаб чиқаришга қимматбаҳо замонавий техника ва технологияни жорий этишни чеклайди.

Ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштириш учун аҳоли даромадларини шакллантиришнинг ишлаб топилганлик асосини яратиш, иш ҳақининг рағбатлантирувчилик ролини ошириш ҳамда ишловчиларни ижтимоий муҳофазасини кучайтириш лозим бўлади. Бунинг учун бизнинг назаримизда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳолининг бозор механизмлари орқали оладиган даромадларини кўпайтиришнинг тегишли ижтимоий-иқтисодий шароитларини яратиш;

- давлат мулкани, айниқса тузилма ташкил этувчи йирик корхоналарни хусусийлаштириш, уларни акционерлаштириш орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, уларга кенг халқ оммасини жалб этишни кучайтириш орқали мулкий даромадлар олиш имкониятларини кенгайтириш;

- иқтисодий ўсиш суръатларининг юқориллашиб бориши билан боғлиқ равишда тақсимот муносабатлари тизимига энг кам истеъмол бюджетини киритиш. Бунинг учун дастлаб, истеъмол саватига кишилар истеъмолининг физиологик минимумини таъминлайдиган товар ва хизматларни киритиш асосида энг кам истеъмол бюджетини шакллантира бориш лозим. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришган сари истеъмол саватига киритиладиган товарлар миқдори ўсиб боради ҳамда унинг таркиби такомиллашиб, кенгайтирилиб боради. Натижада энг кам истеъмол бюджети жамият аъзолари учун муносиб турмуш шароитларини ва иш кучини такомиллаштириб боришга имкон берадиган даражагача ўстириб борилади;

- энг кам истеъмол бюджетининг ўсиб боришига мувофиқ равишда энг кам иш ҳақи миқдорини ҳам босқичма-босқич ўстириб бориш керак;

- ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш лозим. Унинг таянч иш ҳақи миқдорини энг кам истеъмол бюджетига асосан белгиланган энг кам иш ҳақи даражаси билан белгилаб, тариф разрядларини фарқловчи тариф коэффициентларини ошириш керак. Тариф коэффициентлари ўртасидаги фарқлар ишловчиларни ўз касб-малака даражаларини оширишга рағбатлантирадиган даражада катта бўлиши лозим;

- ижтимоий-маданий соҳа ишловчиларининг тариф разрядлари ва коэффициентларини юқори даражага кўтариш;

- иш ҳақининг, аҳоли даромадларининг ишлаб топилганлиги асосини яратиш учун давлат мулкчилик шаклларида қатъий назар барча хўжалик субъектлари учун иш ҳақини меҳнат унумдорлиги билан қатъий боғланишини таъминловчи нормативлар ишлаб чиқиш ва унинг амал қилишини назорат қилиш лозим;

- аҳоли даромадларининг ишлаб топилганлик асосини яратиш мақсадида уларнинг вужудга келиши манбаларига қараб солиқ ставкаларини табақалаштириш. Биз бу ўринда Т.Агапованинг оила аъзоларининг жорий меҳнат фаолияти натижасида олинадиган даромадларига пастроқ, савдо-тижорат даромадларига ўрча, мулкдан келадиган даромадларга юқори солиқ ставкалари белгиланиши керак деган таклифига қўшиламиз¹. Ага шундагина кишилар ўз фазовонлигини таъминлаш, маблағни топиш учун иш кучини сотиш ёки товар ва хизматлар ишлаб чиқишга йўналтирилган тадбиркорлик билан шуғулланиш йўлини эркин танлаш имкониятига эга бўладилар. Мулкни ижарага

¹ Агапов Т. Социальная защищенность населения: вопросы, поднятые реформой. //Российский экономический журнал. №12. 1992. С.63.

бериш, фақат фоиз, дивиденд ҳисобига яшаш, яъни рантёга айланиш мақбул бўлмай қолади. Бунинг учун даромадларни декларация қилиш тизими ҳам такомиллаштирилиши лозим бўлади. Оқибатда давлат сила даромадлари таркибининг меҳнат фаолияти натижаларига боғлиқ тузилишининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиш имконига эга бўлади;

- ҳозирги мавжуд жисмоний шахслар даромадига солиқ ставкаси кам иш ҳақи олувчи ишловчиларга катта юк бўлмоқда. Шунингдек, иш ҳақи саккиз энг кам иш ҳақи миқдоридан ошгандан сўнг энг юқори солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлайди. Бу эса солиққа тортиш базасининг анча тор олинганини кўрсатмоқда. Булар сслиқ юкламасининг ишловчиларни унумли, юқори самарали меҳнат қилишга ундамайди. Аксинча, бу ҳол иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд кишилар сонининг ўсиб боришига олиб келмоқда. Ваҳоланки, иқтисодий фанда аллақачон солиқ ставкаси ва юкламаси қанчалик прогрессив ва катта бўлса, шунчалик аҳоли қўлидаги даромадларнинг табақаланиши суст бўлади, аммо иқтисодиётнинг самарадорлиги шунчалик паст бўлади, деган қонуниятнинг мавжудлиги исботланган¹. Шунинг учун, бизнинг фикримизга кўра, солиққа тортиш базасида даромаднинг энг кам иш ҳақи миқдорига тенг солиққа тортилмайдиган базани қайта тиклаш ҳамда солиққа тортиш базасини кенгайтириш йўли билан унинг юкини камайишига эришмоқ керак;

- ишловчиларга ўз вақтида иш ҳақи тўламаслик уларнинг меҳнат фаоллигига жиддий салбий таъсир этади. Шу боисдан туманлар, шаҳарлар ва вилоят ҳокимликларида махсус комиссия тузиш лозим. Улар мулкчилик шаклларида қатъий назар барча ташкилот ва корхоналарда иш ҳақини ўз вақтида тўламасликнинг

¹ Толстая тетрадь. // Экономическая школа. Том. I. Вып. I. - М., 1991. С.171.

сабабларини ўрганиб, ушбу муаммони ҳал этиш чора-тадбирларини кўриши керак. Агар бу ҳолат корхонанинг банкротлиги билан боғлиқ бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни талабларини амалга ошириш керак бўлади. Шунингдек, бизнинг фикримизга кўра, кафолатланган иш ҳақи фондини вужудга келтириш ва олдиндан режалаштириш зарурати етди.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг муваффақияти инсон омилни фаоллаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инсон омилни фаоллаштириш учун эса иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали самарали ва оқилона иш билан бандликни вужудга келтириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг узлуксиз тизимини шакллантириш ҳамда аҳоли даромадлари шаклланишининг ишлаб топилганлик асосини яратиш ва уларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Инсон омилини фаоллаштиришнинг асосини яратиш учун иқтисодий д давлат тасарруфидан чиқаришнинг жаҳон тажрибасида қўлланилган усуларини, яъни бозорларни эркинлаштириш; акциядорлик давлат-хусусий корхоналари ташкил этилишини ва улар фаолияти соҳаларини кенгайтиришни рағбатлантириш; давлат корхоналарига ҳам, хусусий бизнес соҳасида мавжуд бўлган бошқариш ва инвестицияларни баҳолаш тамойилларини жорий этиш; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни узвий боғлиқликда амалга ошириш лозим.

Инсон омили фаоллигининг, шу жумладан, тадбиркорлик қобилиятининг намоён бўлиш шакли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; «маҳалла плюс завод» тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш; йирик савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан кичик бизнес субъектларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини, уларнинг франчайзинг тизимини шакллантириш; тадбиркорларнинг турли нодавлат уюшмалари билан биргаликда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан ишлаб чиқариш фаолиятларини юритишгача бўлган расмийлаштириш жараёнларини тартибга соладиган ягона тизимни вужудга келтириш лозим.

Ишлаб чиқариш, капитал концентрациялашуви ва марказлашуви тенденцияларига, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ихтиёрий равишда

хўжалик бирлашмалари, кооперативларга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш агросаноат фирмасига ёки бирлашмаларига бирикишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муҳит яратиш лозим.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини жамият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий мақсадларига асосланган ҳамда инсоний қадриятларга йўналтирилган самарали иш билан бандлиги моделини шакллантириш; бу бандлик модели асосида ишловчиларнинг ҳаракатчанлигини ҳамда билим, касб-малакасини ошириш орқали юқори даромадли ижтимоий страт (табақа)га ўтиши учун ижтимоий шароитни вужудга келтириш; ишчи кучи бозорида фаол сиёсат юритиш учун ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган бандлик ва кадрларни қайта тайёрлаш сиёсатини қўллаш; ишчи кучи билан иш ўринлари ўртасидаги мувофиқликни шакллантириш лозим.

Давлат томонидан ишчи кучи бозорига таъсир этишининг қуйидаги чора-тадбирлари қўлланиши лозим бўлади: а) ишловчиларнинг географик мобиллигини, миграциясини қўллаб-қувватлаш. Бунинг учун, устувор равишда ривожлантирилаётган ва ўзлаштирилаётган ҳудудларга кўчишни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; б) корхоналарда ва меҳнат биржалари қошида ишчи кучи бозори талабларига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлашни рағбатлантириш; в) ёшларни, айниқса, ногиронларни ҳамда ва жазо муддатини ўтаб қайтган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилинган ишларга жалб этиш, уларни касбий реабилитациядан ўтишларига имконият яратиш; г) ёшлар ва ишсизлик нафақасини олиш муддати тугаётган фуқароларга тегишли тайёргарликдан ўтгач, хусусий бизнес билан шуғулланишлари учун микрокредитлар ажратиш зарур.

Иш билан бандликка кўмаклашиш мақсадида маълум давр мобайнида янги иш жойларини яратган корхоналар

учун бандлик фондига маблағ ажратишда имтиёзлар бериш; мардикорлик ҳамда уй ишларидаги хизматчи аёл, ишчи кучини хорижга экспорт қилиш, аҳолининг ички ва ташқи миграция жараёнларини тартибга солиш тўғрисида қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш вақти етди.

Иш билан оқилона ва самарали бандликни вужудга келтириш мақсадида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш лозим. Бунинг учун, мукамал технологик жараённи ўз ичига оладиган маҳаллий ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини сифатли қайта ишлайдиган, тайёр ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тармоқ ва корхоналарни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, махсус дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; республикада ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартиришнинг бош дастурини ишлаб чиқиш; ҳар бир вилоятни, ҳудудни кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ресурс ва харажатларни тежайдиган, кўп меҳнат, ишчи кучи талаб қиладиган, илм талаб, замонавий тармоқларни ривожлантиришга устуворлик бериш; жадаллашган аморгизация сиёсатини, селектив, индикатив ўрта ва узоқ муддатли режалаштириш, прогнозлаштиришни қўллаш лозим бўлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган миқдорда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қуриш, умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, уларни молиялаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш; бунинг учун, хорижий инвестицияларни, ҳомийлик ва нодавлат фондларини, аҳоли, корхоналар, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондларни жалб қилиш; молиявий маблағ ва ўқув

жиҳозларидан унумли фойдаланиш мақсадида шаҳар, туманлар марказларида, аҳоли зич жойлашган катта қишлоқ ва посёлкаларда бир неча йўналишда кадрлар тайёрлаш бўйича таянч касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш; уларнинг лаборатория ва устахоналаридан умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун амалий машғулотлар ўтказишга, оммабоп ишчи касб-корларни ўрганишларига имкон яратиш; академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш сифатини ошириш, амалиёт билан боғлаш учун уларни олий ўқув юртлари, илмий - тадқиқот институтлари, марказлар ва йирик корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш; мазкур ўқув муассасаларини уларнинг базасида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиёт таркибий ўзгаришларининг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларига, ишчи кучи бозори талабларига мувофиқ табиий фанлар, муҳандис, техник касб-корлари бўйича кадрлар тайёрлашга устуворлик бериш; магистратурага талабалар қабул қилишни кескин кўлайитириш ва ўқитиш сифатини ошириш; таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитини яратиш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида нодавлат умумтаълим мактаблари, оммабоп ишчи касб-корлари тайёрловчи ўрта махсус таълим ўқув юртлари, ўқув курслари, бизнес мактабларини, ҳатто олий ўқув юртларини ташкил этиш учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий шароит яратиш зарур.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни ва меҳнат жараёнларини инсонийлаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади: иш жойларини, ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш, паспортизациялаштириш ҳамда оқилонлаштириш орқали инсон ҳаётига, саломатлигига хавф солувчи, экологик, эргономик, санитария-гигиена талабларига жавоб

бермайдиган оғир, қўл ва малакасиз меҳнатта асосланган иш ўринларини қисқартириш; корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, қайта техник жиҳозлаш, механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳамда улардаги меҳнат шароитларини яхшилашнинг умумдавлат, тармоқ ҳамда корхоналар миқёсларидаги дастурларни ишлаб чиқиш; уларни амалга ошираётган корхоналарга солиқ, кредит имтиёзларини кучайтириш ҳамда жадаллашган амортизация сиёсатини қўллаш; ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технология ва техника, ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражалари билан ишчи ва хизматчилар билим, касб-малака даражаларининг мувофиқлигини таъминлашга эътиборни кучайтириш; ишлаб чиқаришни бошқаришда инсоний муносабатларни ривожлантириш; корхонанинг иқтисодий-ижтимоий паспортини тузиш; корхона эгалари билан ишчи-ходимлар ва касаба уюшмалари ўртасида тузиладиган жамоавий меҳнат шартномалари аҳамиятини ошириш ҳамда уларда ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Яқин келажақда аҳолини рўйхатга олишни амалга ошириш орқали унинг ижтимоий-демографик, касб-малака, билим ва саводхонлик даражалари бўйича, иқтисодиёт секторлари, соҳа ва тармоқларидаги иш билан бандлик таркибини, ички ва ташқи миграция жараёнларини аниқлаш ҳамда улардаги ўзгаришларнинг истиқболдаги тенденцияларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, давлатга фаол демографик, иш билан бандлик, даромад, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган ижтимоий сиёсатини янада такомиллаштириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикасининг қонувлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Мулкчилик тўғрисида», 1990 йил 31 октябрь (1993 йил 7 май, 1994 йил 24 сентябрда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», 1991 йил 19 февраль.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида», 1995 йил 21 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, 1996 йил 21 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Табийий монополиялар тўғрисида» (Янги таҳрири), 1996 йил 19 август.
7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», 1996 йил 27 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 1997 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида», (Янги таҳрири). 2004 йил 26 август
10. Ўзбекистон Республикасининг қонунн «Дехқон хўжалиги тўғрисида», 1998 йил 30 апрель.
11. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», 1998 йил 30 апрель.
12. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» (янги таҳрири), 1998 йил 1 май.
13. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», 2000 йил 25 май.
14. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрири), 2003 йил 24 апрель.

15. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Хусусий корхона тўғрисида», 2003 йил 11 декабрь.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, 2002 йил 25 январь.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2003 йил 24 январь.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, 2003 йил 24 март.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2003 йил 22 декабрь.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2004 йил 11 март.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, 2004 йил 21 май.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2004 йил 7 июль.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 14 июнь.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 14 июнь.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 20 июнь.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори, 2005 йил 15 июнь.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2002 йил 19 март.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори, 2003 йил 17 апрель.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2003 йил 19 апрель.
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, 2003 йил 20 август.
31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2003 йил 26 август.
32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2004 йил 14 январь.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурузват йили» дастури тўғрисида»ги қарори, 2004 йил 27 январь.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 9 июль.

II. Илмий монографиялар, китоб ва рисолалар

35. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.:Ўзбекистон, 1993. 128- б.
36. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. –Т.:Ўзбекистон, 1993. 56- б.
37. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот: маъсулиятли босқич. –Т., “Ўзбекистон”, 1994. 44 б.
38. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1995. 269 б.
39. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., “Ўзбекистон”, 1997. 326 б.
40. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т., “Ўзбекистон”, 1999. 48 б.
41. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. –Т., “Ўзбекистон”, 2000. 112 б.
42. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. // Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясидаги маъруза. / Халқ сўзи, 2003 йил 28 апрель.
43. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маъруза. –Т., Ўзбекистон. 2005.
44. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.
45. Абдуганиев А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодийётида меҳнат бозори. –Т., Меҳнат, 1999. - 100-б.
46. Абдуганиев А., Толаметова З.Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. –Т., “Меҳнат”, 1998. - 100 б.
47. Абдурахмонов К.Х., Одегов Ю.Т. Управление трудовым потенциалом в условиях регулируемой рыночной экономики –Т., “Меҳнат”, 1991. –С.8-64.

48. Абдурахмонов К.Х., Шарифулина Т.А. Экономика и социология труда. Учебное пособие. –М., изд. “РЭА им. Г.В.Плеханова”, 2002. –264 с.
49. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т., “Меҳнат”, 2004.- 672 б.
50. Абулқосимов Х.П. Личный фактор в перестройке экономики. – Т., “Узбекистан”, 1990. –110 с.
51. Абулқосимов Х.П. Теоретические аспекты социальной политики в Республике Узбекистан в современных условиях. – Т., “Фан”, 1994. –26 С.
52. Абулқосимов Х.П. Личный фактор общественного производства в условиях перехода к рыночной экономике. –Т., “Таш. гос. техн. ун-та”, 1996. –170 с.
53. Абулқосимов Х.П. Проблемы формирования, функционирования и активизация личного фактора общественного производства в условиях перехода к экономики. –Т., “Университет”, 1999. –154 с.
54. Абулқосимов Х.П., Ҳасанов Р.Р., Фармонов И. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. – Т., “ТДТУ”, 2003. 68- б.
55. Абулқосимов Х.П. Шақлланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Т., “ТМИ” нашриёти. 2005. 225 б.
56. Активизация человеческого фактора и эффективность труда. / Богиня Д.П., Пивовар А.В., Шамота В.Н. и др., Отв.ред. Д.П.Богиня; АН УССР. Ин-т экономики. –Киев, Наука думка, 1990. –284 с.
57. Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей – Экономистов до Маркса. –М., “Политиздат”, 1971. –382 с.
58. Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. –Т., “Меҳнат”, 2002. 16-28; 78-99; 150-157; 171-184 б.
59. Аграр соҳада ислохотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. –Т., “Меҳнат”, 2003. 45-55; 81-116; 133-194; 211-260 -б.
60. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., “Шарк”, 1997.
61. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Олий ўқув юртлари магистрантлари учун дарслик. –Т., “Ўқитувчи”, 2000. 280 б.

62. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: курс лекции для студентов вуз. –М.: Юрайт, 1998. –С. 10-72; 216-238; 352-362.
63. Бузгалин А.В. Переходная экономика: курс лекций по политической экономии. –М., Таурус, Просперус, 1994. –472 с.
64. Бусыгин А.В. Предпринимательства: основной курс: учебник для вузов. –М., ИНФРА-М, 1997. –С.29-31.
65. Ваҳабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т. “Шарк”, 2003. 320 б.
66. Волков А.М. Шведская социально - экономическая модель. – М., Мысль, 1991. – 250 с.
67. Всемирная история экономической мысли. В 6 т. Т.1./ МГУ им. М.В. Ломоносова; Гл. редкол.: В.н. Черковец (гл. ред.) и др. – М., “Мысль”, 1987. –606 с.
68. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1996 г. –Т., 1997. –132 с.
69. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1997 г. –Т., 1998. –102 с.
70. Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика. // пер. с англ. -М., изд-во “МГУ”: ИНФРА-М, 1997. –784 с.
71. Гуломов С.С. Куч билим ва тафаккурда. - Т., УАЖБНТ маркази, 2002- 284 бетлар.
72. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т., “Шарк”, 2002.-353б.
73. Ильин А.И. Личный фактор общественного производства и проблемы его активизации. –Л., изд. Ленингр. ун-та, 1991. –184 с.
74. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 2000 йил. Т.: Ўзбекистон, 2001. 80- б.
75. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон 2005. Т., 2006. 116-б.
76. Иохин В.Я. Экономическая теория: введение в рынок и микроэкономический анализ: Учебник М., Инфра-М., 1997. – С.302-335.
77. Кейнс Дж.М. Избранные произведения (перевод с англ.) –М., Экономика, 1993. –540 с.
78. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. -М., Экономика, 1993. –306 с.
79. Коуз Р. Фирма, рынок и право. –М., “Республика”, 1993. –С 31-46.

80. Критский М.М. Человеческий капитал. –Л., Ленингр. ун-та, 1991. –120 с.
81. Курс экономической теории: учебник - 4-е доп. и пер. изд. - Киров:"АСА", 1999. –С.15-62; 191-248; 288-354; 539-610.
82. Кузнецова Н.П. Экономический рост: история и современность. Учебное пособие. СПб., Издательский дом Сентябрь, 2001. – 144 с.
83. Кузьмин А.С. Эффективная занятость населения. –М., "Экономика", 1990. –144 с.
84. Макконнелл Е.Р., Брю С.Л. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В.2т. Пер с англ. 11-го изд. Т.1-М., "Республика", 1992. Т.1. –С.36-132; 154-264; 338-396; Т.2. –С.200-320.
85. Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекиской СССР. –Т., "Узбекистан", 1989.
86. Максакова Л.П. Миграция и рынок труда в странах Средней Азии. –Т., Брейд-Стайл, 2002. –136 с.
87. Миграция рабочей силы Республики Узбекистан: проблемы и перспективы. Под ред. В.В.Чупика. –Т., 2003. –148 с.
88. Мухаметлатыпов Ф.У. Трудовой мобильность: концептуальное модель, реальные тенденции, проблемы управления. Уфа, Башк. изд.-во. 1990. –180 с.
89. Мэнькю Н.Г. Макроэкономика. Пер. с англ. М., изд. "МГЭ", 1994. –С.701-740.
90. Мысляева И.Н. Человеческий фактор: политэкономический аспект. –М., "Экономика", 1989. –142 с.
91. Никифорова А.Н. Рынок труда: занятость и безработица. –М., Международные отношения, 1991. –184 с.
92. Норт Д. Инстигуты, институциональные изменения и функционирование экономики. –М., "Дело ЛТД" , 1997. –С.31-46.
93. Обновление производственных отношений и активизация человеческого фактора. Под ред. А.Х.Хикматова. –Т., "Фан", 1992. –104 с.
94. Ойкен В. Основные принципы экономической политики. –М., 1995. –С.237-240; 325-332.
95. Панкратов А.С. Трудовой потенциал в системе управления производством. М., изд-во. МГУ, 1983. –213 с.
96. Пезенти А. Очерки политической экономии капитализма. В 2-х томах. Т.2 –М., Прогресс, 1976. –С.595-602; 644-658; 699-700.

97. Петти В. Трактат о налогах и сборах. /Антология экономической классики. Предисловие Столярова И.А. –М., Эконом «Ключ», 1995. –175 с.
98. Политэкономика (история экономических учений, экономическая теория, мировая экономика); Учебник для вузов. /Под ред. В.Д. Валового. –М. ЗАО «Бизнес-школа», «Интел-синтез», 2000. –С. 297-311.
99. Пуляев В.Т. Человеческий фактор в производстве. –Л., Изд. Ленингр. ун-та, 1987. –С.31-110.
100. Рахимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. Т., ТГТУ, 2000. –247 с.
101. Рынок труда и социальная политика в Центральной и Восточной Европе. Переходный период и дальнейшее развитие. Пер. с англ. –М., ЦКЦ «ДИС», 1997. –496 с.
102. Саймсон Г. Рациональность как процесс и продукт мышления. –М. THESIS, 1993. –С.11-23.
103. Севлякянц С.Г., Отто О.Э., Тешабоев Б.Т. Экономика - основа жизни общества. –Т.Шарк, 1998. –254 с.
104. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М., Соц. Эгиз, 1962. –С.330-335.
105. Социальные реформы в странах с переходной экономикой. Проблемы и опыт. Под. ред. С.В.Кадомцевой. –М., ИКЦ «ДиС», 1997. –224 с.
106. Становление рыночных структур и активность человека / Меж. вузовский сб. науч. трудов. / Калининград, Калинингр. унт. 1991. –128 с.
107. Стратегия занятости. Отв. ред. Л.С.Чижова. –М., Экономика, 1990. –208 с.
108. Толстая тетрадь. // Экономическая школа. Том.1. Вып.1. –М., 1991. –С.165-202.
109. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Иккинчи китоб. Олий ўқув юрглари талабалари учун қўлланма. – Т., Шарк, 2003. 416 б.
110. Узбекистан. Оценка уровня жизни населения. Экономическая и социальная политика, направленная на повышение уровня жизни населения (в двух томах). – Т., 2003

111. Ўзбекистан десяти лет по пути формирования рыночной экономики. //Колл. авт.: Р.А.Алимов и др. –Т., Ўзбекистон, 2001. –С.3-72.
112. Уильямсон О. Экономические институты капитализма. СПб. Лениздат, 1996. –С.80-98.
113. Умурзоков Б., Раҳимов М. Меҳнат муносабатлари ва менталитет. – Т.: Ўзбекистон, 2005.- 96 б.
114. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. со 2-го изд.-М., "Дело ЛТД", 1995. –С. 15-16; 119-141; 286-318; 358-473; 591-671.
115. Фридмен М. Если бы деньги заговорили. –М., 1998. –С.126-127.
116. ʼасанов Р.Р. Бозор даромадлари: мохияти, таркибий тузилиши ва табақаланиши. –Т., Тошкент Молия институти, 2004. 192 б.
117. Хайек Ф. Палубная самонадеянность. -М., "Дело ЛТД" , 1992. –С.102-128.
118. Хайек Ф. Дорога к рабству. –М., 1992. –С.65-80.
119. Хейне П. Экономический образ мышления. Пер с англ., -М., изд-во "Новати" при участии "Catallaxy", 1991. –С.430-458.
120. Худойбердиев З.Р. Бандлик (иктисодий ва сиёсий талкин). – Наманган. «Наманган», 2003. 104 б.
121. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия, 2002. Б. 34-53; 180-205; 215-227; 281-292; 302-323; 365-375.
122. Шумпетер И. Теория экономического развития. –М., Прогресс, 1985. –С.178-206.
123. Шербина В.Ф., Цветаев В.М. Экономические отношения: история и современность. -Л., Ленинградский университет, 1987. –С.165-190.
124. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / под. ред. В.В.Бузгалина. –М., МГУ, 1995. –С.164-257.
125. Экономическая теория. Учебник для студентов вуз. Колл. авт.: Абдурахмонов и др. Т., Шарк, 1999. –С.234-363; 284-315; 358-385; 386-407.
126. Экономическая теория. Учебник для студ. Вузов 8-с изд. Перераб. И доп. –М., Гуманитарное изд. Центр ВЛАДОС, 2003. –С.23-67; 214-260; 563-614.

127. Экономическая теория в XXI веке. Экономика постмодерна. Под. ред. Осипова Ю.М. Иншакова О.В., Зотовой Е.С. –Т., Экономист, 2004. –С.7-98; 587-623.
128. Экономика труда: социально-трудовые отношения// под.ред. Н.А.Волгина, Ю.Т.Одегова. –М., Экзамен, 2002. –С.30-180.
129. Эренбергер Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда: теория и государственная политика. (Пер. с англ.) Под. науч. ред. Р.П. Колосовой, Т.О.Разумовой, С.Ю. Рощина. М., МГУ, 1996. –С.20-65.
130. Ўзбекистон XXI асрга интилкада. –Т., “Ўзбекистон”, 2000. Б. 3-80; 176-198; 246-327.
131. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назарияси: Нонқисодий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Т., “Меҳнат”, 1995. 512 б.
132. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. –Т., “Ижод дунёси”, 2004. Б. 5-9; 34-42; 51-80; 142-149; 231-243.

III. Илмий мақолалар

133. Абулкасимов Х.П. Актуальные проблемы разгосударствления экономики. // Экономика и статистика. 1995. № 1-2.–С.8-10.
134. Абулкасимов Х.П. Разгосударствление экономики и формирование нового отношения к труду в Республике Узбекистан. // Транзитная экономика (Алматы, РК). 1998. №3.– С.40-43.
135. Абулкасимов Х.П. Иш билан бандлик муаммоси. // “Жамият ва бошқарув”. 2001. 1-сон. Б. 27-30.
136. Абулкасимов Х.П. Ёрдам наф келтирсин. // “Жамият ва бошқарув”. – 2002 - 3-сон. Б. 52-57.
137. Абулкасимов Х.П. Динамика занятости населения Республики Узбекистан. // Бозор, пул ва кредит. - 2003.- 4-сон. Б. 62-64.
138. Абулкасимов Х.П. Ижтимоий ҳимоя. // “Жамият ва бошқарув”. –2004. 3-сон. Б. 26-27.
139. Автономов В. Практика глазами теоретиков (феномен предпринимательства в экономической теории) // Предпринимательство в России. 1997.- №4. –С.5-11.

140. Агапова Т. Социальная защищенность населения: вопросы, поднятые реформой. // Российский экономический журнал. - 1992. №12. -С.57-67.
141. Аллахбердиева Л. Бозор ислохотлари шароитида ижтимоий ҳимоя тизими шаклланиши. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - 2001. 10-11-сон. Б. 32-33.
142. Алимхўжаев С. Давлат томонидан ишончли ижтимоий кафолатнинг таъминланиши. // Бозор, пул ва кредит- 2004- 1-сон. Б. 52-53.
143. Антосенков Е., Какин Ю. Реформа заработной платы: ожидания и реальность. // Экономист, - 1997. №4. -С.30-36.
144. Ахмедов Т.М. и др. Концептуальные основы формирования экспортно-ориентированной структуры экономики Республики Узбекистан на период до 2010 года. // Экономический вестник Узбекистана, -2000.- №2. -С.6-7.
145. Баратов Ф., Ахмедов Т. Пути повышения роли частного предпринимательство в экономике Узбекистана. // Экономический вестник Узбекистана.- 2004. №5-6. -С.26-28.
146. Вороновский Ю.В. Социально-экономическая характеристика незанятого населения./ Ўзбекистон Республикаси ва бозор иқтисодиёти муаммолари бўйича илмий-амалий анжуманнинг қисқача мазмунлар тўплами (1994 й. 11-12 май) -Т., ТошДТУ, 1994. 25-26 б.
147. Вороновский Ю.В., Кадыров Б.А. Вопросы трудоустройства молодежи и ее профессиональной подготовки. // Хўжалик юретишнинг янги шароитларида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммолари. /Мақолалар тўплами. - Т., ТашДТУ, 1996. 4-7 б.
148. Вороновский Ю.В., Похабова О. Обеспечение потребности экономики в специалистах среднего звена. // Бозор, пул ва кредит. - 2004 1-сон, Б. 54-55.
149. Гершафт. Оплата труда, занятость и социальная защита. //Российский экономический журнал. - 1992.- №3. -С.130-139.
150. ГКИ обсудил актуальные вопросы. // Бизнес вестник Востока. 4 декабря 2003г. -С.26.
151. Гонорская А. Теории и модели рынка труда. // Экономический вестник Узбекистана. - 2003. - №3. -С.34-38.
152. Деловая среда в Узбекистане. Мнение представителя МСТ. // “Бизнес-вестник”. 4 декабря 2003г. -С.8.

153. Дубянская Г. Как обманули бюджетников. // Труд, 18 мая 1995г.
154. Заславский И. К характеристике труда в современной России / очерк социально-трудовой политики // Вопросы экономики. - 1997.- №2. -С.76-91.
155. Иванов Ю. О показателях экономического благосостояния. //Вопросы экономики. - 2003.- №2. -С.93-102.
156. Индекс социального благосостояния: лидирует Узбекистан. // Экономический вестник Узбекистана. - 2004. - №5-6. -С.19-23.
157. Капелюшников Р. Механизм формирования заработной платы в российской промышленности. // Вопросы экономики. - 2004.- №4. -С.66-90.
158. Королев В. Феномен предпринимательства. //Российский - экономический журнал. -1992.- №4. -С.134-141.
159. Локтев В. Зарплата. Можно ли на нее хорошо жить? // Труд. 13 мая 1995 г.
160. Максакова Л., Каштаненкова И. Современная демографическая и миграционная ситуация в Узбекистане. //Экономический вестник Узбекистана. -2003.- №3. -С.6-7.
161. Сотволдиев А., Аъзамов С. Ўзбекистонда демографик ривожланиш ва аҳолини иш билан таъминлаш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -2003.- 3-сон. -Б 28-29.
162. Узоқов Н., Узоқов О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари - иқтисодиётнинг таянч омили. // Бозор, пул ва кредит. --2004.- 2-сон. - Б 39-41.
163. Хасанов Р. Даромад турларининг ўзаро алоқаси ва фарқланиши. // Бозор, пул ва кредит. -2003.- 11-сон.-Б. 37-38.
164. Шаюсупова Н. Демографические факторы формирования потоков трудовой миграции. // Бозор, пул ва кредит. - 2004.- 2-сон.-Б.46-47.

V.Статистик гушлам ва манбалар

165. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. - Т., "Ўзбекистон", 1991.
166. Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Т.1-2. - Т., 1993.

167. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги./ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1993. /Стат тўплам. -Т., "Меҳнат", 1995. 587 с.
168. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплам. -Т., 1997. 5-52 б.
169. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплам. -Т., 1998. 5-74 б.
170. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплам. -Т., 1999. 5-68 б.
171. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплам. -Т., 2000. 5-69 б.
172. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплам. -Т., 2001. 5-72 б.
173. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплам. -Т., 2002. 5-70 б.
174. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплам. -Т., 2003. 5-70 б.
175. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. -Т., 2004. 118 б.
176. Ўзбекистоннинг 2005 йил статистик ахборотномаси. - Т., 2006. 97б.
177. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 4-сон, апрель. СИСМ (самарали иқтисодий сиёсат маркази). -Т., 2004. 107 б.
178. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил 8-сон. СИСМ. - Т., 2005. 127 б.
179. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1997 г. -Т., 1998. 173 с.
180. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1998 г. -Т., 1999. 157 с.
181. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 г. -Т., 2000. 156 с.

182. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 г. –Т., 2001. 156 с.
183. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2001 г. –Т., 2002. 156 с.
184. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002 г. –Т., 2003. 196 с.
185. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2003 г. –Т., 2004. 190 с.
186. Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. 2003. Стат. сборник. Т., 2004. 200 с.
187. Статистический ежегодник регионов Узбекистана за 2002г. Стат. сборник. –Т., 2003. 3-96 с.
188. Приватизация и развитие класса собственников. Информационно-аналитический бюллетень за 2001г. –Т., 2002. 84 с.
189. Приватизация и развитие класса собственников. Информационно-аналитический бюллетень за 2002г. –Т., 2003. 76 с.
190. Приватизация и развитие класса собственников. Информационно-аналитический бюллетень за 2003г. –Т., 2004. 65 с.
191. Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров за 2002г. Стат. бюллетень. –Т., 2003. 156 с.
192. Основные показатели деятельности малых и средних предпринимательства, демография предприятий Республики Узбекистан за 2000г. Стат. бюллетень. –Т., 2001. 56 с.
193. Основные показатели деятельности малых и средних предпринимательства, демография предприятий Республики Узбекистан за 2002г. Стат. бюллетень. –Т., 2003. 56 с.
194. Социальный мониторинг 2003 г. Экономический рост и бедность. Внешний государственный долг. Аналитический материал. ЮНИСЕФ. С.105.
198. Статистический сборник Статкомитета СНГ за 2002г. –М., 2003. –С.20-372.

МДХнинг айрим мамлакатларида иктисодиёт тармоклари бўйича аҳоли ишбилан
бандлигининг даромадлилик коэффициенти¹ (2002 йил)

Мамлакатлар	Иш билан бандлик тармоқ таркиби %				Аҳоли иш билан бандлигининг тармоқ таркиби %				Аҳоли иш билан бандлигининг самарадорлик коэффициенти			
	Саноат	Қишлоқ урмон хўжалиги балиқчилик	қурилиш	Хизмат- лар	саноат	Қишлоқ урмон хўжалиги балиқчилик	қурилиш	Хизмат- лар	саноат	Қишлоқ урмон хўжалиги балиқчилик	қури- лиш	Хизмат- лар
Арманистон	22,2	27,2	11,7	38,9	13,4	44,7	3,3	38,6	1,65	0,61	3,5	1,01
Белорус	29,6	10,7	6,1	53,6	27,8	12,8	7,2	52,7	1,08	0,83	0,85	1,02
Молдова	20,7	24,8	3,4	51,1	11,0	51,0	2,9	35,1	1,88	0,48	1,17	1,45
Қозғоғистон	32,6	9,3	5,8	52,3	12,0	36,5	4,0	47,5	2,72	0,25	1,45	1,10
Қирғизистон	24,2	37,1	4,0	34,7	8,2	52,9	2,6	36,3	2,95	0,70	1,54	0,95
Озарбайжой	37,8	15,4	11,7	53,1	6,8	40,1	4,2	48,9	5,56	0,38	2,78	0,72
Россия	29,2	7,0	8,2	55,6	22,7	12,3	7,7	57,3	1,28	0,91	10,6	0,97
Тожикистон	24,9	29,1	4,5	41,5	6,7	65,6	1,8	25,9	3,71	0,44	2,5	1,60
Украина	34,4	16,4	4,0	45,2	18,8	23,6	3,8	53,8	1,83	0,69	1,05	0,84
Ўзбекистон	16,2	34,5	6,7	42,6	12,7	33,5	7,7	46,1	1,27	1,03	0,87	0,92

¹ Стат комитет СМГ за 2002 г. с. 30. 121 индикаторлари асосида. Муаллиф томонидан ҳисобланди ва тузилди.


Ўзбекистонда меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат этган ва ишга жойлаштирилган фуқароларнинг ижтимоий-демографик таркибидаги ўзгаришлар (яқунига нисбатан % ҳисобида)¹

Ижтимоий-демографик таркиби	Иш сўраб мурожаат этганлар таркиби, %				Ишга жойлаштирилганлар таркиби, %			
	1994й.	1997й.	2000й.	2003й.	1994й.	1997й.	2000й.	2003й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:								
1. Яшаш жойи бўйича:								
Шаҳар	37,9	34,0	28,8	26,5	38,5	36,3	28,2	24,9
Қишлоқ	62,1	66,0	71,2	73,5	61,5	63,7	71,8	75,1
2. Жинси бўйича:								
Аёллар	48,3	46,6	47,6	45,9	44,3	41,8	43,9	43,8
Эркаклар	51,7	53,4	52,4	54,1	55,7	58,2	56,1	56,2
3. Ёши бўйича:								
16-18 ёшгача	18,8	13,0	8,3	2,6	21,3	13,7	8,3	2,5
18-30 ёшгача	44,8	48,7	48,9	54,7	47,9	50,5	51,5	55,8
30-50 ёшгача	29,6	33,8	40,2	41,2	25,8	33,8	38,4	40,6
Пенсия олди ёшидоғилар	2,9	1,7	2,1	1,1	1,9	1,4	1,3	0,8
Пенсия ва ундан катта ёшда	3,9	0,8	0,5	0,4	3,1	0,6	0,5	0,3
4. Маълумоти бўйича:								
Олий	5,8	6,9	5,5	6,4	4,8	6,2	5,9	5,9
Урта махсус	17,2	18,2	18,7	26,6	15,9	16,9	19,2	29,8
Умумий ўрта	62,6	62,6	63,7	57,6	66,8	63,7	63,9	54,5
Тўлиқсиз ўрта	14,4	12,3	12,1	9,4	12,5	12,2	11,0	9,8
5. Касби гуруҳи бўйича:								
Ишчилар	43,8	41,8	47,4	42,9	45,6	46,1	48,2	43,3
Касбга ага бўлмаганлар	34,5	36,6	30,9	34,9	35,5	33,7	29,9	35,6
Мутахассис ва хизматчилар	31,9	21,6	21,7	22,2	18,9	20,2	21,0	21,1

¹ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва иқтисодиёт ижтимоий муҳофазаси вазирлиги. Ушбу Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида мухаллиф томондан ҳисобланди ва тузилди.

Ўзбекистонда илмий-техник ижодкорликнинг ривожланиши
кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1998й	1999й	2000й	2001й	2002й	Жами
Ихтиро учун берилган аризалар сони	955	965	968	1029	918	4835
Улардан миллий ихтирочиларники	757	775	759	803	715	3809
Рўйхатга олинган ихтиролар	680	667	476	485	515	2823
Улардан миллий ихтирочиларники	631	576	406	455	419	2487
Фондани моделлар учун берилган аризалар сони	17	15	20	11	53	116
Шундан рўйхатга олинган	12	16	20	10	23	81
Савоат намуналари учун берилган аризалар сони	242	186	208	199	143	980
Шундан миллий ихтирочиларники	233	181	203	193	141	951
Рўйхатга олинган савоат намуналари сони	185	221	139	152	99	796
Шундан миллий ихтирочиларники	185	212	134	150	91	765
Товар белгилари учун берилган аризалар сони	3911	3266	3299	3416	3144	17036
Шу жумладан: миллий процедура бўйича аризалар	1235	1113	1180	1178	1120	5826
Улардан: миллий буюртмачиларники	581	596	662	690	756	3285
ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси учун аризалар сони	79	115	102	123	130	549
Улардан: рўйхатга олинганлар сони	65	122	93	122	117	519
Селекция ютуқлари учун берилган аризалар сони	32	20	6	18	9	85
Улардан: рўйхатга олинганлари	12	11	9	4	11	47

Ийсон омилини фаоллаштириш ижтимоий-иқтисодий йуналишларининг концептуал тизими¹

4.2.1-илова

**Ўзбекистон иқтисодий тармоқлари бўйича кичик
тадбиркорлик корхоналари ва микрофирмалар
фаолиятининг айрим фойдалилик кўрсаткичлари
динамикаси (% ҳисобида¹)**

	Фойданинг товар ва хизматларни сотишдан тушган пул тушумидаги улуши, %		Фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати, %	
	2000й	2003й	2000й	2003й
Иқтисодий тармоқлари бўйича ўртача	18,2	19,3	23,1	24,8
Шу жумладан:				
Сан'ат	27,9	26,8	42,1	38,5
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	18,4	15,6	23,2	18,7
Транспорт	46,2	47,4	93,9	91,9
Алоқа	43,2	48,5	88,5	97,2
Қурилиш	20,0	20,1	27,3	27,1
Савдо ва умумовқатланиш	10,8	12,3	12,3	14,1
Моддий-техника таъминоти, сотиш, тайёрлаш	17,4	10,3	22,4	11,9
Ахборот-ҳисоблаш хизматлари	36,8	32,7	60,5	48,9
Қучмас мулк операциялари, бозор амал қилишини таъминлаш бўйича тижорат фаолияти	57,1	65,9	146,1	198,2
Уй-жой, коммунал хўжалиги	25,7	33,5	36,1	53,0
Аҳолига ишлаб чиқариш маддий хизмат кўрсатиш	27,3	26,9	38,7	37,8
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, социал таъминот	26,3	37,1	36,6	59,7
Халқ таълими	24,4	57,8	32,9	140,4
Маданият ва санъат	32,0	46,1	49,4	86,7
Фан ва фанга хизмат кўрсатиш	37,3	42,1	61,7	75,0
Молия, кредит, суғурталаш, пенсия таъминоти	30,4	50,5	44,1	102,3

¹ Основные показатели деятельности малых предприятий и микрофирм РУз за 2000 Стат. бюллетень. Т. 2001. С. 3-4; Там же за 2003 г. Т. 2004. С. 3-4 маълумотлари асосида муҳимроқ қисми ҳисобланган.

**Ўзбекистонда ишга жойлашганларнинг меҳнат
бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар сонидаги
улушнинг ўзгариши (% ҳисобида)¹**

Кўрсаткичлар	1994й.	1997й.	2000й.	2003й.
Жами иш қидириб мурожаат қилган фуқароларнинг ишга жойлаштирилиши даражаси Шу жумладан:	64,2	66,0	66,6	73,7
1. Яшаш жойи бўйича:				
Шаҳар	71,2	70,8	62,7	69,4
Қишлоқ	65,1	66,3	67,2	75,3
2. Жинси бўйича:				
Аёллар	58,6	59,3	61,5	70,3
Эркеклар	67,1	68,4	71,2	76,6
3. Ёши бўйича:				
16-18 ёшгача	70,8	69,6	67,2	72,7
18-30 ёшгача	66,6	68,5	69,9	75,2
30-50 ёшгача	56,9	62,7	63,7	72,6
Пенсия олди ёшидагилар	40,5	43,9	41,5	40,9
Пенсия ва ундан катта ёшда	51,7	55,0	64,7	59,4
4. Маълумоти бўйича:				
Олий	52,9	59,4	65,7	69,3
Ўрта махсус	59,3	61,4	68,3	62,7
Умумий ўрта	68,5	67,2	66,7	69,7
Тулиқсиз ўрта	55,8	70,6	63,4	76,3
5. Касбий гуруҳи бўйича:				
Ишчилар	67,1	72,8	67,7	74,4
Касбга эга бўлмаганлар	66,6	60,8	64,5	75,4
Мутахассис ва хизматчилар	54,9	61,8	67,1	70,0

¹ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва яқини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди ва тузилди.

5.3.1 - илова

2002 йилда баъзи МДХ давлатларида иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи (иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақига нисбатан %)¹

Тармоқлар	Арманис- тон	Бело- рус	Кирги- зистон	Россия	Тожи- кистон
Саноат	152,2	115	167,3	120,2	279,4
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик	69,9	60	49,7	39,1²	53
Қурилиш	169,4	125	136,3	116,5	232,1
Транспорт ва алоқа	183,2	116,5	160,3	137³	240,6
Савдо, умумовқатланиш, гаиёраҳо ва МТТ	75,8	82	85,9	66,1⁴	96,9
Кўчмас мулк билан операциялар, бозорин шакллантиришни таъминот бўйича умумий тиждорат фаолияти ва соҳалари		132,1	177	138,6⁶	89,3
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва иқтисодий таъминот	49,7	87	50,7	73,3	40,8
Халқ таълими	54,4	85,3	60,9	67,5	79,7
Маданият ва санъат	43,5	76,9	53,7	67	75,9
Кредитлаш ва сугурта	392,7	182,5	360	276,5	353,9
Давлат бошқаруви органлари	141,3	127,6	140,5	114,6	142,7
Фан ва фанга хизмат кўрсатиш	81	121,8	104,4	117,9	102,9

1 - январь-сентябрь

2 - қишлоқ хўжалиги

3 - транспорт

4 - савдо ва умумий овқатланиш

5 - январь-ноябрь

6 - умумий тиждорат фаолияти соҳалари

¹ Мағоза МДХ статистика қўмитаси маълумотлари

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИНСОН ОМИЛИ АМАЛ ҚИЛИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Умумижтимоий категория сифатида инсон омилининг иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари.....	6
1.2. Инсон омилининг амал қилиш шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.....	23
1.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инсон омилининг шаклланиши ва ҳаракати босқичлар.....	46
1.4. Ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши ва уйғунлашувининг ўзига хос хусусиятлари.....	63

II БОБ. АҲОЛИНИING ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИНСОН ОМИЛИ АМАЛ ҚИЛИШИНING ШАКЛИ СИФАТИДА

2.1. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг иш билан бандлигининг мазмуни ва шакллари	77
2.2. Ўзбекистонда аҳоли иш билан бандлигининг хусусиятлари ва тенденциялари	95
2.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишсизлик муаммолари.....	115

III БОБ. ИНСОН ОМИЛИНИING ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

3.1. Инсон омилининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришдаги ролининг ошиб бориши	144
3.2. Кишилар меҳнат фаоллиги – инсон омилининг ишлаб чиқаришда амал қилиш шакли	165
3.3. Ишловчилар ижодий меҳнат фаоллигининг аҳамияти	184

IV БОБ. ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕСНИING АҲАМИЯТИ ВА РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Инсон омилини фаоллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий асосларининг яратилиши.....	200
4.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятининг ошиб бориши.....	220

4.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари.....	235
--	-----

V БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

5.1. Аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш ва ишчи кучи бозорининг шаклланиши.....	253
---	-----

5.2. Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.....	272
--	-----

5.3. Аҳоли даромадларининг инсон омили фаоллигини рағбатлантирувчилик ролини ошириш.....	295
--	-----

ХУЛОСА	319
---------------------	------------

Фойдаланилган адабиётлар	324
---------------------------------------	------------

ИЛОВALAR

Хасан Пирназарович Абулқосимов

**Иқтисодийда инсон омилли: шаклланиши, амал қилиши ва
фаоллашуви**

**“Akademiya”
Тошкент – 2006**

Мухаррир М.Умирова

Мусаххих Г.Абдуллаева

Расом Р.Султонов

Техник муҳаррир Н.Қурбонова

Босилишга рухсат этилди 22.05.2006.
Буторлма 001. Адади 500. Босми табоғи 19,25.
“FAN VA TEXNOLOGIYALAR
MARKAZINING BOSMAXONASI”да чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171.

©«Akademiya» нашриёти
Тошкент—2006

